



*Nilufar ABDURAXMONOVA,*  
*O'zbekiston Milliy universiteti dotsenti,*  
*filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)*

#### O'ZBEK TILI ELEKTRON KORPUSINING LINGVISTIK VA DASTURIY TA'MINOTI

Annotatsiya

Ushbu maqolada korpus yaratish texnologiyasi, korpus metodlari hamda korpus lingvistikasi yo'nalishlarida olib borilgan izlanishlar tahlilga tortilgan. O'zbek tili elektron korpusini yaratishga doir olib borilgan ilmiy-nazariy tadqiqotlar tahlili, shuningdek, amaliy natija sifatida <http://uzbekcorpus.uz/> yaratilgan o'zbek tili elektron korpusining formal-funksional imkoniyatlari, lingvistik ma'lumotlar bazasi, korpus menejeri, interfeys imkoniyatlari haqida ma'lumotlar keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** o'zbek tili elektron korpusi, korpus menejeri, morfologik analiz, dasturiy ta'minot, lingvistik baza

#### LINGUISTIC DATABASE AND SOFTWARE OF UZBEK ELECTRONIC CORPUS

Annotation

This article analyzes research in the sphere of corpus creation technology, corpus methods, and corpus linguistics. It gives specific information about analysis of scientific and theoretical investigation on the creation of the electronic corpus of the Uzbek language, moreover, the formal-functional capabilities of the electronic corpus of the Uzbek language as created applied result <http://uzbekcorpus.uz/> linguistic database, corpus manager, and interface of the platform.

**Key words:** electronic corpus of the Uzbek language, corpus manager, morphological analysis, software, linguistic database

#### ЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ БАЗА ДАННЫХ И ПРОГРАММНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ УЗБЕКСКОГО ЭЛЕКТРОННОГО КОРПУСА

Аннотация

В статье анализируются исследования в области технологии создания корпусов, методов корпусов и корпусной лингвистики. Дается некоторая информация об анализе научно-теоретических исследований по созданию электронного корпуса узбекского языка, а также формально-функциональных возможностях электронного корпуса узбекского языка как прикладного результата <http://uzbekcorpus.uz/> лингвистическая база данных, менеджер корпуса и интерфейс платформы.

**Ключевые слова:** электронный корпус узбекского языка, менеджер корпуса, морфологический анализ, программное обеспечение, лингвистическая база данных.

**Kirish.** Dunyo tajribasida korpus yaratishning lingvistik, matematik va dasturiy tomonlari olimlar tomonidan tadqiqotlarda o'z ifodasini topgan. Chunonchi, rus va ingliz tillari bo'yicha korpus lingvistikasi turli sohalar kesimida V.Zaxarov, A.Sedov, V.Martin, S.Kubler, A.Laurens, E.Etwell, S.Hunston, L.Boizou, McKenneri, J.Grafmiller, J.Grieve, N.Grumbach, S. Hansson, K.McAuliff, M.Malberg, P.Milin, A.Murakami, R.Peych, A.Schembri, P.Tompson, B.Vinter, G.Lich kabi xorijiy olimlar tomonidan hamda Turkologiyada korpusshunoslik (korpus lingvistikasi) sohosi bo'yicha ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda. Turk tili korpusi bo'yicha Aksan, Deniz Zeyrek, Kemal Oflazer, Umut Özge Bular; uyg'ur tili bo'yicha Yusup Aibaidulla, Kim-Teng Lua; boshqird tili bo'yicha L.A.Buskunbaeva, Z.Sirazitdinov; hakas tili bo'yicha Sheymovich, tatar tili bo'yicha J.Suleymanov, A.Gatiatullin, O.Nevzorova, R.Gilmullin, B.Hakimov; qirimtatar tili bo'yicha L.Kubedinova hamda tuva tili bo'yicha Salchak kabi olimlarning ishlari diqqatga sazovor.

O'zbekistonda kompyuter lingvistikasining shakllanishida dastlab lingvostatistikaga oid ilmiy tadqiqot olib borgan N.Yoqubova, M.Ayimbetov, S.Rizayev, S.Muhamedov kabi olimlarning ishlari diqqatga sazovor [1, 2, 3,4]. S.Muhamedovning P.P.Piotrovskiy bilan hammualliflikda yozgan «Инженерная лингвистика и опыт системно – статистического исследования узбекских текстов» nomli kitobida lingvistik modellar, modellashtirish va uning tamoyillari, o'zbekcha matnlarning kvantativ tahlillari keltirilgan. Shuningdek, so'nggi o'n yillikda kompyuter lingvistikasi sohasida A.Po'latov, S.Muhamedova, A.Rahimov, Z.Xolmanova, N.Abduraxmonova, A.Norov kabi olimlarning

sohaga doir o'quv darslik va qo'llanmalari nashrdan chiqdi. Tilni kompyuter modellari, lingvistik ta'minotini yaratish, shuningdek, kompyuter metodlari yordamida lingvistik masalalarini yechishga yo'naltirilgan monografik tadqiqotlar olib borilgan [5, 6, 7, 8].

Korpus lingvistikasida erishilgan natijalar kompyuter lingvistikasi va tabiiy tilni qayta ishlash sohalar uchun ham til texnologiyasi borasida tub burilishlar yasadi. Bunda tabiiy tilning mashina tilini yaratish, til bo'yicha statistik ma'lumotga ega bo'lish, sun'iy intellektning til va nutq modellarini shakllantirish, mashina fondini yaratish kabi qator amaliy ishlar uchun tadqiqot obyekti bo'lib xizmat qiladi.

Korpus lingvistikasi korpus yaratish hamda korpus metodlaridan foydalanib, tilning nazariy va amaliy muammolarini o'rganishga doir ikki yo'nalishi asosida ish olib boradi. Mazkur sohada Respublikamizning bir qator oliy ta'lim muassasalari, shuningdek, ilmiy tadqiqot institutlarida ilmiy izlanishlar olib borilmoqda. O'zbek korpus lingvistikasi rivojlanishiga hissa qo'shayotgan olimlar sirasiga B.Mengliyev, Sh.Shahobiddinova, Z.Xolmanova, S.Karimov, L.Raupova, Sh.Hamroyeva, G.Toirova, J.Djumabayeva, G.Ergasheva, A.Eshmo'minovlarning tadqiqotlarini alohida qayd etish o'rinni.

**Adabiyotlar tahlili.** Ilmiy manbalarda korpus lingvistikasi tabiiy tilni qayta ishlash sohasining (NLP) bir yo'nalishi sifatida qayd etiladi [9]. Ayrim ma'lumotlarda esa kompyuter lingvistikasi yoki amaliy lingvistikaning muayyan yo'nalishi sifatida qaraladi. Jurafski, Martin (2008), Manning, Schütze (1999), Roark, Sproat (2007) kabi olimlarning nuqtayi nazaricha, matnlar korpusini annotatsiya qilish va uni

lingvistik tahlil qilishda kompyuter lingvistikasi o'zining optimal usullariga ega bo'lib, murakkab masalalarni yechishda muhim ahamiyat kasb etadi. Graeme Kennedining fikricha [10], garchi korpus lingvistikasi kompyuterlar rivojlanish davri bilan bir paytda mavjud bo'lmas-da, kompyuter xotirasi imkoniyatlarining kengayishi natijasida matnga asoslangan lingvistik tahlil muammolari o'z yechimini topdi. Turli maqsadlardan kelib chiqib korpus dizayni, hajmi hamda har bir korpusning individual xarakteri shakllantiriladi. Korpus kompyuter lingvistikasining mashina tarjimai, nutq sintezatori, matn tahlili, sentiment tahlil va boshqa yana bir qator yo'nalishlar uchun tadqiqot obyekti vazifasini bajaradi. Chunonchi, statistik mashina tarjimai texnologiyasida katta hajmdagi korpuslardan olingan ma'lumotlarga asoslanadi. Shu bois kompyuter lingvistikasida til va nutq bilan bog'liq hodisalar korpus texnologiyasi yordamida o'rganiladi.

Ko'pincha korpus yaratish uchun tayyor holda instrumentariy va platformalardan foyalaniladi. CLARIN platformasi umumiy til resurslari va texnologiyalari infrastrukturasi qo'llab-quvvatlaydi. Dunyo tillari bo'yicha korpus texnologiyasiga mo'ljallangan instrumentlar mazkur saytda <https://corpus-analysis.com/> joylashgan bo'lib, mazkur faslda AntGram, AntConc, AntWordProfiler, AntCorGen, BFSU Collocator, BFSU Sentence Collector, BNCWeb, LiC, FrameNet, WordSmith kabi korpus interfeyslari tayyor uskunalar sifatida korpus yaratish hamda matn bilan bog'liq tahlillarni amalga oshirishning funksional imkoniyatlari ochib berilgan.

Maxsus korpusdan foydalanishda dasturiy vositalar va lingvistik instrumentariyalar yaratilgan bo'lib, foydalanuvchilarning muayyan maqsadlari yoki tadqiqot yo'nalishiga ko'ra *AntConc* va *BootCat* ilovalarini qayd etish o'rinni.

Laurens Antoni tomonidan yaratilgan *AntConc* dasturi so'z va kalit so'zlar generatori, konkordanseri, *n-gram* hamda so'z birikmasi kabi korpus analiziga mo'ljallangan. *AntConc* ilovasi uch asosiy parametrdan iborat: korpus fayllari, tablar, qidiruv interfeysi va uning moslamasi. Korpus fayllari ikki xil imkoniyatga ega: fayllarni alohida ochish (*open files*) yoki bir vaqtning o'zida bir nechta papkalarga joylangan fayllarga murojaat qilish (*open directories*). Tablar panelida quyidagi uskunalar joylashgan: qidiralayotgan so'zning matn tarkibida kelish grafigi (*plot*), konkordanser (*concordance-KWIC kines*), so'zlar chastotasini (*frequency*) aniqlovchi parameter, kalit so'zlar (*key words*). Menyu bo'limidan foydalanilayotgan tilning yunikodini aniqlash, *n-gram* bo'yicha so'zlarning rangini tanlash, teglarning metama'lumotlarini berish tartibini o'zgartirish yoki umuman yashirish vazifasini bajaradi; tokenlar uchun maxsus funksiya kiritilgan bo'lib, harflar, raqamlar, tinish belgilar, simvollar, oraliq masofa kabi tokenlar guruhini belgilash imkoniyati mavjud. Shuningdek, *BootCat* instrumenti internetdagi ma'lumotlarni qisqa muddatda to'plash imkoniyatiga ega bo'lib, uning yordamida muayyan termin orqali sohvaviy terminologik bazani yaratish mumkin.

Sketch Engine platformasida ilk bor o'zbek tili uchun yaratilgan *Turkic web-uzbek* korpusi yaratilgan. Bundan tashqari WordSmith, BlackLab kabi dasturiy ilovalar yordamida korpus yaratish hamda matn korpusini avtomatik annotatsiyalash funksiyalariga ega WebLicht va CLARIN-D platformalarini web korpus yaratishda foydalanish mumkin.

**Tadqiqot metodologiyasi.** O'zbek tili korpus menejeri (korpus brauzeri yoki korpus qidiruv tizimi) korpusda ma'lumotni samarali qidirish imkonini beruvchi tizim yaratildi <http://uzbekcorpus.uz/>.


The screenshot shows the 'O'ZBEK TILI KORPUSI' website. The search results for the word 'maktaba' are displayed in a table format. The table has columns for the word form, its part of speech, and its meaning in Uzbek. The results are as follows:

Word Form	Part of Speech	Meaning
Sheif Ahmad <Ozbezi> majlusi 1999	nom	sheif so'zlarining qo'lyozmi. O'zining bo'limidan maktabga bolaklarini jo'natiladi. <a href="#">saxnatlari</a>
Sheif Ahmad <Ozbezi> majlusi 1999	bolshi	Biron joyda ishlab olinmay dera, kashotdek bo'lvira, muzkilib <a href="#">qilyani</a>
Sheif Ahmad <Ozbezi> majlusi 1999	kim qaraydi	Aka-ukalari, singillari <Opa, qo'y, ishlama, tirikchiligi bitirib bo'yimizda.
Sheif Ahmad <Ozbezi> majlusi 1999	she baxona	Kamining ham kuzi o'tadi, deya qabildan eyidan <a href="#">jinsini</a>


Korpus menejeri murakkab model bo'lib, tilning turli nutqiy shakllarini va so'zlarning birikuvchanlik xossalarini kontekst tarkibida statistik ko'rsatishga mo'ljallangan. Ushbu tizim foydalanuvchiga yaxlit gap strukturasi yoki muayyan vaziyatga xos atributlari lemma, teg bo'yicha yoki so'zlarning konkordansi va chastotasi kabi ma'lumotni berishga xizmat qiladi. Serverning korpus qidiruv tizimi korpus menejeri bo'lsa, foydalanuvchi uchun mo'ljallangan qismi korpus

interfeysi deb ataladi. Korpus menejerlari turlicha bo'lishi mumkin. Masalan, Britaniya milliy korpusi webga asoslangan interfeys, Manatee (orqa font qismi) va Bonito (web interfeys) birgalikda bepul ochiq resursli korpus boshqaruv tizimiga asoslangan Nosketch Engine, lingvistik uchun dasturiy ta'minot paketi WordSmith Toolsni misol sifatida keltirish mumkin.

### Ma'lumot bazasidagi leksikon



### Korpus matnlarining statistik ko'rsatkichi



**Tahlil va natijalar.** *Matnlar representativligi* matnlarning miqdor jihatdan yetarli ekanligi va janr jihatdan xilma-xilligi bilan belgilanadi. V.P.Zaxarov va S.Y.Bogdanovaning fikricha [11], korpusning janriy-mavzuviy tuzilishi korpus matni uchun qanday manbalar tanlashiga e'tibor qaratish lozim. Unga ko'ra, gazetalaridagi kichik reklama matni alohida matn sifatida qaraladimi yoki ularni bir matnga birlashtirish to'g'rimi? Gazeta maqolasi matn sanaladimi yoki gazetaning bitta sonini yaxlit matn sifatida olish to'g'rimi? Har bir she'r bitta matnmi yoki she'riy to'plamni yaxlit holda kiritish kerakmi? Bir-biriga javob tarzida yozilgan, mohiyatan bir mavzu muhokamasiga bag'ishlangan nashr etilgan maktablar bitta matnmi yoki alohida korpus birligi sifatida olinadimi? Korpus tuzuvchi muallif ushbu savollarga korpusning turi va keyinchalik bajaradigan vazifasidan kelib chiqib javob berishi lozim. Milliy korpus yoki maxsus korpus ekanligiga qarab korpus birligi belgilanadi. Olimlar korpusni loyihalashtirish jarayonining muhim jihati sifatida xronologiyani ham nazarda tutadilar. Masalan, tilning zamonaviy korpusi deganda tilning qaysi leksik qatlami tushuniladi? Ushbu holatda turli janrlarda korpusning xronologik chegarasi turlicha bo'lishi tabiiy. Korpusdan keng omma foydalanishi hamda xilma-xil vazifalarni bajarishga mo'ljallanishi mumkin.


O'zbek tili korpusining lingvistik va dasturiy ta'minoti matn korpusining lingvistik ma'lumotlarini boshqarish tizimini amaliy jihatdan yaratish va uning auditoriya talabiga ko'ra shakllantirildi. Korpus menejeri statistik ma'lumot olish va foydalanuvchiga qulay tarzda natijalar bilan ta'minlashga mo'ljallangan maxsus qidiruv tizimi hisoblanib, ko'pincha bunday tizimlar tayyor yechimlarga asoslangan bo'ladi. Bu

qidiruv so'rovlarini (ma'lumotlar namunalari) bajarish tezligi, tizimning moslashuvchanligi, kengaytirilishi va kengayishi bilan bog'liq muammolarni yechishga xizmat qiladi.

O'zbek tilining agglutinativligi va qo'shimchalar ketma-ketligi bo'yicha grammatik shakllarning hosil qilinishi so'zlarning morfem tarkibi bo'yicha tahlil qilish zaruriyatini yuzaga keltiradi. Shu bois korpus menejerida so'zlarning asosini aniqlashda o'zbek tilining so'z turkumlari bazasi zarur. Korpus analizi uchun 90 mingta so'zning so'z turkumlari bo'yicha asosiy so'z turkumlaridan tashqari *fe'lning vazifadosh shakllari: sifatdosh, harakat nomi va ravishdosh; nisbatlar: ortirma, majhul, birgalik* kabi turlarini ham muayyan darajada kodlash orqali ma'lumotlar bazasi guruhlar bo'yicha shakllantirildi. Ushbu guruhlar umumiy morfotaktik modellarni yaratishda asos o'rnida hamda so'zlarni qidirishda ushbu to'plamlarga kirgan guruh bo'yicha har bir so'z haqida ma'lumotlar olinadi.

Korpus tarkibida parallel korpuslar uchun quyidagi ma'lumotlar bazasi shakllantirildi:

- ikki tilli tarjima lug'ati: o'zbekcha-inglizcha, inglizcha-o'zbekcha, ruscha-o'zbekcha, o'zbekcha-ruscha;
- leksik ko'p ma'noli so'zlar bazasi;
- sintaktik jihatdan turli modellar tizimi;
- WordFast texnologiyasi yordamida tarjima xotirasi;
- tarjima konkordanslar mutanosibligi bazasi;
- terminologik birikmalar, frazeologizmlar va idiomalarning tarjimada berilishi



Agar morfologik analiz uchun matnda uchragan so'zning asosi va so'z turkumi ma'lumotlar bazasida mavjud bo'lmasa, quyidagi algoritim orqali masalani yechamiz.

Berilgan  $w$ -so'z,  $w = l \oplus \sum_{i=1}^n m_i$ ,  $l$ -lemma va

$m_i \in \{m_1, \dots, m_n\}$  (o'ngdan chapga morfemalarni ajratish orqali aniqlangan) morfemalar ketma-ketligidan iborat bo'lsin. U holda  $l$  lemma  $V$  – verbal guruh yoki  $N$ - nominal guruhga tegishligini aniqlovchi  $p$  argument qiymati quyidagicha aniqlanadi:

$$p = \begin{cases} 0, & \text{agar } n \geq 2 \text{ va } m_1 \in M_v, \\ 1, & \text{agar } n \geq 2 \text{ va } m_1 \in M_n. \end{cases}$$

Bunda  $M_v$  -verbal so'zlarga qo'shiluvchi

morfemalar to'plami,  $M_n$  - nominal so'zlarga qo'shiluvchi morfemalar to'plami. Agar  $p=0$  bo'lsa, u holda  $l$  lemma  $V$  guruhga, aks holda  $N$  guruhga tegishli bo'ladi, ya'ni  $l$  haqida qaror qabul qilish unga qo'shilgan morfemalar sonining kamida ikkita bo'lishi va qo'shilgan birinchi morfemaning qaysi guruhga tegishligiga bog'liq.

#### Xulosa va takliflar

O'zbek tili elektron korpusining kompyuter modellari bo'yicha olib borilgan ilmiy tadqiqotlar asosida quyidagi xulosalarga kelindi:

1. Korpus lingvistikasida nutqning barcha ifodalarini kuzatish, tahlil qilish, o'rganishning imkoniyati mavjud. Korpus matnlar majmui sifatida o'rganilayotgan obyekt va predmetning tizimli majmuasidir. NLP va kompyuter lingvistikasining asosiy raqamli resursi sifatida korpus til texnologiyasiga doir masalalarni yechishga ko'maklashadi.

2. Modellashtirishning informatsion, kompyuter, matematik, biologik, raqamli, mantiqiy, statistik, struktur, grafik kabi qator turlari mavjud. O'zbek tili elektron korpusining kompyuter modellari ikki xil yondashuvga asoslanadi: 1) korpus uchun yaratilgan tayyor lingvistik uskunalari va platformalar; 2) korpus taksonomiyasidan kelib chiqib, turli maqsadlarga mo'ljallangan kompyuter lingvistikasi metodlari orqali yaratilgan formal-funksional modellar.

3. Til korpusi davriy silsilaning mahsuli sifatida jamiyat laboratoriyasining o'rganish obyektini vazifasini bajaradi. Shu bois korpusni uzluksiz ravishda boyitib, yangilab borishda korpus konseptologiyasini modellashtirishning universallik, standartlashuv, reprezentativlik kabi mezonlariga asoslaniladi.

4. Elektron korpuslar lingvistik ma'lumotlarni tahlil qilishda zamonaviy kompyuter metodlari va lingvistik tadqiqotlarni umumlashtirish natijasidir.

5. Korpus texnologiyasi kompyuter lingvistikasining asosiy obyektini va predmetini sifatida matnlarni qayta ishlashda modeli vazifasini bajaradi. Elektron korpusning tizimlashtirilgan va ma'lum me'yorlarga asoslangan tasnifiy matnlari yordamida lisoniy qoliqlar, grammatik qoidalar, lug'atlarni yanada takomillashtirishga hissa qo'shadi. Tilning pragmatik va kognitiv tasviri aks etgan og'zaki va yozma matnlar majmuasi (korpus) ontologik bilimlar bazasi, semantik va neyro to'rlar va sun'iy intellekt texnologiyasi hamda lingvoprotsessor uchun tilning lisoniy modellari va nutqiy aktlarni o'rganishda katta rol o'ynaydi.

6. Matn yetarli miqdorda hajmga ega bo'lishi, turli tipdagi ma'lumotlarni o'zining tabiiy kontekstdagi shaklida korpusda ifodalanishi, tayyorlangan va yaratilgan ma'lumotlardan ko'p marotaba foydalanish imkoniyatining mavjudligi, korpus menejerining foydalanuvchilar uchun olingan natijalarni mos shaklda taqdim qilish, talabdan kelib chiqqan holda korpus funksiyalari imkoniyatlarini yaratish hamda beriladigan so'rovlar natijasida erishiladigan statistik ma'lumotlarni aks ettirish, saralangan va jamlangan matnlarni boshqarish va lingvistik ma'lumotlarni muayyan maqsadlar uchun foydalanishga yo'naltirish korpus yaxlitligini ta'minlaydi.

7. Lingvistik annotatsiyalangan korpuslar kompyuter lingvistikasi yo'nalishlari uchun (mashina tarjimasini, nutq sintezatori, sentiment analiz, spell-checker kabilar) obyekt vazifasini bajaradi.

8. Korpusning qidiruv tizimi (menejeri) foydalanuvchilar hamda KL mutaxassislari uchun foydalanish imkoniyatlari bir-biridan farqlanadi. Har ikki subyekt uchun matn xatolarini bartaraf etishda Jaro Vinkler algoritmi va FST texnologiyasidan foydalanish inson resursi sarflaydigan vaqt va mehnatni tejash hamda o'zbek tilining grammatik fondini yaratishda vosita bo'lib xizmat qiladi.

## ADABIYOTLAR

1. Ризаев С. Ўзбек тилининг лингвостатистик тадқиқи: Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 50 б.;
2. Мухамедов С.А. Статистический анализ лексико- морфологической структуры узбекских газетных текстов: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1980. –25 с.;
3. Бектаев К.Б, Пиотровский Р.Г. Математическая лингвистика. – М.: Высшая школа, 1997. – 420 с.;
4. Айымбетов М.К. Проблемы и методы квантитативно-типологического измерения близости тюркских языков (на материалах каракалпакского, казахского и узбекского языков): Автореф.дисс. ...д-ра филол. наук. – Ташкент, 1997. – 47 с.
5. Пўлатов А. Компьютер лингвистикаси. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – 175 б.; Норов А. Компьютер лингвистикаси асослари. – Қарши, 2017. – 136 б.;
6. Муҳаммедова С. Ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъмин яратиш. Методик қўлланма. –Тошкент, 2006.;
7. Холманова З.Компьютер лингвистикаси (ўқув қўлланма) Тошкент, 2019;
8. Abdurahmonova N.Z. Komp'yuter lingvistikasi (darslik). Toshkent: Nodirabegim, 2021. 398 b.
9. Mohamed Zakaria Kurdi. Natural Language Processing and Computational Linguistics: Speech, Morphology and Syntax. – Great Britain, USA: Wiley-ISTE 2016. –P. 12.
10. Graeme Kennedy An introduction to corpus linguistics London: Longman, 1998. – P. 2
11. Захаров В.П., Азарова И.В. и др. Моделирование в корпусной лингвистике: Специализированные корпуса русского языка, ИЗДАТЕЛЬСТВО САНКТ-ПЕТЕРБУРГСКОГО университета, 2019. – С. 16.



*Дилдора АЛИҚУЛОВА,*  
Қариш давлат университети ўқитувчиси  
e-mail: [aliqulovadildora92@gmail.com](mailto:aliqulovadildora92@gmail.com)

ЎзМУ профессори, ф.ф.д. А.Маматов тақризи асосида

### ФРАЗЕОЛОГИК МАЪНОНИНГ ЭМОТИВ КОМПОНЕНТИ

Аннотация

Мақолада фразеологик маъно, коннотатив компонент ва эмотив компонентларнинг назарий ва амалий жиҳатлари соҳанинг етук олимлари фикрларига қиёсан ўрганилган. Эмотив компонентларнинг турли сўз туркумларида, сифатлар, отлар ва субстантив метафораларда ифодаланиш турларини, эмотив компонентларнинг когнитив механизмларини тадқиқ қилинган ва назарий хулосаларга келинган.

**Калит сўзлар:** Фразеологик маъно, коннотатив компонент, денотатив компонент, эмотив компонент, образлилик компоненти, баҳоловчи маъно, экспрессив маъно.

### ЭМОЦИОНАЛЬНЫЙ КОМПОНЕНТ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКОГО СМЫСЛА

Аннотация

В статье исследуются теоретические и практические аспекты фразеологического значения, коннотативного компонента и эмотивных компонентов в сравнении со взглядами ведущих ученых данной области. Изучены типы выражения эмотивных компонентов в различных словесных группах: например, в прилагательных, существительных и содержательных метафорах, а также когнитивные механизмы эмотивных компонентов и сделаны теоретические выводы.

**Ключевые слова:** Фразеологическое значение, коннотативный компонент, денотативный компонент, эмоциональный компонент, образный компонент, оценочное значение, выразительное значение.

### EMOTIVE COMPONENT OF PHRASEOLOGICAL SONG

Annotation

The article explores the theoretical and practical aspects of phraseological meaning, connotative components and emotive components in comparison with the views of leading scholars in the field. The types of expression of emotive components in different word groups, adjectives, nouns and substantive metaphors, the cognitive mechanisms of emotive components have been studied and theoretical conclusions have been drawn.

**Key words:** Phraseological meaning, connotative component, denotative component, emotional component, figurative component, evaluative meaning, expressive meaning.

**Кириш.** Оламини, атроф мухитни билиш жараёнида инсон реал борлиққа, воқеа ҳодисаларга баҳолаш нуктаи назардан ёндашиб, муносабат билдиради. Айнан шу сабабли лисоний бирликларнинг коннотатив функциялари файласуф, рухшунос ва тилшунос олимларнинг доимий диққат-эътиборини тортиб келган.

Айни пайтда замонавий тилшунослигида фразеологик бирликларнинг коннотатив компонентлари талқинига турлича ёндашувларни, фикрлар хилма-хиллигини кузатамиз. Фразеологик бирликнинг семантик маъноси, коннотатив компонент тушунчаси, уларнинг тил системасидаги ўрни, лексик, стилистик хусусиятлари француз ва ўзбек тиллари мисолида бир мунча кам тадқиқ қилинган соҳа ҳисобланади.

#### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review)

Эмоциялар сўз маъноси структурасидаги эмотивлик компонентини ташкил қилади. М.С.Ретунскаянинг фикрича, эмотивлик нафақат сўзловчининг субъектга нисбатан эмоционал баҳоловчи муносабатини, балки, тингловчига эмоционал таъсир ўтказиш учун ҳам хизмат қилади. М.С.Ретунскаянинг асосли фикрича эмотив баҳоловчи бирлик ўз маъносида объектга ёки ҳодисага нисбатан билдирилган эмоционал ахборотни ҳам ўз ичига олади. Эмоционал баҳоловчи ахборот дейилганида инсон психикаси ва тасаввурида шаклланган атроф-мухитга нисбатан когнитив шаклланган ижобий ва салбий

муносабатлар йиғиндиси тушунилади [Ретунская, 1987:10].

Н.А.Луқьянованинг таъкидлашича, баҳолаш ва эмотивлик ўзаро бир бирларига боғлиқ компонентлардир [Луқьянова 1979:17]. Е. М. Вольф ҳам шу фикрга қўшилган ҳолда, эмотивлик баҳолаш билан интеграциялашганлигини, чунки эмоция субъект томонидан баҳоловчи мақсадда муносабат билдиришига асосланганлигини таъкидлайди. «Субъектнинг объектни баҳоловчи муносабатларида яхши-ёмонлик категорияларини ажратиш мумкин. Бу компонентларни баҳоловчи ва эмотивлик компонентлари деб аташ мумкин» [Вольф, 1985:37]. Бундай фикр В.И.Шаховский тадқиқотларида инкор қилинади. Унинг фикрича, рационал баҳолашда нол эмотив компонент ҳам иштирок этади, бу эмотивлик ва баҳолаш ўртасидаги ўзаро боғлиқлигини мажбурий характерини бир томонлама эканлигини билдиради, эмотивлик ҳар доим баҳолашни талаб қилади, рационал баҳолаш эса ҳар доим ҳам эмотивлик билан боғлиқ эмас. Шундай қилиб, В.И.Шаховский эмотивлик ва баҳолашни сўз маъносидаги икки мустақил компонент ва бунда эмотивлик бошқарувчилик вазифасини бажаришини таъкидлайди. «Эмотив компонент ҳар доим баҳоловчи маънога эга, аммо сўз баҳоловчи маънога эга бўлса, у эмотив бўлиши шарт эмас» [Шаховский 1985:61].

В.Н.Телия ҳам сўз маъносининг коннотатив аспектдаги компонентнинг баҳоловчи компоненти этакчи эканлигини таъкидлаб, бошқа компонентлар

иккинчи даражали, деб ҳисоблайди: «Коннотация экспрессив элемент сифатида лексик бирлик семантикасидаги борликни баҳолаб идрок қилиш натижасидир [Телия 1986:7]. А.В.Селяев эса, сўз структурасидаги баҳолаш, интенсивлик, эмотивлик компонентларининг ўзаро боғлиқликларини аниқлашда миқдор сифат ўлчовлари ҳисобга олишни таклиф қилади ва жумлада баҳолаш эмотивликнинг сифат параметрини билдирса, интенсивлик миқдорий параметрини белгилайди, деб ҳисоблайди [Селяев 1995:15].

Биз бу борада В.И.Шаховскийнинг фикрига қўшилганимиз ҳолда сўз маъносининг коннотатив аспектидаги баҳоловчи ва эмотив компонентларни дифференциялаштирган ҳолда алоҳида компонентлар эканлигини тан оламиз. Фразеологизм семантикасида баҳоловчи маънонинг мавжудлиги унинг эмоционал-лигини билдирмайди, лекин ҳар қандай эмоционаллик субъектнинг нарса ва ҳодисаларга, вазиятларга баҳоловчи муносабатини ифодалаб келади. Демак, баҳолаш эмотивликнинг доимий элементи дейиш мумкин.

#### Тадқиқот методологияси (Research Methodology).

Инсон томонидан қандайдир объектни ёки ҳодисани баҳолаш кўпинча эмоционал кечинмаларга асосланади. Бироқ эмотивлик баҳолашнинг доимий элементи ҳисобланмайди. Шу нуқтаи назардан тилшунос олимлар «баҳолаш» ва «эмоция» тушунчаларининг бирлашиб кетганлигини таъкидлашади ва «эмотив», «эмоционал баҳолаш» атамаларининг пайдо бўлишига бир лексик бирликнинг турли нутқ вазиятларида фақат эмоцияни, ёки бир пайтнинг ўзида ҳам эмоцияни, ҳам баҳолашни ифодалаб келишини сабаб қилиб кўрсатишади.

Эмотив компонентлар метафоралар семантикасида ёққол кўзга ташланади. Метафораларда ижобий ва салбий эмоционал баҳолашнинг муқаррар мавжудлиги ҳар доим уларда эмотив компонент иштирок этишшигидан далолатдир. Метафора семантикасида нафақат баҳолашнинг образли ифодаланиши, балки ҳиссий-эмотив муносабатлар, масалан, нафрат, жирканиш, менсимаслик, назар-писанд қилмаслик, илтифотсизлик, бепарқлик ёки аксинча ҳурмат, эътибор, ҳайрат, шунингдек стилистик бўёқдорлик иштирок этади. Метафора семантикасида баҳолаш ва эмотивлик компонентларининг интеграциялашуви уни экспрессив воситага айлантиради.

Шундай қилиб, ҳозирги замон тадқиқотларида сўз маъносининг коннотатив компонентлари ҳақида гап юритилганда, **экспрессив, эмотив, баҳоловчи ва образли компонентлари** эътироф этилади. Бунда лексик бирликнинг эмотив компоненти субъектнинг бирор воқеа-ҳодисага нисбатан ҳис-ҳаяжонини, кечинмаларини ифодаласа, баҳоловчи компонент воқеа ҳодисаларга, объектга нисбатан ижобий, салбий, нейтрал муносабатларни, интенсивлик сўз ифодалайдиган маънонинг белгисини, ҳаракат даражасини, стилистик компонент эса, сўзнинг муайян бир мулоқот доирасида қўлланилиши эътироф этиб келинмоқда. **ЛЕ**

Тилшуносликка оид тадқиқотларда фразеологик бирлик семантик структурасида одатда икки микрокомпонент: **денотатив ва коннотатив** компонентлар мавжудлиги таъкидланади. **Денотатив** компонент тадқиқотларда сўзнинг мантикий предметлик маъноси, дея талқин қилинса, **коннотатив** компонент турли муаллифлар концепцияларида турлича талқин қилинади. Шу нуқтаи назардан коннотатив компонент структураси нималардан ташкил топганлиги, бу компонентнинг фразеологик бирликнинг семантик структурасидаги ўрнини аниқлаш, коннотация элементлари орасидаги ўзаро боғлиқ муносабатларни аниқлаш каби масалаларда олимлар томонидан билдирилган турлича қарашлар кузатилади.

Кўпчилик тадқиқотчилар томонидан фразеологик бирликдаги **коннотатив** семалар денотатив маънога қўшиладиган иккинчи даражали, факультатив, имплицит ифодаланган маънони англатади, деган фикрни илгари суришади. (Н.А. Лукьянова, И.В. Арнольд, И.А. Стернин, В.П. Берков, Э.М. Медникова ва б). Айни пайтда «лисоний бирлик семантикасидаги коннотатив компонент семантик структурадаги тенг ҳуқуқли компонентдир» деган қарашлар ҳам мавжуд. Бундай концепция тарафдорларининг фикрича (В.А. Булдаков, В.И. Шаховский), «биз нарса ва предметларни кўрамиз, тушунамиз ва шу жараённинг ўзидаёқ баҳолаймиз», шу нуқтаи назардан коннотатив компонентнинг факультатив, иккинчи даражали маъно эканлигини инкор қиламиз» [Булдаков 1982:34].

Назаримизда бу масала бир пайтлар Ш.Балли тадқиқотларида ўзининг аниқ ифодасини топган эди: «инсоннинг фикрлаш жараёни доимо мантикий идрок қилиш ва эмоционал идрок қилиш оралиғида тебраниб туради. Биз ё тушунамиз ёки ҳис қиламиз. Демак, бизнинг фикримиз кўпинча мантикий ғоя ва ҳиссийлардан ҳосил бўлади. Бу икки элемент турлича пропорцияларда бирлашиши ва улардан бири доимо устивор характерда бўлиши мумкин. Бундай устиворликни мантикий ёки эмоционал доминантлар деб аташ мумкин» [Балли 1969:71].

#### Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Коннотация фразеологик бирликнинг эмоционал аспектига доир лисоний категория бўлиб, гапирувчи шахснинг (муаллифнинг) предметга, нарса ва ҳодисаларга, суҳбатдош шахсига, суҳбат жараёнидаги вазиятга нисбатан субъектив муносабатини ифодаловчи лексик бирликларда ўз аксини топади. Лексик бирлик семантикасидаги бундай коннотация унга кўшимча эмоционал, баҳоловчи маъноларни бериб, сўзнинг, бирликнинг жумла ва контекстнинг стилистик бўёқдорлигини, эмоционал таъсирини оширишга хизмат қилади. Фразеологик бирлик семантикасидаги бундай локаллашмаган имплицит ифодаланган коннотация, шундай қилиб, семантик (тил белгисининг объектга муносабати) ва прагматик (субъектнинг объектга муносабатлари, уларни мақсадга, вазиятга кўра қўллаш) нуқтаи назардан тадқиқ қилиниши мумкин. Масалан, бирор шахарни тасвирлашда экспрессив характердаги **“une vue ravissant”** иборасидаги сифатнинг ишлатилиши, гапирувчи (муаллиф) томонидан нафақат шахарнинг гўзаллигини ифодалаш учун, балки ўзининг шахсий тасавури ҳақида тассуроти орқали тингловчини (суҳбатдошни) айнан ўзидаги эмоциялар билан таъсирлантиришни ҳам кўзда тутади. Бундан ташқари, сўз семантикасидаги бундай экспрессивлик сўзнинг ички шакли билан, морфонологик хусусиятлари билан ифодаланаяптики, бундай стилистик бўёқдорлик кўпинча аёлларнинг ҳиссий ва ташқи гўзаллигини, мафтун-корлигини ифодалашда ҳам ишлатилади, яъни «мафтункор» дейилганда, биринчи навбатда гўзал аёл киёфаси ҳақида тасаввур ҳосил бўлади. Бундай ассоциация (қиёслануви маъно) лисоний бирлик семантикасининг коннотатив компонентини ҳосил қилиб, маънога кўшимча экспрессивлик бағишлайди.

Турли тадқиқотчилар томонидан билдирилган турлича концепцияларни умумлаштирган ҳолда фразеологик бирлик семантикасидаги коннотатив компонентларнинг қўйидаги тарифи тан олинмоқда, дейиш мумкин: **экспрессивлик, эмотивлик, баҳолаш ва образлилик**. Қуйида фразеологик бирликлар орқали ифодаланадиган коннотатив бундай компонентларининг моҳияти ҳақида алоҳида тўхталамиз.

1. **Фразеологик маънонинг экспрессивлик компоненти** моҳиятига кўра энг мураккаб тавсифга эга ва турли тадқиқотларда турлича таърифланади. Фразеологик бирликнинг экспрессивлиги дейилганда, фикрнинг юқори даражадаги таъсир кучи, ифодавийлик эффектини берувчи барча воситалар тушунилади. Бундай экспрессивлик лексик воситалар системаси чегараларидан чиқиб кетиб, нутқ жараёнида қўлланиладиган юқори даражали ифодавийликни билдирувчи барча воситаларни ҳам ўз ичига олади.

Тор маънодаги экспрессивлик дейилганида лисоний бирлик семантикасида муайян меъёр ва даражаларни характерловчи компонентларнинг мавжудлиги тушунилади.

Н.А.Лукиянова «Экспрессивлик», «экспрессив» атамаларини коннотациянинг умумий ифодаси сифатида коннотатив лексиканинг ёки коннотативларнинг синоними қаторида ишлатади. Унинг фикрича «экспрессивлик компонентлари ёки унинг микро маънолари «эмоционал баҳолашда», «интенсивлик» ва «образлилик», экспрессив лексик бирлик маъносининг турли комбинацияларда ўз ифодасини топади [Лукиянова 1979:20-32].

2. **Эмотивлик фразеологик** коннотациянинг яна бир компоненти сифатида фикрнинг эмоционал ифодаланишига хизмат қилади ва кўп ҳолларда баҳоловчи характерга эга бўлади. Инсониятни ўраб турган барча нарсалар билиш объекти вази фасини бажаради ва улар одамларда у ёки бу муносабат билдиришга сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммасида инсоннинг когнитив онги ва эмоциялари иштирок этади. Инсон онги лисоний бирлик маъносини детонатив аспектда, ҳис-ҳаяжонларни эса коннотатив аспектда когнитив идрок қилади.

3. Фразеологик бирлик семантикасининг **баҳоловчи** компоненти унинг **эмоционал** компоненти билан органик боғлиқдир. Баҳоловчи компонентни эмоционал компонентга нисбатан бирламчи компонент деб аташ мумкин ва у ижтимоий характерга эга. Ўз навбатида эмоционал семалар ижтимоий воқеликни баҳолашда ижобий ва салбий муносабатларни ифодалайди ва коннотациянинг бу тури, прагматик ва социолингвистик тадқиқотларга асос бўлади.

4. Фразеологик бирлик семантикасининг **образлилик** компоненти кўпчилик олимлар томонидан эмоционаллик, баҳоловчи ва экспрессив компонентларга нисбатан факультатив компонент сифатида талқин қилинади. Дарҳақиқат, образлилик у ёки бу объектив ва субъектив характердаги реал воқеликни билдириб келмайди. Уни муайян бир ахборотни тингловчига (суҳбатдошга) эмоционал таъсир қилиш мақсадида етказишнинг ўзига хос воситаси сифатида талқин қилиш мумкин. Образлиликда нарса ва ҳодисалар ҳақида бизнинг тасаввуримизни жонлантирадиган яширин қиёслаш мавжуд. Айни пайтда фикрнинг образли ифодаланиши эмоционаллик билан чамбарчас боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, фразеологик бирликнинг лексик маъноси билан чегараланган коннотацияда асосий маънога нисбатан иккиламчи, коннотатив қўшимча маъно функцияга киришади ва ўзининг экспрессив функцияси туфайли луғатлар таркибидан жой олади.

Масалага доир назарий тадқиқотларда лисоний бирлик ва фразеологизмлардаги денотатив ва коннотатив семаларнинг турлича бўлишлиги ҳақида ҳам хилма хил фикрлар мавжуд. Масалан, Н.Ф.Алефиренко, Л.Г.Золотихларнинг фикрича, фразеологик бирлик семантик структурасида одатда коннотатив компонент устивор бўлади (Алефиренко, Золотых, 2000:167). Муаллифлар фразеологик бирлик таркибидаги прагматик потенциалнинг юқори бўлишлигини шу нуқтаи назардан

изохлашади. Бу борада В.М.Мокиенконинг фикрлари эътиборни тортади: «...фразеологизмларда номинативлик экспрессивлик билан қоришиб, унга тобеланиб келади. Тил белгисининг бу икки элементи фразеологизмларда синкретик (қоришиқ) бўлса, экспрессив бўлмаган лексикада улар алоҳида, дифференциялашган ҳолда бўлади [Мокиенко 1989:211].

Назаримизда фразеологик бирлик семантикасидаги у ёки бу макроэлементнинг устуворлиги масаласи лексик бирлик ва фразеологизмлар мисолида алоҳида, дифференциялаштирилган ҳолда ўрганилиши ижобий натижаларга олиб келади.

Фразеологик бирликнинг коннотатив компоненти тушунчасининг мураккаблиги шундаки, у ҳалигача у ўзининг аниқ изоҳини топмай келаяпти. Умумий тарзда коннотатив компонент гапирувчи шахснинг (субъектнинг) объектга муносабатини ифодалайди, дея таърифлаш мумкин. Тадқиқотчилар коннотация структурасида турли миқдордаги элементлар мавжудлигини тан олишади. Масалан, И.В.Арнольд, Н.Д.Арутюнова, В.А.Булдаков, А.В.Филипповларнинг тадқиқотларида коннотация **эмотив (эмоционал), баҳоловчи, экспрессив и стилистик** элементлар ташкил топиши таъкидланган. Бундай нуқтаи назар жуда кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилади. Кейинги давр тадқиқотларида эса коннотатив компонент структурасидан функционал-стилистик компонент чиқариб ташланмоқда. И.А.Стерниннинг фикрича, «Коннотациядаги стилистик элемент предметни характерламайди, нутқ акти содир бўлишидаги вазият (расмий, норасмий, оғзаки) ҳақида ҳеч қандай ахборотни ифодаламайди» [Стернин 1979:73].

Фразеологик бирлик структурасидан стилистик компонентни чиқариб ташлаган Н.А.Лукиянова ҳам коннотатив компонентлар **экспрессивлик, эмоционаллик (эмотивлик) ва баҳоловчи компонентлардан** ташкил топишини таъкидлайди. [Лукиянова 1979:20-32].

Айрим тадқиқотларда эмотивлик фразеологик бирликнинг систем маъносини ифодаламайди, у психологияга доир тушунчадир, деган фикрларни ҳам учратиш мумкин [Павлюк, 1984:8]. Масаланинг бундай қўйилиши фикримизча, асосли эмас. Чунки бундай ҳолда фразеологик бирлик ифодалайдиган маъно унинг иждокорига, инсонга боғлиқлиги, шунингдек эмоцияларнинг билишдаги, теварак-атрофга муносабат билдиришдаги роли инкор қилинган бўлади. Бугунги кунда кенг лисоний материаллар асосида лисоний материя нафақат тинимсиз ўзгариб турадиган объектив борлиқдаги олам образи ва маъноларини ифодалаши, айти пайтда истаклар, интилишлар, ҳис-ҳаяжонларни ҳам ифодалаши исботланган.

Шу нуқтаи назардан рус олими В.И.Шаховскийнинг позицияси қизиқарли туюлади. У лисоний бирликнинг коннотатив компоненти структурасини фақат эмотив компонент билан изоҳлайди, экспрессивлик ва баҳоловчи компонентларни эса денотация доирасида ўрганишни таклиф қилади. Айни пайтда эса, эмотивлик, экспрессивлик ва баҳоловчи компонентлар билан боғлиқ эканлигини ҳам инкор қилмаган ҳолда тилшуносликка эмотиология йўналишини киритиб, «эмосема» тушунчасини киритишни таклиф қилади [Шаховский 1983:25]. Биз олимнинг коннотациянинг эмотив элементи ҳақидаги фикрларига қўшилганимиз ҳолда экспрессив ва баҳоловчи компонентларни денотатив компонентлар, дея эътироф этишига қўшилмаймиз.

Шундай қилиб биз ҳам фразеологик бирликнинг коннотатив компоненти уч қисмли структурага эга, булар бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ бўлган: **экспрессив, эмотив ва баҳоловчи компонентлар** деган фикрга келдик.

Коннотатив компонентларининг ўзаро бир-бирликларига боғлиқлик ва бир-бирларини тақозо қилиши турли комбинациялардаги, масалан, **эмоционал-экспрессив, эмоционал баҳоловчи** каби атамаларни вужудга келишига сабаб бўлади.

Биз коннотация элементлари ўзаро бир-бирларига боғлиқ бўлсалар-да, айнан бир-бирларига ўхшамасликларини учун уларни алоҳида чегаралаш, белгилаш лозим деб ҳисоблаймиз. Илмий таҳлил шуни кўрсатдики, коннотациянинг экспрессивлик-эмотивлик ва эмотив-баҳолаш компонентлари орасидаги фарқларни аниқлаш анча мураккаб жараён.

Эмотивлик ва баҳолаш компонентлари орасидаги ўхшашлик ва фарқлар ҳақида гапирар эканмиз, эмоциялар орқали биз кимгадир, нимгадир муносабат билдиришимизни, ўз навбатида бундай муносабатларимиз баҳоловчи мезонга ҳам эга эканлигини унутмаслигимиз зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда, айрим олимлар эмоциялар ва баҳолаш ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган ягона тушунча деган хулосаларга келдилар. Масалан, Е.М.Вольф эмотивлик ва баҳолаш бир хил тушунча деб ҳисоблайди ва «эмотивлик»ни баҳолаш маъносида ишлатади. [Вольф, 1985:273-294].

Эмотивлик ва баҳолаш бир-бирларига боғлиқ, аммо бир хил тушунчани ифодаламайди [Белявская 2005:102] деган фикр, назаримизда анча асосли туюлади. Бу тушунчалар орасидаги фарқ мавжудлигини алоҳида эмотив лексик бирликларда баҳолаш маъноси бир хил даражада эмаслиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Бундай баҳоталаб масалалар экспрессивлик ва эмотивлик (аффективлик) тушунчалари ўртасидаги фарқни аниқлашда ҳам кузатилади. Ш.Балли, Ж.Вандриес, В.В.Виноградовлар тадқиқотларида бу икки тушунчанинг бир бирларига яқинлик тенденцияси сезилади. А.Е.Мосьяков (1971), Қ.Мусаев (1980)ларнинг позициялари ҳам шунга яқинрок.

В.М.Мокиенконинг таърифича, «ҳар қандай эмоционаллик экспрессивлик билан боғлиқ, аммо барча экспрессив воситалар эмоционалликка эга эмас» [Мокиенко, 1989:209].

Шундай қилиб, лисоний бирлик маъносининг эмоционал баҳоловчи ва экспрессив компонентлари тез-

тез бир бирига қўшилган ҳолда намоён бўлсалар-да, улар бир хил тушунчалар эмас.

Турли муаллифларнинг хилма хил концепцияларини умумлаштириб биз фразеологизмлар таркибидаги коннотациялар уч компонентдан иборатлигини эътироф қиламиз. Булар:

– эмотивлик, гапирувчи шахснинг объектга эмоционал муносабатини ифодаловчи компонент;

– баҳоловчи, гапирувчи шахснинг объектга нисбатан ижобий, салбий, нейтрал муносабатини ифодаловчи компонент;

– экспрессивлик, лексик бирлик маъносининг меъёрини, чегарасини, белгиларини ифодаловчи компонент.

Коннотатив компонент структурасида бир неча элементларнинг мавжудлиги уларнинг тузилиши, компонентлар орасидаги ўзаро муносабатлар, улардан қай бири иерархик жиҳатдан тобеловчи функцияни бажаришини ўрганишни талаб қилади.

В.А.Булдаков коннотацияни лисоний бирлик маъносидаги иерархик ташкил топган маъно қисмларининг бирлашмаси деб тарифлаб, доминант сифатида стилистик компонентни белгилайди [Булдаков, 1982:8-9]. Фикримизча, коннотация кўп даражали, синтез қилишни талаб қиладиган супер структура бўлиб, улардаги компонентлар иреархияси турлича жойлашади ва унинг энг юқори даражаси экспрессивлик, эмотивлик, баҳолаш компонентларидир.

#### **Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)**

Бундай ёндашув тил бирликларининг муайян гуруҳларини доминант компонентларига кўра (эмоционал, экспрессив, баҳоловчи) ажратиб ўрганиш имкониятини беради. Аммо бу ўринда бундай гуруҳларнинг микдори, чегаралари коннотатив компонентларнинг ўзаро боғлиқликлари ўзгарувчан бўлганлиги туфайли анча мураккаб характерга эга бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида келтирилган фактларнинг барчаси баҳоталаб характерда эканлиги лисоний коннотация ҳодисасини долзарб масалалардан бири эканлигини, уларнинг объектив ечимларини топиш учун масалани чуқур ўрганиш зарур эканлигини исботлайди.

#### **АДАБИЁТЛАР**

1. Алефиренко Н.Ф., Золотых Л.Г. Проблемы фразеологического значения и смысла (в аспекте межуровневого взаимодействия языковых единиц). Моногр. – Астрахань, 2000. – С. 167.
2. Балли Ш. Французская стилистика. – М., 1961. – С. 71
3. Белявская Е. Г. Концептуальные основания семантики языковых единиц (от лексикологии к фразеологии) – М., 2005. – Вестник МГЛУ; вып. 500. Сер. Лингвистика – С. 23.
4. Булдаков В.А. Стилистически сниженная фразеология и методы ее идентификации (на материале современного немецкого языка): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Калинин, 1982. 25 с.
5. Вольф, Е.М. Функциональная семантика оценки. –М.: Наука, 1985. -228 с
6. Лукьянова Н.А. О семантике и типах экспрессивных лексических единиц // Актуальные проблемы лексикологии и словообразования. – Новосибирск, 1979. Вып. 8. – С. 21.
7. Мокиенко В.М. Славянская фразеология. – М.: Высш. шк., 1989.
8. Павлюк О.И. Формирование эмоциональных компонентов мотивации учебной деятельности школьников: Автореф. дис. ... канд. психол. наук. – М., 1984. -28 с.
9. Ретунская М.С. Английская аксиологическая лексика: Монография. – Нижний Новгород, 1996. -272 с.
10. Ретунская М.С. Условия формирования оценочных номинаций в процессе коммуникации // Вестник Харьковского университета. – Харьков, 1987. -с. 37-41.
11. Селяев, А. В. Сопоставительный анализ лингвистических средств выражения положительных и отрицательных эмоций в британском и американском вариантах английского языка. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Новгород, 1995. – 16 с.
12. Стернин И.А. Проблемы анализа структуры значения слова. – Воронеж, 1979. – С. 107
13. Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М.: Наука, 1986. -143 с.
14. Шаховский В.И. Эмотивный компонент значения и методы его описания. – Волгоград, 1983. –С. 17



**Gavhar ANDANIYAZOVA,**  
TDYU qoshidagi akademik litsey o'qituvchisi  
E-mail: [gavharandaniyazova@gmail.com](mailto:gavharandaniyazova@gmail.com)

*O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti, O'zbek tili va adabiyoti kafedrasida professori, filologiya fanlari doktori M.M.Yo'ldoshev taqrizi asosida*

### BADIIY MATNNI SHAKLLANTIRUVCHI EKSPRESSIV SINTAKTIK KONSTRUKSIYALAR

(Sharof Boshbekov asarlari misolida)

Annotatsiya

Har bir ijodkor biror asar ustida ishlar, asarining o'qishli bo'lishini maqsad qilgan ekan, albatta, qahramonlar nutqining ta'sirchanligiga, individualligiga va uning ruhiyatini ochib berishiga e'tibor qaratadi. Qahramonlar nutqi esa asarning estetik ta'sirini kuchaytirish uchun tilning barcha grammatik vositalaridan ustalik bilan foydalanish, tanlash, shuningdek, yangidan yangi ifoda vositalari yaratish imkonini beradi. Sharof Boshbekov asarlarida ushbu lisoniy vositalardan biri bo'lgan –ellipsidan qahramonlar nutqining ta'sirchanligini, ravonligini, tabiiyligini ifodalash maqsadida mohirona foydalanilgan.

**Kalit so'zlar:** nutq, tafakkur, mohiyat, til, so'z, uslub, ellipsis, qahramon nutqi

### THE EXPRESSIVE SYNTACTIC CONSTRUCTIONS IN FORMING FICTIONAL TEXTS

Abstract

As every researcher works on a novel, aims to make his/her novel read by people, certainly tries to pay attention to making attractive the speech of its heroes and tries to describe his/her emotion. Speech of heroes gives the opportunity of using all grammar means of the language skillfully, choosing and creating newer and newer expressions in order to strengthen the esthetic impact. In the novels by Sharof Boshbekov one of the language means was skillfully utilized by ellipsis to express the fluency, influence and naturalistic speech of heroes.

**Key words:** Speech, thought, essence, language, words, ellipsis, hero's speech.

### ФОРМИРУЮЩИЕ ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ТЕКСТ ЭКСПРЕССИВНЫЕ СИНТАКТИЧЕСКИЕ КОНСТРУКЦИИ

Аннотация

Работая над произведением, каждое творческое лицо, ставит себе целью сделать своё творение читаемым, обязательно обращая внимание на выразительность, индивидуальность речи героев и раскрытие их духовного мира. Для усиления эстетического воздействия произведения на читателя в речи героев писатель мастерски использовал все грамматические средства языка, отбирая, а также создавая новые средства выразительности. В своих произведениях Шараф Башбеков умело применил такой языковой приём, как эллипсис, который придаёт высказываниям героев динамичность, естественность и художественную выразительность.

**Ключевые слова:** речь, мышление, сущность, язык, слово, стиль, эллипсис, речь героя.

**Kirish (Introduction).** Til birliklarining turli nutq ko'rinishlari va funksional, stilistik, lingvopoetik xususiyatlarini tadqiq etish bugungi kun tilshunosligi oldidagi muhim vazifalardandir. Ana shunday muammolardan biri til birliklarining badiiy matndagi lingvopoetik xususiyatlarini o'rganishdir. Badiiy matnda til birliklari turli vazifalarda ishtirok etadi. Til birliklarining eng muhim vazifasi esa estetik yoki keng ma'noda poetik vazifasi hisoblanadi. M.Yo'ldoshev "Badiiy matn va uning lingvopoetik tahlili asoslari" nomli o'quv qo'llanmasida shunday fikrni keltiradi [1]: "Tilshunoslikka oid zamonaviy adabiyotlarda tilning, asosan, to'rt-besh vazifasi qayd etiladi. Masalan, V.A.Avrora tilning kommunikativ (aloqa quroli, vositasi), ekspressiv (fikrlarni ifodalash), konstruktiv (fikrlarni shakllantirish), akkumulyativ (ijtimoiy tajriba va bilimlarni to'plash, saqlash) vazifalarini farqlash lozimligini ta'kidlaydi. [2]

Tilshunoslar haqli ravishda ta'kidlaganidek, badiiy matn tugal anglash, uning tarkibidagi murakkab tuzilishga ega bo'lgan qatlamlarni fahmlash uchun o'zbek tili grammatikasini yetarli darajada bilish kifoya qilmaydi [3]. Chunki "badiiy matnda ifodalangan asosiy g'oya-fikr-mazmuni tushunish shunchaki ish emas, balki ancha qiyin va murakkab ijodiy jarayondir. Badiiy asarda mutlaqo o'ziga xos, goh ochiq, goh yashirin, turli ishoralar, tagma'nolar bilan namoyon bo'ladigan mazmunning ma'nosini to'g'ri anglash

ma'naviy-madaniy, aqliy-hissiy va lisoniy-estetik faoliyat natijasida mumkin bo'ladi". [4]

Badiiy asar tili va yozuvchi uslubini o'rganishda, ko'pincha, leksik, frazeologik vositalar, badiiy tasvir vositalari, ijodkorning okkazonal so'z va iboralar yaratish kabi masalalari o'rganiladi-yu, ammo ularning fonetik va grammatik xususiyatlari e'tibordan chetda qoldiriladi. Lekin Sharof Boshbekov asarlari tahliliga jiddiy yondashilsa, ijodkorning tilning barcha sathlari uchun ham boy poetik material bera olishini kuzatishimiz mumkin. Umuman o'zbek tilshunosligi nuqtayi nazaridan olib qaralganda, badiiy matnda poetik aktuallashtirilgan sintaktik vositalarning asosiy qayd qilindirilgan iborat: sintaktik parallelizm, emotsional gap, ritorik so'roq gap, inversiya, ellipsis, parsellyatsiya, atov gaplar (segmetatsiya), gradatsiya, oksyumoron (g'ayrioddiy birikmalar), antiteza (sintaktik konstruksiyalar), farqlash, o'xshatish, sukut, korreksiya va boshqalar.[5]

Sintaktik ekspressivlikni yuzaga kelishida sintaktik gradatsiya, sintaktik sinonimiya, antiteza, sukut, inversiya, takror gaplar, ritorik so'roq gaplar, ellipsis kabi uslubiy shakllarga ko'p murojaat qilinadi. Ushbu maqolada sintaktik ekspressivlikni yuzaga keltiruvchi vositalardan biri bo'lgan ellipsis Sh.Boshbekov asarlari misolida ko'rib chiqildi.

**Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. (Literature review)** Barcha tillarda bo'lgani kabi o'zbek tilida ham sintaktik vositalar estetik ifoda imkoniyatlariga egadir.

Sintaktik vositalar badiiy matnda integrativ munosabatlarning yuzaga kelishida faol ishtirok etishi barobarida ayni munosabatlar fonida xilma-xil badiiy ma'no -mazmunlarni ham ifodalay oladi.

Bu ma'noda ularning badiiy matndagi estetik salmog'i leksik vositalarnikidan qolishmaydi. Ekspressivlikning namoyon bo'lish shakllarini teran tadqiq qilgan o'zbek tilshunosi A.Abdullayev "sintaktik gradatsiya, sintaktik sinonimiya, bog'lovchining maxsus qo'llanishi, antiteza, monolog, sukut, inversiya, takroriy gaplar, ritorik so'roq kabi uslubiy figuralar "fikrning o'ta ta'sirchan ifodalanishi" ga xizmat qilishini ta'kidlab o'tgan. Ayrim tadqiqotchilar ekspressiv sintaktik konstruksiyalarning rus tilida o'ziga xos sistema tashkil qilishini aytadilar va bu sistemaga quyidagi o'n uch turdagi hodisani kiritadilar:

1) ellipsis, 2) antiellipsis, 3) kesish, 4) leksik takror, 5) pasellyatsiya, 6) segmentatsiya, 7) antisipatsiya, 8) bog'lovchining ayrim turlari, 9) inversiya,

10) sintaktik paralellizm, 11) ritorik so'roq, 12) undov konstruksiyalar, 13) so'z birikmasi komponentini almashtirish kabi. Sintaktik ekspressivlikni yuzaga eltiruvchi vositalar ichida ellipsis hodisasi dialogik nutqda ko'p uchraydi, chunki dialog replikalaridagi kontstual bog'lanish bunga to'la imkon beradi.[6]

Ellipsis ekspressiv konstruksiyasi - yunoncha, elleipsis-tushish, tushirilish degan ma'noni izohlaydi. Ellipsis hodisasi nutqiy aloqa jarayonida gap bo'laklarining muayyan maqsad bilan tushirilishiga aytiladi. Bunday tushirilish tildagi lingvistik iqtisod - lisoniy tejankorlik tamoyili asosida amalga oshiriladi. Masalan: *Avaylaganing shu bo'lsa...uning zardali ovozi ham jonimga tegdi.* (Y.Akram) [7]

*Itimos to'xtang...Anavinga qarang! (Sh.Xolmirzayev)*

*-Nima qilardingiz shu sassiq bilan tortishib?* (S.Ahmad)

*-Topamiz-da,-dedim.Talantlar seni redaksiyanga emas, redaksiyam bo'lmasayam menga keladi.* (Sh.Xolmirzayev)

Turli asrlardan keltirilgan misollarning birinchi va ikkinchisida «narsa» so'zi, uchinchi va to'rtinchisida «odam»so'zi ellipsisga uchragan. Bu jonli nutq ychun tabiiy hol bo'lib, badiiy matnga ham xuddi shu-jonli nutqqa xos tabiiylikni ta'minlash maqsadi bilan olib kirilgan. Badiiy matndagi ellipsis tekshirilganda, qaysi gap bo'lagi ellipsisga uchraganligi va bundan qanday maqsad kuzatilganligi izohlanadi. Ellipsis hodisasini xalq og'zaki ijodi namunasi bo'lgan maqollarda ko'p uchramiz. So'zlarning tushirib qoldirilishi natijasida maqol janri tabiatiga xos ixchamlik va va ifodalalilik yuzaga keladi. *Yaxshi otga bir qamchi, yomon otga ming.*

Sharof Boshbekov asarlari tahlili jarayonida ham ellipsis hodisasiga bir qancha misollar ko'rishimiz mumkin. Masalan: Soli. *Keyin gazagiga rosa latifa eshitaman. Shunaqalarini bilishadiki!* Soli. *..Beshinchida boshlaganman.* Olim *...Da (ko'ngli to'lib) u men uchun nihoyatda ardoqli, o'rtoqlar. Uzoq yashashingni istayman, paleantropologiya cho'qqilarini zabt etishingni istayman!*

*Olim. ..Lekin baribir Rahmatulla -tilla!*[10]

Keltirilgan misollarning birinchisida "latifa" so'zi, ikkinchisida "sinf" so'zi, uchunchi-to'rtinchi so'zlarda "odam" so'zi ellipsisga uchragan.

Bu jonli nutq uchun tabiiy hol bo'lib, badiiy nutqqa ham xuddi shu - jonli nutqqa xos tabiiylikni ta'minlash maqsadida olib kirilgan. Badiiy matndagi ellipsis tekshirilganda, qaysi gap bo'lagi ellipsisga uchraganligi va bundan qanday maqsad kuzatilganligi izohlanadi. Ellipsis hodisasi ham boshqa sintaktik va stilistik hodisalar singari o'zining uzoq o'rganilish tarixiga ega. O'z-o'zidan ma'lumki, ellipsis hodisasi muhim stilistik hodisa sifatida keng jarayonni qamrab oladi.Ushbu hodisa tilshunos

K.F.Bekher tomonidan tadqiq etilgan misollarda faqat fe'l kesim tushirib qoldirilgan bo'lsa, biroq bu tadqiq bilan ellipsis hodisasi gap bo'laklaridan fe'l kesimdagina uchraydi degani emas. Sharof Boshbekov asarlari misolida barcha gap bo'laklari ellipsisga uchrashi holatlarini ko'rish mumkin. Masalan, shved olimi A.Norenning ta'kidlashicha , gap tarkibidagi bog'lovchilar, predloglar, hatto qo'shimchalarning tushirib qoldirilishi ham -bu o'z navbatida ellipsis hodisasidir. Germanshunos olim E. Vellender esa ellipsis hodisasining kelib chiqish tabiatiga ko'ra ikki guruhga:

To'liq ( ya'ni butunlay ma'no transformatsion xarakterga ega bo'lgan) va to'liq emas, ma'no to'liq ko'chirilagan) to'liq bo'lmagan elliptik birliklarga bo'lib o'rganilishini tavsiya etadi. Eng qizig'i shundaki, nima to'g'risida gap borayotganligi shu yerda mavjud bo'lgan kontekstual sharoitlar yordamida konkretlashtiladi. Demak konkret elliptik birliklarni to'liq va to'liq bo'lmagan guruhlarga ajratishda muhim omillardan biri bo'lib hisoblanadi [8].

#### Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology)

Ma'lumki, gapning hamma bo'laklari ellipsisga uchrashi mumkin. Ayniqsa dialogik nutqda ellipsis ko'p uchraydi, chunki dialog replikalaridagi kontekstual bog'lanish bunga to'la imkon beradi.[9] Bunday holatlarda ham turli emotsional holatlar alohida badiiy ta'kid oladi. Sh. Boshbekov asarlarida ham gapning turli bo'laklari ellipsis hodisasiga uchrashini kuzatamiz.

1.Kesim: Gapning markazi bo'lsa-da, ba'zan ellipsisga uchraydi:

*Misriyo. O'zingni nega ter bosyapti?*

*Soli. ..Shefim terlagani uchun -men sodiq odamman.*

Ushbu gapda terlayapman kesimi tushirib qoldirilgan, ya'ni gap "Shefim terlagani uchun terlayapman, chunki sodiq odamman" shaklida bo'lishi kerak.

*Munis. Bemalol o'tirishini buning, xavotir oladiyam demaydi!* Gapi aslida Bemalol o'tirishini qarang buning shaklida bo'lib, qarang kesimi tushirib qoldirilgan.

2.Ega: *Soli. ..Haligi, qishin -yozin remont qilinadigan sinf bor-ku... ilgari "b"lar o'qirdi.* Ushbu misolda "b"lar deganda "b"sinf o'quvchilari nazarda tutiladi.sinf o'quvchilari birikmasi esa gapda ega vazifasida kelgan.

Ko'pincha aniqlovchi+aniqlanmish tipidagi birikmada aniqlanmish, ya'ni ega tushib qoladi:

*Qo'chqor. ..E, odamning boshini qotirasan-a!*

*Magazinning oynasiga kiyim kiygazib qo'yadigan-ku bu!*

*Olim. Qani oramizda bironta ham qoloq bo'lmasin!*

*Olim. "Abba" bu, otam.*

*Pirmat. Labbay?*

*Olim. Shunaqa ansambl bor -"Abba!"[11]*

Yuqoridagi birinchi gapda "qo'g'irchoq, maniken" (kiyim kiygazib qo'yadigan qo'g'irchoq, maniken), ikkinchisida "odam" (qoloq odam), uchinchisida esa "Abba" ansambl aniqlanmishlari - egalari tushib qolgan. Badiiy asarda aniqlovchining tushib qolishiga nisbatan aniqlanmishning tushib qolishi ko'p uchraydi.

3.Aniqlovchi: *Erkak. Foydasi yo'q.* Ushbu gapda "bu ishingizning" ham qaratqich , ham sifatlovchi aniqlovchi tushib qolgan: Bu ishingizning foydasi yo'q tarzida bo'lishi kerak.

*Zulfiqor. Beshinchi sinfda o'qiydi-yu, saksonga kirgan cholning gapini qiladi!* Ushbu gapda esa cholning bo'lagiga nisbatan bitta birikmali aniqlovchi sifatida kelayotgan saksonga kirgan birikmasi tarkibidagi "yosh" so'zi tushib qolgan, ya'ni sakson yoshga kirib qolgan chol.

Yuqorida ta'kidlaganimizdek, badiiy asarda elliptik aniqlovchi kam uchraydi.

4.To'ldiruvchi: Gapning zaruriy bo'laklaridan bo'lgan to'ldiruvchining tushib qolishi nutqda ko'p uchraydi.

*Erkak. Iltimos, siz ham manavingizni ko'rinmaydi-ganroq joyga qo'ying, ko'rsam mening ham asabim qo'ziyapti!*

*Qo'chqor. ..E, ketsang ketaver! Onasi o'pmaganiga uylanmasam, men ham yurgan ekanman!*

*Nafisa. ..Hamma kambag'allarni yig'ib orolga olib kelibdi-da, o'tgan safargidek urug'lik, oziq- ovqat va ot-ulovlarni barchaga barobar bo'lib beribdi.*

Yuqoridagi gaplarda “narsangizni”, “qizga”, “odamlarni” to'ldiruvchilari elliptik shaklida ishlatiladi. Ba'zan turgun birikma bo'lgan iboralar (bu erda faqat shakliy xususiyatiga ko'ra) tarkibida to'ldiruvchi shaklida so'z ham ellipsisga uchraydi: *Husan (hansirab). O'zing tort, men oldin keldim!* Ya'ni aravangni tort iborasi.

5. Hol: *Soli. Nimasi sotqinlik buning! Bilib qo'ysin, qaysi ariqdan suv ichayotganini – tiliga erk beravermaydigan bo'ladi* gapida shunda payt holi tushib qolgan.

Ba'zan bitta so'z turli gap bo'laklari shaklida ellipsisga uchraydi:

*Husan. Keling, buva, mana, meniki issiq, hozir tandirdan chiqqan.Odil. Amaki, manavindan oling, sedanali, hidini qarang!* Bu o'rinda non so'zi ellipsisga uchragan bo'lib, birinchisida ega (mening nonim issiq), ikkinchisida non so'zi to'ldiruvchi (manavi nondan), keyingisida birikmali to'ldiruvchi parsellyatsiyaga uchrab, nonning – qaratqich aniqlovchisi tushib qolgan (nonning hidi), ya'ni ellipsisga uchragan.

Gapda nafaqat gap bo'laklari, balki ba'zi bog'lovchilar ham ellipsisga uchraganini ko'rishimiz mumkin:

*Uchqun. Anavi kuni-chi, Razzoqning- chi, ettita yong'og'ini yutib oldim. Keyin qaytarib berdim. Yig'ladi-da...*

*Misriyo.Biladi – amal qilmaydi, shaxsan.*

Yuqoridagi birinchi gapda chunki ergashtiruvchi bog'lovchi, ikkinchisida lekin teng bog'lovchisi tushib qolgan, ammo ularning o'rni gapning umumiy mazmunidan sezilib turibdi. Yuqorida barcha misollarda ellipsisga uchragan bo'laklar qahramonlar nutqidagi ta'sirchanlikni, tabiiylikni va asosiysi jonli nutqqa yaqinlashishini ta'minlagan.

**Xulosa va takliflar (Conclusion / Recommendations).** Ijodkor yuksak badiiy asar yaratish uchun turli sintaktik birliklardan foydalanishi tabiiy holdir. Shunday ekan ijodkorning mahorati badiiy tasvir vositalarini qay darajada ishlatishiga ham bog'liq bo'ladi.Yozuvchining badiiy til doirasida tabiiy til imkoniyatlaridan foydalangan holda o'zgacha bir ifodalarni yarata olishi badiiy tilga yangi tushuncha va me'yorlarning kirib kelishiga va shu tariqa badiiy tasvir vositalarining yuzaga kelishiga, tilning ifoda imkoniyatlari boyib borishiga erishiladi. Badiiy asarlarda, ayniqsa, dialogik nutqda ta'sirchanlik, ravonlik, tabiiylikni ifodalash maqsadida turli gap bo'laklari ellipsisi juda ko'p uchraydi. Bunday paytda yozuvchi o'zining ma'lum bir voqealar oqimida ishtirok etayotgan qahramonining qaysidir yashirin, individual xususiyatini ifodalashni ko'zda tutadi va qahramoni nutqini jonli nutqqa yaqinlashtiradi, yashirin ijodiy qirrasini namoyon qiladi. Sintaktik konstruksiyalar borasida bir qancha ilmiy -tahliliy ishlar amalga oshirilganiga qaramay, Sharof Boshbekov nutqidagi lisoniy vositalar tahlil etilganda adib nutqidagi stilistik imkoniyatlarning o'ziga xosligi, ko'lami kengligi yana-da ushbu strukturalar atroflicha tahlil qilinishi uchun asosiy manba bo'lib xizmat qilishi namoyon bo'lishi kuzatiladi.

#### ADABIYOTLAR

1. Yo'ldoshev M. Badiiy matn lingvopoetikasi. Monografiya. – Toshkent. “O'zbekiston” NMIU, 2019.
2. Аврорин В.А. Проблемы изучения функциональной стороны языка. – М., 1975.
3. Andaniyozova D. Onomastik birliklarning lingvopoetik tadqiqi. Monografiya. – Toshkent. Turonzamin ziyo, 2016.
4. Yuldashev M., Andaniyozova D. The aesthetic function of literary text // International scientific and current research conferences. “Science and innovation in the XXI century: current issues, discoveries and achievements - IP” Hawaii, USA. Conference Date: 17-06-2021. P.26-31. Doi - <https://doi.org/10.37547/iscre-intconf09>
5. Yo'ldoshev M. Badiiy matn va uning lingvopoetik tahlili asoslari. -Toshkent, Fan 2007.
6. Махмудов Н. Эллипсис в узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1978. – 20 с.
7. Yo'ldoshev M.,Q.Yadgarov .Badiiy matnning lisoniy tahlili. -Toshkent, Fan. 2007.
8. Begmatov M. Ellipsis hodisasi to'g'risida germanshunos olimlarning fikr – mulohazalari// Til va nutq system –sath talqinida. (ilmiy maqolalar to'plami) - Samarqand, 2005, 70-75.
9. A.Hojiyev.Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. -T: O'ME. 2002.
10. Boshbekov Sh. Temir xotini. (tragikomediya).vwww.ziyouz.com kutubxonasi
11. Boshbekov Sh. Eshik qoqqan kim bo'ldi? – T. 1989.



Zuxriddin AROLOV,  
Teacher Karshi State University  
Uzbekistan, Karshi  
g-mail: zuxabest@gmail.com

## ROLE OF SHORT HUMOROUS POEMS IN DIFFERENT CULTURAL BACKGROUNDS

Annotation

This article is about the role of short humorous poems in different cultural backgrounds. As well as, the main principles of teaching English through humorous poetry and both linguistic and literary aspects of poems reveal the characters that can help readers to distinguish their meanings in practice. In addition, by reading this article readers can explore new but easy ways of remembering and learning unknown words in English. In this article, it is proved that poetry is one of the best means and ways of learning language. This article consists of several examples of poetry in English so that it is clear to the readers and users to use in practice.

**Key words:** genre, satire, lyrics, ancient, humor, folklore.

## TURLI MADANIY MUHITDAGI QISQA HAJVIY SHE'RLARNING O'RNI

Annotatsiya

Ushbu maqola turli madaniy qatlamlarda qisqa hajmli hajviy she'rlarning o'rni haqida bo'lib, shu bilan bir qatorda ingliz tilini o'qitishning asosiy prinsiplarini va amaliyotda foydalanuvchilar she'rlarning ma'nodagi bir birlaridagi farqlarni tushunishga yordam beruvchi lingvistik va adabiy jihatlarni ochib beradi. Shuningdek, bu maqolani o'qish orqali o'quvchilar ingliz tilidagi notanish so'zlarni o'rganish va yodlashning yangi va oson yo'llarini kashf etishadi. Bu maqolada she'riyat til o'rganishning eng yaxshi vosita va yo'llaridan biri ekanligi o'z isbotini topgan. Bu maqola o'quvchi va foydalanuvchilarga amaliyotda foydalanish oson va tushunarli bo'lishligi uchun ingliz tilidagi bir nechta namunaviy she'rlardan iborat.

**Kalit so'zlar:** janr, satira, lirika, qadimiy, yumor, folklor.

## РОЛЬ КОРОТКИХ ЮМОРИСТИЧЕСКИХ СТИХОВ В РАЗНЫХ КУЛЬТУРНЫХ ТРАДИЦИЯХ

Аннотация

Эта статья о роли коротких юмористических стихотворений в различных культурных традициях. Кроме того, основные принципы обучения английскому языку с помощью юмористической поэзии, а также лингвистические и литературные аспекты стихотворений раскрывают персонажей, которые могут помочь читателям различать их значения на практике. Кроме того, читая эту статью, читатели могут изучить новые, но простые способы запоминания и изучения неизвестных слов на английском языке. В этой статье доказывается, что поэзия - одно из лучших средств и способов изучения языка. Эта статья состоит из нескольких примеров поэзии на английском языке, чтобы читатели и пользователи могли использовать ее на практике.

**Ключевые слова:** жанр, сатира, лирика, античный, юмор, фольклор.

**Literature review.** Everything has its origin and history. Nothing appeared spontaneously. Limericks and other kinds of genres whether in English or other literatures go back to folklore. Satire is a genre of literature and performing arts, usually fiction and less frequently in non-fiction, in which vices, follies, abuses and shortcomings are held up to ridicule, ideally with the intent of shaming individuals, corporations, government, or society itself into improvement. Although satire is usually meant to be humorous, its greater purpose is often constructive social criticism, using wit to draw attention to both particular and wider issues in society. A feature of satire is strong irony or sarcasm—»in satire, irony is militant», according to literary critic Northrup Frye but (*cited: The encyclopedia of world problems and human potentials by David Redles-1987*) parody, burlesque, exaggeration, juxtaposition, comparison, analogy, and double entendre are all frequently used in satirical speech and writing. This «militant» irony or sarcasm often professes to approve of (or

at least accept as natural) the very things the satirist wishes to question.

**Research Methodology** .Satire is found in many artistic forms of expression, including internet memes, literature, plays, commentary, music, film and television shows, and media such as lyrics. The word satire comes from the Latin word *satur* and the subsequent phrase *lanx satura*. *Satur* meant «full» but the juxtaposition with *lanx* shifted the meaning to «miscellany or medley»: the expression *lanx satura* literally means «a full dish of various kinds of fruits» (*Isaac Casaubon, 1976*).

**Analysis and results** The word *satura* as used by Quintilian (c 35-c100 AD) in his work "Institutio Oratoria" (95 C.E), however, was used to denote only Roman verse satire, a strict genre that imposed hexameter form, a narrower genre than what would be later intended as *satire*. Quintilian famously said that *satura*, that is a satire in hexameter verses, was a literary genre of wholly Roman origin (*satura tota nostra est*). He was aware of and commented on Greek satire,

but at the time did not label it as such, although today the origin of satire is considered to be Aristophane's Old Comedy.

The first critic to use the term «satire» in the modern broader sense was Apuleius (c124-c170 AD) in his work “the Golden Ass”. The word *satire* derives from *satira*, and its origin was not influenced by the Greek mythological figure of the *satyr*. In the 17th century, philologist Isaac Casaubon (*Prolegomena to the “Satires” of Persius, 1976*) was the first to dispute the etymology of satire from *satyr*, contrary to the belief up to that time. Laughter is not an essential component of satire: in fact there are types of satire that are not meant to be «funny» at all. Conversely, not all humour, even on such topics as politics, religion or art is necessarily «satirical», even when it uses the satirical tools of irony, parody, and burlesque. Even light-hearted satire has a serious «after-taste»: the organizers of the Ig Nobel Prize describe this as «first make people laugh, and then make them think» (*the 30<sup>th</sup> First Annual Ig Nobel Prize ceremony, 2020*). Satire and irony in some cases have been regarded as the most effective source to understand a society, the oldest form of social study. They provide the keenest insights into a group's collective psyche, reveal its deepest values and tastes, and the society's structures of power.

Some authors have regarded satire as superior to non-comic and non-artistic disciplines like history or anthropology. In a prominent example from ancient Greece, philosopher Plato (*cited: “Plato as Satirist”, 1937*), when asked by a friend for a book to understand Athenian society, referred him to the plays of Aristophanes. Historically, satire has satisfied the popular need to debunk and ridicule the leading figures in politics, economy, religion and other prominent realms of power. Satire confronts public discourse and the collective imaginary, playing as a public opinion counterweight to power (be it political, economic, religious, symbolic, or otherwise), by challenging leaders and authorities. For instance, it forces administrations to clarify, amend or establish their policies. Satire's job is to expose problems and contradictions, and it's not obligated to solve them. Karl Kraus (*The Last Days of Mankind, 1915*) set in the history of satire a prominent example of a satirist role as confronting public discourse.

Humour (*Commonwealth English*) or humor (*American English; see spelling differences*) is the tendency of experiences to provoke laughter and provide amusement. The term derives from the humoral medicine of the ancient Greeks, which taught that the balance of fluids in the human body, known as humours (Latin: *humor*, «body fluid»), controlled human health and emotion.

People of all ages and cultures respond to humour. Most people are able to experience humour—be amused, smile or laugh at something funny (such as a pun or joke)—and thus are considered to have a *sense of humour*. The hypothetical person lacking a sense of humour would likely find the behaviour inducing it to be inexplicable, strange, or even irrational.

Though ultimately decided by personal taste, the extent to which a person finds something humorous depends on a host of variables, including geographical location, culture, maturity, level

of education, intelligence and context. For example, young children may favour slapstick such as Punch and Judy puppet shows or the *Tom and Jerry* cartoons, whose physical nature makes it accessible to them. By contrast, more sophisticated forms of humour such as satire require an understanding of its social meaning and context, and thus tend to appeal to a more mature audience. Many theories exist about what humour is and what social function it serves. The prevailing types of theories attempting to account for the existence of humour include psychological theories, the vast majority of which consider humour-induced behaviour to be very healthy; spiritual theories, which may, for instance, consider humour to be a «gift from God»; and theories which consider humour to be an unexplainable mystery, very much like a mystical experience.

The benign-violation theory, endorsed by Peter McGraw (*What makes things funny?* 2014), attempts to explain humor's existence. The theory says ‘humor only occurs when something seems wrong, unsettling, or threatening, but simultaneously seems okay, acceptable or safe’. Humor can be used as a method to easily engage in social interaction by taking away that awkward, uncomfortable, or uneasy feeling of social interactions.

Others believe that the appropriate use of humor can facilitate social interactions.

In its turn, it is essential that to mention about Uzbek folklore of *hajv* (comedy) (*cited: Adabiyot terminlari, 2017*). It is used to criticize a person, a literary genre, a work created for the purpose of listing and blaming one's shortcomings. It was first widespread in Arabic poetry. False fabrications to insult the opponent in the *Xajvs* are considered as a common case, even using of the obscene words is also common, and there have been occasional instances of *Xajv* being insulted and slandered. Experts from X.'s satire as a difference they point to a specific person, that is, the aim of the comedian is not to artistically generalize and ideologically deny a particular situation in social life. But that's the idea, on the other hand, is also incorrect. Exactly, this is the *Xajv* genre.

It is characteristic of the first stages, and in the poetry of the later period it has the characteristics of satire, in particular, social orientation is directed to a specific person it creates a basis for the strengthening of subjectivity, that is, the author's attitude to that person becomes crucial. Therefore, in the ancient examples of the *Xajv* genre, especially, in Arabic poetry, the poet's personal interests often stand behind harsh criticism.

However, true poets are *Xajv* those who have always been in the public interest, criticized formation of positive qualities in the person being treated, to the people those who aim to turn a person into a beneficiary. For example, in the Arab poet Abul Fath al-Busti's work (*cited: Adabiyot terminlari, 2017*), the author expressed his view on *hajv* following: Mahmud Ghaznavi, who was the governor of Movarounnahr, like his father, he also exaggerated the oppression of the people. The people of the country dared to say, «Your father was like a stubborn donkey.» Another examples of that Samanid governors, who ruled the country in the 7<sup>th</sup> century, were not survived from the poets of Movarounnahr and from their *xajv*. The people in that period were the most criticals of the officials and it was noted that

they were not afraid of using abusive words. In Uzbek classical poetry they criticize kings or officials. Although the attitudes expressed are mixed, xajv genre developed from XVIII-century. It has been popular only since the turn of the century, which is due to the fact that the process of socialization began in our poetry from this very period. The second half of the XVIII century and in the early of the XIX century, one of the remarkable authors of hajv genre Mujrim Obid, in his work "Hasbi hol" (18<sup>th</sup> century), he used critical hajvs to criticize officials, periods and injustice. The one as in the xajv in Arabic poetry, the Uzbek Xajvs, a wet thematic object is taken. For example, Mukimi's «Hajvi Victorboy», «Hajvi Victor», «Vokeai Victor»; The Kamensky brothers, who are the traders of Russia, traded with a number of Uzbek traders in Kukon and by doing something morally wrong they fell in critical attitude of poets. Moreover, Munyi's «Dar mazammati Vektur», in this xajv Viktor Akhmatov, the manager of the office, was taken as an object. In his time, Mukimi was well-known as a poet. His collection published in 1910, entitled "Devoni Muqimiy maa hajviyyat". Besides, the poet in his works upper-level representatives and officials are strongly criticized, such as: "To'yi ikonbachcha", "Moskovchi boy ta'rifida", "Saylov", "Dar shikoyati Laxtin", "Voqelai ko'r Ashurboy hoji" (cited: *Adabiyot terminlari*, 2017).

The life of human society cannot be imagined without the humor, laughter and jokes. So comic genres have a long history in the folklore of any nation. These all works are based on describing the critical situations of the people of that period generally. One of the well-known poets Zavkiy in his work "Ahli rasta hajvi" (cited: *Adabiyot terminlari*, 2017) clearly described and showed the injustice of traders. Their occurrence is associated with the conflicts of humanity, tribes and nations, as well as with the formation of the oral tradition, which was one reason of their massive nature. Laughter is a mirror of history, culture, consciousness, traditions and customs of peoples, each of which always sought for a better life, and auxiliary power to the people became laughter.

Comic genres, bearing the immortal traditions of Uzbek people from ancient times exist, their formation and development, improvement and enrichment was carried out jointly with human society, which helped to reflect the actual events. In Uzbek oral folk art are the following comic genres, also preserved in the literary heritage, each of which has its own specifics:

1) 1) Latifa (from the Arabic «lutf» (345 - nice, thin: to do well, to respect) is a briefhumorous story, mainly in the form of a dialogue, one of the genres of folk satire, which contains a satirical episode. The character of the genre — witty resourceful person, defending truth and justice.

2) Askia (from the Arabic «Zaki» - resourceful, witty) – one types of Uzbek verbal folk art that is used during popular gatherings, festivals, holidays. This genre is playful dispute on a particular topic between two or more people, and is based on a language game. According to scientists, the first samples of Askia arose among the craftsmen who wanted to alleviate monotonous work (*Khalk ogzaki ijodi*). In 2014, the genre Askia was included in the list of the Committee for the safeguarding of the intangible cultural heritage of UNESCO.

3) Lof (from Arabic exaggeration) is one of the popular satirical genres, which

is a statement, not corresponding to reality with a highly exaggerated sense. The amount of «Lof» is limited to 3-4 sentences. During national gatherings turns into a competition between two wits. (*Quranov A*, 2017)

English humor is an important aspect of the national English character, and is an integral part of national identity. According to V. Ovchinnikov (cited: *Article Classification of comic texts of a small genre in the Uzbek and English linguoculture*, 2015), «English humor is something intimate, private, not intended for outsiders. It manifests itself in implicit allusions and humorous stories, addressed to a certain circle of people able to evaluate these omissions as blurry patches of light on familiar objects. That's why this humor at first, alien to alien. It cannot be experienced immediately or with the development of the language. It can only be filtered as part of the flavor of the country, and as the most subtle part of it».

English humor is considered to be aristocratic and slim, elegant and calm, because, according to the researchers, the English humor is based on a trait of the English mentality, as suppression of their emotions. Sense of humor is considered in England one of the main advantages of a person. In old English books about the etiquette says that a man without a sense of humor is far from perfect, so a sense of humor ought to be nurtured since childhood (*Ilyina*, cited: *Article Classification of comic texts of a small genre in the Uzbek and English linguoculture*, 2015).

English humor is mostly built on word play, pun, limerick and other lexical techniques. Often the innuendo, the urge to think, turn on your imagination. It should be noted that humorous discourse in English is not extensive, since «in the English-language communication more attention is paid to oral unprepared for the humor, and the comic saying formed much more difficult portion, as the communicant is aware that it is already told what to say, and how to successfully tell a joke in the course of communication».

Short humorous poems also have a great place in Russian literature. Chastushki have been very popular among the people for many years. Chastushki make use of a simple rhyming scheme to convey humorous or ironic content (*Gleb Uspensky*, 1971).

**Chastúshka** (Russian: частушка, pronounced [tɕɪs'tuʂkə], derived from «часто», meaning «frequently», or from «частить») is a traditional type of short Russian or Ukrainian humorous folk song with high beat frequency, that consists of one four-lined couplet, full of humor, satire or irony. Term «chastushki» was first used by Gleb Uspensky (*Russian folk rhymes*, 1971). He called chastooshkas as a ditty, a short simple songs to call a Russian late musical folk genres and it was new called term of Russian folk. Usually many chastushki are sung one after another. Chastushki make use of a simple rhyming scheme to convey humorous or ironic content. The singing and recitation of such rhymes were an important part of peasant popular culture both before and after the Bolshevik Revolution of 1917.

A chastushka (plural: chastushki) is a simple rhyming poem which would be characterized derisively in English as doggerel. The basic form is a simple four-line verse making use of an *ABAB*, *ABCB*, or *AABB* rhyme scheme.

Usually humorous, satirical, or ironic in nature, chastushki are often put to music as well, usually with balalaika or accordion accompaniment. To compare, limericks are also a type of funny verse. Poets use limericks as literary or poetic forms to convey and create funny and humorous images. The purpose of using this form is to replace everyday expression with unusual alternatives to express emotion and a particular mood by adding eccentricity and weirdness. The rigid, short structure (and, to a lesser degree, the type of humor used) parallels the poetic genre of limericks in British culture.

Sometimes several chastushki are delivered in sequence to form a song. After each chastushka, there is a full musical refrain without lyrics to give the listeners a chance to laugh without missing the next one. Originally chastushki were a form of folk entertainment, not intended to be performed on stage. Often they are sung in turns by a group of people. Sometimes they are used as a medium for a back-and-forth mocking contest. Improvisation is highly valued during chastushka singing.

Chastushki cover a very wide spectrum of topics, from lewd jokes to political satire, including such diverse themes as love songs and Communist propaganda. Following the 1917 Russian Revolution, chastushki varied considerably in content from region to region. In some areas hit particularly hard by the grain requisitioning of the Soviet regime during the Civil War, such as Riazan, peasant chastushki tended to be bitterly hostile. In other places, particularly those in close proximity to Moscow under Stalin's leadership, «Soviet chastushki» favorable to Stalin's Bolshevik government were sung and recited.

In the early 1920s chastushki were used by Young Communists in organized village gatherings as a form of anti-religious propaganda, subjecting the church and the rural clergy to ridicule using the traditional rural poetic form. Scholar Lynne Viola (*A Researcher's Guide to Sources of Soviet Social History in the 1930s*, 1990) provides one such example of an anti-religious Soviet rhyme, rendered here in literal English translation:

**All the pious are on a spree,**

**They see God is not at home.**

**He got drunk on homebrewed liquor,**

**And left to go abroad**

Here, the Russian language version;

**Все благочестивые веселятся,**

**Они видят, что Бога нет дома.**

**Напился самогонки,**

**И уехал за границу**

Given the difficult economic circumstances of the Soviet peasantry in the late 1920s and 1930s, chastushki overwhelmingly took an anti-government form, with the singing of anti-Soviet couplets a common practice at peasant festivals of the period. Following the assassination of Communist Party leader Sergei Kirov late in 1934, chastushki sprung up relating the killing to a recent decision to terminate bread rationing, including this literal translation of one example provided by scholar Sheila Fitzpatrick (*The Russian Revolution*, 2007):

**When Kirov was killed,  
They allowed free trade in bread.**

**When Stalin is killed,**

**They will disband all the collective farms.**

Here, also, Russian version;

**Когда убили Кирова,**

**Они разрешили свободную торговлю хлебом.**

**Когда убивают Сталина,**

**Распустят все колхозы.**

The earliest known example comes from the 11th century! In that time, there has been more than enough opportunity to pen a few classics. The limerick appeared throughout Irish and British literature in the mid-19th century, most notably the printing (1846) and reprinting (1863) of Edward Lear's *A Book of Nonsense*, (1845) the latter celebrating Lear's 40-plus years of writing what he called «nonsense verse.» While Lear didn't invent the form, he certainly popularized it. From that release came a magazine, *Punch*, that ran limerick contests and launched the limerick craze. By century's end, poets and writers such as Alfred Lord Tennyson (*The Lady of Shalott*, 1832), Algernon Charles Swinburne, Rudyard Kipling, Robert Louis Stevenson, Dante Gabriel Rossetti (*There is a poor sneak called Rosetti*, 1877), and Mark Twain (*A Man Hired by John Smith and Co*, 1890) experimented with and published the form. Limericks became the subjects of weekly newspaper contests, with large prizes awarded. The humor and easy creation of limericks infused oral poetry across class-lines. Wrote one critic, «It is the vehicle of cultivated, unrepressed sexual humor in the English language.» Here follows some examples of limericks from famous authors:

A famed poet and humorist, Dixon Lanier Merritt's limerick «A Wonderful Bird is the Pelican» (1910) is often misattributed to poet Ogden Nash:

**A wonderful bird is the pelican,**

**His bill holds more than his belican.**

**He can take in his beak,**

**Enough food for a week,**

**But I'm damned if I see how the helican.**

The limerick form suited Mark Twain's comic writing in «A Man Hired by John Smith and Co.» (1890)

**A man hired by John Smith and Co.**

**Loudly declared that he'd tho.**

**Men that he saw**

**Dumping dirt near his door**

**The drivers, therefore, didn't do.**

One of the famous works is «Alice in Wonderland». The author of the classic *Alice in Wonderland* (1865), Lewis Carroll, also made great use of limerick poetry, as seen in «There was a Young Lady of Station:»

**There was a young lady of station**

**«I love man» was her sole exclamation**

**But when men cried, «You flatter»**

**She replied, «Oh! no matter!**

**Isle of Man is the true explanation.**

**Conclusion** As we know each period had its well-known writers and literature. In fact, literatures and written works are usually based on the events people underwent or the case the history witnessed. Every genres of literature has its

own special features and phenomena that has a great influence on humankind.

#### REFERENCES

1. Alfred Lord Tennyson, "The Lady of Shalott". A collection of poems-1832, p:42
2. Dickson L. M., "A wonderful Bird is Pelican", A collection of poems,1910, p: 137
3. Edward Lear, "The Book of Nonsense"-1845, p: 26
4. Gleb Uspensky "Russian folk rhymes" published by Progress Publishers, Moscow, USSR. 1971, p: 38
5. Ilyina, cited: Article "Classification of comic texts of a small genre in the Uzbek and English linguoculture", International Journal of Middle East Studies -2015, p: 5
6. Isaac Casaubon, "Prolegomena" to the "Satires" of Persius. Introduction, Text and Translation by Peter Medine, English Literary Renaissance Vol. 6, No.2, 1976, p: 18
7. Karl Kraus, "The Last Days of Mankind"-1915, p: 29
8. Lewis Carroll. "Alice in wonderland". Published by Macmillan and Co. London, 1865, p: 63
9. Mark twain, "A Man Hired by John Smith and Co", cited: A collection book of poetry-1890, p: 11
10. Mujrim Obid, cited: "Adabiyot terminlari" by Quranov A-2017, p: 142
11. Mukimi, hajvi Viktorboy- cited: "Adabiyot terminlari" by Quranov A-2017, p: 135
12. Munyi, Dar muzammati Vektor- cited: "Adabiyot terminlari" by Quranov A-2017, p: 154
13. Northrup Fryebut, cited: "The encyclopedia of world problems and human potentials" by David Redles-1987, p: 271
14. Ovchinnikov V. cited: Article "Classification of comic texts of a small genre in the Uzbek and English linguoculture" International Journal of Middle East Studies-2015, p: 5
15. Plato, cited: "Plato as Satirist", The classical journal, Vol. 33, No.3. Dec,1937, p:153
16. Peter McGraw, "What makes things funny"-2014, p: 38
17. Quintilian, "Institutio Oratoria"-95 C.E.
18. Quranov A., "Adabiyot terminlari", 2017, p: 147
19. Sheila Fitzpatrick, "The Russian Revolution". Oxford University Press, 3rd revised ed. 2007, p: 88
20. Zavkiy, cited: "Adabiyot terminlari" by Quranov A, 2017, p: 156



*Zulaykho AKHMEDOVA,*  
Teacher of Tashkent financial institute  
E\_mail: [Zulayho\\_Ahmedova89@mail.ru](mailto:Zulayho_Ahmedova89@mail.ru)

Reviewer: D.Kasimova, senior lecturer, TSPU named after Nizami

## THE ROLE OF EMOTIVE-EVALUATIVE VOCABULARY IN THE CREATION OF AN ARTISTIC PICTURE OF THE WORLD

Abstract

The article deals with the issues based on the specific semantic potential of the emotional-evaluative dictionary is intended to express a subjective attitude to the events that take place. The author analyzes the emotional-evaluative vocabulary in a specific way in the development of the linguistic worldview and briefly explores the linguistic theory of the interaction of parts of speech. Dictionary analysis is done using modern foreign language materials. Particular attention is paid to verbal lexemes in the connotative sense, which include qualitative and evaluative semantics in their lexical-semantic structure and serve to express additional information.

**Key words:** emotive meaning, emotiveness, connotative sense, qualitative and evaluative semantics, speaker's emotions, category of emotivity, linguistic expression.

## РОЛЬ ЭМОЦИОНАЛЬНО-ОЦЕНОЧНОЙ ЛЕКСИКИ В СОЗДАНИИ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ КАРТИНЫ МИРА

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы, основанные на специфическом смысловом потенциале эмоционально-оценочного словаря, предназначенного для выражения субъективного отношения к происходящим событиям. Автор специфическим образом анализирует эмоционально-оценочную лексику в развитии языкового мировоззрения и кратко исследует лингвистическую теорию взаимодействия частей речи. Словарный анализ проводится с использованием современных иноязычных материалов. Особое внимание уделяется глагольным лексемам в коннотативном смысле, которые включают в свою лексико-семантическую структуру качественную и оценочную семантику и служат для выражения дополнительной информации.

**Ключевые слова:** эмоциональное значение, эмотивность, коннотативное значение, качественно-оценочная семантика, эмоции говорящего, категория эмотивности, языковое выражение.

## DUNYONING BADIY IFODASINI YARATISHDA EMOTIV-BAHOLOVCHI LUG'ATNING O'ZIGA HOS AHAMIYATI

Аннотация

Ushbu maqolada emotsional-baholovchi lug'atning o'ziga hos semantik salohiyati, sodir bo'layotgan hodisalarga sub'ektiv munosabatni bildirish nazarda tutilgan. Muallif lingvistik dunyoqarashni rivojlantirishda emotsional-baholash lug'atni o'ziga hos tarzda tahlil qiladi va nutq qismlarining o'zaro ta'siri haqidagi lingvistik nazariyani qisqacha o'rganadi. Lug'atni tahlil qilish zamonaviy chet til materiallari yordamida amalga oshiriladi. Konnotativ ma'nodagi og'zaki leksemalarga alohida e'tibor qaratiladi, ular leksik-semantik tuzilishida sifat va baho semalarini o'z ichiga oladi va qo'shimcha ma'lumotni ifodalashga xizmat qiladi.

**Kalit so'zlar:** emotsional ma'no, hissiylik, konnotativ ma'no, sifat va baho semantikasi, so'zlovchi hissiyoti, hissiyot kategoriyasi, lingvistik ifoda.

**INTRODUCTION.** Currently, linguists and literary scholars pay great attention to the role of emotional-evaluative vocabulary in the structure of a work of art. Artistic text is multifunctional. In it, the aesthetic function is superimposed on a number of others - communicative, expressive, pragmatic, emotive, but does not replace them, but, on the contrary, enhances them. The language of a literary text lives according to its own laws, which are different from the life of a natural language, "it has special mechanisms for generating artistic meanings." A.M. Peshkovsky, A.A. Potebnya, V.V. Vinogradov, G.O. Vinokur, V.P. Grigoriev, D.N. Shmelev and other researchers. They emphasized that the word in the artistic text, due to the special conditions of functioning, is semantically transformed, includes an additional meaning. The play of direct and figurative meaning generates both aesthetic and expressive effects of an artistic text, makes this text figurative and expressive. Moreover, in addition to special linguistic means, namely emotive, figurative, stylistically marked, any neutral unit of language can be expressive, depending on the goals of the author, on the contextual

situation. An emotive text, thanks to the peculiarities of its semantics, is able to completely reduce the logical-objective meaning of an emotionally neutral word, and to realize it as a contextual emotive or even affective.

**MATERIALS AND METHODS.** The sources of generating the emotiveness of the text are varied and not all researchers are understood in the same way. On the one hand, the main source of the emotiveness of the text is actually emotive linguistic means. Methods of manifestation of emotive situations in a literary text are varied: "from convoluted (semantic concretizer, word) and minimally expanded (word combination, sentence) to maximally expanded (fragment of text, text)."

The study of the emotional-evaluative layer of the vocabulary of any language closely intersects with the modern linguistic theory of the interaction of parts of speech, since the evaluative value can be expressed by multi-level linguistic units. The sound shell of the word and the object designated by it have an infinite number of properties, connections and relationships with the rest of the world [9, p. 21]. The

linguistic element can undergo the same changes as the objects of reality. Therefore, there are no laws of interaction that are independent of the laws of reality. This gives the right to assert about the operation of the law of interaction between objective reality and the language system as a whole [3, p. 66]. In modern linguistics, the field approach does not lose its relevance, since it allows the most complete study of the different-level units of the language system. The application of the field approach when considering the language system requires both the study of individual fields and the identification of those common properties by which the elements of one field approach the elements of another field, thus forming transition zones or "Common segments" [1, p. 99]. An essential property is not only the interaction of different-level linguistic units within a particular field, but also the relationship between the fields themselves.

**DISCUSSIONS.** The components of the language, in contrast to the phenomena of physical nature, are not characterized by exact physical and quantitative characteristics. The language reacts sensitively to any quantitative shifts within it with qualitative changes, which makes it possible to judge the existence of functional dependence of elements in the language. Any quantitative change acts as a change in the elements of the system. As E.V. Murugova emphasizes in her thesis, this reveals the specificity of the law of interaction, covering the language system [3, p. 67]. It has become generally accepted that the plane of expression does not correlate unequivocally with the plane of content. The real content of a statement is always much richer than the content that is explicitly expressed. One and the same situation of objective reality can be reflected in different ways in linguistic structures. It is very important to realize that in most cases

"There are certain restrictions that allow the choice of a particular language form" [2, p. 10]. The variability of form and content naturally leads to the appearance in the interaction of parts of speech of features determined by the originality of each new form and characteristic of this new form of content. In the system of parts of speech, as in the language as a whole, full or partial interaction is found. But the problem of interaction in linguistics is associated with a whole complex of general theoretical issues concerning not only the definition of interaction, the identification of various types of connections and relationships between the elements of the language, but also the main criteria for the interaction of parts of speech in linguistic creative activity, which include:

1. The presence of relations of identity and difference between linguistic units, a set of universal integral and differential features.
2. The existence of mediated and non-mediated, direct and inverse, implicit and explicit, syntagmatic and paradigmatic connections of derived words.
3. The presence of a systemic nature of connections between the elements of the complex word-formation field of parts of speech.
4. The hierarchy of relations in accordance with the direction of derivation, the joint participation of derivatives and generating bases in the transmission of one or another type of word-formation meaning.
5. Changing the lexical and grammatical meanings of words, their compatibility in the formation of new words.
6. Intersection of word classes, variability.

There is an opinion that emotions and feelings are different forms of reflection of the world: feelings and emotions are different stages in the development of the emotional sphere of reflection of reality. Likewise, feelings, emotions and even sensations are so closely related that they are not always different and do not have clear delineations. Taking into account the ego and striving for uniformity of

terminology, we mainly use the terms "emotions" and "feelings" as equivalent designations of real mental states, experiences, sensations of a person. The mechanisms of linguistic expression of the speaker's emotions and linguistic designation, the transmission of emotions as an objective essence of the speaker and the listener differ significantly.

At the linguistic level, emotions turn into emotivity, emotions are a psychological category, and emotivity is a linguistic one. One can find a narrow and broad understanding of emotiveness. In the second case, this category includes all linguistic means of displaying emotions. This understanding of the category of emotivity provides that it includes semantically related linguistic units of different levels. We, in turn, will adhere to a similar understanding of the category of emotivity. When considering the category of emotivity on the material of vocabulary, the problem of emotive meaning usually arises. As the study of scientific literature on this issue has shown, the interpretation of emotive meaning is closely related to the understanding of the category of emotivity.

In this regard, a narrow understanding of the emotive meaning stands out, when it is considered as a way of expressing the speaker's emotions and covers interjections proper and emotionally colored vocabulary. In our opinion, emotive meaning is a meaning (sememe) in a single structure, which is a seme of emotiveness of one or another category, that is, it is a meaning in which there are somehow (expressed or indicated) emotive meanings. These meanings can be completely equal to the lexical meaning of the word (as in interjections), can be connotative (as in expressives), or can go into the logical-subject part of the meaning (emotive-nominative).

Analysis of recent studies and publications, which considered aspects of this problem and on which the author justifies; highlighting unresolved parts of a common problem. A number of works are devoted to the study of this problem. The text is taken as the starting point of the analysis [Bolotov, 1981], however, the author considers emotionality only as a deviation from the norm. He claims: "Analysis of the factual material has shown that verbalization in the text of abnormal relations ... leads to the emotional impact of the text on the addressee and the observer" Bolotov, 1981, p. 99]. In our opinion, it is difficult to agree with this point of view, since any text has this or that emotional impact on the addressee (this applies equally to scientific, artistic, journalistic texts and to everyday colloquial speech).

The text can be defined as a complex system [Torsueva, 1986, p. 65-74]. The content of the text is a reflection of a certain segment of the present reality. "The meaning of the text includes the assessment of this fragment, both intellectual and emotional. Consequently, specific emotions are a component of the semantic structure of the text" [Torsueva, 1986, p. 65-74].

Based on the above statement by I. G. Torsueva, it is possible to construct a certain procedure for studying the text from the point of view of the emotional information conveyed in it. In this case, one should proceed from the text as a whole, since only on the full volume of the text can the ratio of various types of information be determined.

The emotions of the speaking community are distributed between different groups of linguistic vocabulary. Their typology is as follows: vocabulary that denotes emotions (that is, giving them a name), vocabulary that describes emotions, and vocabulary that expresses emotions. Before showing the difference between these lexical groups, it is necessary to stipulate some general remarks related to this problem [Magomedova, Omarova, 2014, pp. 67-71].

The relationship between the concept and the word is also formed. The word as a sign of a concept represents the

reality of thought. Only thanks to the word does the thought become tangible, real.

Only due to the fact that speech becomes a means of communication, it also becomes the subject of evaluation, during which we can not only judge its instrumental function, but also evaluate it as an object of need.

Emotions can be both a form of reflection and a subject of reflection. When it is an object of reflection (love, hatred, disgust, etc.), the word that calls it is not an emotive, since it does not express emotion, but only serves as an indication of a certain concept of a certain emotion [Magomedova, 2019, p. 79-81]. With its semantics, the emotive shows the emotional state of the inner "I", its consciousness and psyche. Trembling voice, restlessness, pallor or redness, etc. - the emotional behavior of a person, which can be significant for the object.

At the same time, in the emotional sphere of each character, an "emotional dominant" stands out - the predominance of some kind of emotional state, property, direction over the rest. "The conflict nature of the character's emotional sphere, on the one hand, and the presence of an emotional dominant, on the other, do not contradict the laws of the literary text and the state of affairs in the world in general; on the contrary, the former reflects the general laws of the organization of a literary text, and the latter corresponds to the peculiarities of human psychology: psychologists have long noted its emotional orientation as the fundamental personality traits, i.e. gravitation of each person to one or another system of experiences". In general, "the author of a literary work selects vocabulary in such a way that it tells the reader in what emotional way he should perceive the hero." In different literary texts, depending on the author's intention, the predominance of one or the other of the emotional properties of the character is possible. In this sense, the works of L.N. Tolstoy, in which the emotional characteristic of the character, represented by the emotional-evaluative vocabulary, is the labeling of positive ("loved") and negative characters. Such a feature of the depiction of characters by L.N. Researchers noticed Tolstoy for a long time, but in the linguistic aspect this

phenomenon has been little studied. In general, emotive vocabulary in a literary text performs several functions, the main of which are the creation of emotive content and emotive tonality of the text.

**CONCLUSION.** Thus, the interaction of parts of speech in linguo-creative human activity is one of the types of relationship that connects different parts of speech and their ways of word formation, participating in the nomination, conceptualization and categorization of the surrounding external and internal world.

The significance of the emotional-evaluative lexemes, realized in the work, in the organization of the literary text is determined by the totality of the designated functions. Their consistent identification will allow us to determine the role of emotional-evaluative vocabulary in the idiosyncrasy of the writer as a whole. With such a description, it is impossible to avoid questions related to the peculiarities of the worldview of the writer, his individual picture of the world: a literary text is formed by the image of the author and his point of view on the object of the image.

It is a reliable fact that the reflection cannot be without designation (the name of the adjective, the name). It is also impossible to express something without naming it with a word, directly or indirectly. So, the words love "love", disgust "disgust", hatred "hatred", etc. - these are the names of concepts about emotions. This is a case of rational naming of feelings and emotions. The words darling, smashing, swine, blockhead, etc. express emotions, which, in turn, the words under consideration are not called directly, but in the semantics of which there are specifiers that correlate this or that word with a specific emotion and feeling. All this contributes to the use of certain specific emotives to express certain emotions. Semantic feature is a characteristic feature of all names, the signification of which includes connotation. The image necessary for the semantics of verbal lexemes focused on the emotive effect is the essence that is not included in denotation, but belongs to the semantics of verbs as its usual or occasional internal form.

#### REFERENCES

1. Apresyan Yu.D. Selected Works. - 2nd ed. - M.: Languages of Russian culture. T. 1, 1995.
2. Babenko L. G. Linguistic analysis of a work of art. - Yekaterinburg: Publishing house of the Ural University, 2000.
3. Kharchenko V.K. Delineation of evaluativeness, imagery, expression and emotionality in the semantics of the word. - RYASH, 1976, No. 3. p. 67-68.
4. Murugova E. V. Interaction of parts of speech and methods of their formation in linguo-creative human activity. 2007.502 p.
5. Telia V. N. Connotation // Linguistics: big encyclopedic dictionary / ch. ed. V.N. Yartseva. Moscow: Great Russian Encyclopedia, 1998.
6. Chesnokov P.V. Static and dynamic linguistic pictures of the world // Language. Discourse. Text: international scientific conference dedicated to the anniversary of V.P. Malashchenko (Rostov-on-Don, Russian State Pedagogical University, linguistic institute, March 11-12, 2004): works and materials. 2004. Part 1.P. 226-230.
7. Sharipov A. Functional-semantic field of a qualitative attribute of a person in modern German: abstract of Ph.D. diss. ... K. philol. n. M., 1984.29 p.



УДК: 80. 801. 3310

**Мафтунна БАХТИЁРОВА,**  
Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти  
E-mail: [maftunabakhtiyorovna.phd@gmail.com](mailto:maftunabakhtiyorovna.phd@gmail.com)

ЎзМУ доценти, ф.ф.д. Садуллаева Н.А. тақризи асосида

## APPEARANCE OF ONOMASTIC SYMBOLS IN TEXTS OF DIFFERENT GENRES

Annotation

The article deals with the researches on onomastics as one of the main branches of linguistics, proper and common nouns and the problems associated with them are investigated in the article as well. Onyms and their types are analyzed as the object of the article. In the definition of scientific terms we relied on the theories of well-known foreign and Uzbek scientists on linguistics.

**Key words:** onomastics, noun, proper noun, common noun, onomastic space, toponymic space, anthroponym, appellative lexicon, etymology, ethnography.

## ПРОЯВЛЕНИЕ ОНОМАСТИЧЕСКИХ СИМВОЛОВ В ТЕКСТАХ РАЗНЫХ ЖАНРОВ

Аннотация

В статье онамастика рассматривается как один из основных разделов языкознания, в ней исследуются имена собственные и нарицательные, также связанные с ними проблемы. В качестве объекта статьи проанализированы онимы и их виды. При определении научных терминов опирались на известные теории известных иностранных и узбекских языковедов.

**Ключевые слова:** онамастика, имя существительное, имя собственное, имя нарицательное, онамастическое пространство, топонимическое пространство, антропоним, апеллятивная лексика, этимология, этнография.

## ОНОМАСТИК РАМЗЛАРНИНГ ТУРЛИ ЖАНРДАГИ МАТНЛАРДА НАМОЁН БЎЛИШИ

Аннотация

Мақолада онамастика тилшуносликнинг асосий йўналишларидан бири сифатида кўриб чиқилган бўлиб, унда атоқли ва турдош отларга оид тадқиқотлар ва улар билан боғлиқ муаммолар ёритилган. Мақола объекти сифатида онимлар ва уларнинг турлари таҳлил қилинган. Илмий атамаларни таърифлашда таниқли хорижий ва ўзбек тилшунослиги дарғаларининг назарияларига таянилади.

**Калит сўзлар:** онамастика, от, атоқли от, турдош от, онамастик кўлам, топонимик кўлам, антропоним, апеллятив лексика, этимология, этнография.

**Кириш.** Маълумки, бизни ўраб олган борлик, моддий олам ниҳоятда мураккаб, бой, серқирра, ранг-баранг бўлиб, уни ташкил қилган нарса ва ҳодисалар моҳияти, ҳолати, шакли, кўриниши ва вазифасига кўра бир-биридан фарқланади. “Турдош от” термини билан юритилувчи сўзлар мана шу хусусиятлардан бир қисминигина, от категориясига қирувчиларинигина ифодалашга хизмат қилади. Кишилар ўзлари яшаб турган ҳудуддаги дарёлар, кўллар, булоқларни ва уларни ташкил этувчи ҳар бир дарё, ҳар бир кўл, ҳар бир булоқни бир-биридан фарқлаш учун уларни алоҳида-алоҳида номлар билан атаган. Масалан: *Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Нил, Ойкул, Байкал кўли, Тошбулоқ, Кўтирбулоқ, Маржонбулоқ, Зирабулоқ* қабилар. Бундан кўринадики, атоқли отлар нарса ва ҳодисаларни, объектларни яқкалаб, доналаб аташ зарурияти туфайли юзага келади. Бундай зарурият бўлмаганда эса кишилар мулоқот жараёнида уларга берилган умумий номдан фойдаланиш билан кифояланишади. Масалан: *Мамлакатимизда дарёлар кўп. Бизнинг вилоятимизда кўллар, булоқлар анчагина бор* каби [Йулдошев. 2012].

Шуни унутмаслик зарурки, инсоният тафаккурининг гултожи унинг умумлаштириш қобилиятидир. Агар шундай умумлаштириш қобилияти бўлмаганда, ҳар қандай тил миллион, миллиардлаб сўзлардан, грамматик воситалардан иборат супермураккаб ва тушунарсиз ҳодисага айланарди. Демак, нарса ва ҳодисаларга яқкалаб, доналаб атоқли от билан номлаш ўзига хос зарурий эҳтиёж ва қонуний натижаси саналади.

Маълум бир тилдаги атоқли отларнинг барча мавжуд типлари ва ҳажмини аниқлаб олиш, ўша тилдаги атоқли отлар доирасини, улар тарқалган онамастик майдонни библи олишга кўмаклашади. Бу муаммо онамастикага оид тадқиқотларда “онамастик кўлам” (онамастическое пространство) номи билан юритилади.

**- Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Дастлаб онамастикага оид илмий адабиётларда бу термин “топонимик кўлам” (топонимическое пространство) сифатида В.Н.Топоров томонидан қўлланган эди. Кейинчалик А.В.Суперанская ўз ишларида “онамастик кўлам”, “топонимик кўлам” терминларидан кенг фойдаланди. А.В.Суперанская ўз ишида “онамастик кўлам” атамасининг онамастика илми учун жуда қулайлигини “топонимик кўлам” мисолида қуйидагича изоҳлайди: “Бу термин (яъни “топонимическое пространство” термини Б.М.) номлар ва номланган объектларнинг маълум маконда жойлашиши, яъни уларнинг бир-биридан алоҳида ҳолда мавжуд бўлиши ва бу уларнинг ер юзи, шунингдек, ундан ташқарида эканлигини кўзда тутиши жиҳатидан ҳам қулайдир”. Бундан кўринадики, “онамастик кўлам” дейилганда бирор конкрет тилдаги атоқли отларнинг умумий мажмуи, йиғиндиси тушунилади. А.В.Суперанскаянинг фикрига кўра, “онамастик кўлам бу муайян бир халқ тилида реал мавжуд ҳамда тахминий ва ҳаёлий объектларни номлаш учун қўлланидиган атоқли отлар йиғиндисидир” [Суперанская. 1986.]

Агар биз ана шу таърифдан келиб чиқиб,

ономастикага мурожаат қиладиган бўлсак, тил ономастик кўламини шу тилдаги барча атоқли от типлари, кўринишларининг мажмуи ташкил қилади.

“Ономастик кўлам” тушунчаси тор ва кенг маъноларга эга. Негаки, ҳар бир тилнинг ономастик кўламини ташкил қилувчи кичик кўламлар ва кўламчалар мавжуд. Шу сабабли олимлар тилнинг умумий ономастик кўламини суперкўлам (энг катта кўлам) деб номламоқдалар” [Бегматов., Авлоқулов. 2007.]

Ономастик кўламнинг юқорида келтирилган таснифи шартли характерга эга. Чунки тилнинг ономастик тизимини ташкил этадиган турли тип атоқли отларнинг ўзаро алоқалари ҳам, уларни ифода этувчи жараёнлар ҳам кўп қиррали ва мураккабдир. Масалан, конкрет ономастик бирликларнинг ҳар бири (масалан: *Жиззах*, *Самарқанд*, *Иштихон* - ойконим; *Оқдарё*, *Зарафшон*, *Қорасув* - гидроним, *Азимбек*, *Беҳзод*, *Гулбаҳор* - антропоним, *Чўлпон*, *Зухал* - космоним кабилар) тилнинг супер ономастик кўламини билан уни ташкил этувчи атоқли от типини сифатида бевосита боғланади ҳамда унинг таркибига кирилади. Шу билан бирга бу бирликлар супер ономастик кўлам билан бирга ўзи мансуб бўлган макро ва микро ономастик кўламлар орқали ҳам боғланади, негаки бу кичик кўламлар моҳиятан супер ономастик кўламга мансубдир. Тилнинг лексик бойлигини конкрет луғавий бирликлар ташкил этганидек, тилнинг ономастик фондини ономастик лексика таркибига кирувчи конкрет атоқли отлар ташкил этади. Ономастик бирлик дейилганда аслида конкрет атоқли от назарда тутилади [Йўлдошев. 2012].

Озарбайжон олими А. Гурбанов озарбайжон тилининг ономастик бирликлар (“воҳидлар”)и каторига антропонимлар, этнонимлар, топонимлар, гидронимлар, зоонимлар, космонимлар, ктематонимларни киритган эди. Ҳатто А.Гурбанов ономастик бирликлар тилнинг мустикал бирлиги бўлгани учун, уларни ўрганувчи ономокалогия (ёки ономастика) ҳам худди лексикология, семасиология каби тилшуносликнинг мустикал соҳаси деб ҳисоблаган эди [Гурбанов. 1985].

- **Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Ономастик бирликда қуйидаги учта хусусият намоён булади: а) “ономастик бирлик” термини бирор яққа атоқли отни ифодалаб келади: *Муҳаббат* (исм), *Гўзал* (исм), *Дангара* (топоним), *Беҳкент* (топоним), *Муштарий* (юлдуз номи), “*Муштум*” (журнал номи, идеоним) кабилар; б) ономастик бирлик номинатив-функционал хусусиятига кўра бирор гуруҳга бирлашувчи номлар мажмуини ифодалайди: топонимлар, зоонимлар, космонимлар, урбонимлар каби; в) ономастик бирлик ономастика доирасида умуман атоқли от тушунчасини англайди.

Юқорида фикрлардан келиб чиққан ҳолда қуйида атоқли ва турдош отларнинг ҳар бирига хос айрим мулоҳазаларимизни баён қиламиз.

Турдош отлардан фарқли равишда атоқли номлар иккиламчи ҳодиса саналади. Чунки улар турдош от тил бирликларидан ҳосил бўлиб, улар маъноси билан ассоциатив алоқани йўқотиб, нарса ва ҳодисаларни бир-бирдан ажратиш вазифини бажаради.

Турдош от бир тилдан иккинчи тилга таржима қилинади. Деярли барча луғатларда ўз аксини топади. Онимлар таржима қилинмайди (айрим элементлар таржимаси бундан мустасно). Фақатгина махсус ономастик луғатларда акс эттирилади.

Турдош лексик бирликлар омоним, синоним, антоним, полисемантик хусусиятларга эга, онимларда бундай хусусиятлар учрамайди ёкм чегараланган бўлади.

Турдош отлар онгда доимий туради, онимлар механик равишда эсда сақланади, тезда эсдан чиқади.

Турдош от грамматик жиҳатдан бирлик ва кўпликда қўллана олса, атоқли от фақат бирликда қўлланади. Кўплик шаклдаги атоқли от бошқа маъно хусусиятига эга бўлади. Турдош отлар умумийликни англатса, атоқли отлар хусусий бўлиб, бир шахсни кўрсатади. Бу ўринда шуни ҳам қайд қилиш лозимки, нутқда атоқли ва турдош отлар бир-бирига ўтиши мумкин. Жумладан, турдош отлар атоқли отга ўтганда, уларнинг маъноси тораяди. Предметларнинг умумий номидан яққаликка ўтади. Шахсларни бир-бирдан ажратиш учун хизмат қиладиган антропонимик маъно ҳосил қилади. Айрим ҳолларда атоқли отлар конкрет вазиятларда ўзининг шакли ва мазмунини ўзгартириб, турдош отлар каторига ўтиши мумкин. Бу қуйидаги ҳолларда рўёбга чиқади: а) атоқли отлар, жумладан, бир шахс оти кўплик шаклини ўзига бириктириб бир социал гуруҳ ёки бир касб эгалари тўдасини ифодалайди. Бунда конкрет шахс номи турдош отга айланади: гагаринлар, турсунолар; б) муайян шахс номлари баъзан жонсиз нарсалар номига айланаб турдош отга ўтади: кулон, ампер каби.

Баъзан машҳур шахсларнинг номлари парафразалар ёрдамида ҳам ифодаланиши мумкин. Бундай ифодалаш соф услубий характерга эга бўлиб, алоҳида тадқиқотни талаб қилади.

#### - Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Ономасиологик бирликлар – номлар, атоқли отларнинг апеллятив лексика, яъни кенг истеъмол турдош отлари билан ўзаро маъновий муносабатларини тилшунослик фанида бир неча хил тушунадилар. Бу тушунчаларни асосан уч хил таснифлаш мумкин:

1. Тарихий этимологик тушуниш. Бу йўналишда атоқли отнинг, жумладан, бизни қизиқтирган антропонимларнинг қайси сўздан келиб чиққанлиги, бу сўзнинг луғавий этимологик маъносини шарҳлаш. Чунончи, Темур антропоними ҳозирги ўзбек адабий тилида металл, маъданларнинг бир турини атаб келувчи “темир” турдош отининг эскирган фонетик вариантдан келиб чиқади. Ёки муҳаббат аёл антропоними арабча “хубба” феълидан келиб чиқади ва ишқ, севги маъносига эга. Дарҳақиқат, антропонимларнинг моҳияти уларнинг антропонимик маъносидан ташқари, яъни бирор шахсни аташдан ташқари, этимологик маъноси ҳам мавжуд сўзловчи ва тингловчилар томонидан жонли қабул қилинадиган ўзакдош сўзлар маъноси билан боғлиқлик семаси ҳам бор. Бу сема факультетатив бўлиб, антропонимик тадқиқотлар учун аҳамиятсиздир. Лингвистик нуқтаи назардан антропонимларда икки маъно: антропонимик маъно ҳамда этимологик маъно фарқланади. Бу маъноларни изоҳлаш, таҳлил қилиш борасида ўзбек тилшунослари анчагина ишлар қилганлар [Бегматов. 1966; 21; 49; 74]. Булар ҳақида ўз ўрнида фикр юритилади.

2. Тарихий этнографик ёки этнологик тадқиқ. Бу йўналишда антропоним сифатида у ёки бу турдаги отларнинг антропонимлар сифатида ишлатилишининг этнографик – халқ урф-одатлари, расм-русумлари билан боғлиқлик масалалари ўрганилади. Чунончи, Темур, Тош, Болта каби номларнинг қўйилиши боланинг жони қаттиқ бўсин, боши тошдан бўлсин каби ниятлар одам ва ном, унинг соҳиби билан алоқадорлиги, ибтидоий тасавури асосида юзага келган: Итолмас, Саримсоқбой каби исмларнинг қўйилиши ҳам жуда қадимий тасавурлардан бири – чиройли ном жин, ажина, дев каби зараркундаларда ном соҳибига жалб қилиши, хунук номлар эса уларни ном соҳибидан узоқлаштириш каби шаманлик тасавурлар билан боғлиқ. Шунинг учун бундай тасавурлардан холи бўлган ислом динида мўминлар пайғамбаримиз: “Фарзандларингизга чиройли

исмлар беринг”, – деган ҳадисларига амал қилиб қадимда ўзбекларда чақалоққа “Қуръони Карим” асосида ном қўйиш одат тусига айланган эди. Уч, етти кунлик чақалоқнинг қулоғига азон айрилиб, “Қуръони Карим” очилар эди ва унинг оятларидаги сўзлар ичидан атоқли ном сифатида қўлланадиган сўзлар танланиб чақалоққа шу асосида исм берилар эди.


Ўзбек халқининг ном қўйишда яна бошқа ўнлаб омиллари бор ва улар илмий адабиётларда атрофлича ёритилган [Бегматов. 1994; 41; 65; 115]. Жумладан, Абдусодиқ Ирисов: “Киши исмларининг маъносини билиш ҳар кимни ҳам қизиқтиради. Чунки халқимизда мавжуд исмларнинг ҳаммасини ҳам ўзига хос маънолари бор, уларда қадим замонлардаги турмуш–шароитлар, урф–одатлар маълум даражада экс этган, улар орқали ўтмишдаги ижтимоий ҳаёт ҳақида ҳам баъзи бир нарсаларни тасаввур қилишимиз мумкин”, – деб ёзади [Ирисов 1994].

3. Тизимий ўрганиш. Бу йўналишда антропоним ва апеллятив лексиканинг маъновий тузилиши, хабар бериш (информация) қобилияти, услубий хусусиятлари тадқиқ этилади. Антропонимларнинг услубий хусусиятлари бадиий адабиётдаги ўрни масаласида ўзбек тилшунослигида айрим ишлар қилинган [Абдурахмонов., Бектемиров. 1960; 40; 111; 114]. Лекин антропонимларнинг информатив қобилиятининг апеллятив лексика информатик қобилиятига муносабати муаммосига кам эътибор берилган. Шунинг учун қисқа бўлса ҳам, шу масалага тўхталиб ўтамиз. Бу масалаларни “Edgar” (Эдгар), “Bonita” (Бонита) номлари *найза*, *ёқимтой* апеллятив лексикасини ўзаро чоғиштириш

с ў з

тушунча

денотат



Бу учбурчакда “найза” сўзи қаттиқлиги, оғирлиги, чидамлилиги билан ажралиб турувчи металл, қурулнинг бир тури маъносига эга; ёқимтой эса ёқимлилиқ, дилкашлиқ, нафислик ва гўзаллик белгиларининг мажмуаси сифатида маълум маъно хусусиятга эга. Шу маънода *найза* – *металл нарчаси*, *найза санчоқ*, *найза қурул*, *мустаҳкам найза*, *ўтқир найза* каби сўз бирикмаларида; “ёқимтой” сўзи эса *ёқимтой қиз*, *ёқимтой бола*, *ёқимтой мушук*, *ёқимтой манзара* каби бирикмаларида қўлланади. Антропонимлар сифатида Эдгар ва Бонита сўзларида ҳам ўзига хос маъно борми?

Бор, чунончи, Эдгар антропонимини эшитгач, бизнинг онгимизда “шахс” + “эркак” + “қурул”, Бонита антропонимида ҳам “шахс” + “аёл” + “гўзал” каби маънолар гавдаланади. Худди шундай маънолар нафақат Эдгар сўзига, балки инглиз эркак исмларининг барчасига ҳам хосдир. Бонита сўзи эса лисоний тизимда аёл лексемасининг энг чекка қуршовини эгаллаганлиги билан боғлиқ. Шунинг учун антропонимларнинг информатик қобилияти ҳар бир шахс учун алоҳидадир. Чунки унинг таркибидаги муайян антропонимларнинг моҳиятини ҳар бир антропоним таркибида бўлган семалар билан барча эркак антропонимлари ҳам, барча аёл антропонимлари ҳам бир хил ин информатив қобилиятга эга.

Шунинг учун атоқли отларнинг информатив маъновий қобилиятини ҳеч қачон апеллятив лексика–турдош отлар маъновий хусусияти билан қиёслаш ёки айнан бохлаш мумкин эмас. Масалан, ўзбек тилидаги: Қаҳрамон, Ботир, Қўрқмас каби исмлар билан

асосида қўриб ўтамиз. “Edgar” (Эдгар) – қадимги инглиз тили элементлари “ead - бойлик, омад”, “gar - найза” сўзларидан ясалган. X асрда яшаб ўтган бир инглиз киролининг номи бўлган. Норманлар истилосидан сўнг исм сақланиб қолмаган, бироқ XVIII асрда қайта тикланган. Бунга Сер Уолтер Скотнинг “The Bride of Lammemoor” (1819), Эдгар Равенсвуд ва Люси Аштон ўртасидаги фожиали муҳаббат ҳақидаги романининг нашр этилиши қисман сабаб бўлган деган тахминлар бор. Исмнинг машҳур эгалари ёзувчи ва шоир Эдгар Аллан По (1809 - 1849), Француз импрессионист рассоми Эдгар Дега (1834 – 1917) ва ёзувчи Эдгар Райс Барроуз (1875 - 1950).

“Bonita” (“Bonita”) ёки эркаловчи шакли “Bonnie” (Bonnie) – шотландча “бонни - ёқимтой” сўзидан олинган бўлиб, ўз навбатида бу сўз ўрта аср француз тилидаги “бон-яхши” сўзига тақалади. Бу исм Америкада XIX асрдан бери исм сифатида кизларга бериб келинади ва у асосан 1939 йилда “Шамолларда қолган ёқимларим” фильми намойишидан кейин оммалашиб кетди. Фильмда Скарлетт (Skarlet – Алвон, Ёлқин)нинг кизчаси *Бонни* лақабига эга эди.

Апеллятив лексика сифатида *найза*, *ёқимтой* сўзлари ўзига хос маъновий қурилишга (семантик структурасига) эга ва бу борлиқдаги алоҳида бир қурул тури (*найза*): белги хусусиятини (ёқимтой) сўзи билан аталиш (денотат) ва шу аталишлар ҳақидаги онгимиздаги тушунчалар билан боғлиқдир. Бу алоқадорликни тилшунослиқда қуйидаги сўз – тушунча – денотат учбурчаги билан кўрсатиш одат тусига айланган.

юритилувчи шахслар ўз характер ва хусусиятига кўра исмининг антоними, яъни кўрқоқ бўлиши мумкин. Бу ўринда масалага яна ойдinлик киритиш учун янги туғилган болаларни номлаш билан боғлиқ бўлган экстралингвистик ҳодисалар ҳақида фикр юритиш лозим. Биринчидан, номлашда қадим замондаги турмуш шароитлари, урф–одатлар, кишиларнинг диний тушунча тасаввурларини онгда маълум даражада акс эттириш билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган исмлар. Иккинчидан, антропоним учун асос бўлган апеллятивнинг лексик маъносини назарда тутмай, унинг семантик структураси компонентларининг бирор–бир семаси назарда тутиб номланиши мумкин. Масалан: пўлат апеллятивиди қаттиқ, ялтироқ, занглашга чидамли, турли хил ўтқир асбоблар ясашга ярайдиган каби қатор семалар мавжуд. Турли лексемаларнинг худди шундай хусусиятларини тилшунослиқдаги компонент таҳлил методи билан тадқиқ қилиш орқали аниқланиши мумкин. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, Пўлат атоқли оти у асос бўлган апеллятивнинг “қаттиқлик”, “чидамли” семаларини онгда реаллаштириш натижасида ҳосил бўлган дейиш мумкин. Худди шунингдек, Арслон номини ўз фарзандига берган ота–оналар ҳеч қачон тўрт оёқли ваҳший, ёввойи хайвонни назарда тутмайдилар, балки уларнинг фарзандлари шердек ботир, кўрқмас, зўр бўлишини орзу қилиб ушбу исми қўйганлар. Қиз болаларга қўйиладиган Тўтиё, Қалдирғоч каби исмлар ҳам ўз апеллятиви билан тўғридан–тўғри алоқадор эмас. Балки апеллятивдаги муҳим бир белги – сема инсонга кўчирилган. Кўринадики,

исм маънолари сўз маънолари билан бир хил шарҳланмайди. Исм маъноси у ҳосил бўлган апеллятив маъносидан тамоман фарқ қилади.

- **Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Атоқли отлар бадий асарда образ яратувчи, унинг таъсирчанлигини кучайтирувчи шаклий, мазмуний ва услубий зарурий компонент сифатида қаралмоғи лозим. Антропонимларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиш, айниқса, уларнинг бадий адабиётдаги услубий ролини аниқлаш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Чунки ёзувчи томонидан тасвирий воста сифатида қўлланилган баъзи номларнинг услубий хусусиятларини ўрганмай туриб, унинг асарлари бадий қимматини белгилаш мумкин бўлмай қолади. Бадий асар таркибидаги киши номларини ўрганишда шакл ва мазмун бирлигидан келиб чиқиб, уларнинг адресатга қандай ахборот бериши ва қандай таъсир кўрсатишига эътибор қаратилмоғи лозим. Шу нуқта назардан қарайдиган бўлсак, халқ дostonлари лугат бойлиги тизимидан ўзига хос алоҳида ўрин олган антропонимларни ўрганиш эътиборга моликдир. Халқ

оғзаки ижоди намуналаридан учрайдиган киши исмлари, асосан, умумистеъмол сўзлар негизда ҳосил бўлиб, кўпинча конкрет маъноли отлар ҳисобланади. Халқ дostonларида уни қуйлаган бахшилар ном танлашда муаллиф–персонаж–китобхон семантик учбурчак мотивациясига амал қиладилар. Бу ҳол улар асарларининг ҳаётий бўлишини таъминлайди.

Фольклордаги антропонимлар ҳозирги киши исмларида семантик–услубий жиҳатдан анча фарқ қилиб, улар ўтмиш жамиятнинг кундалик моддий ва маънавий, иқтисодий ва сиёсий турмуши, идеал ва интилишларига жуда яқин алоқадордир. Бу ҳолни дostonлар антропонимиясида миллий тилга хос бўлган қадимий лексик, фонетик ва морфологик элементлар кўпроқ сақланганида кўриш мумкин, чунки унда киши номлари, турли лақаблар билан бирга символик характердаги тўқима исмлар, мифологик номлар ва турли хил ономосионимлар ҳам кўп учрайди. Буларнинг деярли ҳаммаси “сўзловчи номлар” ҳисобланиб, уларга маълум бир услубий маънолар юклатилгандир.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахмонов Д. Бектемиров Ҳ. Ўзбек халқ дostonлари ономастикаси // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент.: Фан, 1960.
2. Бегматов Э. Атоқли отларни урганишга дойир баъзи мулоҳазалар.- Ўзбек тили ва адабиёти, 1966. №2.
3. Бегматов Э. Киши номлари имлоси. – Тошкент. 1994.
4. Бегматов Э., Авлоқулов Я. Ономастик қўлам тушунчаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007. № 3.
5. Гурбанов А. М. Поэтическая ономастика: учеб. пособ. - Баку.: АПИ, 1985.
6. Ирисов А. Чахорерлар. Тошкент.: Фан. 1993. 105 б.
7. Йўлдошев Б. Ўзбек ономастикаси масалалари. Самарқанд. 2012.
8. Суперанская А.В. Теория и методика ономастических исследований. - М.: Наука, 1986.



**Манижа БАХРИЕВА,**  
ЎзЖОКУ мустақил тадқиқотчиси  
E-mail: [kotilbek409@mail.ru](mailto:kotilbek409@mail.ru)

ЎзЖОКУ доценти, филология фанлари номзоди Тошмуҳаммедова Л. И. тақризи асосида

### THE ROLE OF PUBLIC SPEAKING ON TELEVISION

Abstract

Today, television is developing rapidly all over the world, reaching a large audience. In the process of large-scale reforms carried out in our country, special attention is paid to the development of culture and art, as well as the media, including television. In particular, huge work is underway to improve the training system for the industry, to expand the creation of new TV channels based on the trends of our time. It should be noted that the art of public speaking is also important in the development of television. This study looked at the same questions.

**Key words:** television, communication, art, TV presenter, speech, public speaking.

### РОЛЬ ПУБЛИЧНЫХ ВЫСТУПЛЕНИЙ НА ТЕЛЕВИДЕНИИ

Аннотация

Сегодня телевидение стремительно развивается по всему миру, охватывая огромную аудиторию. В ходе осуществляемых в нашей стране широкомасштабных реформ особое внимание уделяется развитию сферы культуры и искусства, а также деятельности средств массовой информации, в том числе телевидения. В частности, исходя из потребностей современности проводится широкомасштабная работа по совершенствованию системы подготовки кадров для сферы, созданию новых телеканалов. Следует сказать, что ораторское искусство также играет важную роль в развитии телевидения. В этом исследовании были исследованы те же проблемы.

**Ключевые слова:** телевидение, коммуникация, искусство, телеведущий, речь, ораторское искусство.

### ТЕЛЕВИДЕНИЕДА НОТИҚЛИК САНЪАТИНИНГ ЎРНИ

Аннотация

Бугунги кунда телевидение дунё микёсида жадаллик билан ривожланиб, катта аудиторияни ўзида қамраб олган. Мамлакатимизда ҳам амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида маданият ва санъат соҳасини, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, давримиз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда янги телеканаллар ташкил этиш кенгайтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айтиш лозим, телевидение ривожига нотиклик санъати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқотда айни шу масалалар билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** телевидение, коммуникация, санъат, телебошловчи, нутқ, нотиклик санъати.

Ҳозирги замонавий жамиятда оммавий ахборот воситалари энг муҳим ижтимоий институтлар қаторидан тобора мустақам жой олиб, ахборот-коммуникацияларининг жадаллик билан тараққий этиши натижасида дунё микёсида ОАВнинг ўрни ва роли ортиб бормоқда. Булар орасида телевидение ҳам қудратли оммавий коммуникация воситаси сифатида ўзини намоён этиб келмоқда. Бугунги кунда телеаудитория камровини сўз ва рақамларда ифода қилиб бериш ниҳоятда қийин. Буни биргина юртимиз мисолида олиб кўрадиган бўлсак ҳам, турмуш тарзининг кескин ўзгариши, юртимизда эришилаётган ютуқлар даврнинг муҳим кўрсаткичларидан бири, бу – телевидение барча хонадонларга кириб борганлигида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Яқин ўтмишда “телевизорсиз хонадон” тушунчаси бўлган, буни ҳеч ким инкор этолмайди албатта, бироқ эндиликда бу каби тушунчалар, айниқса, ёш авлод вакиллари қулоғига жуда жуда эриш туюлади. Ҳозирда эса бир хонадонда, бир оилада бир нечталаб телевизор бўлиши оддий ҳол ҳисобланмоқда. Чунки, такрор бўлса-да, таъкидлайдиган бўлсак, XXI аср кишиси телевидениедан бебаҳра яшаши мумкин эмас.

“Телевидение XX асрда ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида пайдо бўлди ва шу асрнинг ўзидаёқ миллий маданиятнинг ўзига хос ва маҳсулдор ҳазинаси, мазмунан ва ифода воситалари жиҳатидан ранг-баранг ва мукамал

қудратли санъат воситасига айланди. Санъатнинг жуда кўп турларини, турли бадиий анъаналарни ўзида қамраб олгани ҳолда, у жамият ривожига, илғор прогрессив ғояларнинг тарғиботига, умуминсоний кадриятлар, дунёвий маданият идеаллари билан чамбарчас боғлиқ маънавиятнинг тикланиш жараёнига муносиб ҳисса қўшди” [1].

Албатта, телевидениенинг ривожланиши ўз-ўзидан бўлгани йўқ. У ўзида қатор соҳаларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, тараққиёт йўлини босиб ўтмоқда. Масалан, тадқиқотчи К. Сағдуллаевнинг фикрича, телевидение дастлабки “трансляцион” даврдан бошлаб сахнадан томошавийлик, жонли чиқиш хислатларини ўзлаштирди. Театрнинг ифода воситалари (драматургия қонунлари, режиссура, актёрлик маҳорати компонентлари, чунончи, ҳатти-ҳаракат, мизансаҳна, умумий план, ўрта план) кириб келди, кичик экраннинг синтетик табиати шаклланди. Телевидение эса сахна санъатини кўп ракурслик кўриниш, деталлаштириш, йирик план орқали портрет тавсифини кучайтириш, монолог аҳамиятининг ошиши жиҳатлари билан бойитди [2].

Таъкидлаш ўринли, мамлакатимизда телевидениенинг ижтимоий институт сифатидаги муҳим роли ҳозирча чуқур ва қўламдор тадқиқотларнинг мавзусига айланмаган. Қолаверса, телевидение ривожига нотиклик

санъатининг ўрни ва аҳамияти бўйича ҳам чуқур илмий изланишлар олиб борилмаган.

Маълумки, нотиклик телевидение учун энг керакли хусусиятлардан бири бўлиб, бунда журналистларнинг, айниқса, телебошловчиларнинг раво нутқи асосий ўрин тутди. Чунки маҳоратли телебошловчи катта томошабинлар аудиториясига кучли таъсир кўрсатади, омма фикрини шакллантиришда бевосита қатнашади. Шу нуқтаи назардан олганда, телевидениеда нотиклик санъати бўйича тадқиқотларни олиб бориш нафақат Тв, балки журналистика фани назарияси ва амалиёти учун катта аҳамият касб этади.

Телевизион бошловчиларнинг касбга оид хусусиятлари М.К. Андреева, Л.В. Матвеева, Н.Б. Шкопоров, Т. Я. Аниқеева, Б. Льюис сингари олимларни санаб ўтиш мумкин. Улар томонидан бошловчиларнинг муваффақиятли профессионал фаолиятини таъминловчи шахсий хусусиятлар аниқлик киритилган ҳолда телебошловчи шахсига оид концепциялар таърифланди, айниқса дикторлар ва бошловчилар ўртасидаги фарқ, уларнинг шахсий хусусиятларидаги тафовут очиб берилди.

Б. Алимовнинг тадқиқотларида баён қилинишича, минбар, микрофон ва видеокамера орқали кенг оммага юзланувчи соҳа вакиллари нутқ масалаларига алоҳида эътибор қаратишлари керак. Чунки сўз хосиятли, нутқ моҳиятлидир. Уни ҳис этиш, ўринли қўллаш ўзига хос мезон ва меъёрлар билан боғлиқ.

Нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, қисқалиги, соддалиги, софлиги, бойлиги, жўялилиги, таъсирчанлиги, образлилиги, раволиги унинг хусусиятлари бўлса, иккинчиси овоз, нафас, диққат, интонация, оҳанг, урғу, тўхтама, овоз тембри ва ҳоказолар нутқ техникасидир. [3].

Ўзбекистон телевидениесининг биринчи бошловчиларидан бири бўлган Галина Мельникованинг фикри ҳам шунга ҳамоҳанг бўлиб, унинг таъкидлашича, суҳандон – бу шунчаки микрофон олдида матн ўқиётган одамгина эмас, балки томошабинга ақлли ва самимий суҳбат орқали таъсир кўрсатишга ҳаракат қилувчи шахсидир. [4].

Телевидениенинг турли ёшдаги инсонлар руҳиятига таъсир этувчи, уларнинг дунёқарошини шакллантирувчи қудратли мулоқот омили эканини эътиборга олиб айтадиган бўлсак, юқорида билдирилган бу фикрларда жон борлигига ишонч ҳосил қиламиз. Буни биз мамлакатимиздаги йирик медиакомпаниялардан бири бўлган Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телеканаллари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ўндан ортиқ телеканаллари ўзида бирлаштирган компаниянинг теледастурларидан деярли барча жанрдаги телекўрсатувларнинг ўрин олганлиги бизга телебошловчиларнинг нутқи борасида анча мукамал ва чуқур амалий тадқиқотларни олиб бориш имконини беради.

Маълумки, ахборот дастурлари аксарият телеканалларда етакчи ўрин тутди ва бу дастурлар бошловчиларининг нутқи ҳам алоҳида ажралиб туради. Тезкорлик билан матнни тўғри ва аниқ талаффуз қилган ҳолда ортиқча ҳиссиётларга берилмасдан ахборотни томошабинга етказиш инфоформацион дастур бошловчиларига қўйиладиган асосий талабдир.

Кинорежиссёр Зулфикор Мусоқовнинг фикрига кўра, бугунги кунда бошловчига нисбатан кўплаб профессионал талаблар қўйиладиган, булар орасида инфоформацион маҳсулотни яхши билиш, ўз шахсий фикрига эга бўлиш, камера олдида ўзини тута билиш ва аудитория билан контактга киришиш кабилар айниқса муҳим. [5].

“Ўзбекистон 24” телеканали мамлакатимиздаги ахборот етказиш борасидаги ихтисослашуви билан ўз ўрнини топиб бораётган каналлардан бири ҳисобланади. 24 соат давомида телеканал ўз эфирлари орқали асосан янгиликлар, репортажлар, ахборий йиғуналишдаги таҳлилий кўрсатувлар, ток-шоулар беришга ихтисослашган. Айтиш лозим, ушбу телеканал фаолият бошлаши билан Жамшид Умрзоқов, Хулқар Бўриева, Ислоҳ Қорабоев, Ғолиб Тўйчиев каби ёш бошловчилар қайсидир маънода, телеканалнинг юзига айланишди. Уларнинг нутқига эътибор берадиган бўлсак, Жамшид Умрзоқовда вазминликни, Хулқар Бўриевада эса тезкорликни кўраимиз. Ислоҳ Қорабоев нутқида Жамшид Умрзоқовга тақлидни кўрсак, Ғолиб Тўйчиевда ўрта темпни ушлаган бошловчини кўришимиз мумкин.

Шу ўринда халқаро тажрибага эътибор қаратсак ҳам бу борадаги ўзига хос ёндашуви кўраимиз. Масалан, ахборотга ихтисослашган халқаро миқёсдаги телеканаллардан бири машҳур “CNN” телеканали ўз дастурларини эфирга узатмасдан илгари еттига жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб, уларни анъана сифатида ишлаб чиқди: яхши суҳандон, телехизматнинг бошқалардан ажралиб туриши учун эмблема ва кизил рангдан фойдаланиш, муҳбир ва суҳандон комбинацияси, логотип ва графикага эътибор, интёршум, бой графика ҳамда улардан бири мусиқа эди. Телехизмат ўз лавҳалари, “шапка” ва “отбивка”лари учун махсус мусиқа танлаган ва улардан унумли фойдаланган. Энг яхши бошловчига эътибор қаратилиши ҳам қутилган натижани берган: бошловчининг раво нутқидаги овозини эшитгани захоти узокдаги томошабин ҳам канални таний бошлаган ва экран қаршисига шошилган.

Дарҳақиқат, яхши телебошловчи каналнинг юзи ҳисобланади. Унинг нутқи яхши ва раво бўлса, ўрнак олади, у одамлар учун намуна бўлиб хизмат қилади. Шу боис юксак профессионал маҳоратдан ташқари у албатта нлик борасида ҳам муайян тажрибага эга бўлиши, ўз фикр-мулоҳазаларини ифода этишининг вербал (оғзаки) ва новербал воситаларидан фойдалана билиши ҳам муҳим. Бунда инсонга аниқ бир шахсга нисбатан муносабат кўрсатиш ҳақида гап бормаяпти. Яъни томошабин аввало бошловчи томонидан тақдим этилган экрандаги образ, демакки, бошловчининг профессионал жиҳатларига эътибор қаратади.

Айтиш лозим, журналист нутқини ва маҳоратини баҳолаш осон иш эмас. Бу масалада мутахассисларнинг фикрлари ҳам турлича. “Современные методы исследования средств массовой коммуникации: Материалы межреспубликанской научной конференции” (Омлавий коммуникация воситаларини тадқиқ қилишнинг замонавий методлари: республика илмий анжуман материаллари) – сарлавҳаси остида Эстонияда чоп қилинган тўпламда бир қатор мутахассисларнинг фикрлари келтириб ўтилган. Жумладан, А.Евремов “телекўрсатувлар тор доирадаги мутахассислар учун ихтисослашуви ва унда барча телетомошабинларнинг кизиқишини қондира олишга интилиш зарурати йўқ” деган фикрни билдирса, Л.Шариков эса, масалага кенгрок қараш, ҳар қандай соҳа ҳақида маълумот берувчи кўрсатув энг аввало оммабоплиги билан ажралиб туриши лозим – деган қарашни илгари суради. [6].

Инфоформацион дастурлардан фарқли равишда муаллифлик кўрсатувларида бошловчи нутқи анчайин эркин ҳолатда намоён бўлади. Бундай ўзига хос нутқни таникли журналист Гулмира Мусажонова мисолида ҳам кўриш мумкин. Таникли журналистнинг “Madaniyat va ma'rifat” телеканали орқали намоёниш этилаётган “Мен англаган ҳақиқатлар” номли муаллифлик кўрсатувини бу

борада кўп жиҳатдан намуна тарзида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Гулмира Мусажонов нутқига босиқлик, жиддийлик, мулоҳазакорлик каби жиҳатлар хос. Унинг сўзларида ўзига ишонч яққол сезилиб туради. У ўз суҳбатдошининг табиати, характерида келиб чиқиб, улар билан турлича муомала қилади. Суҳбат жараёнида фақатгина суҳбатдошини эшитмайди, балки унинг сўзларига аралашиб, ўз фикрларини билдирган ҳолда эркин мулоқот қилади. Савол бераётганда уни тўғридан-тўғри эмас, тўплаган маълумотлари билан боғлаган ҳолда узунроқ тарзда беради. Ҳар бир суҳбатдошни унинг салобати босиб туради.

“Мен англаган ҳақиқатлар”да суҳбатлар бир текисда кетмайди, кўтарилишлар, бироз ҳовуридан тушишлар билан кечади. Лекин энг муҳими, Гулмира Мусажонова томошабини борган сари суҳбатдош билан

яқинроқ таништиришга, унинг номаълум жиҳатларини мухлисларга кўрсатиб беришга, унинг диққатини бир дақиқа бўлса-да, бошқа ҳаёлга чалғитмасликка уринади. Журналистнинг суҳбатни олиб бориш ва уни аудиторияга етказиш маҳорати айнан шуларда намоён бўлади. Бундай профессионализм эса барчада ҳам мавжуд эмас. У кўпгина изланишлар, меҳнат, тажриба ва албатта, билим натижасида эгалланади. Гумира Мусажоновада буларнинг барчаси бирлашиб, аудитория онгига етиб борувчи, унга таъсир этувчи, керак бўлса, шакллантирувчи муаллифлик кўрсатувининг юзага келишига замин яратган.

Умуман олганда, телевидениенинг ҳозирги тараққиёт босқичида нотиклик санъатига ҳам алоҳида эътибор қаратишни талаб этмоқда. Бу борадаги ишлар ОАВ тараққиёти билан бирга телеканалларнинг ўз аудиториясини топишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Раҳматуллаева И. Телевидение ва ёшлар: кеча ва бугун. - Т.: Янги аср авлоди, 2005, 105-б.
2. Сағдуллаев К. Театр ва оммавий ахборот воситалари коммуникатив тизим сифатида. -Т.: TURON-IQBOL, 2017. - Б 64
3. Алимов Б. Нутқ ва нотиклик маданияти. - potiq.uz
4. Мельникова Г. “Bella terra” журналида берилган интервьюдан, 2001 йил, №5
5. Мусоқов З. Кино ва тақдир. - “Жаннатмакон”, 2003 йил, №4
6. Кайковус. Қобуснома. Т. Ўқитувчи. 1986. 46-бет.
7. Современные методы исследования средств массовой коммуникации: Материалы межреспубликанской научной конференции. Таллинн, 29--30 сентября 1980 г. Таллинн, 1983.
8. Аҳмедов Б. Ўзбек телевизион киносининг ривожланиш тарихи. -Т.: Akademiya, 2007. - Б 8.
9. Андреева М.К., Матвеева Л.В., Шкопоров Н.Б. Психологический анализ профессионально важных качеств творческих работников телевидения. М.: ВИПК работников ТВ и РВ, 1991.;
10. Аҳмедов Т. Ўзбекистонда телевидениенинг ривожланиш жараёни ва унинг аҳоли ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўрни. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори дис. автореферати. - Т., 2019. - Б. 9.
11. Жуманиёзов Р. Бадиий сўзнинг қуввати. - potiq.uz



УДК: 37.09.575

**Раъно БЕГМАТОВА,**

*ЎзДЖТУ немис тили назарий фанлари кафедраси доценти*

*E-mail: rano@rambler.ru*

*ЎзДЖТУ профессори ф.ф.д. Қ.Сафарова тақризи асосида*

### PRAGMATIC AND LINGUOCULTURAL ANALYSIS OF PARTICLES IN NOT RELATED LANGUAGES (ON THE EXAMPLE OF GERMAN AND UZBEK)

Abstrakt

The article reflects the theoretical and practical analysis of particles in the German and Uzbek languages from the point of view of pragmatic and linguocultural studies, which are the most actively studied areas of linguistics. The article reveals how ethnic characteristics arise through the use of particles in speech.

**Key words:** presupposition, discourse, linguistics, accuracy, economy, flexibility.

### ПРАГМАТИЧЕСКИЙ И ЛИНГВОКУЛЬТУРНЫЙ АНАЛИЗ ЧАСТИЦ В НЕРОДСТВЕННЫХ ЯЗЫКАХ (НА ПРИМЕРЕ НЕМЕЦКОГО И УЗБЕКСКОГО)

Аннотация

В статье отражен теоретический и практический анализ частиц на немецком и узбекском языках с точки зрения прагматических и лингвокультурологических исследований, которые являются наиболее активно изучаемыми направлениями языкознания. В статье раскрывается, как этнические характеристики возникают благодаря использованию частиц в речи.

**Ключевые слова:** пресуппозиция, дискурс, лингвистика, точность, языковая экономика, гибкость речи.

### ҚАРДОШ БЎЛМАГАН ТИЛЛАРДА ЮКЛАМАЛАРНИНГ ПРАГМАТИК ВА ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ (НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

Аннотация

Мақола тилшунослик фанининг фаол ўрганилган йўналишлари саналган прагматик ва лингвомаданиятшунослик нуктаи назаридан немис ва ўзбек тилларидаги юкломаларнинг назарий ва амалий таҳлилини ўзида акс эттиради. Мақолада юкломаларнинг нутқ да қўлланилиши орқали этник хусусиятларнинг қай тарэга юзага чиқишини намоён бўлиши очиб берилди.

**Калит сўзлар:** пресуппозиция, дискурс, лингвомаданиятшунослик, аниқлик, тилда тежамкорлик, нутқий эгилувчанлик.

**Кириш.** Жаҳон тилшунослигида амалга оширилаётган тадқиқотлар тил омилига антропоцентрик ёндашув ва унинг лингвокультурологик аспектиларини ёритишнинг таркибий қисми саналади. Шу сабабли ўрганилаётган тил тараққиёти доирасида кичик тил бирикларининг чоғиштира тадқиқи, қардош бўлмаган тилларда лингвистик, миллий ва маданий хусусиятлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу мақолада немис ва ўзбек тилларидаги юкломаларнинг миллий маданий ва прагматик хусусиятларини юзага чиқаришдаги ўрни хусусида сўз юритилади.

#### - Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

Юкломаларни тадқиқ этиш прагматик мезон асосида ҳам олиб борилган. Ҳ.Вейдт, Э.Ҳенчел, Р.А.Волкова, Л.В.Юлюгина, М.Е.Соколова, У.Э.Рахимов, А.Б.Пардаев, Б.Менглиев каби дунё ва Ватанимиз олимлари илмий тадқиқот ишларини прагматик мезон асосида тадқиқ қилганлар. Жумладан, ўзбек германисти Ш.Сафаров пресуппозициянинг лисоний воситалари сирасига турли луғавий бириклар, юклама ва кўмакчи кабиларни киритиб, улар пресуппозициянинг “лисоний либоси” эканлигини, бу бириклар воситасида яширин маъно янада ботинлашишини таъкидлайди [1; 115].

Ушбу мезон асосида тадқиқот ишини олиб борган У.Э.Рахимовнинг куйидаги фикри диққатга сазовор: “Тил бирикларининг тил эгаларига бўлган муносабатини кўрсатувчи воситаларни ёритиш ҳозирги давр

тилшунослигида аҳамиятли бўлиб, бу йўналиш прагматика деб аталади ва тилнинг фалсафий, психологик ва социологик томонларини бирлаштирувчи универсал ҳодиса саналади” [2; 116]. Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 60-70 йилларида шаклланган прагматингвистика тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида, бир томондан, лисоннинг нутқий вазиятда қўлланилиши билан шуғулланувчи, иккинчи томондан, сўзловчининг воқеликка, ахборот мазмунига ва адресатга бўлган таъсирини тадқиқ қилувчи фандир. У нутқ иштирокчиларига хос бўлган коммуникатив ниятга тегишли лисоний масалалар устида иш олиб боради.

Юкломаларнинг семантик ва синтактик ўзига хосликларини прагматик ракурсадан туриб текшириш:

- 1) нутқ актлари назарияси;
- 2) пресуппозиция;
- 3) дейксис;
- 4) дискурс таҳлили каби узвлар негизда амалга оширилади.

Прагматик мезон нутқ актлари нуктаи назаридан нутқ субъекти томонидан бажарилаётган актларнинг адресатга таъсири, унинг мақсадини аниқлашга қаратилади. Л.В.Юлюгина юкломалар эмотив, директив ҳамда суггестив сингари нутқ актларида кўпроқ учрашини таъкидлаб, лексик-прагматик вариантлар қаторидан иборатлигини қайд этади, юкломаларнинг пресуппозитив функциялари ҳақида тўхталади [3; 29].

Юкломаларнинг прагматик маънолари асосида турли нутқий жараёнларда хилма-хил пресуппозициялар

юзага келишини ҳамда улар лингвистик пресуппозицияни реаллаштиришини таъкидлаган У.Э.Раҳимов ўзбек тили юкламаларини пресуппозиция информаторлари ёки сигнализаторлари деб атаб, уларнинг кўп сонли бир гуруҳини “пресуппозитив юкламалар” деб номлайди [2; 106].

Юкламаларнинг прагматик дейксис узви нуктаи назаридан таҳлил қилинишида уларнинг вазифовий хусусиятлари мулоқот матнида қай тарзда намоён бўлиши очиқ берилди ва матни таркиб топтирувчи восита сифатида ўрганилади.

М.Е.Соколованинг ёзишича, юкламалар кўрсатма берувчи ишоравий унсур вазифасини бажаради. Улар дейктик характериға кўра ўзаро фарқли белгиларға эға. Юкламалар, бир томондан, айтилган фикрни маъқуллаш учун (ja, auch, eben/halt, schon, mal, wohl), иккинчи томондан эса айтилган фикрға қарама-қарши чиқиш мақсадида (doch, denn, bloß/nur, aber, etwa, vielleicht, eigentlich, einfach) қўлланилади [4; 55].

Л.В.Юлюгинанинг таърифича, юкламалар контекстнинг анафорик ва катафорик боғлиқлигини таъминлашға хизмат кўрсатувчи унсурлардир [3; 151]. Бундан келиб чиқадики, юкламалар пресуппозиционал дейксиснинг элементи бўлиб, шахс, вақт, жойни

кўрсатувчи дейксислардан фарқли равишда анафорик функцияни бажариш баробарида тил тизими ва нутқий контекстнинг боғлиқлигини акс эттирувчи дейктик тил ходисасининг белгиларидан бири саналади.

Юкламалар дискурс таҳлилида кенг тадқиқ этилувчи унсурлар ҳисобланади [5; 328]. Маълумки, экстралингвистик омилларға боғлиқ матн дискурс деб тавсифланиб, у юкламаларнинг семантик ва прагматик имкониятларини очиш, экспликация қилиш учун қулай муҳит яратади.

Маълумки, ҳар қандай дискурс коммуникатив тавсифға эға. Реклама дискурсида юкламаларнинг прагматик самарасини текширган А.В.Емельянова уларнинг директив нутқ актида кўп учраши ва рекламанинг прагматик таъсирини кенгайтириши билан бир вақтда имплицит ахборот ташувчи унсурлар сифатида реклама дискурсининг энг самарали шартларидан бири бўлган тил воситаларини тежашда тутган ўрнини кўрсатиб ўтади [28; 4].

Демак, юкламалар прагматик имкониятлари кенг, таъсирчан воситалар сифатида дискурснинг аргументатив стратегиясини реаллаштиришдаги иштирокиға кўра дискурс таҳлилининг ўрганилиш объекти бўла олади. [Қаранг: 1-жадвал].

1-жадвал.

#### Юкламаларнинг прагматик хусусиятлари

Прагматик мезонлар	Юкламаларнинг хусусиятлари
имплицитлик тизимиға кўра	пресуппозитив дейксис маркери
нутқий тузилманинг мазмуниға кўра	пресуппозиция маркери
онгда фреймларнинг боғланишиға кўра	онгда стандарт фрейм тасаввурини яратади
мулоқотни ташкил этишдаги иштирокиға кўра	интерактив жараёни дастурлайди
Мулоқот вазиётидаги вазифасиға кўра	ситуатив билимлар инъикоси
нутқий ҳаракат мазмуниға кўра	сўзловчининг коммуникатив муродини конкретлаштиради
нутқий ҳаракат босқичидаги вазифасиға кўра	иллокутив имкониятни торайтиради
фреймға бўлган таъсирини кўра	фрейм модификатори

Жадвалда акс эттирилганидек, прагматик мезонға кўра юкламаларнинг фреймни модификация қилувчи, иллокутив имкониятни кенгайтирувчи, интерактив жараёни дастурловчи ва коммуникатив интенцияни аниқлаштирувчи каби хусусиятлари алоҳида аҳамият касб этади.

Юкламалар тадқиқида лингвомаданий мезон. Юкламаларнинг ўзига хос хусусиятларини илмий таҳлил қилиб, уларнинг аломатларини аниқлашда лингвомаданий мезон ўз ўрнини талаб этади. Юкламалар тадқиқи устида бошқа ёндош мезонлар негизда иш олиб борган кўп сонли изланувчилар юкламаларнинг маданий хусусияти кучли эканлигини, уларда миллийлик бўртиб турганлигини айтиб ўтишади [7, 80, 111].

Немис ва француз тилларини таққослаган Шарль Балли немис тилини genau – аниқ, француз тилини klar – тушунарли деб таърифлаган [8; 68]. Дарҳақиқат, немис тилида аниқлик киритувчи тил фактлари кўплаб топилади. Бу ҳолат немис тилида юкламалар сони кўплигида ҳам ўз аксини топади.

Х. Вейдт немис ва француз тилларида юмшатиш юкламаларининг этник хусусиятиға тўхталиб ўтаркан, уларға француз публицистикасида фактик ёндашилишини, немис тилида эса фактик ёндашиш билан тенг

равишда бу фактлар қандай англанилганини кўрсатиш имконияти мавжуд эканлигини таъкидлайди [8; 110].

Немис ва англиз тиллари юкламалари қиёсланганда, англиз халқиға хос хусусият – ўз ҳиссиётларини кўрсатмаслик, нутқда аниқликка интилганликлари туфайли юкламалардан фойдаланмаслик кўзға ташланса, немис тилида эса англиз тилиға нисбатан юкламалар ҳиссиёт, эҳтирос белгилари сифатида руёбға чиқади.

Баъзи бир олимлар тилда модаллик категорияси халқдан халққа, элатдан элатға кўра фарқ қилишини баён этиб, юкламалар англатадиган маданий хусусиятларға модаллик ходисаси асос эканлигини уқтиришади [9; 67]. Ҳолбуки, юкламаларға хос белгилардан бири модалликни юзаға чиқариш саналиб, унинг тиллараро ифодаланишида нафақат шаклан, балки тил системаси меъёр ва узус конуниятларини кўра ҳам номувофикликлар мавжуддир.

Х. Вейдт юкламаларнинг этнолингвистик жиҳатиға ҳам йўл-йўлақай эътибор қаратиб, немис халқиға хос бўлган аниқликка интилиш тил восиларини қўллаш асносида ҳам сезилиб туришиға эътибор қаратади. У die Nüchternheit ва die Gründlichkeit опозициясини баён этиб, французларға –мулоҳазалилик, немисларға эса асослилик, ишончлилик хос [8; 10], деган фикрға келади.

Немис менталитети синтаксисда, айниқса гап композицияси масаласида ҳам аҳамиятға эға эканлигини

рус германисти А.А.Флакман таъкидлайди: “Немис тилида нафақат кўпгина гап бўлаклари ўзлари учун қатъий ажратилган ўринга эга, балки гаплар ҳам қатъий тартибга бўйсундирилади.” [12; 16]. Немис менталитетида гармония ва тартибга бўлган интилиш гап қурилиши композициясида ҳам юзага чиқади.

Немис тилидаги модал юкламалар билан инглиз тилидаги *gambit*ларни миллий-маданий белгилар сифатида когнитив-индивидуал яқин аспектда солиштирган К.Агуадо аввало лингводидактикани мақсад қилиб, ҳар бир ўқитувчи идиолектида аутентик муҳитни юзага келтирувчи юкламалар иштироки мақсадга мувофиқлигини уқтиради [13; 101]. Олиманинг бизни қизиқтирган тезиси юкламаларга когнитив-ментал майдонда сўзловчининг бир қатор ўй ва фикрларини қисқача шаклда узатувчи унсурлар сифатида қарашидир. У А.Вежбицкаяга суяниб, юкламаларни ментал фаолиятнинг ифодачилари деб санайди ва комплекс ўй ва фикрларнинг қисқартмаси деб тушунади [13; 74]. Дарҳақиқат, нутқда инсоннинг туйғулари, муносабатлари, таассуротлари ва

баҳоси реаллашар экан, бу ўринда юкламалар, хусусан, модал юкламаларнинг аҳамияти каттадир.

Юкламаларнинг миллий-маданий хусусиятларини қисман ёритган Л.В.Юлогина этник хослик сифатида *vielleicht* пресуппозитив юкламасини ўрганиб, ушбу юкламанинг ўзини яқин тутиш, бетакаллуфликни ифодалашда хизмат этишини баён қилади [14; 145]. Бундан келиб чиқадики, юкламалар иштирок этган гапларда баъзи бир маданий хусусиятлар намоён бўлади.

Умуман олганда, юкламалар англатадиган миллий-маданий хосликлар аниқлик, тартиб, тежамкорлик хиссиётлари каби тилнинг лингвомаданий жиҳатлари билан бевосита боғлиқдир.

Шундай қилиб, лингвомаданий мезонга кўра юкламаларнинг тадқиқи доирасида санокли ишлар олиб борилган бўлса-да, уларда юкламаларнинг миллий-маданий жиҳатлари илмий асослаб берилган.

Жумладан, юкламаларни лингвомаданий мезон асосида ўрганиш натижасида уларнинг қуйидаги хусусиятлари аён бўлган.

2-жадвал.

### Юкламаларнинг лингвомаданий хусусиятлари

Лингвомаданий мезон	Юкламаларнинг хусусиятлари
тежамкорлик мезонига кўра	нутқ унсурларини тежашда иштирок этувчи
аниқлик мезонига кўра	маъно ва қўлланиш чегаралари аниқ
тартиб мезонига кўра	тартибга риоя қилувчи
ишонч мезонига кўра	ишончлилик муносабатини билдирувчи

Кўриниб турганидек, лингвомаданий тадқиқ мезони юкламаларнинг тилдаги муҳим миллий-маданий жиҳатлари билан боғлиқ хусусиятларини изоҳлашга изн беради. Бу тадқиқот мезони асосида миллат тежамкорлиги, тил соҳибининг тартибга риоя қилиши тилда ҳам ўз ифодасини топиши, юкламаларнинг ўз ўрнига қўйиб ишлатилиши ва шу кабиларда кўринади.

#### - Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Немис тили юкламаларининг “аниқлов” маъноси. Маълумки, нутқда сўроқ гаплар аниқлик киритиш мақсадида қўлланилади. Бироқ агарда сўзловчи ўз саволига олган жавобдан қониқмаган бўлса, шу жумладан, баъзи ҳолатларда жавоб юзаки, жиддий равишда берилмаган, тўлиқ фактларни қамраб олмаган кўринишда бўлса, немис тилида *denn, eigentlich, überhaupt, nur, bloß, doch, noch mal* юкламалари ёрдамида аниқлик киритилади. Масалан:

– Eva war unruhig. Sie stand unschlüssig in ihrem Zimmer und blickte sich um. Lesen? Nein. Aufgaben machen? Nein. Klavier spielen? Nein. Was blieb eigentlich noch? Spazieren gehen. Bei der Hitze! Vielleicht doch noch schwimmen? Das war bei diesem Wetter keine schlechte Idee. [154; 10]

Таҳлил қилинаётган мисол шуни таъкидлашга изн берадики, аниқлов юкламаларига мослашувчанлик хосдир. Уларда контекстнинг умумий маъносига мослаша олган ҳолда қўшимча ахборот бериш имкониятлари мавжуд. Жумладан, юқоридаги мисолларда ҳам бажарадиган ишларини сарҳисоб қилаётган Еванинг яна нима ишни бажариши лозимлиги *eigentlich* юкламаси орқали аниқлик киритиш воситасида таъкидланаётганлиги маълум бўлади.

Айтиш жоизки, суҳбат жараёнида учраган фактга аниқлик киритиш мақсадида қўлланилган гаплар шаклан турли хил бўлиши мумкин: биринчидан, у тўлиқ гап шаклига эга бўлиши, иккинчидан эса, нотўлиқ гап

шаклида бўлиши, яъни фақат сўроқ сўздан иборат бўлиши мумкин. Масалан:

– Wo denn? Ist das noch Osten oder schon Westen?, fragte mich neulich eine Beamtin im Landeseinwohneramt, als ich dort eine Einladung für meine Petersburger Freunde bestätigen lassen wollte. [151; 15]

Юқоридаги мисоллардан маълум бўладики, *denn* юкламаси гапда иккита вазифани бажармоқда: биринчидан, сўзловчи кўпроқ нарсани билиб олмоқчи бўлаётганлиги *denn* орқали таъкидланаётган ёки ажратиб кўрсатилаётган бўлса, иккинчидан, сўзловчининг нутқни эркин, бемалол тарзда олиб бораётганлигидан, суҳбатдошининг раъйига қараб, унга лутф кўрсатаётганидан хабар беради. *Denn* юкламасисиз эса айнан шу фикр расмий ва бегоналарча муомала тусини олиши, суҳбат носамимий тарзда кечаётганлигини билдириш мумкин эди. Бироқ *denn* юкламасини қўллаш лозим топилмаган тарзда овоз пардасини озгина кўтариб талаффуз қилиш етарли бўлса-да, яқинлик, эркинлик, тортинмай, бемалол олиб бориладиган муносабатларга путур етади.

Умуман олганда, аниқлов маъносини англатувчи юкламаларнинг танлови сўзловчига боғлиқлигининг сабаби шундаки, улар нутқда эгилувчанлик, мослашувчанлик қобилиятларини намоён қила оладилар.

#### - Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Демак, замонавий тилшуносликда юкламалар тадқиқи функционал-семантик, морфологик, синтактик, стилистик, прагматик, лингвомаданий, когнитив мезонлар асосида олиб борилади. Бугунги кунда тилшунослик тараққиётида эришилган ютуқ ва муваффақиятлар юкламаларнинг тадқиқ ишлари турли мезонларга таянилиб олиб борилишига асос бўлиб, поғонавий ривож топишига туртки бўлади. Қолаверса, юкламалар англатадиган миллий-маданий хосликлар аниқлик, тартиб,

тежамкорлик ҳиссиётлари каби тилнинг лингвомаданий жиҳатлари билан бевосита боғлиқдир. Лингвомаданий тадқиқ мезони юкламаларнинг тилдаги муҳим миллий-маданий жиҳатлари билан боғлиқ хусусиятларини изоҳлашга изн беради. Бу тадқиқот мезони асносида

миллат тежамкорлиги тилда ҳам ўз ифодасини топиши, тил соҳибининг тартибга риоя қилиши тилда ҳам юкламаларнинг ўз ўрнига қўйиб ишлатилиши ва бошқаларда кўринади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.-285 б.
2. Раҳимов У.Э. Юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз. ...дисс. -Андижон, 1994.-151 б.
3. Юлюгина Л.В. Функциональные особенности немецких пресуппозитивных частиц в диалогическом дискурсе (в сопоставлении с русским языком): Дисс. ...канд. филол. наук.-Воронеж, 2005.-212 с.
4. Соколова М.Е. Функционально-семантическая специфика немецких модальных частиц как маркеров пресуппозиционального дейксиса: Дисс. ...канд. филол. наук.-Волгоград, 2006.-158 с.
5. Иванов В.Д. Критерии разграничения немецких модальных и дискурсивных частиц в отечественной и зарубежной лингвистике // Филологические науки. Вопросы теории и практики, 2018.-№3-2(81). -Ч.2.-С. 328-332. Электронная версия:<https://cyberleninka.ru/article/n/kriterii-razgraniчениya-nemetskih-modalnyh-i-diskursivnyh-chastits-v-otechestvennoy-i-zarubezhnoy-lingvistike> (дата обращения: 25.10.2019).
6. Емельянова А.В. Темпоральные частицы в немецкоязычной рекламе: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук.-Иваново, 2007.-23 с.
7. Чернышева А.Ю., Зиян Ф. Рахиле. Императивные конструкции с модальными частицами в переводах русских текстов XX века на персидский язык // Филология и культура.- Москва, 2014.-№2(36).-С. 65-68.
8. Weydt H. Abtönungspartikel. Die deutschen Modalwörter und ihre französischen Entsprechungen.-Berlin: Gehlen Verlag, 1969.-127 S.
9. Чернышева А.Ю., Зиян Ф. Рахиле. Императивные конструкции с модальными частицами в переводах русских текстов XX века на персидский язык // Филология и культура.- Москва, 2014.-№2(36).-С. 65-68.
10. Werner A. Die deutschen Partikeln und ihre Entsprechungen im Japanischen. -131 S. Электрон манба: <https://d-nb.info/958556156/34>. Access date: 26.04.2018.
11. Weydt H. Abtönungspartikel. Die deutschen Modalwörter und ihre französischen Entsprechungen.-Berlin: Gehlen Verlag, 1969.-127 S.
12. Флакман А.А. Немецкий язык как отражение ментальности его носителей: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук.- Нижний Новгород, 2005.-18 с.
13. Aguado K. Dimensionen Lerner sprachlicher Partikelverwendung. Sprachsystematische, konitiv-individuelle und interaktiv-soziale Aspekte beim Gebrauch und beim Erwerb des Deutschen als Fremdsprache. Diss. -210 S.
14. Юлюгина Л.В. Функциональные особенности немецких пресуппозитивных частиц в диалогическом дискурсе (в сопоставлении с русским языком): Дисс. ...канд. филол. наук.-Воронеж, 2005.-212 с.



**Жамила БУРАНОВА,**  
Қариш давлат университети  
Ўзбек филологияси факультети эркин тадқиқотчиси  
dzamilaburanova@gmail.com

ЎзМУ профессори, фил. ф.д. Ҳамидулла Болтабоев тақризи асосида

## РАЗРАБОТКА МИФОЛОГИЗМА В УЗБЕКСКОМ ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИИ

Аннотация

В статье рассматривается процесс становления и развития мифологизма в современной узбекской литературе. Этот процесс начинается преимущественно со второй половины XX века. В работах Х.Болтабоева, М.Шарафутдиновой, Г.Гариповой, Н.Сыздыкбаева и других исследователей раскрывается сущность мифологизма, присущей определенному периоду. Выделяется особое значение неомифологизму, как определенный исторический этап развития мифологизма, в которой восстанавливается целостность мировосприятия и миропостроения.

**Ключевые слова:** мифологизм, неомифологизм, проза, психологизм, символ, стиль, условность.

## O'ZBEK ADABIYOTSHUNOSLIGIDA MIFOLOGIZMNING RIVOJLANISHI

Annatsiya

Maqolada zamonaviy o'zbek adabiyotida mifologizmning shakllanishi va rivojlanishi jarayoni ko'rib chiqilgan. Bu jarayon asosan XX asrning ikkinchi yarmidan boshlanadi. X.Boltaboev, M.Sharafutdinova, G.Garipova, N.Syzdiqboev va boshqa tadqiqotchilarning asarlari mifologizmning ma'lum bir davrga xos mohiyatini ochib beradi. Maqolada shuningdek neomifologizmga mifologizm rivojlanishining ma'lum tarixiy bosqichi sifatida ahamiyat beriladi, bunda dunyoni idrok etish va dunyoni qurish yaxlitligi tiklanadi.

**Kalit so'zlar:** mifologizm, neomifologizm, nasr, psixologizm, ramz, uslub, konvensiya.

## DEVELOPMENT OF MYTHOLOGISM IN UZBEK LITERARY CRITICISM

Annotation

The article examines the process of the formation and development of mythologism in modern Uzbek literature. This process begins mainly from the second half of the twentieth century. The works of Kh.Boltaboev, M. Sharafutdinova, G. Garipova, N. Syzdykbaev and other researchers reveal the essence of mythologism inherent in a certain period. The special significance of neo-mythologism is highlighted as a certain historical stage in the development of mythologism, in which the integrity of world perception and world-building is restored.

**Key words:** mythologism, neomythologism, prose, psychology, symbol, style, convention.

Проблема мифологизма в узбекском литературоведении разрабатывается в основном со второй половины XIX века в работах узбекских литературоведов М.Кошжанова, А.Шарафиддинова, У.Норматова и других видных ученых при анализе конкретных литературных произведений Абдуллы Кадыри, Аскада Мухтара, Адыла Якубова, Тимура Пулатова и Амана Мухтара.

О значении узбекской прозы в литературном процессе и взглядов писателей второй половины XX века рассматривает акад. М.Кошжанов: «Радует то, что методологические новации появляются не только в современных произведениях, но и в произведениях, созданных на исторические темы, и на этой основе углубление психологического анализа, последовательность событий полностью подчиняется образу психологии изображения» [11].

Если литературоведы опираются на фольклорные традиции в реалистической прозе, этот процесс оценивается фольклористами как вторая жизнь фольклорных произведений. Например, проф. М.Жураев в своей статье рассматривает влияние мифологии на фольклор. Он анализирует творчество писателей 40-50 годов, определяя следы мифологии в фольклорных жанрах, в частности в дастанах: «Древние мифологические традиции, сохраненные сказкой и героическим эпосом, сыграли большую роль в формировании литературно-поэтического мышления, в

произведениях по сюжету сказок и дастанов в сокровищнице народного творчества» [5].

Узбекский учёный Х.Болтабоев, рассматривая новые формы и стили в узбекской прозе 60-70-х годов XX века, отмечает, что произведения этого периода «свидетельствуют о совершенствовании литературы реализма, о развитии ее по художественным закономерностям, многообразию форм, богатству стилей, правдивости и глубине изображения» [2].

Изучая роль условности в художественном произведении 70-80-х годов, он выделяет следующее: «Условность в узбекской литературе, прежде всего, рассматривался как признак словесного искусства. Следует иметь в виду, что в центре внимания здесь не черты условности художественной литературы, а обращение к приёмам и средствам условности». Использование приёмов условности в реалистической литературе было призвано не отвлечением от реалистических принципов, а широким использованием возможностей реализма. Х.Болтабоев говорит о преимущественной роли символичности и символе как средство, обеспечивающее идейно-художественную целостность произведения. Ученый выделяет два вида условной образности: аллегорический и символический образы. «Одним из способов условной образности, широко применяемой в условно-символической стилиевой тенденции, – аллегорические образы. Следовательно, обращаясь к условно-символическому стилю, надо

учитывать, что аллегорические и символические образы, условные приемы, средства художественной абстракции должны отвечать внутренним потребностям художественного произведения. Несмотря на то, что условно-символическая стилевая тенденция в узбекской прозе стала развиваться с недавних пор, в ней обнаруживаются различные проявления реалистической условности» [2].

Исходя из исследований ученого, можно отметить, что узбекская литература 70-80-х годов XX века более расширяет свои грани при изображении стилей, условностей и символов, что свидетельствует о значительном влиянии мифологизма в узбекскую литературу этого периода.

Изучая следующие периоды современной узбекской прозы, А.Рахимов говорит о том, что в литературе авторская речь переходит на задний план и на ее место приходит многозвучное изображение и описание действительности. «... В результате строго развиваются полифонические средства изображения. Это в свою очередь, придаёт разнообразие эпическим жанрам. Особенно передача событий из уст, взглядов и переживаний героя, углубляет возможности аналитического изображения. С воздействием естественных наук, биологии и психологии, раскрываются новые средства и возможности изображения человека, его психического мира» [7]. Из этого исследования можно заметить начало влияния психологизма в узбекскую литературу, который появился в западноевропейской литературе XX века и оказало свое воздействие на развитие не только психологизма, но и мифологизма.

По мнению узбекского фольклориста Т.Рахромова, «художественное творчество, которое возникает в связи с развитием общественной жизни и ростом человеческого развития, в первую очередь питается мифологией. Древние мифы изменяя свои формы и семантический круг, впитывались в архаические формы фольклора. Мифология дала литературе ряд сюжетов, образов и художественных средств, и стала основой для ее создания» [8].

Рассматривая мифологическую природу узбекской литературы второй половины XX века, Т.Рахронов приходит к выводу, что прогресс общественной жизни повлиял и на природу мифа, который, в свою очередь связан с понятиями диффузия или трансформация. В результате диффузных изменений, существующее в общественной жизни какое-либо событие, переживает свою жизнь и тратит свой статус, и с исчезновением этого события, на смену ему приходит более сложное и содержательное другое явление. Ученый особо рассматривает содержание эпических жанров (в частности, классические сказки и дастаны), в которых сохранилась диффузия мифов. Эта мифологизация является основой ряда мотивов в художественном произведении, и продолжает жить по эстетическим правилам и по сей день.

В отдельных работах мифологизм в литературе трактуется в аспекте анализа места и времени. Так как исследователь Э.Абуталиева изучает художественные произведения 80-х годов с точки зрения пространства и времени, и отмечает, что в современной литературе «и пространство, и время теряют свой линейный однородный характер, – в этом заключается одна из важнейших тенденций в современной литературе, реализующаяся в усилении аллегоризации, притчевости, мифологизации» [1]. Изучая пространство и время в русскоязычной литературе Средней Азии, она отмечает, что «главное отличие двух типов сюжета – разная реализация категории пространства и времени. Классический сюжет в

качестве нормы использовал хронологическое изложение событий» [1]. В современной литературе нормой становится необычная форма смещений пространства и времени, которая приводит к главному различию классического сюжета от современного. К контексту выделяется основное значение, так как он является основным свойством при понимании сущности художественного произведения.

Профессор Г. Гарипова рассматривая художественную модель жизни в литературе XX века, опирается на философскую основу, усиливающуюся в литературном процессе некоторых художественных моделей жизни: «Усилившаяся философская направленность прозы, как отмечает она, обусловила как развитие многообразных реалистических художественных форм, так и условных, что позволило создать новый стиль изображения «кистинной реальности», характеризующийся свободным сосуществованием реального и ирреального хронотопа, условно-фантастическим смещением действительности, появлением сюрреалистических элементов и мотивов в изображении бытия человека» [3]. В этот период многие прозаики осознают, что проблема личности заключена не только в социальных конфликтах общества и человека, но и в нравственно-философских, психологических и нравственно-исторических основах человечества.

Вслед за Г.Гариповой проблемой изучения национального характера в узбекской прозе (в частности в рассказах) 90-х годов занимается Г.Сатторова: «В прозе 90-х годов довольно расширились возможности описания и изображения, агрессивность господствующей идеологии в создании художественного образа, формально-стилевые исследования подняли изучение человеческой психики на новые художественные критерии» [9].

На примере рассказов узбекских писателей, Г.Сатторова всесторонне рассматривает проблему образной системы в произведении; ею изучен опыт создания национального характера в рассказах, анализировано место философско-художественной интерпретации при создании характера узбекского героя, раскрыты восточные основы литературного героя, определен идеал писателя и межнациональное отношение, обосновано значение общечеловеческих качеств при создании художественного образа, определены новые принципы при создании характера в рассказах периода независимости.

Ученый Н.Сыздыкбаев также рассматривает прозу 70-90-х годов и раскрывает этико-философские воззрения писателей. Он изучает русскоязычную прозу и исследует художественные произведения с точки зрения мифологизации. В этот период «появляется целый ряд многонациональных писателей, пишущих на русском языке (и потому относимых к русскоязычной литературе), творчество которых не только отражает происходящие в обществе перемены, но и вбирает в себя весь спектр духовно-философских и этических проблем, поднимающихся над бытовым, узко социальным, ориентированных на постижение «вечных» проблем бытия.

Доц. М.Пирназарова исследуя стилиевые искания в современном узбекском романе, останавливается на мифе, рассматривает эволюцию мифа и его сливание в жанр романа. Несомненно, сложный характер узбекского романа проявляется пониманием сути стилиевых исканий. Изучая стиль Ч.Айтматова, подчеркивает переплетение в его творчестве различных легенд и мифов с реальными событиями действительности: «Авторский характерный стиль реальных сцен, окутанных сценами из прошлого и

пеленой народной мудрости, повышает доверие к роману, обеспечивая искренность рассказа» [6].

В XX веке диапазон поэтических возможностей узбекского романа расширяется, и в узбекскую литературу приходит новое явление «неомифологизм». Термин «неомифологизм», проникшийся в литературу в XX столетии, как способ постижения мира и человека, определил своё место как в реалистических, так и нереалистических направлениях. Эстетическое освоение неомифологизацией окружающей действительности осуществляется художниками самых различных направлений на основе единых мифопоэтических принципов. Более того это понятие осуществил взаимовлияние многонациональных авторских мифопоэтических моделей, воссозданных в русской и узбекской прозе и составляющих в течение XX в. либо в едином, либо в тесно связанных друг с другом культурных пространствах.

Н.Сыздыкбаев называет неомифологизм как «определённый исторический этап развития мифологизма», так как и «тип сознания, породивший особую форму художественного мышления, чрезвычайно значимого для разных форм искусства изучаемого периода». «Неомифологизм, – по его словам, – это проявление тенденции восстановления целостности мировосприятия и миропостроения, способ спроецировать нравственный статус человека на принципы древней, «наивной» этики, под влиянием которой формируется как ментальность отдельного этноса, так и духовный мир человека как такового [10]. Он выделяет два понятия, свойственные неомифологизму: «мифологизация» как процесс насыщенного авторского художественного текста темами, мотивами, персонажами классических мифов и «мифологизм» как наличие в художественном произведении особых содержательных и формальных свойств, возникающих в следствие внесение в него принципов построения мифа» [10].

В своей монографии Г.Гарипова рассматривает литературный процесс XX – XXI веков в контексте методологии интегрального литературоведения. В эту эпоху получает свой расцвет художественное явление

неомифологизма, которое сопровождается процессами демифологизации и ремифологизации «при которой философская насыщенность произведения, позволяющая рассматривать пласт частных проблем как общемировые, общезыбытные, обеспечивается за счёт создания авторских неомифов посредством художественной реинтерпретации в современном контексте классических мифов (сюжетов, мотивов, образов, символов и т. д.)» [4].

Таким образом, исходя из вышерассмотренных исследований узбекских учёных в области художественной литературы, где появляется влияние западного и русского мифологизма, можно отметить, что это обобщённое понятие возникло в произведениях узбекской литературы 20-х годов XX века и начало развиваться в последующие годы. 40-50 годы характеризуется влиянием мифологизма на фольклорные жанры, в частности на дастаны (М.Жураев). В 70-80 годы, период главенствования реализма мифологизм возникает как явление, включающее в себя следующие закономерности: многообразие форм, богатство стилей, правдивость и глубина изображения окружающей действительности (М.Кошжанов, Х.Болтабоев). Личность изображается с богатейшими духовными возможностями, с трудовым героизмом, с помощью которого можно изменить мир (А.Рахимов). Главной особенностью этого периода – применение условности, как основное средство воплощения мифологизма. 80-е годы XX века характеризуется расширением стилевых многообразий, условностей и символов. В изображении пространства и времени также происходит хронологическое нарушение, которое в свою очередь воспринимается как особый художественный приём (Э.Абуталиева). Основным факторам творчества писателей 90- годов «является мера личностного, самобытного, полифонического осмысления проблемы и новаторское ее решение в произведениях русской и узбекской прозы 60-90-х годов» (Г.Гарипова)[3]. Главной особенностью литературы XX-XXI столетий является проникновение феномена «неомифологизм», который является определенной формой исторического развития мифологизма в литературе.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Абуталиева Э.И. Пространство и время в русскоязычной прозе Средней Азии (на материале творчества Тимура Пулатова и Тимура Зульф리카рова). Автор. дисс. ... кандидата филол.наук. - Т., 1993. – С. 3.-14.
2. Болтабоев Х.У. Стилевые искания современной узбекской прозы (70-е годы). Дисс. ... кандидата филол. наук. – Т., 1983. – С. 99-101.
3. Гарипова Г.Т. Концепция личности в современной литературе (на материале произведений русской и узбекской прозы). Автор. дисс. ... кандидата филол.наук. – Т., 1997. – С. 4.
4. Гарипова Г.Т. Т. Художественная модель бытия в литературе XX века / Отв. ред.: д.ф.н., профессор Давшан А. Н. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2012. – С. 7.
5. Жўраев М. Мифларнинг ёзма адабиётга муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1980. №6. – С. 41-45.
6. Пирназарова М.М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар (О.Мухтор, Х.Дўстмухаммад, У.Ҳамдам, Т.Рустам романлари мисолида). Филол. фанлари номз. ... дисс. – Т., 2006. – Б. 91.
7. Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси (сюжет ва конфликт). Филол. фанлари доктори ... дисс. – Т., 1993. – С. 152.
8. Раҳимов Т.Л. Қадимги мифлар ўзбек фольклори эпик мотивларининг ўзаги сифатида. Филол. фанлари номз. ... дисс. – Т., 1996. – С. 25.
9. Сатторова Г.Ю. 90-йиллар ўзбек романчилигида миллий характер муаммоси (Ф.Ҳотам, Х.Дўстмухаммад, Н.Эшонқул хикоялари мисолида). Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Т., 2002. – С. 3-6.
10. Сыздыкбаев Н.А. Художественный неомифологизм в литературе второй половины XX века. – Т., MUMTOZ SO'Z, 2012. – С. 4-7.
11. Қўжонов М. Ҳозирги прозамизнинг баъзи тенденциялари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1980. №5. – С. 3-11.



UDK: 801.82

*Pyos ISMOILOV,*  
*Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti*  
*filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (Ph.D.),*  
*E-mail: ismoilov\_iles@mail.ru*

### ALISHER NAVOI ABOUT THE GENEALOGY OF ISKANDAR

Abstract

This article analyzes Alisher Navoi's attitude to the science of history, the specific reality, the historical sources on which he relies on the example of the epic "Saddi Iskandariy". A comparative study of Navoi's interpretation of the lineage of Iskander, the protagonist of "Saddi Iskandariy", proves that Navoi interpreted the image of Iskander not as a "adopted child, a found child" but as "a real prince, the son of Faylaqus".

**Key words:** Alisher Navoi, Iskander, history, genealogy, artistic interpretation, source.

### АЛИШЕР НАВОИ О ГЕНЕАЛОГИИ ИСКАНДЕРА

Аннотации

В статье анализируется отношение Алишера Навои к исторической науке, конкретной действительности, историческим источникам, на которые он опирается на примере эпоса «Садди Искандарий». Сравнительное исследование интерпретации Навои происхождения Искандера, главного героя «Садди Искандария», доказывает, что Навои интерпретировал образ Искандера не как «приемный ребенок, найденный ребенок», а как «настоящий принц, сын Файлакуса».

**Ключевые слова:** Алишер Навои, Искандер, история, генеалогия, художественная интерпретация, источник.

### ALISHER NAVOIY ISKANDARNING NASABI HAQIDA

Аннотация

Ushbu maqolada Alisher Navoiyning tarix ilmiga munosabati, muayyan voqelik, sujet tasvirida qanday tarixiy manbalarga tayangani "Saddi Iskandariy" dostoni misolida tahlil etilgan. Navoiyning "Saddi Iskandariy" bosh qahramoni Iskandarning nasabiga oid talqini qiyosiy o'rganilib, Navoiy Iskandar obrazini "asrandi farzand, topib olingan bola" sifatida emas, balki "haqiqiy shahzoda, Faylaqusning o'g'li" sifatida talqin etgani isbotlangan.

**Kalit so'zlar:** Alisher Navoiy, Iskandar, tarix, nasab, badiiy talqin, manba.

**Kirish.** Alisher Navoiyning tarixga munosabati va o'z asarlarini yaratishda tayangan manbalarini tadqiq etish ko'plab yangi fikr va qarashlarga asos beradi. Navoiy ijodkor bo'lishiga qaramay hamisha tarixga jiddiy e'tibor qaratgan va o'z asarlarida tasvirlanajak voqelikning asoslari, o'zi yaratmoqchi bo'lgan sujet va epizodlarga oid manbalar bilan yaqindan tanishishga harakat qilgan. Mazkur prinsip, ayniqsa, Navoiyning "Saddi Iskandariy" dostonining yaratilishida aniq ko'zga tashlanadi. Alisher Navoiy «Saddi Iskandariy» dostonini yozishda tayangan manbalarni belgilash, ulardan qay tarzda foydalanгани aniqlash juda muhim. Qolaversa, Navoiy o'z dostonini yaratishda salafllari, xususan, Nizomiy Ganjaviyning shu mavzudagi asariga qay darajada tayangan, bu jarayonda yana qanday manbalarga e'tibor qaratgan, degan muhim muammolarga javob topish alohida ilmiy ahamiyatga ega. Zero, Y.E.Bertels genetik tahlil Navoiyning Iskandar obraziga doir konsepsiyasidagi o'ziga xosliklarni aniqlashning yagona yo'li, deganda haq edi [4, c. 285]. Bu o'rinda manbalar masalasini tarmoqlab olish maqsadga muvofiq ko'rinadi, masalan, Iskandarning jahongirliги tarixiy manbalar, donishmandligi ko'proq hikmat adabiyoti va folklor bilan, payg'ambarligi esa diniy manbalar bilan aloqador. Navoiyga qadar yaratilgan Iskandar haqidagi adabiy asarlarda esa bu uch yo'nalishdagi ma'lumotlar qorishiq holda keladi.

**Tahlil va natijalar.** Alisher Navoiyning o'z asarlari, jumladan, "Saddi Iskandariy" dostonini yaratishda tarix ilmiga qanchalik jiddiy e'tibor qaratgani dostonidagi to'rt sulola tarixi va asarning bosh qahramoni Iskandarning nasabiga oid talqinlarda yaqqol namoyon bo'lgan. Navoiy «Tarixi muluki Ajam»da «faqir «Saddi Iskandariy»da ul iki buzurgvor (Nizomiy va Dehlaviy – I.I.) qavlini soyir muarrixlar

aqvolig'a tarjih qilib, nazm adosig'a qaror beribmen» [11, 217-b.], – deb yozadi. Bu orqali «Saddi Iskandariy»ni yaratishda «Iskandarnoma» (Nizomiy) va «Oynayi Iskandariy» (Xusrav)lardan ijodiy oziqlangani hamda ko'plab tarixiy asarlarga suyangani haqida ishora beradi. Darhaqiqat, boshqa xamsanavislar, xususan, Nizomiy ijodi asoslaridan biri tarix ilmi bo'lib, «Xamsa»ning ko'plab sujet, motiv va obrazlari o'zining tarixiy manbalariga ega [5, 12-c.]. «Saddi Iskandariy»ning o'zida ham (XI bob) *kulliy maqsad tarix ilmi maxzanidan vuquf topmog'liq* ekani alohida uqtirilgan. Iskandarnomalarni «mashhur fohning tarjimayi holi yoki uning urushlari xronikasi deb qarash mutlaqo asossiz» [15, 10-b.] bo'lsa-da, Navoiyning yuqoridagi qaydlari «Saddi Iskandariy» ma'lum ma'noda tarixiy asosga ega asar ekani, unga butunlay to'qima yoki majoziy asar sifatida qarab bo'lmasligini ham bildiradi. Navoiy «kulliy maqsad»iga muvofiq tarixnavislik an'analari rioya qilib, asosiy qismning boshida *pehdodiy, kayoniy, ashkoniy va sosoniylar* tarixini qisqa bayon qiladi, chunki Iskandar tarixi bevosita mazkur sulolalar bilan aloqador edi. Bunday yondashuv salafllari ijodida uchramaydi.

Navoiy Ajam shohlari tarixi borasida, asosan, Qozi Bayzoviyning «Nizom ut-tavorix»iga [3, c. 162], o'rni bilan «Tarixi guzida» [10, c. 107 – 117] va «Tarixi Banokatiy»ga [2, c. 58 – 62] tayangan. Xususan, Navoiyning *pehdodiy*lar, ularning umumiy soni (11 ta) va ketma-ketligi haqidagi ma'lumotlari keyingi ikki tarixiy asar bilan to'la uyg'un keladi.

Navoiyning kayoniylarga oid ma'lumotlari Bayzoviy tarixi bilan to'la mos [3, c. 39], biroq Navoiy keltirgan podshohlarga oid izohlarning ba'zilarini «Nizom ut-tavorix»da

yo'q. Jumladan, Kayqubod to'g'risida so'zlar ekan, hukmronligi davrida Rustam pahlavoni bo'lganini aytadi, mazkur fakt «Nizom ut-tavorix»da emas, «Tarixi Guzida» va «Tarixi Banokatiy»dagi Kayqubod qissasida mavjud [2, c. 62]. Navoiy «Nizom ut-tavorix»dagi ma'lumotlarni boshqa tarixlar bilan solishtirib, zarur o'rinlarda o'zgartirish kiritganini ta'kidlaganda mana shunday hollarni nazarda tutgan. Bu sulola bilan bog'liq muhim jihat shuki, Navoiy Iskandarning ayni shu zamonda dunyoni egallaganini aytadi, ammo unga kayoniylar sulolasining vakili sifatida qaramaydi. U bu borada «Nizom ut-tavorix»ga suyangani, chunki «Tarixi Guzida»da Humoy qissasi yo'q, kayoniylarning to'qqizinchi shohi sifatida Iskandar qissasi keladi, «Tarixi Banokatiy»da esa Iskandar qissasi kayoniy shohlarning o'ninchisi bo'lib kelgan.

Uchinchi tabaqa «muluki tavoyif» nomi bilan yuritiladi. Bu nom Iskandarning mamlakat boshqaruvi alohida toifalarga ajratishi bilan bog'liq holda yuzaga kelgan [7, c. 65]. Navoiy ular 19 kishi ekanini qayd etsa-da [12, 80 – 82-b.], amalda 17 hukmdor nomini ko'rsatgan [13, 124 – 128-b.]. Ular «Nizom ut-tavorix»da 17, «Tarixi Banokatiy»da 16, «Tarixi Guzida»da uch firqa va 21 kishi ekani aytilgan. Tabariy esa Iskandardan so'ng 90 shoh hukmronlik qilganini qayd etadi [16, c. 500]. Ko'rinib turibdiki, adib manbalardagi ixtiloflarga jiddiy e'tibor bergan. Navoiy keyinchalik «Tarixi muluki Ajam»da uchinchi sulola to'g'risida ixtiloflar ko'pligi, ularni o'n besh nafar qilib tasvirlashni ma'qul ko'rganini ham yozgan [11, 221-b.]. Navoiy to'rtinchi tabaqa borasida ham ko'proq «Nizom ut-tavorix»ga tayangan. Faqat o'n ikkinchi sasoniy hukmdor sifatida qayd etilgan Bahrom bin Shopurdan so'ng Feruz bin Yazdijird taxtga o'tirganini aytadi, holbuki «Nizom ut-tavorix»da Bahrom va Feruzning orasida Yazdijird bin Bahrom, Bahromjur bin Yazdijird, Yazdijird bin Bahromjur, Hurmuz bin Yazdijird kabi sasoniylar o'tgani aytilgan [3, c. 47].

Navoiy qayd etgan to'rt tabaqa shohlarining umumiy soni 68 nafar, hukmdorlik davri 4336 yil-u 10 oy davom etgan. Bu ma'lumotlarni manbalardan aynan topib bo'lmaydi, chunki Navoiy sulolalar tarkibi, ketma-ketligi kabi masalalarda faqat bir manbaga tayangan emas, shu bois mazkur umumiy faktlar ham boshqa tarixchilar ma'lumotidan farqlanadi. Biroq to'rt tabaqaning umumiy hukmronlik davri haqida ma'lumot berish fikri Navoiyda tarixlar bilan tanishgandan so'ng paydo bo'lgan, chunki aksariyat manbalarda ularning umumiy soni va hukmronlik yillarini ko'rsatish an'anasi mavjud edi [2, c. 27; 3, c.13].

Navoiy Iskandarning nasabi va yoshligi borasida adabiy (Nizomiy «Iskandarnoma»si, Xusrav «Oynayi Iskandariy»si), tarixiy («Tarixi Banokatiy») asarlar va Jomiy maslahatini shaxsan qayd etgan, biroq «Saddi Iskandariy»dagi ayrim ma'lumotlar yuqoridagi manbalarda uchramaydi. «Saddi Iskandariy»da Iskandarning nasabiga doir quyidagi qarashlar ko'rsatib o'tiladi:

1) Iskandar Faylaqusning asrab olgan farzandi (rumliklar talqini);

2) Iskandar Dorobning o'g'li, u kayoniylardan bo'lgan («Shohnoma»dagi talqin);

3) dunyoda ikkita Iskandar o'tgan, biri Dorob bilan jang qilgan, biri Ya'jujga qarshi sad qurgan («Nizom ut-tavorix»dagi talqin);

4) Iskandar Faylaqusning haqiqiy o'g'li (Nizomiy va Jomiy talqini).

Navoiy o'sha kezlarda «Xiradnomayi Iskandariy»ni yozayotgan Jomiy bilan bu borada maslahatlashadi, Jomiy Nizomiy kabi har ikki ish (Doroga qarshi razm va sad qurish)ni yagona Iskandar amalga oshirganini tasdiqlaydi. O'z navbatida, Aleksandr nomi Sharqda shunga monandrog bo'lgan «Iskandar» (yoki Al-Iskandar – I.I.) deb yuritilgan [9; 490-b.]. Nizomiy «Iskandarnoma»da ushbu masalaga oid uch xil qarashni keltirgan:

1. Rumliklar talqini: Iskandar bir zohid ayolning farzandi bo'lib, onasi vayronada tug'ib oq vafot etgan.

2. Ozarparastlar talqini: Iskandar Dorobning farzandi.

3. Boshqa bir tarixchining talqini: Iskandar Faylaqusning farzandi [Y.E. Bertels «Nizami» nomli monografiyasida mazkur talqinlarning kelib chiqish manbalari haqida batafsil so'z yuritgan. Qarang: 5, c. 196 – 231]. Nizomiy uchinchi qarashni ma'qullab, dastlabki ikki qarashni tanqid qiladi:

Dar on har du guftor chustiy nabud,

Gazofa suxanro durustiy nabud [8, c. 43].

Nizomiyning mazkur talqini tarixiy nuqtayi nazardan asosli. Yunon manbalari bilan yaxshi tanish bo'lgan Al-Beruniy Nizomiydan bir necha asr oldin Iskandar Filipp podshohligining sakkizinchi yilida malika Olimpiadadan tug'ilganini aniq qayd etgan edi [6, 117-b.].

Shu o'rinda adabiyotshunoslikdagi bir talqinga e'tibor qaratish lozim. «Saddi Iskandariy» dostonidagi Iskandar obrazi bugungacha asrab olingan farzand sifatida talqin etib kelinmoqda. Agar muallifning bu boradagi fikrlariga diqqat qilinsa, o'zgacha holatni kuzatish mumkin. Navoiy Iskandarni *yazdonparast shoh* sifatida talqin qilgan, uning to'rt sulola qila olmagan ishni amalga oshirgani, Tangrining unday kishi yaratmaganini so'zlar ekan, Iskandarning ikkinchi tabaqa bo'lgan kayoniylar davrida o'tgani, kaylardan Doroyi Bahman shohligida *Rumga Faylaqus qaysar ekanini* aytadi. Mana shu nuqtadan Navoiy umumiy tarixdan o'z tasvir obyektini ajratib olib boshlaydi, ya'ni u Faylaqus to'g'risida so'z ochadi. So'ng Nizomiy bu shoh sarguzashtidan yaxshi xabardorligini aytib, «Iskandarnoma»dagi Faylaqusga doir fikrlarini iqtibos qilib keltiradi. Bu iqtibos Nizomiy o'z dostonida rumliklarga nisbat bergan rivoyat bo'lib, unga ko'ra, Iskandar bir zohidzan – taqvodor ayolning farzandi, onasi tug'ruq vaqtida shahar chetidagi vayronada vafot etadi. Faylaqus ovdan qaytayotib bu hodisani ko'rib qolib, uni asrab olishga qaror qiladi [8, c. 42]. Navoiy bu iqtibosni, aslida, Faylaqus haqida ma'lumot berish uchun keltirgan, lekin unda o'zi uchun zarur bo'lgan Iskandarning nasabiga doir qarash ham aks etgan edi. Shu bois rivoyatdan keyin yana Iskandarning nasabi borasidagi qarashlarni davom ettiradi. Ularning biri Iskandarning Dorob farzandi ekani haqida, keyingisi tarixda ikkita Iskandar o'tgani haqida edi.

Navoiy bu borada maslahat qilish uchun shu vaqtda «Xiradnomayi Iskandariy»ni yozayotgan Jomiy huzuriga boradi. Jomiy bilan maslahatdan so'ng Navoiyning bu boradagi xulosasi shunday bo'lgan:

1) tarixda ikkita Iskandar o'tgani haqidagi qarashlar noto'g'ri;

2) Iskandar Faylaqusning haqiqiy o'g'li.

Bu holatni butun doston davomida kuzatish ham mumkin. Navoiyning mazkur nuqtayi nazarini mantiqan dalillash ham mumkin, masalan, u Jomiyning Dorob va Ya'jujlarga qarshi yagona Iskandar kurashgani haqidagi qarashini qabul qilib, Iskandar Faylaqus o'g'li degan hukmini rad eta olmasdi, qolaversa, boshqa salaflar ham Iskandar Faylaqus o'g'li degan xulosada edi. Mazkur mantiq Navoiy iqtibos qilgan asrandi farzand haqidagi rivoyat Iskandar nasabiga tegishli ko'plab variantlardan biri ekanini tasdiqlaydi. Bunga yana bir asos shuki, dostonning biror o'rnida o'gay ona haqida gap yo'q, aksincha, Iskandar umrining oxirida onasiga maktub yozar ekan, unga o'z onasidek munosabat bildiradi. Qolaversa, yetti hakimning alohida-alohida ta'ziya bildirishida ham haqiqiy onaga munosabat sezilib turadi. Bordiyu Navoiy Iskandarni asrandi farzand qilib tasvirlashni maqsad qilganida bunga ochiq ishoralar bergan bo'lardi. Yoki dostonning o'n to'qqizinchi bo'limida Iskandar o'z xalqiga shunday murojaat etadi:

Atomni agar lutf aylab Iloh,

Bu kishvar uza ayladi podshoh.

Hamono bu ishga sazovor edi,  
Bu yuk chekkali quvvati bor edi.  
V-ar obo-vu ajdodima qildi Haq,  
Bu mulk ahlig'a hukmronliq nasaq.  
Alar dog'i zeboyi taxt erdilar,  
Tavono-u feruzbaxt erdilar [12, 106-b.].

Mazkur misralar Iskandarning nasabiga ko'ra shahzodalardan ekanligini ochiq tasdiqlab turibdi.

Masalaning ikkinchi tomoni shuki, bugungacha tadqiqotlarda Iskandarning nasabi borasida «asrandi farzand» varianti mutlaqlashtirilgan. Bunda ularni chalg'itgan dastlabki omil dostonida ushbu variantning boshqalarga nisbatan oldin kelishi edi. Bu o'quvchida muallif shu variantni ilgari surgan, «ikki Iskandar», «Dorob o'g'li Iskandar» variantlari esa ma'lumot uchun keltirilgan degan tasavvurni paydo qilgan. Ularni chalg'itgan ikkinchi omil ushbu baytdagi «topdi» so'zi bo'lishi kerak:

Skandarni topti malik Faylaqus,  
Yasab mulkin andoqki zebo arus [12, 90-b.].

Bayt Iskandarning nasabi haqidagi bahslar yakuni, voqealar rivojining boshida kelgan. Undagi «topdi» so'zi bir qarashda Navoiy dastlab tilga olgan «asrandi farzand» varianti bilan tutashib, o'quvchida muallif shu qarashni ma'qullagan degan tasavvurni mustahkamlaydi. Holbuki, «topmoq» so'zi farzandga nisbatan qo'llanganda «farzandli bo'lish» deb ham tushuniladi. O'tgan asr boshlarigacha Navoiy dostonidagi bu o'rin to'g'ri tushunilgan, masalan, «Nasri Xamsayi benazir» muallifi Mir Maxdum ibn Shohyunus «Saddi Iskandariy»da Iskandar Faylaqus o'g'li sifatida talqin etilganini yozadi [14, 15-b.].

Bu borada tadqiqotchilarni «chalg'itgan» eng asosiy omil Navoiy asarlariga sovetcha metodologiya asosida yondashish edi. O'tgan davrda Iskandar obrazini asrab olingan farzand sifatida talqin qilish orqali Navoiy dunyoqarashining «progressiv xarakterini, monarxiya davrida yashasa-da, uni qoralagan, go'yo zotining tayini bo'lmagan bola ham yaxshi tarbiya orqali buyuk shaxs bo'lishi mumkinligini ko'rsatishga harakat qilgani to'g'risida yozildi. Qisqasi, «Saddi Iskandariy»ning bu o'rindan ham Navoiyni o'z davri tuzumlariga qarshi shaxs sifatida talqin qilish uchun foydalanildi. Aslida, tarixiy va obyektiv haqiqat buzildi. Navoiy o'z davri farzandi sifatida taxtning otadan farzandga o'tishiga tarixiy va o'zgarimas taomil sifatida qaragan, unda taxtni oqil va yaxshi tarbiya ko'rgan shaxs boshqarishi kerakligi borasida istak bo'lgan, barcha bandalarning teng ekanini ham e'tirof etgan, lekin shohlik borasida «istalgan odamning» emas, balki shahzodalarning yaxshi tarbiya topishi, ularning yuksak ma'naviyatli bo'lishini xohlagan. «Xamsa» dostonlariga maxsus shahzodalar madhi va ularga nasihatlarining kiritilishi mana shu istak natijasi edi.

Navoiy Iskandarni Faylaqusning haqiqiy o'g'li sifatida tasvirlagan deb talqin etilsa, birinchidan, muallif nazarda tutgan obyektiv haqiqat namoyon bo'ladi, ikkinchidan, Navoiy intilgan ilmiy xolislik, ya'ni tarixiy faktlar bilan doston voqealari o'rtasidagi muvofiqlik yuzaga chiqadi. Navoiy mana shu haqiqat uchun kurashgan, ko'plab manbalar bilan tanishgan, shundan so'ng uzil-kesil qarorga kelgan. Navoiyshunoslikda esa muallif kurashgan tarixiy faktlarni

chetga surib, adibni mavjud qarashlarga moslashtirishga urinish ustuvor mavqe qozondi. Uchinchidan, Navoiyning Iskandari Faylaqus o'g'li ekanini e'tirof etish ijodkor asarlarining ilmiy asoslangani, undagi muhim o'rinlar tarixiy haqiqatlarga mos kelishi, doston uydirma yoki afsonalarga tayinmaganini isbotlash uchun ham zarur. Bu yangilash talqinlarning oldini olish bilan birga soxta talqinlardan tiyilishda ham qo'l keladi. Navoiy Iskandarni «asrandi farzand» deb talqin etish mantiqan «Iskandar aslida Dorob farzandi» degan qarashga yaqin bir holni yuzaga keltiradi. Zodagonlarning mazkur aqidasi sharqdagi ko'plab manbalarda aks etgan, ular bilan bog'liq holda bolaning kimsasiz joyda tug'ilishi, tashlab ketilishi, keyinchalik uning butun mamlakatni qo'lga olishi kabi motivlar tarqalgan. Iskandarni asrandi farzand sifatida talqin etish Navoiyni xuddi shu aqida ta'siridagi bir qarashga ergashgan, kamida yangilash talqinga suyangan ijodkor sifatida baholash uchun zamin yaratadi.

Aslida, qahramonga asrab olingan farzand sifatida qarash folklorga xos, dostonlarning bosh qahramonlari, odatda, ana shunday sirli homila, g'ayritabiiy tug'ilishdan so'ng dunyoga keladi [Bu haqda qarang: 17, 240-b.]. Navoiy Iskandarning kelib chiqishi haqidagi xalqona variantlar tasvirlangan manbalar bilan tanish bo'lgan. Masalan, Banokatiy o'z asariga hukmdorlar haqidagi ko'pgina rivoyat va afsonalarni kiritgan. Ularda folklor an'analari ochiq ko'rinib turadi. O'z navbatida, Banokatiy XII asr oxirlarida ijod etilgan hukmdorlar so'zi, axloqiy hikoyat va latifalar majmuasi bo'lgan Muhammad Avfiyning «Javome ul-hikoyot va lavome ul-rivoyot» asari va «Devon un-nasab» kabi asarlardan foydalangan [2, c. 42]. Navoiy keyinchalik «Tarixi muluki Ajam»da Banokatiy asaridan Iskandarning asrab olingan farzand ekani haqida tafsilotlari biroz farq qiluvchi rivoyatni ham keltiradi [11, 215 – 216-b.]. Shu narsa aniqki, bu ma'lumotlar tarixiy Iskandarga tegishli emas, ular Sharqda Iskandarning Dorob bin Bahmanga nisbat berilishi zaminida yuzaga kelgan.

Beruniy X asrda, Saolibiy XI asrda va Nizomiy XII asr oxiridayoq mazkur talqin asossiz ekanini ta'kidlagan. Bunda forslarning Iskandar bilan bog'liq muhim mafkuraviy kurashi aks etgan bo'lib, Y.E.Bertels bu fikrlarni shunday umumlashtiradi: «Eron zodagonlarining oliy doiralari Iskandarning barcha xizmatlarini faqat inkor etish bilan qanoatlanmasdi. Ularning siyosiy dunyoqarashlari «farr» (ilohiy inoyat) deyiluvchi o'ziga xos nazariya ustiga qurilgan bo'lib, ularning taxtni mana shu inoyatdan bahramand bo'lgan shaxsgina meros sifatida olishi mumkin edi. Eron taxtni kelgindi Iskandarning egallab olishi ushbu nazariyaning mutlaqo yaroqsizligini tasdiqlar hamda podsholarning ham, ruhoniylarning ham obro'siga putur yetkazar edi. Iskandarni «farr» egalari qatoriga kiritish uchun yo'l topish va shu bilan mavjud aqidaning barqarorligini ham isbotlash zarur bo'lib qoldi» [4, c. 288]. Mana shu zarurat natijasida Iskandarning nasabi ataylab forslarga olib kelib taqalgan, asrandi o'g'il bilan bog'liq barcha epizod va detallar mazkur uydirma hosilasidir. Shu tariqa, Navoiy Nizomiy va Jomiy ta'sirida *Iskandar nasabiga ko'ra Faylaqusning haqiqiy o'g'li* degan variantni ma'qul ko'rgan.

#### ADABIYOTLAR

1. Азаде Р. Низами в онун поезија сәләфләри. – Бакы: Елм, 1999. – 278 с.
2. بناکتی. تاریخ بناکتی. – تهران: داورپناه، ۱۳۴۸. ۵۹۳ ص.
3. بیضاوی عبدالله بن عمر. نظام التواریخ. – تهران: بنیاد، ۱۳۸۲. ۱۴۰ ص.
4. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Том 4. Навои и Джамии. – Москва: Наука, 1965. – 499 с.
5. Бертельс Е.Э. Низами. Творческий путь поэта. – Москва: Наука, 1956. – 261 с.
6. Беруний Абу Райхон. Хиндистон. Асарлар. Беш томлик. Т.2. – Тошкент: Фан, 1965. – 538 б.
7. دنیوری احمد بن داود. اخبار الطوال. ترجمه صادق نشات. – تهران: بنیاد فرهنگ ایران، ۱۳۶۱. ۲۸۵ ص.

8. Ганчавӣ Н. Ҳамса: Искандарнома. – Душанбе: Адиб, 2012. – 480 с.
9. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 662 б.
10. مستوفى حمدالله. تاريخ گزيده. – تهران: امير كبير، ۱۳۳۹. ۶۴۲ ص.
11. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.16. – Тошкент: Фан, 2000. – 336 б.
12. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.11. – Тошкент: Фан, 1993. – 640 б.
13. نوابى على شير. سد اسکندرى. علمى تنقيدى متن. نوزوچى موجوده شاکر فيزى حميد اوھ. – تاشکند: ۱۹۹۳. ۹۹۴ ص.
14. Навоий А. Искандарнома / Мир Махдум ибн Шохюнуснинг «Насри Ҳамсаи беназир» китоби асосида нашрга тайёрловчи О.Тожибоева. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2013. – 116 б.
15. Қаюмов А. Садди Искандарий. – Тошкент: Фан, 1975. – 196 б.
16. طبرى محمد بن جرير. تاريخ طبرى. ترجمه ابوالقاسم پاينده. ج. ۲. – تهران: اساطير، ۱۳۶۲. ۷۸۸ ص.
17. Турдимов Ш. «Гўрўғли» дostonларининг генезиси ва тадрижий боскичлари. – Тошкент: Фан, 2011. – 240 б.



УДК: 81.39

Хуришида ИСМОИЛОВА,

“Илмий ходимларнинг касбий даражасини ошириши” бўлими бошлиғи.

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: ismoilova@moiti.uz

Малика МИРҲАМИДОВА,

Тошкент давлат шарқишунослик институти илмий изланувчиси,

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги хузуридаги

“Маҳалла ва оила” илмий - тадқиқот институти Халқаро алоқалар бўлими кичик илмий ҳодими

E-mail: mir.marika@mail.ru

Анджон давлат университети доценти, ф.ф.н. З. Қодиров тақризи асосида

### ЯПОН ТИЛИДА БУЙРУҚ ИФОДАЛАНИШИНИНГ ШАХС ИЖТИМОЙЛАШУВИДАГИ ЎРНИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада япон тилида буйруқ ифодаланишининг шахс ижтимоийлашувидаги ўрни ва хусусиятлари ҳақида сўз юритилган. Япон тилида буйруқни ифодалашда буйруқ шаклларида кўп фойдаланилади. Мазкур императив шаклларида қаратилган тадқиқотлар киёсий типологик томонлардан ҳам тадқиқ қилинган. Япон тилида буйруқ шакллари хитой, инглиз, испан тилларида буйруқлар ўзаро таққосланиб уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** япон тили, буйруқ шакл, грамматика, тилшунослик, луғат, назария, шахс ижтимоийлашуви, прагматика, нутқ.

### РОЛЬ И ХАРАКТЕРИСТИКИ ВЫРАЖЕНИЯ ЗАКАЗА НА ЯПОНСКОМ ЯЗЫКЕ В ЛИЧНОЙ СОЦИАЛИЗАЦИИ

Аннотация

В этой статье обсуждается роль и характеристики выражения команд в японской социализации человека. В японском языке формы команд часто используются для выражения команды. Исследования этих императивных форм также изучались со сравнительно-типологической точки зрения. Формы команд в японском языке Команды на китайском, английском и испанском языках сравниваются, и анализируются их сходства и различия.

**Ключевые слова:** японский язык, командная форма, грамматика, лингвистика, словарь, теория, социализация личности, прагматика, речь.

### THE ROLE AND CHARACTERISTICS OF ORDER EXPRESSION IN JAPANESE IN PERSONAL SOCIALIZATION

Annotation

This article discusses the role and features of command expression in Japanese in the socialization of the individual. In Japanese, command forms are often used to express a command. Studies on these imperative forms have also been studied from a comparative typological point of view. Command forms in Japanese Commands in Chinese, English, and Spanish are compared and their similarities and differences are analyzed.

**Key words:** Japanese, command form, grammar, linguistics, dictionary, theory, personality socialization, pragmatics, speech.

**Кириш.** Япон тилида кўплаб мунозарали масалалар қаторида буйруқлар ифодаси муҳим ўрин тутди. Япон тили грамматикаси назарияларида ва тилшунослик луғатларида буйруқ ифодасига қўйдагича таъриф бериб ўтилган: буйруқ-қандайдир иш ҳаракатни қилиш ёки аксинча қилмаслик, тингловчини мажбурлаш сабабли асосан сўзловчи тингловчига нисбатан мажбурлаш кучи билан кўрсата оладиган инсоний муносабат ва вазиятлар асосида қўлланиладиган ифодадир [1] Буйруқ ифодаланишига қаратилган тадқиқот ва назарияларда сўзловчи ва тингловчи ўртасида жамиятдаги тутган ўрни, ёши ва мансаби юқори ёки паст бўлган 上下関係 жёге канкеи муносабатига эгаллик кузатилади.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Бу ҳақида Оно Масаки “Замонавий япон тилидаги буйруқлар” ҳақидаги тадқиқотида сўзловчи ва тингловчи мулоқоти вазиятида 上下関係 жёге канкеи муносабатларига қаратилган назариялар

бошланғич даражадаги япон тили грамматикасида қўлланилиш ҳолатлари кўплиги ҳақида иззоҳ келтириб ўтган.

Шу ўринда япон тилида 命令形 *мейрейкеи* буйруқ шакллари ифодаси ҳақидаги қарашлар тилшунос олимлар томонидан турли нуқтай назардан ёндошганлари кузатилади. Жумладан, Тожо Гимон “Она тили қисқартма сўзлар харитаси” (1833)да “интилиш сўзлар” 希求言, Танака Гикё z“Бошланғич мактабларда ишлатиладиган япон тили луғати” (1874)да “буйруқ шакли” 命令形, Ооками Фумихико “Япон тили луғати” (1897)да “буйруқ майли” 命令法, Матсушита Даизороу “Япон тили грамматикаси асоси” (1928)да “тартиблилик шакли” 放任形, Сакума Канае “Япон тилининг ўзига хос хусусиятлари” (1941)да “шарт майли” 条件形, Миками Шоу “Ҳозирги замон япон тили назарияси” (1972)да “буйруқ майли” 命令法 деб таърифланган. Япон тили она

тили луғатида “буйруқ” 命令 деб номланувчи сўзига куйидаги изоҳлар келтириб ўтилган :

➤ ёши катта, мансаби, унвони юқори бўлган шахснинг ёши кичик, мансаби, унвони паст бўлган шахсга нисбатан мурожаати;

➤ давлат тизимида бериладиган қонунлар ижроси, даъвати, мурожаат шакли;

➤ давлат тизимида ишловчи шахсларнинг қонун ижросини талаб қилишда шахсларга нисбатан қўлланиладиган сўзлар;

➤ бошлиқнинг ходимга иш фаолиятида берадиган буйруқлари кабилард ир.[2]

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда “буйруқ” тушинчаси, юқори (япон тилида 上位) мартабанинг, паст (япон тилида 下位) мартабага нисбатан муносабати ёки уни ифодалаб келувчи воситалар, шакллар назарда тутилади. Шуни этиш жоизки, япон тили бошланғич босқич ўрганувчиларига “буйруқни” тушинчасини юқори курс ўқувчисининг ўзидан паст курсда ўқийдиган ўқувчига нисбатан айтилади. Грамматик луғатларда буйруқ ҳақида куйидагича изоҳлар ёритиб ўтилган.

命令とは-文に担われている話し手の発話・伝達的な態度(発話・伝達のモダリティ)の一種。命令は、話し手が自らの願望に沿った事態の実現を聞き手に働きかけるといふもの。[3]

- **Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Буйруқ деб нутқнинг ва нутқнинг маъзмуни (нутқ ва хабарнинг модаллиги) бир жумла билан олиб борилган. Буйруқ сўзловчи ўзининг истакларига қараб ҳолатни амалга ошириш учун тингловчи томонидан қилинадиган ҳаракатга айтилади. Буйруқлар маърузачи вазиятни ўз хошишига кўра амалга ошириш учун ишлади. Буйруқ кенг маънода 《依頼》(илтимос) ва 《禁止》(таъқиқ) ни ўз ичига олади. Тор маънода буйруқ вазиятни амалга оширишда буйруқ вазиятни амалга оширишга буйруқ билан ажралиб фарқланади. Сўзловчи тингловчининг юқорисида туриб вазиятни амалга оширишни талаб қилиш деб номланувчи бор усулни олиши тор маъноли буйруқдир. Бунга нисбатан вазиятни амалга оширишни тингловчига шикоят билан илтимос билан мурожаат қилиниши илтимосдир. Яъна тор маънода буйруқ воқеаликни талаб қилдириш ҳолати тасдиқ ҳолат бўлиб, тақик унга инкор ҳолатлигини билдиради.

- **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Буйруқ ифодаси тилшуносликнинг морфология бўлимидаги феъл сўз туркуми буйруқ майли асосида ифодаланади. Ҳаракатнинг объектив воқеликка сўзловчи томонидан белгиладиган муносабати ҳам тилда ўз аксини топади. [4] Бундай муносабат феъл майли деб аталиб, япон тилида майл 命令形, 法 хоу деб номланади. Шундай муносабатни ифодаловчи формалар майл формалари дейилади. Майл маъносига эгалик феълнинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Япон тилида буйруқ майлини ясалиши буйруқ шакллари асосида ҳосил бўлади. Ҳар қандай ҳаракат бажарилиш ёки бажарилмаслик муносабатида бўлади ва феъллар ана шундай муносабатни ифодаловчи шаклга эга бўлади.[5]

Буйруқлар ифодаланиши ўз навбатида тасдиқ ва инкорилик ҳолатига эга. Иш-ҳаракатни бажаришга ундовчи шакл 肯定形 *こうていけい*; иш-ҳаракатни бажарилмасликни билдирувчи шакл-бўлишсиз шакл япон тилида-否定形 *хитейкей* ҳисобланади.

Япон тилида буйруқни ифодалашда буйруқ шаклларида кўп фойдаланилади. Мазкур императив шаклларида қаратилган тадқиқотлар киёсий типологик томонлардан ҳам тадқиқ қилинган. Япон тилида буйруқ шакллари хитой, инглиз, испан тилларида буйруқлар ўзаро таққосланиб уларнинг ўзаро ўхшаш ва фаркли

томонлари таҳлил қилинган. Айниқса, хитойлик япон тилшуноси О. Шие буйруқ ва илтимос шакллари икки тилда киёслаб таҳлил қилди. Катта ҳажимли тадқиқотини ҳар бир бобида буйруқ ифодаланишига қаратиб ўтди.

Шунингдек, япон тилида буйруқни ифодалашнинг назарий масалаларига доир илмий ишлардан бири Танака Ёшико [6] япон тили грамматикасида буйруқ шаклини олган буйруқларни функцияларини маъно жиҳатдан уларни турларга ажратди. Уларнинг барчаси турли маъноларда келишига изоҳ келтириб ўтди.

Жаҳон тилшунослари назарияларига эътибор берсак, Джон Л. Остин, Джон Л. Сирли ва ҳамда Даниел Вандервекенларнинг [7] прагматик нуқтаний назардаги қарашлари япон тилида прагматика 語用論 (*гоёрон*) деб номланади. [8] Прагматик қарашлар билан L. Austin, John R. Searle назарияларида япон тилидаги буйруқларнинг мулоқотнинг нутқ акти (*speech act*) вазиятида кўриб чиқилган.

John L. Austin концепциясида нутқ акти (発話行為) [9] тўғрисида тил ифодасининг маъносидан бу мулоқотнинг қисқартирилганда қандай ишлатилишини билмасдан тушуна олмаймиз. Нутқ актининг концепцияси – Austin (1962) “сўзлаш ҳаракатдир” деб нутқни ҳаракатнинг бир тури билан жойлашган тилшунослик фалсафасида тадқиқот объекти асосида яратилган.

Бунгача нутқ акти ҳаракатининг асосий объекти, 発話内行為 *illocutionary act* бўлган. Бу ҳаракат мақсадли ҳаракат, нутқнинг амалга ошиш вақтида қандай 発話内効力 *illocutionary force* нотўғри кучни олиши муҳимдир. Бу ерда ифодаланаётган *illocutionary force* эса, “баёнот”, “вада”, “буйруқ” деб аталадиган нутқнинг ҳолатга муносабатидаги тақлифнинг фойдалана олиш усулидир. John R. Searle (1968) ҳам Austin (1962) нинг назариясининг давомчиси сифатида фаолият юритди.

Япон тилшунос олими Оно Масаки [10] коллективда ишланган 「コミュニケーションと配慮表現」 да эса нутқ акти назарияси асосчилари тадқиқотига кўшимча сифатида буйруқ асосланишига изоҳ келтириб ўтди. Оно Масаки ҳам буйруқ шакллари тилшунослик назариясининг прагматик ҳамда семантик нуқтаий назардан асослаб ёритган.

Япон тилида буйруқни ифодалашнинг назарий масалаларига доир кўпгина илмий ишлар семантик ва прагматик йўналишда тадқиқотлар амалга оширилди. Буйруқларни ифодалашда япон тилшунослигида буйруқ (*imperative*) шакл, буйруқ майли ҳамда буйруқни ифодалашнинг лингвистик воситаларига алоқадор қарашлар ҳам тадқиқотчилар томонидан ёритилган. Буйруқ ифодасида япон тилида 命令表現 *мейрей хиеген*, буйруқнинг ўзи эса 命令 *мейрей*, 命令形 *мейрейкей*-буйруқ шакли, 命令法 *мейрохоу*-буйруқ майли, 命令文 *мейрейбун-буйруқ гаплар бўлса-да*, буйруқни ифодаловчи воситаларнинг аҳамиятлилиги муҳим саналади. Воситаларнинг ифодаланиши эса, ҳолат ва вазиятларда турлича акс этади. Япон тилининг грамматикаси асосларида буйруқ англашилган гапларда шакли аниқ кўрсатилган ва аниқ кўрсатилинмаган шакллар фарқларга бўлинган. [11]

Нитта Ёшио мадаллик хусусиятларини ёритар экан, мадаллик муносабати буйруқларга ҳосдир. Япон тилида (モダリティ [12] *modality*) усуллари ўрганилиш юзасидан катта икки турга бўлиниб:

1) нутқ ҳолатидаги модаллик 言表事態めあてのモダリティ

2) нутқ узатишдаги модаллик 発話・伝達のモダリティ

Нутк узатишдаги модаллик ўзи навбатида тўрт турга бўлиниб ўрганилди. Улар ҳаракатга ундаш 〈働きかけ〉 〈表出〉 〈述べ立〉 〈問いかけ〉 бўлиб, ҳаракатга ундаш 〈働きかけ〉 ҳолатида буйрук ўз ифодасини топди.

Нитга Ёшио буйрук шартли тузилишида: а) сўзловчи ва тингловчига нисбатан ҳаракатга ундаш ҳолат ва вазият бўлиши; б) сўзловчи тингловчи ҳаракати воқеаликда намоён бўлишини исташи; каби вазиятлар камраб олади.

Буйрукларга бағишланган тадқиқотларга назар ташласак, улар турли жиҳатлари талкин қилинганини гувоҳи бўламиз. Масалан, ҳозирги япония ғарбий марказларида 連用形命令 *ренёкей мейрей* буйрук шаклларида Хоуреки давридан фойдаланила бошлади. Мори Юта мазкур *ренёкей мейрей* шакли тадқиқотида даврлар ўзгариши натижасида уларни фарқларини ўрганди.

Буйрук вазиятида нафақат иш-ҳаракатга маълум бир муносабатнинг қайтиши эмас, балки сўзловчининг иш-ҳаракатни ўзгартиришга бўлган, “янги иш-ҳаракатнинг” пайдо бўлиши каби буйрук ҳолатда нуткни қабул қилувчига сўзловчи шахснинг таъсир ўтказишини назорат қилувчи мақсад ҳам акс этади. Буйрук-бу ундаш, аммо у ундашдан каузатив билан ажралиб туради.

Шунингдек, буйрук ва буйрук майли ҳақидаги қарашлар рус олимлари томонидан турлича иззоҳланди. В.Б.Касевич эътироф этишича, буйрук шаклларида фойдаланиш вақтида “сўзловчи баён этаётган ундовни сўзловчи ёки бошқа шахсга нисбатан муносабатига асосан баён этади, бу эса “бевосита хоҳиш” остида эканлигини билдиради.

В.С. Храковский, В.М. Алпатов қарашларида, морфологиянинг доираси билан чеклаб қўйиб буйруқнинг маъносини тушунтириб беришнинг иложи йўқ деб қарайди. В.С. Храковский ва Л.А. Бирюлин фикрларида, буйрук категорияси ҳозирда нафақат тилшуносликда фаол ўрганилмоқда, балки мантқиқда ҳам ўрганилмоқда. “Тилшуносларнинг буйрук гапларга бўлган қизиқиши, ҳозирги вақтда субектив тузулган тилга ошган эътибор шарт қилиб қўймоқда, ва бу майл категориясини маъновий таҳлилини, ёрдамчи ва кириш сўзлар, каузатив феъллар ва модал феълларни, шунингдек, гапларнинг барча турли маъноли ва расмий таркибий қисмларини ўрганишни талаб қилади”. [13]

Буйрук ва майлнинг фарқли жиҳатларини рус олимлари турлича фикрларда ёндошдилар. Узоқ вақт давомида буйрук-бу майлдир, шунингдек у модал маънони ифодалаш имконига эга бўлган грамматик, морфологик хусусиятларга ҳам алоқадор эканлиги ҳақида нутқайи назар қабул қилинган эди. Бундан ташқари кўплаб тилшунослар буйрук гаплар феълнинг морфологик тизимида махсус ўрин эгаллашига эътибор беради. Бир қатор мутахассислар (В.С.Храковский, А.П.Володин) буйрук гаплар ўз тузулиши бўйича майл тизимига кирмаслиги учун уни майл категорияси доирасида ифодалаш керак эмас деб ҳисоблашади. В.Б.Касевич ҳам шундай иззоҳлаган. В.М.Донец сўзловчига бериладиган алоқа ва муносабатни ҳисобга олиб, майлни реал иш-ҳаракатга нисбатан нутқни ифодалашнинг грамматик (морфологик) воситаси сифатида таърифлашни таклиф қилади.

А.П.Володин ва В.С.Храковский эътирофича, майл категорияси фақат коммуникатив функцияни бажарувчи феъл шаклларида хосдир. Буйрук коммуникатив эмас, балки шикоятни иш-ҳараатга ундашни билдиради ва қайта нутқий жавоб реакциясини талаб қилмайди. (аммо баъзи айрим ҳоллардан ташқари: Менга ўзинг ҳақингда айтиб бер). Ушбу фикрни С.Э.Яхонтов ҳам қўллаб-қувватлайди ҳамда тингловчининг реакция бўйича

уч тур дарак, сўрок, буйрукдаги гапларни бўлишни таклиф қилади. Дарак гапга ҳеч қандай реакция бўлмаслиги мумкин, фақат хайрат ифодаси бўлиши мумкин. Сўрок гап маълумотнинг хабарини талаб қилади яъни жавобнидир.

Буйрук гаплар эса, С.Э.Яхонтовнинг фикрича, ҳар доим ҳам зудлик билан бажарилиши шарт бўлмаган иш-ҳаракатни талаб қилади: бундай ҳолатда “рози бўлиш шакли” ёки агар тингловчи иш-ҳаракатни содир қилишдан бош тортса “рад этиш формуласи” деб аталувчи формулаларни талаб қилади. Аммо ҳар қандай вазиятда ҳам дарак гапга реакциянинг мавжуд эмаслиги хайратни келтириб чиқаради. Сўзловчи буйруқни қайтаради ёки уни қабул қилади.

Шу билан бирга буйруқни майл категориясига киритишга асос ҳам борлиги кўришимиз мумкин. А.В.Зеленшиков таъкидлашича, агар буйруқка “реаллик/нореаллик аломати нуктайи назаридан қарайдиган бўлсак, унда у майл категориясидаги феъл шакллари билан келади ҳамда модаллик категориясини ҳам ифодалайди. Чунки бу буйрук шакл сўзловчидан тингловчи бажариши лозим бўлган иш-ҳаракатга ундовни ифодалаб, “сўзловчининг бирор иш-ҳаракатини бажариш нуктайи назаридан хоҳишини ифодалаш” ўзида модалликни ифодалайди.

Япон тилида морфологик жиҳатдан икки турдаги ундов-буйрук ва маъқуллаш турлари мавжуд. Япон тили материаллари билан ишлаб, В.М.Алпатов шаклини тўрт гуруҳга бўлишни таклиф қилган эди: “индикатив, шартлилик, 1-шахс буйрук ва 2-шахс буйруғи”. Ушбу категория табиийки, майл деб аталади. Ушбу умумий категорияга учта қўшимча: икки индикатив ва шартлилик учун-вақт, 2-шахс буйрук учун-сухбатдошга муносабат бўйича этикет; 1-шахсдан бошқа барчаси учун инкор маъно ҳам оқланадиган мумкин”. [4]

Японияда буйрук гапларга майл категорияси доирасида қараш қабул қилинган. И.В.Головнин таъкидлаб ўтганидек, япон тилининг феъллар майли икки бир-бирига қарши қўйиладиган гуруҳлар-дарак ва буйрук майллардан ташкил топади. Тасдиқ ва инкор буйрук майлларини фарқлайди.

Япон олимлари ҳам япон буйрук гаплари 命令法 *мейрейхо* майлнинг модалли категорияси 叙述法 *дзюхо* “майл” ёки *モダリティ* модарити ва *ムード*-му:до дан 叙述法性 *дзёхо:сей*- “модаллик”) киритган.

Буйрук ва шахс категорияси. Япон тилида буйрук шакллари кўриб чиқишда В.С.Храковский ва Л.А. Бирюлинанинг фикри нуктайи назаридан қараймиз. Бу нуктайи назар “мулоқот жараёнида қатнашаётган қатнашчилардан хоҳлаган бири буйруқни ижро этувчи бўлиши мумкин”. [14]

- **Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Агар буйруқни бажарувчи фақат тингловчи бўлиши мумкин деган нуктайи назар томондан қарасак, унда на ижро этувчи учинчи шахс ҳисобланувчи гаплар ҳам, на ижро этувчи сўзловчининг ўзи бўлган гаплар ҳам буйрук гап таркибига кирмаслиги керак бўлади. А.П.Володин ва В.С.Храковский фикрича, буйрук билан ифодаланувчи ундаш бевосита тингловчига ёки тингловчиларга қаратилган бўлиши мумкин. Шунингдек, буйрук гап нутқ жараёнида қатнашмаётган учинчи шахсга ёўналтирилган билвосита ҳам бўлиши мумкин. (Майли у шунақа қилақолсин. Майли шундай қилишсин!). Бирор иш қилишга ундаш коллективга қаратилган бўлиши мумкин, бунда ижро қилувчилар ичига ҳам сўзловчи ҳам тингловчи/тингловчилар кириб кетади (Қани бажарамиз! Қани келинлар, бажарамиз!). Ваниҳоят, буйрук гап сўзловчининг ўзига қаратилган бўлиши - ўзини ундаш бўлиши мумкин (Бажарақолай!). Охириги вазиятда нутқий

шаронгта фақат бир қатнашувчи бор, у ҳам сўзловчи ҳам ижро этувчи вазифасини бажаради.

Б.П.Лаврентев ва В.М.Алпатов япон тилининг буйруқ гаплари парадигмасига биргаликда иш-ҳаракат қилишни англатувчи –о:/ようё га тугайдиган шаклни ҳамда ўзига ўзи ундов берадиган гапларни ҳам киритган.

[15] Яхонтов ҳам “Кинога борайчи” туридаги гапни буйруқ гап турига киритган.

Буйруқ категорияси билан инклюзив иш-ҳаракатни бир ёки бир нечта шахс томонидан сўзловчининг ўзини ҳам қўшган ҳолда биргаликда бажарилишига ундашни билдирувчи махсус шаклни ҳам боғлаймиз.

#### АДАБИЁТЛАР

まつおかひろし

1. 松岡 弘 「初級を教える人のための日本語文法ハンドブック」スリーエーネットワーク. -, 2003.-P. 43.
2. 国語辞典2008 『広辞苑』第六版1076p.
3. 日本語文法辞典 2014日本語文法学会大修館書店615p.
4. Алпатов В., Аркадаев М., Подлеская И. Теоретическая грамматика японского языка. Книга 1. – М.: Наталис, 2008.– С. 84-85; Лаврентьев Б.М. Практическая грамматика японского языка. – М.: Живой язык, 2001. – С. 144-180; Головнин В. Морфологическая и синтаксическая подсистемы современного японского языка в языковых образцах и моделях – М.: МГУ, 1984. – С. 80-112.
5. Ҳожиёв А. – o'sha asar –Б.5; Ўзбек тили грамматикаси. 1-ж. Т.: Фан,1975. – Б. 366; Алпатов В. Аркадьёв М., Подлеская И. o'sha asar –99-100с., Лаврентьев Б.М. – o'sha asar – 92-98с; Головнин В. – o'sha asar – 133-137с
6. 田中稔子 『日本語の文法896』—スリーエーネットワーク,2003.-P.89
7. 日本語文法辞典 日本語文法学会大修館書店2014, P.237–238.
8. 日本語文法辞典 日本語文法学会P.237.
9. 日本語文法辞典 日本語文法学会大修館書店2014, P.499.
10. 小野正樹2001 『現代日本語の命令形について—日本語学習者の取得と意識』—79–98p.
11. 益岡隆志・田窪行則1992 「基礎日本語文法—改訂版—」くろしお出版201p
12. 「日本語のモダリティと人称」仁田義雄 ひつじ書房
13. Типология,1992, с.38
14. Головнин В. Грамматика современного японского языка. –М.: МГУ, 1986. –315с
15. Русско-японский словарь 『研究社露和辞典』150000 слов.研究社 С. - 1988.



УДК: 82.9(210.2)

Улугбек КАРИМОВ,  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети тадқиқотчиси  
E-mail: u\_n\_karimov0101@mail.ru

Тошкент давлат шарқишунослик университети профессори, ф.ф.д. Бабаджанова Г.Н. тақризи асосида

#### FORMATION FACTORS OF WRITER'S ARTISTIC WORLD: IN THE EXAMPLE OF GRAHAM GREENE

Annotation

The article analyzed the formation factors of writer's unique art world by studying Graham Greene's work. He was a distinctive artistic thinker who has his own place in English literature, radically different from his contemporaries. It is revealed that the content of his novels has a broad spiritual perspective that encompasses all aspects of human life.

**Key words:** artistic world, English literature, psychological detective, aesthetic principles, character psyche.

#### АДИБ БАДИИЙ ОЛАМИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ: ГРЭМ ГРИН МИСОЛИДА

Аннотация

Мақолада Грэм Грин ижодини ўрганиш орқали унинг ўзига хос бадий оламининг шаклланиш омиллари таҳлил қилинган. Грэм Грин инглиз адабиётида ўз ўрнига эга, замондошларидан кескин фарқ қилувчи, ўзига хос бадий фикрловчи адиб бўлиб, унинг романлари мазмуни инсон ҳаётининг барча жиҳатларини камраб оладиган кенг маънавий нуқтаи назарга эга эканлиги очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** бадий олам, инглиз адабиёти, психологик детектив, эстетик принциплар, персонаж руҳияти.

#### ФАКТОРЫ СТАНОВЛЕНИЯ МИРА ЛИТЕРАТУРЫ: НА ПРИМЕРЕ ГРАHAM GREENE

Аннотация

В статье анализируются факторы формирования его уникального мира искусства на основе изучения творчества Грэма Грина. Грэм Грин - уникальный художественный писатель, которому отведено место в английской литературе, радикально отличающееся от своих современников, и обнаруживается, что содержание его романов имеет широкую духовную перспективу, охватывающую все аспекты человеческой жизни.

**Ключевые слова:** художественная литература, английская литература, психологический детектив, эстетические принципы, психика характера.

**Кириш (Introduction)** Жаҳон адабиётшунослигида жуда кўплаб дурдона асарлар яратилган бўлса-да, бадий адабиётни ўрганишда уларнинг мутолаа қилиниши асар мазмун-моҳиятини кенг ёритиб бера олади деган тушунчани англашмайди. Шу билан биргаликда, ушбу дурдона асарларнинг бирор хорижий тилда бўлишдан қатъий назар уларнинг бадий таҳлили турли назарий фикр ва ғояларни пайдо қилади. Асарларни мутолаа қилишда тилнинг аҳамияти ажралиб турса-да, асар тузилиш жиҳатдан барчаси бир бадийлик мезонлари асосида яратилади. Ушбу бадийликнинг маҳсули сифатида жаҳон адабиётининг намоёдаларидан бири Грэм Грин ижодининг замон ва қаҳрамон концепцияси кесимида ёритилиб берилиши ва унинг асарлари сюжети, композицияси, образ ва характер жиҳатдан илмий асослаб ўрганилиши олдимизга долзарб вазифаларни қўймоқда.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)** Дунё миқёсида замон ва қаҳрамон концепциясининг тадқиқот кўлами кенг. Ижтимоий ҳаёт талабидан келиб чиққан ҳолда асар яратиш ҳар бир ёзувчининг асосий мақсадидир. Ўзи яшаб турган замонни ҳис қилиши унга монанд қаҳрамонлар яратиш ёзувчи маҳоратини белгилайди. Зеро халқ курашини, орзу-армонларини, халқ идеалини ўзида мужассамлаштирган ёрқин қаҳрамонлар образини яратиш бадий адабиётнинг доимо долзарб масаласи саналган. Адабиётнинг гуманистик мазмуни аввало инсонни бадий акс эттирувчи принципларда унинг бугунги ва келажак ҳаётига бўлган нуқтаи назарларда ҳаётининг мақсад ва интилишларининг манавий интеллектуал ва эмоционал мазмунида жамиятда тугган ўринда, бошқа одамлар билан мулоқотларида ўз тажассумини топади. Ана шуларнинг

ҳаммаси ҳозирги адабий баҳслар марказида турган инсон концепцияси тушунчасининг мундарижасини мазмунини ташкил этади.

Мамлакатимизда бадий асарни таҳлил қилиш ва ижодкорнинг поэтик маҳоратини ёритишда турли тадқиқот методлари асосида ёндашувлар бўйича кенг имкониятлар кузатилмоқда. Хусусан, «Биз мана шу ўта муҳим йўналишдаги ишларимизни бундан кейин ҳам қатъият ва изчиллик билан давом эттирамиз. Нега деганда, адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ.» [1] – дея таъкидлаган эди. Шундай экан, инглиз ёзувчиси Генри Грэм Грин ижоди билан боғлиқ бўлган масалаларни жаҳон адабиётшунослигида шу пайтгача Америка Англия Европа мамлакатлари Россияда дунё олимлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилиб бу борада кўплаб илмий иш мақола монография биографик асарлар чоп қилинган бўлсада, Адиб ижодида замон ва қаҳрамон концепцияси масаласи алоҳида тадқиқ этилмаган ва ўз ечимини кутаётган муҳим масаладир.

Дунё адабиётшунослигида бир қанча монографик тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, уларда Грэм Грин романларида замон ва қаҳрамон концепцияси масаласи етарлича ўрганилмаган. Инглиз олимларидан Robert Hoskins, Jeffrey Meyers, Neil McEwan, Michael G. Brennan, Kathie S. Russell, Morrison Patrick John, J.P. Kulshrestha, **London Mercury**, Б. Роберт ва Л.Роберто мавзуга доир изланишлари алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, рус олимлари С.Н.Филошкина, И.Н.

Полосухин, И.В.Кабанова, В.В.Ивашева ва Е.В.Васильева-ларнинг инглиз адабиёти, хусусан Грэм Грин ижодига бағишланган тадқиқотларида мавзуга оид баъзи маълумотлар бериб ўтилган.

Агар биз Г.Грин ижод қилган даврга назар ташлайдиган бўлсак, XX аср инглиз адабиёти ютуқ ва камчиликлари, I ва II Жаҳон уруши кўз олдимизда гавдаланади. XX аср адабиёт фани учун тараққиёт ва кўпгина ўзгаришлар даври бўлди[2]. I Жаҳон уруши Англия вужудини титратди, шу билан бирга унинг маънавий дунёсини ларзага солди. Ушбу даврда юз берган турли воқеа-ҳодисалардан олинган билим ва тажрибалар бизга мерос сифатида етиб келган ва ҳозиргача ўз таъсирини ўтказишда давом этмоқда. Бу нарса, ўз навбатида, ёзувчиларнинг руҳиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Улар ён-атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни ўрганиб, ушбу воқеа-ҳодисаларга нисбатан шахсий фикр ва муносабатларини ўз асарларида акс эттиришга ҳаракат қилдилар. Ёвузлик урушдан кейинги давр романчилирига хос муаммолардан бирига айланган. XX аср инглиз адабиёти уч асосий ҳодиса: глобал уруш, радикал кучлар таъсири, муштамакчилик ҳукмронлигининг таъсири остидалиги билан жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига тортган. Биз кўриб чиққан барча тафсилотлар инсоният ҳаётига раҳна солган кўзғолон, уруш ва унинг оқибатлари билан боғлиқдир.

Грэм Грин ижодининг шаклланиши инсоният ривожланишининг мураккаб ўтиш давларидан бирига тўғри келди. XX асрнинг бошларида тарихда чуқур из қолдирган инқилоблар ва биринчи жаҳон уруши мавжуд дунёнинг таназзулга учраб, бутунлай бошқа янги дунёнинг қайта юзага келиши даврига айланди[3].

Адабиётшунослар Г.Гриннинг услубини аниқлашда ва романларини таснифлашда қатор қийинчиликларга дуч келишган. Г.Гринни муайян ёзувчилар мактаби нуктаи назаридан таснифлаш анча мураккаб эди. Бизнинг фикримизча, Г.Грин асарларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш учун ёзувчининг бадиий оламига ўрганиш янада кўпроқ самара беради.

Г.Грин ижодига доир танқидий адабиёт кенг қамровли бўлиб, таҳлиллари бир неча мустақил илмий ишларга асос бўла олади. Ёзувчининг серкира мураккаб шахсияти кўпгина адабиётшуносларни ҳайратга солади. Унинг ижоди ҳақида бир тўхтама келишга қийинчилик туғдиради. Машҳур инглиз адабий танқидчиси Д. Лоджнинг таъкидлашича: “Замонавий адабиётга қизиқиш билдирганлар, “Гринленд” (Greenland) китъасидан безътибор ўтиб кета олмас эди”. Шуни эслатиб ўтишимиз жоизки, адабиётшунос олимлар ва адабий танқидчилар Г.Гриннинг бадиий оламига “Гринленд” дея ном беришган.

Кўплаб тадқиқотчилар, хусусан Ф. Насруллаева, Ф. Карл ва бошқалар томонидан, 1930-йилларнинг охири – 1950-йилларнинг бошида Грин романларида фожиали овоз ҳукмронлик қилади деб қайд этилган. Грин романларининг фожеаси нафақат асосий қаҳрамонларнинг ўлимида, балки бу қаҳрамонларнинг олдига қўйилган ҳалокатли танловидадир[4].

Маҳаллий олимлар Г.Гриннинг ижодига доир англо-америкалик ёзувчиларнинг танқидий қарашларини таснифлашга ҳаракат қилганлар. Масалан, Н.М.Соловьева Грин ҳақидаги номзодлик диссертациясида чет эл танқидчиларининг Грин дунёқарашига берган баҳоларини таҳлил қилади ва Грин католик, Грин модернист, Грин диний қараш экзистенциалисти, Грин ижтимоий романлар ёзувчиси деган умумий хулосага келади.

Танқидий адабиётшуносликда Г.Грин ижодига бағишланган илк жиддий илмий тадқиқот ишлари қирқинчи йилларнинг охири, эллингичи йилларнинг

бошларида пайдо бўлди[5]. Ҳайратланарлиси шундаки, уларнинг муаллифи француз Ж. Мадол ва П. Ростенлардир. Француз профессори Ла Вернянинг фикрича, Гриннинг ижодига нисбатан омманинг қизиқиши уйғонишига асосий сабаб – ақл бовар қилмайдиган даражада ҳайратлантириувчи саргузаштга бой сюжетларнинг мавжудлиги, асардаги ҳаракатларнинг динамик равишда ўсиб боришидир.

Буюк Британиянинг адабий танқидчи ва ёш ижодкорларидан бири Джон Леман Гринни “ёнг қизиқарли замонавий романист” деб атаган ва унинг “Брайтон чўққиси” (**Brighton Rock**), “Куч-қудрат ва шон-шараф” (**The Power and the Glory**) романларини ёзувчининг яхши асарлари сирасига киритган. А. Колдер-Маршалл “Грэм Грин асарлари” (1940) ва “Грэм Грин” (1947) номли мақолаларида ёзувчининг асарларини муҳим аҳамиятга эга молик жиҳатлари: ижтимоий аҳамиятга молик муаммолар ҳамда жамиятнинг нобоп жиҳатларини очиб ташлай олиш хусусиятларини кўрсатади[6].

Г.Гриннинг рус аудиториясига кириб келиши 1950 йилларга тўғри келади. Адибнинг илк романлари нашриданок рус тадқиқотчилари В.В. Ивашева, С.Н.Филошкина, А.Анкист, А.Елистратова, И.Анисимова, Т.Лапина, П.Палиевский, Н.Эйшишкина, Г.В.Аникин, Л.Г.Танажко, В.Зорин, Л.Копелев, А.Лебедев ва бошқалар, унга қизиқиш билдиришган. “Грин ҳақида афсона” (1961), “Охириги ўн йилликда инглиз адабиёти” (1950-1960) (1962), “Замонавий инглиз адабиёти” (1963), “XX аср инглиз адабиёти” (1967) каби илмий ишларда таъкидланишича, “Инсон ички дунёси” ёки “Куч-қудрат ва шон-шараф” асарлари муаллифни реалист[7] дейишга ундайди”. “Грин ёзувчи сифатида илк ижодий қадамларини реализм томон ташлаган”: XX асрнинг 30 йилларидаёқ Грин ижодига ҳатто улар ҳали аниқламаган, ижтимоий танқид, ижтимоий сатира аломатлари пайдо бўлган. Урушдан сўнгги адабиётда бу аломатлар[8] янада кучайиб борди. Г.Грин ижодининг янги босқичи махсули “Ювош Америкалик”(The Quiet American) романида оммавий сиёсий муаммоларга дуч келамиз[9].

Г.Грин ижодини тадқиқ қилиш жараёнига В.В.Ивашеванинг кўп хизматлари сингган. Олтмишинчи йилларда унинг ижодига бағишланган илмий тадқиқот ишлари сезиларли даражада ортди. Ундан олдинги 10 йилликда олиб борилган тадқиқот ишларида Г.Грин ижоди етарлича, ҳолис ва чуқур ўрганилмаган.

В. Днепров, С.И.Белза, А. Зверев ва бошқа кўплаб адабиётшунослар[10] Грэм Грин романларини фалсафий, фалсафий-психологик асарлар сирасига киритишган. Унинг романлари жанрини аниқлаш турли баҳс-мунозарларга сабаб бўлса-да, лекин белгиланган асар проблематикаси, қаҳрамонлар типологияси, конфликт характери, асарнинг бадиий тузилиши Грин асарлари “экзистенциал роман”лигига асос бўлади.

Д.Бейли таърифича, Г.Грин асарларида диний мавзуларнинг мазмуни чуқур очиб берилади. Гриннинг шахсан ўзи таъкидлашича, “Менинг аксарият асарларимда диний таъсирларга дуч келасиз” – деган, адиб шу билан бирга, “Мен “католик ёзувчиси” терминини рад қиламан”, фақат инсон омили мени диққат марказимда[11]”, – дея эътироф этади.

- **Тадқиқот методологияси (Research Methodology)** Инсониятни бадиий идрок ва ифода этишдаги эстетик принципларини янги қарашлар, нуктаи назарлар билан бойитган Грэм Грин “Куч-қудрат ва шон-шараф” романида ўз эстетик принципларига содиқ қолади[12]. Шахснинг маънавий-ахлоқий маданияти масаласи адиб ижодининг, хусусан, унинг романларининг асосий негизини ташкил қилади. Қаҳрамонлар характеридаги инсоний фазилатларни бадиий таҳлил қилишда намён

бўлган, жамиятдаги адолатсизликнинг инсонлар тақдирида қанчалик ўнглаб бўлмас фожеаларни келтириб чиқариши образлар тасвири орқали ўз ифодасини топган.

Грэм Гриннинг бадиий маҳорати шундаки, у ҳаётнинг муайян бир даврдаги ижтимоий манзараси, жамият психологиясини ва ана шу муҳитдаги одамлар табиати – бир неча касб-кор эгаларининг характер-хусусиятларини фактий ифодалар орқали жонли лавҳаларда гавдалантиришга эришади.

Инсон концепцияси нафақат бугунги, балки умуман ижтимоий-сиёсий ҳаёт, бадиий маданиятнинг асос марказини ташкил этади, “Куч-қудрат ва шон-шараф” романи мисолида кузатилаётгани сингари, ҳар бир даврда инсон ҳақидаги бадиий-эстетик, фалсафий, ғоявий мазмунни тушуниш, ўрганиш ва умумлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Бу нарса, аввало, ёзувчилар ижодида, хусусан, Грэм Грин романларида инсонни англаш ҳамда тушунишдаги ўзига хосликни кўрсатиш – бу адибнинг эстетик қарашларини, замон ва инсон ҳақидаги тасаввур-тушунчаларининг инъикоси бўлган образлар системасини яхлит ва бус-бутун олиб қарашдан, ўрганишдан келиб чиқадиган самарадир.

Грэм Грин қаҳрамонлари ҳаётда турли қийинчиликларга дуч келганда, тушқунликка тушмасдан ақлини дарҳол ишга солади ва ўзлари билиб-билмаган ҳолда мукамал тажрибалар орттиради. Инсон қисқа умри давомида ўзининг “мени”ни намоён қилиш мақсадида ўзлигини кашф этади, жамиятнинг онгли аъзоси сифатида миллат ҳаётида муҳим бир из қолдиришга ҳаракат қилади, инсонларга наф келтирувчи тарихий шахсга айланишга интилади. Адиб қаҳрамонлари эса ўз номақбул иллатларини тан олган ва иқрор бўлган ҳолда бандаликни бажо келтиради. Бу эса жамиятнинг инқирозга юз тутганидан далолат беради.

Гриннинг “Куч-қудрат ва шон-шараф” романи 1940 йилда ёзилган бўлиб, ёзувчининг диққат марказида – “инсон онги,” унинг қалби эпопеяси” ўз ифодасини топган. Хўш, аънавий нуктаи назардан олиб қаралаганда, эпопея ўзи нима? Бизга мумтоз роман-эпопея сифатида Л.Н.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” асари маълум; эпопея туридаги романлар тоифасига яна Э.Золянинг “Тор-мор”, Р.Ролланнинг “Жан Кристоф”, Ж.Голсуорсининг “Форсайтлар ҳақида Сага” [13] каби асарлари қиради. Мазкур асарларнинг барчаси эпик баённинг кенг қўламчилиги, кенг қамровли миллий ва тарихий воқеаларнинг, миллат ва халқ ҳаётидаги бурилиш давларини тасвирланиши билан характерланади.

#### - Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Романдаги эпик муаммолар мажмуи бундай турдаги баёнда бош қаҳрамонлар (онласи)нинг ҳаёти ва тақдирининг тарихий воқеалар оқимига қўшилиб кетиши орқали очиқ берилади. Қаҳрамонлар ўз руҳий тараққиёти давомидаги туб ўзгаришлар даврини бошидан кечиради ва бунда бош қаҳрамонлар характери, қоидага биноан, миллий тарихий қўламдаги воқеаларга боғлиқ тарзда шаклланиб боради. Роман эпопеяда шахсийлик ва тарихийлик синтези рўй беради, шахсийлик умумий тарихийлик орқали намоён бўлади; инсон ўзини улкан бир

яхлитликнинг қисми, зарраси сифатида англайди. Эпопеянинг асосий пафоси (завқ-шавқи) ҳам айнан худди шунда; зеро, ёзувчи барчага тегишли бўлган жамият тараққиёти қонунларини излайди. Мумтоз эпопеяда асосий диққат-этибор ташки воқеалар, тарихий бурилишларни тасвирлашга қаратилади. XX аср воқеа-ходисалари эса диққат-этиборни ички ҳаётга жалб қилдиради. Грин эпопеяга хос йўналишни, яъни бурилиш пайти, барчага тегишли қонунларни сақлаган ҳолда миллий-тарихий ёки умумжаҳон воқеаларни ҳаракатлантирувчи эмас, балки инсон онги олами жумбушга келтирувчи қонунларни инсоннинг субъектив “мен”и, шу “мен”нинг шаклланишидаги туб бурилишлар палласини аниқлаш орқали излайди. Грин инсон тақдирини, унинг яшаш қонунларини тадқиқ этади.

Грин қаҳрамони воқеаси – бу бирор бир конкрет (муайян бир қолипдаги) одам бўлмасдан, балки инсон тақдири, умуман унинг кўрган-кечирганларидир [14]. Шу боис Грин назарида инсон – бу бирор бир тарихий даврнинг муайян жамият ва миллатига мансуб, маълум ёшдаги конкрет тарихий шахс эмас: санаб ўтилган хусусиятларнинг бирортаси ҳам қаҳрамоннинг онгида акс этмайди. Бунда муаллиф, одатга кўра, тур ва моҳиятга хос белгиларни ажратади (бунда инсонни ташкил этувчи тур ва моҳият белгиларини Гриннинг ўзи шакллантиради). Шу билан бирга, у диндор (диний онгли) инсон ҳамдир. У ўзининг оламдаги мавжудлиги билан боғлиқ ҳолат, Худога муносабати борасидаги муаммоларнинг ечимини ўзи ҳал қилади. У Эсхилнинг Худо билан курашувчи Прометейи ҳам, Байроннинг “Манфред” ёки “Каин” поэмаларидаги улкан қудратга эга қаҳрамони ҳам эмас. Грин қаҳрамони Худо ва ўзи яшаётган олам тузилишига қасд қилмайди, норозилик билдирмайди, у фақат Худони англашини ва унга муносабатини, шунингдек, ўзининг борлигини, оламга нисбатан муносабатларини қайта кўриб чиқади. Бироқ диндор киши онгида бундай қайта қурилиш муқаррар равишда Худони англаш, тушунишдаги ўзгаришлар, эврилишлар билан боғлиқ бўлади. Грин қаҳрамони шаклланиши давомида ўздан “Худонинг тимсоли ва тамойили”ни қидиради ва шу билан бирга ҳаётни материя ва руҳдан кескин тарзда фарқ қилувчи, ҳаёт жараёни парчаланиши маҳсули ва ўзича мавжуд бўлган яхлитлик сифатида талқин қилинувчи борлик сифатида эътироф этади. Грин қаҳрамонини Бергсоннинг “ҳаёт шижоати” [14] билан тўлиб тошган инсон билан таққосласа бўладиганлардан [15]; унинг “онг-у-шууридаги тўнтарилиш” [16] дастлабки маънавий мазмун-моҳиятини йўқотган, инсон эркини чеклайдиган, одат тусига айланган барча қолиплардан, сохта аънавий (унинг онгидаги ортодоксал католик тасаввурлар билан боғлиқ) кадриятлардан воз кечишни билдиради.

- **Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Грэм Грин асарларини ўқиган китобхон, салбий иллатлардан воз кечган ҳолда маънан ва ақлан етук инсон бўлиб етишишга ҳаракат қилади, муаллиф қаҳрамонлари, ўз навбатида, жамиятда иродали шахсларни тарбиялаб вояга етказишда яхши восита бўла олади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий олами юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, – Тошкент, 2017 4 август.
2. Bergonzi Bernard, A Study in Greene. Graham Greene and the Art of the Novel, Oxford University Press, 2006. 23 p.
3. Donaghy Henry J., Graham Greene, an Introduction to His Writings, Rodopi, Amsterdam 1986. 75 p.
4. Friedman, Alan. “The Dangerous Edge: Beginning with Death.” Ed. Jeffrey Meyers. Graham Greene: A Reevaluation. London: Macmillan, 1990: pp. 131-155
5. Adamson, Judith. Graham Greene: The Dangerous Edge Where Art and Politics Meet. New York: St Martin’s, 1990. 104 p.

6. Donaghy, Henry. *Conversations with Graham Greene: Literary Conversations Series*. Jackson: University Press of Mississippi, 1992. 783 p.
7. Ивашева В.В. Легенда о Грине // Вестник Московского университета. Серия 7. Филология, журналистика. 1961. № 5. С. 41.
8. Ивашева В.В. Грэм Грин // Ивашева В.В. Современная английская литература. М., 1963. С. 29.
9. Donaghy, Henry. *Conversations with Graham Greene: Literary Conversations Series*. Jackson: University Press of Mississippi, 1992. 45 p.
10. Днепров В. Литература и нравственный опыт человека. Л., 1970. С. 86.
11. Sherry N. *The Life of Graham Greene: Vol. I. 1904-1939*. - London: Cape; New York: Viking press, 1989. - XXI, 789 p.
12. Pearce, Joseph. *Literary Converts: Spiritual Inspiration in an Age of Unbelief*. San Francisco: Ignatius Press, 2000. Print. 54 p.
13. Чичерин А.В. Возникновение романа-эпопеи. М.: Сов. писатель, 1975. С.157
14. Философский энциклопедический словарь. М., 1983. С. 49.
15. Философский энциклопедический словарь. М., 1983. С. 49.
16. Колесников В.П. Грэм Грин и католицизм. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Киев, 1975. С. 16; Wyndham, Francis. *Graham Greene*. London: Longmans, 1968. P. 16.



**Эльнора КУБЕДИНОВА,**

*Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети тадқиқотчиси*

*E-mail: bagavovaelnora@gmail.com*

#### ТАРЖИМАНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА: ТИНГЛАШ, ГАПИРИШ, ЎҚИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация

Мақолада оғзаки таржимани ўқитиш жараёнида: тинглаш, гапириш, ўқиш хусусиятлари ҳақида маълумот келтирилган. Ўқув жараёнида қўлланиладиган кўникма ва малакалар, ҳамда уларнинг хусусиятлари келтирилган. Ўқитиш методларининг моҳиятидан келиб чиқиб уларнинг турланиши кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** кўникмалар турланиши, тинглаш, ўқиш, гапириш жараёнлари.

#### СПЕЦИФИКА АУДИРОВАНИЯ, ГОВОРЕНИЯ, ЧТЕНИЯ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ УСТНОМУ ПЕРЕВОДУ

Аннотация

В статье рассматривается вопрос специфики аудирования, говорения, чтения в процессе преподавания устного перевода. Перечисляются умения и навыки применяемые в процессе преподавания и их особенности. Рассматривается классификация приёмов обучения.

**Ключевые слова:** классификация навыков, аудирование, чтение, говорение.

#### IN THE PROCESS OF TEACHING TRANSLATION: LISTENING, SPEAKING, READING FEATURES

Annotation

The article deals with the specifics of listening, speaking, reading in the process of teaching interpretation. The skills and abilities used in the teaching process and their features are listed. The classification of teaching methods is considered.

**Key words:** classification of skills, listening, reading, speaking.

Обучение устному переводу включает в себя такие основополагающие факторы как навыки и умения. Для того чтобы осуществлять различные виды перевода (в том числе последовательный, синхронный, перевод с листа) необходимо обладать навыками и умениями восприятия на слух, воспроизведения устного перевода, чтения и одновременного перевода читаемого текста.

По этой причине необходимо иметь в распоряжении перечень умений и навыков обязательных для устного перевода.

Тема умений и навыков достаточно изучена и описана в работах многих исследователей. Мы будем опираться на данные, которые были рассмотрены в работах таких учёных как Н.В.Балкевич [9], В.С.Борисовым [21], М.М.Букаревой [22], Н.Н.Гавриленко [33], Н.И.Гез [41], Н.В.Елухиной [86], Г.Г.Жарковой [54], К.И.Крупник [76].

Деление на виды умений и навыков, наиболее близкое нам, можно встретить у А.А.Леонтьева, который рассматривает их в процессе обучения русскому языку как иностранному. Он делит их на три группы: 1) имеющиеся речевые навыки на родном или изученном ранее языке, которые необходимо отразить на новом материале; 2) имеющиеся речевые навыки на родном языке, которые необходимо подкорректировать; 3) речевые навыки, которые необходимо заново сформировать.

Навыки, выделенные А.А.Леонтьевым, ориентированы на сходство с навыками родного языка. Таким образом, опираясь на эти данные, мы попытаемся систематизировать навыки и умения присущие устному переводу по степени близости с базовыми речевыми умениями слушать, читать, воспроизводить.

Исходя из вышеизложенного, можно образовать три класса навыков и умений (в последующем НУ):

Первый класс - НУ устного перевода, совпадающие с уже имеющимися основными речевыми НУ (восприятие на слух, чтение, воспроизведение).

Второй класс - НУ, которые схожи с базовыми, но по причине усложненных условий имеют некоторые специфические речевые характеристики.

Третий класс - НУ, которые полностью отличаются от базовых и требуют осуществления переводческой деятельности на профессиональном уровне.

Пользуясь полученной схемой распределения на классы, стоит рассмотреть переводческое слушание в качестве элемента профессиональной деятельности в соотношении с базовым речевым навыком аудирования.

К первому классу, по нашему мнению, следует отнести такие навыки и умения как:

- распознавание схемы предложения на уровне грамматики;
- разделение границ предложений;
- определение незнакомых понятий и слов в сравнении с аналогичными понятиями на родном языке;
- определение незнакомых слов при помощи уже знакомых словообразовательных компонентов;
- предугадывание грамматических словоформ;
- определение основных элементов сообщения;
- установка последовательной связи между частями текста;
- отделение основной информации от незначительной, при этом запоминать и хранить в памяти основную информацию;
- выделение основополагающей мысли;
- принятие и удерживание в памяти информации, представленной единожды;
- обобщение значений нескольких сообщений;
- определение смыслового ядра высказывания по интонации;
- объединение смысла отдельных слов в единое семантическое целое.

Второй класс составляют навыки и умения, которые совпадают с навыками и умениями слушания, в качестве речевого навыка. Так как устный перевод

подразумевает восприятие на слух в довольно сложных условиях (текст воспринимается один раз, большой объем информации для хранения в памяти, одновременное выполнение нескольких действий, ограниченность во времени для процесса перехода между языками), то несомненно навыки и умения аудирования имеют основополагающее значение для выполнения качественного перевода, при этом являясь незаменимым элементом профессиональной переводческой деятельности.

Навыки и умения такого аудирования можно выделить следующие:

- выделение опорных слов в полученном на слух тексте;
- выделение основной информации для дальнейшего перевода;
- безошибочное аудиальное определение дат, цифр, имен собственных, названий должностей и других наименований;
- прогнозирование высказываний, основываясь на семантическом и вербальном предположении;
- понимание основной мысли высказывания;
- восприятие и понимание разных типов речевой артикуляции (произношение, особенности речи);
- понимание неязыковых элементов высказывания.

В состав третьего класса входят те умения и навыки аудирования, которые имеют специфический характер:

- сжатие полученной информации сообщения для хранения в памяти и последующего перевода;
- раскрытие целей, которые являются основой содержания сообщения;
- выполнение лексических и грамматических преобразований;
- сжатие речи выступающего, который воспроизводит свою речь в быстром темпе, для выдержки временного лимита;
- использование речевых условий для восполнения недостатков в языковых, объективных и сопутствующих знаниях, а также для возмещения неполноты информации. К речевым условиям в данной ситуации относятся место, время, выступающий, причины и задачи его доклада, предмет доклада, присутствующие слушатели.
- анализирование полученного сообщения, принимая во внимание предметные и сопутствующие знания слушающих;
- получение и принятие поступающей информации одновременно с выполнением записи либо с воспроизведением перевода устно. Соответственно первый вариант применим к последовательному переводу, а второй к синхронному.

Далее следует обратиться к навыкам и умениям, которые необходимы для устного оформления перевода. Их мы разделили на два класса, основываясь на сравнении с базовыми навыками говорения.

Первый класс включает в себя умения и навыки, которые являются общими как для перевода, так и для говорения:

- владение смысловым и словообразовательным прогнозированием;
- оформление сообщения основываясь на звуковой, лексической и грамматической специфике определённого языка;
- выражение главной мысли сообщения в одном четком значении;
- владение знаниями о разнообразных лексических единицах и грамматическом строении предложений и сложных конструкций;

- предугадывание последующего высказывания, руководствуясь смысловой нагрузкой и речевыми предположениями;

- владение стилистическими элементами определённого языка;

- сохранение и удерживание в памяти семантической целостности сообщения.

Проведя анализ между двумя понятиями говорением и устным оформлением перевода, мы пришли к выводу, что навыки оформления перевода основаны на базовых навыках говорения и новых специфических, которые непосредственно связаны с переводческой деятельностью. Соответственно, для выделения второго класса, не хватает отчетливых данных, поэтому данная категория навыков не может быть сформирована.

Третий класс, включает в себя навыки и умения, которые нужны исключительно для воспроизведения перевода:

- выполнение грамматических преобразований синтаксических конструкций с определённого языка, для обеспечения грамматически оформленного перевода текста;

- оформление перевода в как можно более понятном и доступном виде, отвечающем требованиям норм языка перевода;

- поиск новых своеобразных решений, если нет сходства;

- оформление текста сообщения, учитывая характерные черты монологической речи: стилистика, культура речи, равномерная смена периодов быстрой речи и пауз;

- оформление перевода при помощи системы знаков, присущих переводческой деятельности;

- сжатие и хранение полученной информации из сообщения для дальнейшего воспроизведения на языке перевода.

Выполнив сравнительную характеристику базового умения читать и чтения, используемого во время перевода, мы выявили два класса навыков и умений.

Первый класс состоит из навыков и умений, присущих общепринятому чтению:

- соединение в единое семантическое целое разрозненных факторов;

- распознавание членов предложения, которые несут основополагающие и вспомогательные данные;

- отличать смысл слов, имеющих несколько значений, и омонимов;

- находить значения неизвестных слов, посредством их анализа и сравнения с другими известными словами либо по контексту;

- определение главной смысловой составляющей текста;

- разложение единого текста на части близкие по смыслу;

- определение и игнорирование чрезмерно нагружающих семантических элементов текста;

- прогнозирование последующего содержания, основываясь на смысловой нагрузке и неязыковых гипотезах.

Проведя анализ между двумя понятиями чтением и чтением во время перевода, мы пришли к выводу, что навыки переводческого чтения базируются на основных навыках чтения и новых специфических, которые непосредственно связаны с переводческой деятельностью. Соответственно, для выделения второго класса, не хватает отчетливых данных, поэтому данная категория навыков также не может быть сформирована.

Третий класс основывается на таких умениях и навыках как:

- объединение двух видов деятельности: восприятие и воспроизведение перевода;

- получение вспомогательной информации, которая находится за границами переводимой части сообщения и его контекста, при помощи элементов речевых условий, которые по возможности восполняют недостаток знаний. К речевым условиям в данной ситуации относят такие категории как место, время, выступающий, причины и задачи его доклада, предмет доклада, присутствующие слушатели;

- разделение текста на сегменты, которые являются вспомогательными единицами для ориентирования в тексте;

- восприятие напечатанного материала объёмными едиными частями;

- выполнение семантической обработки информации при восприятии ее фрагментами, то есть производится чтение и перевод по частям;

- сжатие и хранение полученной информации из сообщения для дальнейшего воспроизведения на языке перевода.

Как видно, устный перевод, являясь довольно сложной и специфичной речевой деятельностью, отличается навыками и умениями схожими с базовыми навыками и умениями говорить, слушать и воспроизводить текст; навыками и умениями схожими с базовыми, но имеющими некоторые специфичные характеристики для осуществления переводческой деятельности; навыками и умениями присущими исключительно для переводческой деятельности, осуществляемой на профессиональном уровне. Разумеется, навыки и умения различного вида нуждаются в разного рода способах их развития.

#### ЛИТЕРАТУРЫ

1. Профессиональное обучение переводчика, учебное пособие по устному и письменному переводу для переводчиков и преподавателей, Алексеева И.С., 2001.
2. В.Н.Комиссаров. Современное переводоведение. Учебное пособие. – М.: ЭТС. — 2002.
3. Виноградов В.С. Перевод: Общие и лексические вопросы. М., 2006.



Элёр МУРТАЗАЕВ,

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти

E-mail: elyor.murtazayev@mail.ru

ҚарДУ профессори, ф.ф.д. Н.Шодмонов тақризи асосида

### ЎЗБЕК НАСРИДА УРУШ ОҚИБАТЛАРИ ВА ИНСОН ҚИСМАТИНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ

Аннотация

Мазкур мақолада бадий асарларда акс этган урушлар, зиддиятлар, ўзаро қарама-қаршиликлар оқибатида инсон ҳаётига, турмуш-тарзига, руҳий оламига ва кайфиятига бўлган таъсирлар таҳлил этилган. Ўзбек адибларининг ижодий маҳорати, ифода услуби тўғрисида фикрлар билдирилган ва илмий хулосалар чиқарилган. Назар Эшонкулнинг ижодий индивидуализми чуқурроқ тадқиқ ва таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Уруш, ҳаёт, инсон, ўлим, инсон қисмати, инсон фожиаси, уруш оқибатлари, руҳий олам.

### ПОСЛЕДСТВИЯ ВОЙНЫ И ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ВЫРАЖЕНИЕ ЧЕЛОВЕЧЕСТВА В УЗБЕКСКОЙ ПРОЗЕ

Аннотация

В статье анализируется влияние на жизнь, образ жизни, духовный мир и настроение человечество во времена войн, конфликтов и противоречий, отраженных в произведениях искусства. Были высказаны мнения о творческих способностях и манере выражения узбекских писателей, сделаны научные выводы. В частности, был глубоко проанализирован и изучен творческий индивидуализм Назара Эшанкула.

**Ключевые слова:** война, жизнь, человек, смерть, человеческая судьба, человеческая трагедия, последствия войны, духовный мир.

### THE CONSEQUENCES OF WAR AND THE ARTISTIC EXPRESSION OF THE HUMAN BEING IN UZBEK PROSE

Annotation

This article analyzes the impact on human life, lifestyle, spiritual world and mood as a result of wars, conflicts and contradictions reflected in works of art. The article enlightens all the opinions on the creative skills and style of expression of Uzbek writers. In particular, the creative individualism of Nazar Eshankul has been deeply analyzed and studied in the article.

**Key words:** War, life, man, death, human destiny, human tragedy, consequences of war, spiritual world.

**Кириш.** Маълумки, ҳаётдаги ҳар бир ўзгаришлар инсон фаолиятисиз бўлмайди. Барча ўзгаришлар, янгиликлар, ихтиролар инсон саъй-ҳаракати, унинг дунё қараши, концепциясига боғлиқ. Шу боисдан ҳам давр инсонни четлаб ҳеч нарса ярата олмайди. Давр инсон ва унинг мақсади орқали таъсир омилига айланади. Бунда у ҳар кимга ҳар хил таъсир этади. Чунки турли даврда инсонларнинг жамиятда тутган ўрни ҳам турлича бўлади. Бу жараёндаги ютуқ ва камчиликларни, сиёсий қарашларни инсон қалб тугънисиз, изтиробсиз, маънавий дунёсисиз тасаввур қилиш мумкин эмас [1:3].

Ҳар бир даврда ҳам зиддиятлар, келишмовчиликлар, тала-тўллар, урушлар бўлган. Бундан энг катта жабрни, энг улкан изтиробни оддий халқ тортган. Айниқса, йирик иккита жаҳон уруши халқ бошига ўта оғир мусибатлар ёмғинини ёғдирди. Одамлар нафақат оғир-турмуш шароитда кун кечирди, балки уларнинг қалб-кўрида, маънавиятида, руҳиятида, онгу шуурида ҳам жуда тушқин (нигилистик) кайфият, умидсизлик, кўркув, ёлғизлик каби ҳиссиётлар, туйғулар ниш ота бошлади. XX асрда, айниқса Ғарб кишиларида бу ҳис-туйғулар зўрайгандан зўрайди, инсонни тобора забт этиб борди. Инсон қалбининг муҳандислари бўлмиш – ёзувчилар бу зиддиятларни, бу жараёнларни бадий инъикос этар экан, уни шунчаки тасвирлайди, балки уни кўнгил призмаларидан ўтказиб, ушбу зиддиятларнинг туб моҳиятини англашга интилдилар.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review).** Бу хусусда, ёзувчи, адабиётшунос олим Улуғбек Ҳамдам шундай ёзади: “XX асрга келиб инсоннинг турмуш тарзи цивилизация натижасида мисли қўрилмаган даражада ўзгарди, мураккаблашди, одамларнинг ўзаро

мулоқотига путур етди – камайди, натижада руҳий мулоқот эҳтиёжи инсоннинг ичига ҳибс этилди. Ташқаридан қутилган бахт, нажот икки жаҳон уруши оқибатида саробга айланди ва инсон ўз эҳтиёллари билан ёлғиз қолди. Модернизмнинг руҳий-психологик асоси шу нуқтада бошланади” [2:17].

“Инсоният озодлиги: ўтмиш ва ҳозирги даврдаги эрқарвар ғоялар” номли китобини варақлайтиб, Франц Кафка Арнолд Бёклининг “Уруш” ва В.В.Верещагиннинг “Уруш оқибатлари” картиналари нусхаларига узоқ тикилиб шундай дейди: – Туб моҳиятга кўра, уруш ҳали ҳаққоний тасвирланмаган. Одатда, алоҳида бир воқеа ёки унинг оқибатларини кўрсатишади – мана бу калла суяклари уюми каби. Бироқ урушда энг дахшатлиси – барча мавжуд кафолатлар ва битимлар йўққа чиқади. Жисмоний, табиий воситаларнинг овози ўчирилади, руҳий-маънавий қадриятлар бўғиб ташланади. Бу худди саратон касалига ўхшайди. Одам бир неча йил, ойлар, кунлар, соатлар эмас, балки атига санокли сонияларни яшайди. Ва ҳатто шу сонияда яшамайди ҳам, балки уни англайди, холос. У шунчаки нафас олади.

– Бу ўлим яқинлигини ҳис этиш оқибатидан шекилли?

– Бу ўлим нималигини билиш ва ундан кўркиш оқибатидан.

– Барибир эмасми?

– Йўқ, булар бир нарса эмас. Ҳаётнинг моҳиятини тўла-тўқис англаган одам ўлимдан кўркмайди. Ўлимдан кўркиш амалга ошмаган, яшалмаган ҳаётнинг ҳосиласи, холос. Бу ҳаётга хиёнатнинг ифодаси” [3:114-115].

Юнон мутафаккири Эпикур ўлим олдидаги кўркувнинг маъносизлигини аниқ хулосаларда баён этади:

“Ўлим биз учун ҳеч нарса эмас, зеро, ҳозирча тирик эканмиз ўлим йўқ, у мавжуд бўлган вақтда эса биз йўқимиз” [4]. Бу реал воқелик ва оптимистик руҳ билан суғорилган ғоя. Инсон ана шундай фикр билан яшасагина, буюк кашфиётлар қилишга қодир бўлади. Зотан, ўлимдан устун турувчи ирода, унинг таҳдидидан ғолиб бўлган ақл инсонни улуглайди, шарафлайди.

Даниялик файласуф Сёрен Кьеркигор ҳаётдан эстетик завқ туймоқ керакми ёки маънавият қонунлари бўйича яшаган маъқулми, деган муаммо қаршида туради. “Унисими – бунисими” деган муаммога Кьеркигор, аслида эса, ҳаётдан завқ туйишинг мумкин, фақат маънавият қонунлари бўйича итоаткорона яшасанг, дея ёндашади.

Инсоннинг ҳаётдан орзулари катта, умидлари чексиз, у ҳаётдан ҳеч қачон қониқмайди ва тўймайди. Ўлим эса ҳақ. Романтик-идеалистик кайфият инсонга хос ҳодиса. Зотан, бу тирик жон тизгинсиз тахайюл, тасаввур ва тафаккур оқимида яшайди [4:146].

**Таъқиқот методологияси (Research Methodology).** Асосан инсон ўлимига, инсон фожиясига сабаб бўлган уруш мавзуси азал-азалдан бадиий адабиётнинг фаол мавзу-мундарижаларидан бири бўлиб келган. Уруш мотив Ғарб ва Шарқ мамлакатлари адабиётида, бадиий тафаккурда бирдек ифода этилган бўлса-да, бироқ турли минтақа муаллифларининг дунёқараши, усубий индивидуаллиги ва ёндашувида маълум тафовутлар мавжудлиги кўзга ташланади. Айрим адиблар жанр майдонлари, уруш манзаралари каби воқеаларни баён этса, бошқа хилдаги ёзувчилар, асосан, ўз асарларида қаҳрамон руҳияти, ботиний оламини тасвирлаш орқали одамларнинг мусибатлари, мушкул аҳволини, кайфиятини, ҳаётга муносабатини ёрқин картиналарда ифодалайди.

Хусусан, Ғарб насрига мансуб уруш тасвири ифодаланган асарларда кўпроқ жамият ва инсон ўртасидаги қарама-қаршилик устунлик қилса, Шарқ адабиётида эса инсоннинг бошқа бир инсон билан бўлган зиддияти асосий ўрин тутаяди. Бинобарин, Европа адабиётида XX аср бошидаёқ руҳий конфликт етакчи ўринга чиқиб улгурган эди.

Жаҳон урушлари, зиддиятлар, тала-тўплар таъсирида жамиятда кўплаб иллатлар бўй кўрсатди, ўтмишимиз тарихига ҳам ўзгача нигоҳ ташлашга имкон берди. Маълумки, 80-йилларнинг ўрталаригача ёзилган кўпчилик асарларда давр сиёсати туфайли ҳақиқий тарихий воқелик, манзара ўзининг ёрқин ифодасини тўлиқ топмади. Бу ҳолни тарихий сиймолар образи яратилган миллий овозлик ҳаракатига, Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги давр воқеаларига бағишланган асарларда аниқ кўриш мумкин. Иккинчи жаҳон уруши даври фронт орти воқеаларига бағишланган асарлар ҳам бундан мустасно эмас. Бизга маълумки, ўзбек адабиётида бу борада, асосан, қишлоқ ҳаёти манзараси тасвирланган асарлар яратилди. Шухратнинг “Олтин зангласмас”, Асқад Мухторнинг “Давр менинг тақдиримда” романларини ҳисобга олганда, Улуғ ватан урушининг дахшатли кўриниши ўз ифодасини топган шаҳар ҳаётига бағишланган йирик жанрдаги бадиий асар йўқ эди. Бироқ Учқун Назаровнинг “Чаён йили” номли романи ушбу бўшлиқни қисман тўлдирди, дея қўрмай айта оламиз. Ёзувчининг бу даврга янгича нигоҳ билан қараши, унга баҳо бериши бунгача бўлган адабий асарлардан ажралиб туради. Адиб асарларида қаламга олинган даврни шу пайтгача ҳеч қим айтмаган янги ном билан атаб, унинг бор дахшатини рўй-рост акс эттиради. Ҳақиқатдан, янги тузум учун кўксини қалқон қилган, ўз ҳузур-ҳаловатидан кечган, имони пок кишилар ўзи барпо этган тузумнинг душмани сифатида отиб ташланган, уларнинг бола-чақа, қариндош-уруғларини халқ душманининг яқинлари деб

ўйидан, ишдан, ўқишдан бадарға қилинган йилни чаён йилидан бошқа яна қандай ном билан аташ мумкин?

Оқорида таъкидлаганимиздек, фронт ортидаги халқ ҳаётига бағишланган асарларда ёзувчиларимиз халқимизнинг фидойи меҳнатларини, уларнинг оғир турмуш-шароитларини қишлоқ ҳаёти тимсолида акс эттирдилар. Аянчли турмуш тарзининг асосий сабаби Иккинчи жаҳон уруши деб кўрсатилди. Тўғри, уруш одамлар ҳаётига катта зарар ва фалокат келтирди. Лекин одамларнинг экин учун олиб қўйган донини тортиб олиб, унинг бутун авлоди билан очдан ўлиб кетишига сабаб бўлиш жараёнининг асосий моҳияти нимада эканлиги ҳамон ўзининг тўлиқ ифодасини топгани йўқ.

Филология фанлари доктори, профессор Ҳақимжон Каримов ҳақиқат таъкидлаганидек, “Ҳар бир давр адабиётининг ривожини шу даврнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти даражасига боғлиқ. Чунки ҳар томонлама бадиий юксак асарда даврнинг мазкур хусусиятлари ўз ифодасини топади. Бундай бўлиш бадиий ижоднинг талаби ҳамдир. Маълумки, ёзувчи давр зиддиятларини, унинг муаммоларини, тарихий ютуқларини инсон орқали акс эттиради. Унинг қаҳрамони маънавий оламида, ҳатти-ҳаракатида, фаолиятида, қилган ишида у яшаган давр ўз ифодасини топмоғи лозим. Шундай экан, ҳар бир даврда яратилган асар қаҳрамонлари ҳаётга нисбатан ўз позициялари, концепциялари билан иккинчи бир давр қаҳрамонларидан фарқ қилади” [1:305].

Бадиий адабиётнинг янги хусусиятлари, ўзига хослиги биринчи навбатда инсон концепциясида ўз ифодасини топади. Чунки инсон концепциясида давр, жамиятнинг бутун борлиги – ривожини, замон талаби асосида туғилган зиддиятлар, муаммолар, салбий ҳолатлар акс этади. Шу ўринда, профессор Қозқбой Йўлдошевнинг шундай сўзларини эслаб ўтмоқ лозим: “Адабиёт учун инсондан қизиқ, Инсондан қадри, Инсондан азиз ва инсондан ваҳший, ёвуз, йиртқич “муаммо” йўқ экан! Ва унинг мангу вазифаси ҳам ана шуни: ёзиш, очиш, кашф этиш, ҳа-ҳа энг пинҳон тарафларини оча билиш, пироварди, ана шу тарихи Эзгуликка, Инсон қамолотига ёрдамлашар экан! Алқисса, ҳақиқий ижодкорлар ана шу “иш”ни қилишга маҳқумдирлар, Мажбур эмас, маҳқумдирлар!” [6:7]

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Кейинги даврда ёзувчиларимизда маҳорат нуқтаи назардан, вақеликни янгича бадиий баён этиш жиҳатдан ижобий ўсишлар кузатилди. Натижада миллий адабиётимизда янгича концепциядаги қаҳрамонлар образи пайдо бўлди. Бу қаҳрамонлар бутун фаолиятини эзгуликка қаратган, ноҳақликка нисбатан муросасиз, қалби бутунги муаммолар билан курашадиган, уни ечиш ва амалга ошириш йўлида бутун вужуди билан интиладиган, поклик, диёнатлиликни инсоний фазилат эмас, балки инсоний бурч деб биладиган, жамиятга эътиқоди мустаҳкам инсонларнинг умумлашма образлари эди. Бундай концепцияли инсонлар образи фақат бутунги кун ҳақида ёзилган асарларда ўз ифодасини топиб қолмай, балки тарихий ва Иккинчи жаҳон уруши мавзусидаги асарларда ҳам яратилган. Бундай бўлиши табиий, албатта. Чунки инсоният оламининг ҳар бир даврида бундай руҳдаги кишилар бўлган. Ер юзида мустақил, қонун ва демократияга асосланган жамиятнинг қарор топиши шу хилдаги инсонлар туфайли, десак муболаға бўлмас! Демак, кейинги давр адабиётида инсон давр ва жамият билан бевосита боғлиқ ҳолда тасвирланмоқда. Бу эса миллий асарларимиз бадиий ва ғоявий жиҳатдан мукамал бўлишига олиб келмоқда. Шубҳасизки, бу адабиётимизнинг улкан ютуғидир.

Мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг адабиётда ҳам том маънода уйғониш бўлди, дейишимизга асосларимиз бисёр. Бу даврга келиб, бадий ижодда ифода тарзи ўзгарди, тафаккур янгиланди, тасвир энди реал воқеликдан, инсон ботинига, руҳиятига, ички оламига кўчди. Жаҳон адабиётшунослигидан ижодий тажрибалар қилиш, бадий ифоданинг қутилмаган, янги воситаларидан самарали фойдаланиш истиқлол даврида ўзбек насрининг етакчи хусусиятлари саналди. Жумладан, Омон Мухторнинг тамомила янгича ифода усулларидан яратилган “Минг бир кийфа”, “Кўзгу олдидаги одам”, “Тепаликдаги хароба”, “Ффу”, “Аёллар салтанати ва мамлакат”, “Майдон” романи, Назар Эшонкулнинг жаҳон насрининг энг илгор тажрибалари асосида соф миллий образлар ярата олган “Уруш одами” романи, “Қора китоб” қиссаси, “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикояси ва бошқа қатор ҳикоялари тасвирнинг қуюқлиги, инсон руҳияти қатламларини акс эттириш микёсининг кенглиги ва ифода тарзининг фавқулоддалигига кўра миллий адабиётимиз учун янги бадий ҳодиса бўлганлиги мутахассислар томонидан кўп бор эътироф этилган.

Назар Эшонкул – миллий истиқлол даври ўзбек насрига янги оҳанг олиб кира олди, дейди профессор Қозокбой Йўлдошев. Шунингдек олим, адибнинг “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикояси ифоданинг қабариклиги, тасвир марказига олинган шахс табиатининг мутлақо қутилмаган ва янгилигидан ташқари оҳангининг ўзгачалиги билан ҳам кишини ҳайратга солишини, бу тахлит кўп қатламли, залворли, ҳикоя маромининг ўзи билан бадий кайфият ҳосил қила биладиган наср намунаси миллий адабиётимизда шу вақтга қадар йўқ эканлигини, таъкидлайди [6:81].

Профессор Қозокбой Йўлдош Назар Эшонкул ижодида баҳо бераркан, яна шуларни баён этади: “Ўзининг дадил бадий тажрибалари, тасвирдаги ўринли ва қутилмаган янгиликлари билан мутахассислар эътирофини қозонган Назар Эшонқулов ўтган йили (1998 й. – Э.М.) “Тун панжаралари” қиссасини эълон қилди. Назар адабиётимизга ўзгача оҳанг, ўзгача инсоний муносабатлар тизимини олиб кирди. Унинг ифода тарзида қандайдир залвор, камровли микёс мавжудки, бу ҳол адабиётда инсон тақдирига енгил ёндашиб бўлмаслигини эсга солиб туради. Ўқувчини жиддий тақдирлар билан учрашишга тайёрлайди...” [6:7]. Олим адиб ҳақидаги фикрларини давом эттираркан, “Ўз фикрлаш тарзи ва тасвир йўсини билан ҳозирги ўзбек насри тараққиётида алоҳида ўрин тутган Назар Эшонкул бизга кўриниб турадиган ҳаётни эмас, балки тамомила ўзига хос ва бетакрор одамларнинг тамомила ўзгача ва қайтарилмас ўйлари, дунёсини ҳеч кимга ўхшамаган йўсинда тасвирлаш йўлидан бормоқда... Ўзбек китобхони ўз руҳияти ва сезимларини тафтиш этаётган ёзувчи ва қаҳрамонларни ҳис этишга ўрганиб бормоқдалар. Н.Эшонкулнинг воқеалари ҳаёлий ва тўқима, лекин асар қаҳрамонларининг сезим ва кечинмалари ҳаққоний бўлган “Қора китоб” қиссасининг эътибор топгани ҳам одамни янгича ракурсда кўрсатиш ёйилаётганидан далолатдир” [6:196-197], деб ёзади.

Ижодини “Уруш одамлари” номли анъанавий услубда қисса ёзиш билан бошлаган истеъдодли адибимиз Назар Эшонкул ноанъанавий йўлда “Қора китоб”, “Тун панжаралари” деган фикр-мулоҳазага ундайдиган қиссалар ёзди, дея таъкидлайди профессор Баҳодир Каримов. Бадий адабиёт борсида бошқачарок тафаккур юритаётган адибнинг ўзига хос овози яққол сезилди. Айниқса, “Қора китоб” қиссасида файласуфона донишмандлик ва руҳий кечинмалар баёни ҳамда бош қаҳрамоннинг ўз-ўзини тафтиш этиши етакчилик қилади [7:7-8]. Адабиётшунос олимнинг бошқа бир тадқиқотида ҳам бу қиссаларнинг

турли хусусиятлари тўғрисида айрим кузатишлари баён этилган: “Адабиётимиз сувратдан сийракга, жамиятдан инсонга, ташқаридан ичкарига қайтаётгандек, ирмоқдан денгизга уланаётгандек... Ўз асарларини даврнинг ижтимоий-сиёсий муаммолари билан безашни эп кўрмаган, бадий адабиётни рамзлар тили, эзгулик ва қабоҳатнинг мангу жангоҳи, инсон қалбидаги чексиз изтироблар чизгиси эканлигини ҳис этаётган ёш иқтидор эгалари, имкони борича, инсонларнинг ботинига, ҳис-туйғулари тўлқинига, орзу-армонларига диққатни қаратаётгандек таассурот беради” [8:262].

Н. Эшонкул тасвирларида инсон ва унинг фожиаси, ўтмиши ва келажаги, эрки ва тутқинлиги рамзий бўёқларида ифодаланади. Ёзувчи шундай оригинал услуб танлайдики, уни биз бутун башариятга дахлдор ҳодиса, воқеалар деб айта оламиз. Ҳар бир новелла шунчаки, биз кўникиб қолган ҳаёт тасвири эмас. Унда руҳий-психологик ҳолат тасвири, онг ости қатламларини чуқурроқ тадқиқ этиш, хатти-ҳаракатнинг сезим ва туйғулар драмасидан келтириб чиқарилиши ва асосланиши бадий тафаккурдаги янги талқин юзага келганини кўрсатади. Н. Эшонкул тасвирлаётган, сир-синаотга йўғрилган мавҳумотлар афсона эмаслигини англаб етамиз [9:17].

Назар Эшонкулнинг “Уруш одамлари” қиссасидан олинган мана бу парча юқорида келтирилган фикрларни исботлайди: “Нормат урушдан уйга қайтганига ҳали тўла ишонгиси келмай турган бир лаҳзада уни эски турмуш ташвишлари гирдобига олаётган, шу сабабли иккиланаётган, журъатсиз кайфиятда эди. Буларнинг барчасида қандайдир бошқа бир аломат бор эди. Бу аломат ўзини чорлаб турган урушсиз ҳаёт эканига у ҳамон ишонгиси келмаётганди.” [10:12-13]

Ёзувчи Назар Эшонкулнинг ўзи “менга воқеа эмас, унинг таъсир моҳияти қизиқ”, деб ёзади. Демакки, асар қайси адабий жанрга хос бўлмасин, унда тасвирланаётган воқеа эмас, тасвирдаги маъно ва унинг таъсир этиш омили кучли эканлиги бизга кўпроқ аҳамиятлидир. Назар Эшонкулнинг “Уруш одамлари” қиссаси матнидан нафақат уруш даҳшатлари, балки айнан бугунги ҳаётимиз, одамлар қалбидаги эзгулик ва қабоҳат, меҳр-оқибат каби туйғулар, инсоннинг руҳий олами ҳақидаги тасвирлар ўрин олган. Қиссадаги бутун моҳиятни кўрсатиб берган бош образ Бийди момо образидир. У жуда мард-жасур аёл, мукамал сиймо, барча миллий ва инсоний қадриятларга содиқ, фарзандларига ҳалол туз бериб, ориятли, номусли қилиб тарбиялаб, униб-ўстирган. Бироқ у машъум уруш туфайли икки ўғлидан жудо бўлди. Бу жудалик Бийди момога қаттиқ таъсир қилди. Келини Анзиратнинг хиёнатини кечира олмади. Маълумки, инсон сийратининг яхлитлиги тана, руҳ ва ақл бир-бутунлигида шаклланади ва инсонни бир маромда, бир мувозанатда ушлашни таъминлайди. Бордию, буларнинг биттасига путур етса, инсон “мен”идаги, ўзлигидаги табиий мувозанат издан чиқади, бузилади. Анзират шу куйга, шу ҳолатга тушган шахсдир. Ақлнинг дарз кетиши орқали юзага келган бўшлиқ уни аросат, хиёнат, қабоҳат йўлига бошлайди. Анзират образи орқали иродаси бўш, эътиқоди ноқис, камолоти номукамал шахснинг маънисизлик маскани, ҳаёлот олами гирдобидеги аянчли ҳолати, аҳволи ва кийфаси чуқур психологик ракурсда реал тасвирлар орқали ифодаланган.

**Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations).** Уруш – том маънода ҳақиқий жанг, улкан мусибат. Баъзида эса тинчлик умиди, тинчлик истаги ҳам дегинг келади. Негаки, хомсут эмган банда эканлигимизга бориб, шукр қилишни унутамиз, бугунги фаровон кунимизга ҳамд-синолар айтишдан ўзимизни тиямиз, ҳатто меҳр-муҳаббат, иззат-икром ва ҳурматни ҳам бир-

биримиздан қизғонамиз, гўё биз ҳам уруш одамларига ўхшаймиз. Мазкур асарда ҳам шу каби ботиний ҳақиқатларни англашимиз мумкин. Биздан бажаришимиз керак бўлган ягона вазифа тинч ва осойишта замонда яшаб, “уруш одамлари”га айланмасликдир.

Дарҳақиқат, бадий адабиёт, юксак бадий асар мутолааси инсонни ўз “мен”идан, ўзилигидан ажралишдан, инсоний фазилатларни йўқотишдан, жамиятдан

бегоналашишдан саклайди. Унинг тарбияси учун мангу маёқ вазифасини ўтайди. Ҳа, адабиётимизнинг бундан кейинги вазифаси ҳам жамиятнинг покляниши учун фаол курашиш, маънавий юксак кишиларни тарбиялашдан иборат бўлади ва шундай бўлиши ҳам керак, аслида. Бу бугунги кун ўзбек адабиётининг, миллий қаҳрамоннинг етакчи тамойили ҳамдир.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Каримов Ҳ. Кечаги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси (70-80 йиллар). Монография. – Т.: Yangi nashr, 2018. – Б. 3.
2. Hamdamov U. Jahon adabiyoti: modernizm va postmodernizm. / O'quv qo'llanma. – Toshkent: Akademnashr, 2020. – В. 17.
3. Густав Яноух. Кафка билан суҳбатлар // Жаҳон адабиёти, 2006. № 4. – Б. 114-115.
4. Философский энциклопедический словарь. – М.: Инфра-М, 1997.
5. Жўраев Н. Ўзликни англаш фалсафаси // Жаҳон адабиёти, 2015, № 7. – Б. 146.
6. Қозоқбой Йўлдош. Ёниқ сўз. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2006. – Б. 7.
7. Баходир Карим. Рухият алифбоси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б. 7-8.
8. Баходир Карим. Моҳиятнинг намоён бўлиши. (Ёшларнинг айрим қиссаларига бир назар) // Мустақиллик даври адабиёти. – Т. 2006. – Б. 262.
9. Тошпўлатов А. Ўзбек адабиётида новелла жанри ва унинг бадийати (А. Қаҳҳор, Ш. Холмирзаев, Н. Эшонкул ижоди мисолида) // Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2018. – Б. 17.
10. Назар Эшонкул. Уруш одамлари. Қисса. – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2008. – Б. 12-13.



UDK:413.164(045)

*Мунира НАБИЕВА,*  
Қарши давлат университети ўқитувчи  
E-mail:munira.nabieva90@gmail.com

ҚарДУ доценту, ф.ф.д Баҳриддинова Б.М тақризи асосида

### ABOUT THE FORMAL- GRAMMATICAL FEATURES OF THE TERMS

Abstract

The tendency of the terminology comes to Uzbek through Russian and is weakened and the wide spread use of others terms, including English, has a major impact on the process Russian spelling has a linguistic function of accepting foreign language proficiency in Uzbek linguistics and language practice. In the new era there is a strong need for norms based on certain laws regarding the expression of familiar terms. Problems arising from the spelling of the structural and grammatical features of the terms used in the Uzbek language transfer of research to a qualitatively new level.

**Key words:** term, simple term, complex term, formal feature, grammatical properties, mastering term, term mastering noun, terminology, adjective term.

### О ФОРМАЛЬНО- ГРАММАТИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЯХ ТЕРМИНОЛОГИИ

Аннотация

Тенденция появления терминологии в узбекском языке через русский язык ослаблена, и широкое использование терминов на других языках, особенно на английском, оказывает большое влияние на процесс. В узбекской лингвистике и в лингвистической практике нет лингвистических норм для принятия иностранных языков, но в прошлом это практиковалось русской орфографией. В новую эпоху существует острая потребность в нормах, основанных на определенных законах, касающихся выражения усвоенных терминов. Проблемы, возникающие при написании структурных и грамматических особенностей терминологии, используемой в узбекском языке, требуют перевода исследований на качественно новый уровень.

**Ключевые слова:** термин, простой термин, сложный термин, формальное слово, грамматический характер, усвоенный термин, усвоение термина, терминология существительного, терминология прилагательного.

### ТЕРМИНЛАРНИНГ ФОРМАЛ-ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

Аннотация

Терминларнинг ўзбек тилига фақат рус тили орқали кириб келиш тенденцияси кучсизланиб, бошқа тиллардан, хусусан, инглиз тилидан, бевосита термин ўзлаштириш кенг тус олаётганлиги жараёнга катта таъсир кўрсатмоқда. Ўзбек тилшунослигида ва тил амалиётида ўзга тиллардан кириб келаётган ўзлашмаларни қабул қилишнинг лингвистик меъёрлари ишлаб чиқилмаган, ўтган даврда бу меъёр вазифасини рус тили имлоси бажарди. Янги даврда эса ўзлашма терминларни ифодалаш масаласида маълум бир қонуниятларга асосланган меъёрларга кучли эҳтиёж сезилмоқда. Ўзбек тилига ўзлашаётган терминларнинг структур ва грамматик хусусиятлари имлоси масаласида пайдо бўлаётган муаммолар бу борадаги тадқиқотларни янги сифат босқичига кўтаришни тақозо этади.

**Калит сўзлар:** термин, содда термин, мураккаб термин, формал хусусият, грамматик хусусият, ўзлашма термин, термин ўзлаштириш, от термин, сифат термин.

**Кириш.** Бугунги кунда терминология ривожланиши тезкор тус олди. Бунинг сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

*биринчидан*, тилшунослик фани, хусусан, лексикологиянинг назарий йўналишлари тараққий этиб, ўрганиш объектининг рационал тадқиқи борасида муайян ютуқлар қўлга киритилди;

*иккинчидан*, терминология соҳасида давр талаблари билан уйғунлашув тенденцияси кучаймоқда;

*учинчидан*, ёндош фанлар, хусусан, ахборот технология илмий соҳалари жадал ривожланмоқда;

*тўртинчидан*, ўтган аср охири ва янги асрда нисбатан ёш фан йўналишлари – нанотехнология, биотехнология, куёш энергетикаси, тиббий генетика, клиник фармакология, синергетика кабилар вужудга келди.

*бешинчидан*, компьютер лексикографияси, корпус таҳлиллари кенг қўл оч ёймоқда;

*олтинчидан* ва, энг муҳими, ялпи глобаллашув фан ютуқларининг жадал равишида дунё миқёсида тарқалиши ҳамда ўзлаштирилишига сабаб бўлаётир.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Маълумки, терминология соҳасининг ривожланиши ташқи ва ички омиллар, макон ва замон доирасидаги глобаллашув, мақсад ва вазифалар, янги нутқий қолиплар, мулоқот маданияти, нутқий стратегия ва тактика уйғунлиги асосида янги сифат босқичига кўтарилди. Айниқса, терминларнинг ўзбек тилига фақат рус тили орқали кириб келиш тенденцияси кучсизланиб, бошқа тиллардан, хусусан, инглиз тилидан, бевосита термин ўзлаштириш кенг тус олаётганлиги жараёнга катта таъсир кўрсатмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек тилшунослигида ва тил амалиётида ўзга тиллардан кириб келаётган ўзлашмаларни қабул қилишнинг лингвистик меъёрлари ишлаб чиқилмаган бўлиб, ўтган даврда бу меъёр вазифасини ўзбек тили билан алифбоси бир хил бўлганлиги учун терминларнинг рус тилидаги имлоси бажарар эди. Янги даврда эса инглиз тили ва ўзбек тили алифбоси бир хил бўлса-да, имлода инглиз тилига андоза сифатида эргашилмаётганлиги сабабли ўзлашма содда терминларни ҳам, мураккаб терминларни ифодалаш масаласида маълум бир қатъий қонуниятларга асосланган

меъёрларга кучли эҳтиёж сезилмоқда. Демак, айтиш мумкинки, ўзбек тилига ўзлашгаётган терминларнинг структур ва грамматик хусусиятлари имлоси масаласида пайдо бўлаётган муаммолар бу борадаги тадқиқотларни янги сифат босқичига, яъни терминологик тадқиқотларни тавсифий босқичдан тавсиявий босқичга кўтаришни тақозо этмоқда.

Айтилганлардан маълум бўладики, терминларнинг формал-структур, ясаиш хусусиятлари, уларнинг сўзлар грамматик гуруҳларига муносабати устидаги тадқиқотларни кучайтирмоқ лозим. Яна шуни таъкидлаш лозимки, замонавий терминлар сирасида соҳалар бўйича универсал турлари шу даражада кўпайиб бормоқдаки, улар таркиби жиҳатидан турли-туман, хорижий манбаларни ўзлаштираётган ва шу асосдаги фикрларини она тилида баён этаётган мутахассислар терминларни беришда ўз билганларича иш кўришлари билан бирга, турли сайтларда, имло тамойиллари ва қоидалари нукта назаридан мутлақо назорат қилинмайдиган ижтимоий тармоқларда терминологик бошбошдоқликни кузатишимиз мумкин. Шунингдек, муаммодан чиқишнинг осон ва қулай йўли сифатида терминларни, хусусан, техника воситаси, фармакология маҳсулотлари номларини айнан ўша тил ва имлосида бериш танланмоқда. Профессинал терминологиянинг ижтимоий аҳамияти кундан-кунга ошиб бораётгани ҳолда, терминологик дискурс, терминологик аппаратнинг лексикографик масалалари ўзбек тилшунослигида оқсаётган соҳалардан бўлиб қолмоқда. Янгидан пайдо бўлаётган соҳаларнинг терминологик бойлиги на анъанавий, на замонавий лексикографиянинг тўлақонли манбасига айланаётган.

**-Тадқиқот метадалогияси (Research Methodology).** Кўринадик, замонавий ўзбек терминологиясида қуйидагилар соҳанинг асосий муаммолари сифатида намоён бўлмоқда:

*биринчидан*, терминларни ўзлаштириш ва бунда калкалаш муаммолари;

*иккинчидан*, ўзлашма терминларнинг тил лексик ва грамматик структураси ва микросистемаларида туган ўрнини оидинлаштириш;

*учинчидан*, полифункционал, ҳамроҳ моҳиятли терминларнинг лексикографик талқини;

*тўртинчидан*, лексикографик талқинларда идеографик, грамматик, этимологик пометаларни бериш;

*бешинчидан*, ўзбек тилида хорижий асосли терминларнинг ясаиши;

*олтинчидан*, терминларнинг структур хусусиятларини ўзбек тилида акс эттириш;

*еттинчидан*, терминларнинг имлоси масалалари.

Ўзбек тилига ўзлашгаётган ва бунда, кўп ҳолларда, калкалаштирилаётган терминларнинг структур хусусиятлари сирасида уларнинг таркиби масаласи амалиётда қўлланиши билан боғлиқ равишда қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жараёни англатувчи терминларнинг структурасини маҳсус тадқиқ қилган тадқиқотчи Х.Нарходжаеванинг тадқиқотида мураккаб терминларнинг қуйидаги кўринишлари ажратилади: икки узви: *авф этиш*, *валюта айирбошлаш*, *васий тайинлаш*; уч узви: *чатиштириш натижаларининг турличалиги*, *кириш символининг давомийлиги*; тўрт узви: *бир томонлама воз кечиш*, *васиятга асосан мерос олиш*, *ер ости бойликларидан фойдаланиш*, *газ қонунларининг қўлланиш соҳаси*; беш узви: *тушунчаларни аниқлаш ва тушунтириш методи компонентлари*, *маълумотлар омборини бошқаришнинг тармоқли тизими*; етти узви: *оптималь ечимни топишда танқидий тафаккурни ривожлантириш лойиҳалари*; саккиз узви: *соткали алоқанинг рақамли каналлари бўйлаб маълумотларни пакетлик узатиш*; *озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро*

*этиш муассасалари ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар каби.*[1]

Гарчи тадқиқотчи “компонентларни назарда тутганда, бирикма таркибидаги ёрдамчи ва ёрдамчи вазидаги сўзларни эътиборга олмадик, сўз бирикмаси ҳақидаги қоидаларга кўра уларни ўзлари шакллантираётган сўз шакл билан бирга бир компонент сифатида қарадик”, деса-да,[1] бу тамойилига ҳар доим ҳам риоя қилавермайди. Масалан, тўрт узви терминлар сирасида қаралган *бир томонлама воз кечиш* ифодасида *воз кечиш* қисми, *васиятга асосан мерос олиш* терминида *васиятга асосан* қисми; саккиз аъзоли терминлар сирасида қаралган *соткали алоқанинг рақамли каналлари бўйлаб маълумотларни пакетлик узатиш* терминида *каналлари бўйлаб* қисми, *санация қилиш вақтида қишлоқ хўжалигида эътиборга олинадиган хусусиятлар* терминида *эътиборга олинадиган* қисмлари лингвистик нукта назардан битта сўз (ёки сўзшакл) сифатида олиниши анъанага айланган. Зотан, уларда икки тушунча яхлитланиб, битта сўз вужудга келган, бошқача айтганда, лексемалашини содир бўлаётганлигини кўриш мумкин. Лексемалашини жараёни ниҳоясига етмаганлигига далил қилиб эса бу сўзларни ташкил этувчи узвларнинг ҳали бир сўз урғуси остида бирлашмаганлигини сабаб қилиш билан кифояланиш мумкин.

**- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).**

Шундай қилиб, ўзбек тилининг 5 жилдли изоҳли луғати ва бошқа терминологик луғатлардаги мингта терминни кузатганимизда, формал-структур жиҳатдан шундай натижа қўлга киритилди:

Бир узви терминлар – 17 %

Икки узви терминлар – 50 %

Уч узви терминлар – 26 %

Тўрт узви терминлар – 5 %

Беш узви терминлар – 2 %

Терминология соҳасида ҳам, умум ўзбек адабий тилида бўлгани каби, адабий меъёрлар бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган бўлса-да, оғзаки ва ёзма нутқ меъёрларини фарқлаш масаласини очилмаган кўрик дейиш мумкин. Зотан, оғзаки нутқда юқорида саналган саккиз узви терминларни қўллашнинг имкони йўқ ва улар қисқартирилган ҳолда ишлатилади. Давр қисқарган вариантларнинг структур ва имло муаммоларини таҳлил ва талқин этиш, уларни такомиллаштиришга доир жиддий тадқиқотларни тақозо этмоқда.

Тилимизда структур жиҳатдан нафақат бир ёки кўп узви, балки синтактик ва синтагматик терминлар учрайдики, биринчидан, бу *синтактик термин*, *синтагматик термин* атамалари унчалик оммалашмаган бўлса, иккинчидан, уларнинг мураккаб сўз-терминлардан фарқли жиҳатлари, ташкил этувчиларнинг семантик яхлитланиш жараёни, синтагматик ва синтактик терминларнинг тушунчага муносабати масаласи ҳали жиддий тадқиқ этилишга муҳтож. Шундай қилиб, терминларни шаклий (формал) структурасига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

а) бир сўздан иборат мустақил терминлар: *лексема*, *сўз*, *морфема*;

б) кўп узви терминларнинг ихчамлашуви натижасида пайдо бўлган бир узви терминлар: *бирикма* (сўз бирикмаси);

в) кўп компонентли терминларнинг қисқартирилиши натижасида шаклланган аббревиатив терминлар: *СГ* (согда гап).

Таъкидлаш лозимки, терминсоферада кўп узви ҳамда уларнинг ихчамлашган ёхуд қисқарган кўринишлари оғзаки ва ёзма нутқ ёхуд бир нутқ турининг ўзиде, шунингдек, норасмий ва расмий нутқ кўринишларида учраса, демак, бундай терминларни дублет терминлар

сифатида баҳолаш лозим. Зеро, улар бир тушунчани ифодалаб, турли торайган ва кенгайган кўринишларда намоён бўлади. Терминосистемадаги дублет ёки вариативлик деб аталувчи бундай ҳодисалар ана шу хусусияти билан умумистеъмол лексикадан кескин фарқланади. Бунинг сабаби сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

*биринчидан*, аксар кўп компонентли терминлар камистеъмол ва тугал ижтимоийлашмаганлиги сабабли бир таркибли вариантлари уларнинг ўрнини ҳали буткул эгалламаган бўлади;

*иккинчидан*, бу ҳолат терминларнинг келиб чиқиши сунъийлиги билан характерланади.

Қуйида фикримизни далиллаш учун ўзбек тилидаги йўлсозлик терминологияси муаммолари билан шуғулланган тадқиқотчи Т.Валиев томонидан тузилган лугатдан айрим мисоллар келтирамиз. Лугатни кузатиш натижасида амин бўлдики, ўзбек тилига таржима қилинган йўлсозлик терминлари асл тилда бир сўз ҳолатида бўлса, ўзбек тилига вариантда формал жиҳатдан кўп узви термин вужудга келган ҳолатлар кўп: *дробилка – майдалаш машинаси, вибросто – тебранма галвир, грунт – ер қатлами, зовурсимон дренаж – траншея, йўлнинг юк босими (брутто), йўлнинг юк босими (нетто), кўприк тўсиқлари – перила* каби.[2] Бирок тилимиздаги ахборот-коммуникация терминларидан *юклаш – загрузка, сақлаш – сохранить, ўчириш – удалить/удаление, тортиш – скачать, сичқон(ча) – мыш(ка)* каби муваффақиятли ўзлаштирилган, аниқроғи, тилнинг ички имкониятлари асосида ясалган ёки таржима қилинганлари ҳам талай. Ўзбек тили терминосистемасида кўплаб аббрегатив терминлар ҳам мавжуд: *ернинг рақамли модели (ИРМ)* каби.

Терминосистемадаги айри ифодаларнинг кўп аъзолигини асословчи далиллар ҳам мавжуд. Масалан, терминшунос рус олими В.П.Даниленко фикрича, бундай терминларнинг маъно аниқлигини таъминлашдаги аҳамияти каттароқ, қайишқоклиги юқори ва ҳар хил ҳодисаларни ифодалашда қўл келади, бирор сўзини ўзгартириш ёки алмаштириш билан янги ҳодисанинг семантик жиҳатдан қулай ифодасига айланиб қолади.[3] Умуман олганда, семантик жиҳатдан мавхумлик формал ва структур жиҳатдан ихчамлик билан уйғунлашади. Ўзбек тилидаги терминларнинг грамматик хусусиятларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- терминларнинг морфологик хусусиятлари;
- терминларнинг синтактик хусусиятлари.

Терминларнинг морфологик хусусиятлари сифатида уларнинг сўзлар грамматик разрядлари, бўлинишлари (туркумлири) га муносабати назарда тутилади. Грамматик жиҳатдан терминларнинг икки гуруҳи фарқланди:

- 1) от терминлар;
- 2) сифат терминлар.

Синтактик жиҳатдан таҳлилга бирикмали терминлар тортилди. Уларни қуйидагича гуруҳладик:

- 1) йиғиқ бирикмали терминлар;
- 2) кенгайган бирикмали терминлар.

Терминларнинг аксариятини морфологик жиҳатдан от терминлар ташкил қилади. Бунга, назаримизда, мисоллар келтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Ўзбек тили терминосистемасида сифат терминлар ҳам талайгина. Биргина ўзбек тилининг беш жилдли

изохли лугатида 500 дан ортиқ сифат терминларга дуч келдик. Мисолар: *астрономик, атавистик, атамашунослик, атеистик, атлетик, атмосферавий, атрибутив, атрибутив, афғоний, ахлоқий, азродинамик, биофизик* каби.

Шуниси эътиборлики, сифат терминлар бир ватқининг ўзида мураккаб ёки бирикмали от терминларни ҳосил қилишда ҳам фаол иштирок этади.

Синтактик жиҳатдан терминларнинг таркибий хусусиятлари терминшунослар томонидан анчайин ўрганилган дейиш мумкин. Хусусан, тадқиқотчи Х.Ш.Нарходжаева кенгайган бирикмаларни таркибидаги тобе сўзларнинг занжир ҳосил қилишини тадқиқ қилиб, уларни ўз ўрнида грамматик (морфологик) таҳлилга ҳам тортади. Тадқиқотчи зотан мослашувли эркин бирикмалардан вужудга келган терминларни уч типга ажратар экан, уларнинг таркибидаги ҳоким ёки тобе сўзларнинг грамматик шакллари алоҳида эътибор қаратади.

Олима мослашувли, аниқроғи, қаратувчили бирикмалар замирида вужудга келган терминларни изофа терминлар сифатида баҳолаб, биринчи тип қаратувчили бирикмалар сифатида олишда улардан тобе узвнинг қаратқич келишиги ва ҳоким компонентнинг эгалик кўрсатқичи билан шаклланишига таянади. Мисоллар: *ахлоқнинг шаклланиши, фикрнинг ривожлантирилиши, давлатнинг ривожланиши, ўсимликларнинг тарқалиши, дарёларнинг серсувланиши* каби. Иккинчи тип қаратувчили бирикмалар сифатида тобе узв бош келишида бўлган мураккаб терминларни эътироф этади: *сўз ясалиши, сўз ўзгарishi, товуш орттирилиши, маъно кенгайishi, от бошқаруви, феъл бошқаруви; кириш синови* каби. Учунчи тип бирикмалар сифатида дастлаб ҳар икки узви грамматик шаклланган, бугунги кунда грамматик кўрсатқичларини “ташлаган” терминларни тан олади: *бўгин кўчириши, сўз кўчириши, сўз қўйishi; идрок қилиши, фаолият юритиши, ихтиро қилиши, ахборот излаш, ахборот узатиши, маърифат бериши, жазо бериши; хабарлар алмаishi* каби.[1,31]

- **Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)**. Назаримизда, терминларнинг грамматик хусусиятлари ҳақида гап кетганда, кенгайган терминларнинг қисқа ёки ихчам варианты билан ўрин алмашиб қўлланишини эътиборга олиш лозим бўлади. Зеро, ихчам варианты билан эркин дистрибутив алоқада бўла оладиган терминлар таркибий қисмлари орасидаги синтактик алоқа ҳали сўнмаган бўлади ва кўпроқ нисбатан ёйиқроқ терминларда учрайди. Бошқача айтганда, мураккаб (бирикмали) термин таркибидаги узвлар сони қанчалик ошиб бора, бирикманинг синтактик хусусияти шунча ортиб, лексик (номинативлик) хусусияти барқарорликдан узоклашиб боради. Бу эса термин таркибидаги сўзлар ифодалайдиган тушунчалар яхлитлашмаганлигини кўрсатади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, терминларнинг грамматик хусусиятларини ҳам морфологик аспектда, ҳам синтактик аспектда ўрганиш терминосистема унсурларини тартиблаштириш, уларнинг лисоний онгдаги тасвирини ойдин тасвирлаш имкониятини янада кенгайтиради.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Нарходжаева Х.Ш. Ўзбек тилида жараён англатувчи терминларнинг лингвистик хусусиятлари: Филология фанлари бўйича фалсафа д-ри... дисс. – Тошкент: 2016. – Б. 111-112.
2. Валиев Т. Ўзбек тили йўлсозлик терминларининг изохли лугати. – Қарши: Насаф, 2017.
3. Даниленко В. П. Терминология современного языка науки // Терминоведение и терминография в индоевропейских языках. Владивосток, 1987. (-С. 61– 66.) -С. 64.



УДК: 821.221

*Афзуна НАЗАРОВА,*  
Тошкент давлат шарқишунослик университети ўқитувчиси  
E-mail: afzuna\_nazarova@mail.ru

ЎзДЖТУ Фил. фан док., проф Халлиева Гулноз Искандаровна тақризи асосида

## THE STUDY OF DARI LANGUAGE POETRY IN AFGHANISTAN IN THE 20TH CENTURY

Annotation

This article describes the development of Dari poetry in Afghan literature in the twentieth century and its study by Afghan scholars. At the beginning of the twentieth century, due to the publication of Iranian literature, especially the poems of Iranian poets in the style of "She're naw" in Afghan magazines, and a number of other factors, some Afghan poets also moved away from the traditional towards renewal. The article reveals this process and its stages on the basis of research by Afghan literary scholars and researchers about the attitude of Afghan writers to these changes. The groups of poets who worked in the traditional style and styles "She're naw" - "new poem", their differences, similarities and aspects are identified.

**Key words:** Mahmud Tarzi, Shokhakbar Shahristani, Hasan Anukhta, Shuayb Azami, Muhammad Usman Siddiqi, Sharif Hussein Kasimi, traditions in literature, "She're naw"

## ИЗУЧЕНИЕ ПОЭЗИИ НА ЯЗЫКЕ ДАРИ В АФГАНИСТАНЕ В XX ВЕКЕ

Аннотация

В данной статье рассказывается о развитии поэзии на языке дари в афганской литературе в XX веке и ее изучении афганскими учеными. В начале XX века из-за публикации иранской литературы, особенно стихов иранских поэтов в стиле «шеъре нав» в афганских журналах, и ряда других факторов, некоторые афганские поэты также отошли от традиционного в сторону обновления. В статье раскрывается этот процесс и его этапы на основе исследований афганских литературоведов и исследователей об отношении афганских писателей к этим изменениям. Выделены группы поэтов, творивших в традиционном стиле и стилях «шеъре нав» - «новое стихотворение», их различия, сходства и аспекты.

**Ключевые слова:** Махмуд Тарзи, Шохақбар Шахристанӣ, Хасан Анухта, Шуайб Азами, Мухаммад Усман Сиддиқи, Шариф Хусейн Касими, традиции в литературе, «шеъре нав».

## XX АСРДА ДАРИЙЗАБОН ШЕЪРИЯТНИНГ АФҒОНИСТОНДА ЎРГАНИЛИШИ

Аннотация

Мазкур мақолада XX асрда Афғон адабиётининг дарийзабон шеърияти тараққиёти ва уни афғоншунос олимлар томонидан ўрганилганлиги хусусида сўз юритилади. 20-асрнинг бошларида Эрон адабиёти, хусусан Эрон шоирларининг «шеъре нав» услубида ёзилган шеърларини афғон журналларида чоп эттириш ва бошқа қатор омиллар сабаб айрим Афғон шоирлари ҳам анъанавийликдан чекиниб, янгиланиш томон юз тутдилар. Мақолада жараённинг қай тарзда рўй бергани ва босқичлари, бу ўзгаришларга афғон адибларининг муносабатлари хусусида афғон адабиётшунослари ва тадқиқотчиларининг ўрганишларини тадқиқ қилиш орқали очиб берилди. Анъанавий ва «шеъре нав» – «янги шеър» услубида ижод қилган шоирлар гуруҳи, уларнинг фарқи ўхшаш ва жиҳатлари ёритилди.

**Калит сўзлар:** Махмуд Тарзий, Шохақбар Шахристоний, Хасан Анухта, Шуайб Аъзамий, Мухаммад Усмон Сидкий, Шариф Хусайн Қосимий, адабиётда анъанавийлик, «шеъре нав».

**Кирриш.** Замонавий дарий адабиётидаги катта ўзгаришларнинг илдизи 20-асрнинг бошидан бошланганлиги таъкидланади. Бу даврни афғон олимлари «توره روشنفکری» – «маърифатпарварлик даври» деб аташади (3.108). Ҳабибуллохон Афғонистон тахтига ўтирганидан кейин (1901-йил) мамлакат, нисбатан, ички ва ташқи жанглardan холи бўлди. Шу даврда маъриф ва матбуотда бир қанча ислохотлар ўтказилиб, 1та лицей, бир нечта бошланғич мактаб ва Кобулда сержантлар тайёрлайдиган ҳарбий билим юрти (1909-йил) таъсис этилди. Афғон зиёлиларининг сайи-ҳаракатлари билан «Сирожул ахбор», «Сирожул атфол» газеталарининг нашр этилиши эса мамлакатдаги матбуотни ривожланишига ва зиёлилар катламнинг дунёқараши ўсишига олиб келди. Шу зайдла 1900-йилдан сўнг Махмуд Тарзий ва бошқа бир қанча маърифатпарварлар, қалам аҳли ўз фаолиятларини бошлаган ҳолда кўплаб газета, журналлар нашр этира бошлашди. Айнан «Сирожул ахборе афғония» газетасининг бош муҳаррири бўлган Махмуд Тарзий тугайли адабиётга янгиланиш кириб келди. Махмуд

Тарзий ўзининг шеърларида анъанавий шаклини сақлаб қолган бўлса-да, мазмунга ўзгартиришлар киритди. Унинг шеърларида замон билан ҳамнафас тарзда, жамият ўзгаришлари, ўша давр талаблари, халқнинг ўша вақтдан келиб чиққан ҳолдаги хоҳиш-иродаси акс этди ва шу йўл билан анъанавий шеърдан чекинган ҳолда XX аср шеъриятига янгилик кириб келди. Бу шеърларни «Сирож ул-ахборе афғония» да ҳам чоп эттирди. Газетада чоп этилган «бир мақоласи мумтоз шеърият ва замонавий шеърият ўртасидаги суҳбат бўлиб, бу суҳбатга кўра бу давр шеърияти объектив ва субъектив воқеаларни баён қилувчи шеър бўлишини ва ҳаёт ўзгаришлари билан бир қаторда ўзгариши кераклигини талаб қилади» (4.579). Газеталардаги кўпгина мақолаларида шеър мазмунида рўй берган ўзгаришларни ёқлаб чиқди. «Шеърхонлик вақти ўтди, энди ҳаракатланиш вақти келди. Мошина, темир йўл ва электр даври бошланди. Туялар, буқалар ва эшаклар асри тугади» (2.43) дейди «Афғонистон журналистикасининг отаси»(1.26) Махмуд Тарзий. Шунингдек, газетларда Эрон шоирларининг шеърларидан

хам чоп этилиб борилди. Бу шеърларнинг чоп этилиши Эрон шеърляти, айниқса, Эрон “шеъре нав”и – янги услубда ёзилган шеърлари билан танишиш имконини берди.

#### Мавзуга онд адабиётлар таҳлили (Literature review)

Мавзуни ёритишда ўзбек афғоншунос олими проф. Р.Иномхўжаевнинг “Маҳмуд Тарзий ва афғон маърифатпарварлик адабиёти”, рус тарихчиси В.Г.Коргуннинг “История Афганистана XX век”, Шоҳабар Шаҳристонийнинг “ادبيات معاصر زبان فارسی درى در افغانستان”, “دانشنامه ادب فارسی. ادب فارسی افغانستان”, “نمانى رمان و انقلاب در شعر معاصر درى افغانستان”, “سير ادب در افغانستان”, “مزاياى شعر معاصر” – ادبيات معاصر درى افغانستان” номли китоблари тадқиқ қилинди.

#### Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Мазкур мақолани таҳлил қилишда илмий билишнинг тарихийлик, мангикийлик, назарий тадқиқот методларидан, ҳамда чоғиштирма-қиёсий методидан кенг фойдаланилди.

#### Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Омонуллохон даврида (1919-йил) Афғонистон сиёсий мустақилликка эришди ва мамлакатда янгича тараққиёт даври бошланди. Чет эл билан маданий алоқалар кўпайди, талабалар ва маданият арбоблари хорижга юборилдилар.

Устоз Шоҳабар Шаҳристонийнинг маълумот беришича (5.21), шоирлардан Мустағний, Довий ва бошқалар озодлик ва истиклол ҳақида кўплаб ғазал ва қасидалар ёздилар. Мустағнийнинг она тили пашту бўлса-да, дарий тилида ҳам Амир Ҳабибуллохон, Омонуллохон, Муҳаммад Нодиршоҳга атаб ёзилган кўплаб қасидалари ва озодлик тўғрисидаги шеърлар мавжуд. Уларнинг издошлари бўлган устоз Бетоб ҳам ўз ғазалларида озодлик ва бошқа турли ижтимоий мавзуларни ёрқин ифодалаган.

Афғонистон замонавий шеърлятининг ўзгаришлари хусусида Ҳасан Анухта “دانشنامه ادب فارسی” номли китобида ҳам изланишлар олиб борилган. Унда келтирилишича (4.580), 1931-йил Афғонистонда 2та Ҳирот ва Кобул адабий анжумани ташкил этилди. Кобул адабий анжумани нашр органи “Кобул” журналида мумтоз шоирларнинг шеърлари, айниқса, Баҳор Парвин, Рашид Ёсимий ва Назруллоҳ Фалсафий каби замонавий Эрон шоирларининг шеърлари нашр этилди. Афғонистон шоирлари: Малик уш-шуаро Қори Абдуллохон, Мустағний, Мир Муҳаммад Али Озод, Шойиқ Кобулий (Шойиқ Жамол), Шойиқ Афанди, Шойиқ Ҳиравий, Сарвар Сабо, Сарвар Жуё, Халилуллоҳ Халилий ва Муҳаммад Иброҳим Халилнинг кўпгина шеърлари ҳам чоп этилди. Шу вақтдан бошлаб Афғонистонда ҳам мансур шеърлар ёзиш расм бўлди ва Мир Ғулом Муҳаммад Ғубор, Шоҳзода Аҳмад Али Дурроний ва Абдуллоҳи Довийи ўхшаш ёзувчи ва шоирларнинг “Пағмондаги тонг”, “Мен ва ой”, “Пағмондаги ой”, “Ватан лочини” каби асарлари “Кобул” журналида чоп этилди. Шиблий Нўмоний ва Малик уш-шуаро Қори Абдуллохонлар шеърдаги ўзгаришларни, янгиликларни қоралаб, анъанавий усулни ёқлаб чиқишган. 1938-1939-йиллар Халилуллоҳ Халилий “Муסיқий” журналида чоп этилган хозирги замон форс шеърлятида янги шеър услуби асосчиларидан бири бўлмиш эронлик Нимо Юшиж шеърларини ўқиб унинг шеърларига кизиқиб қолади ва Нимо қўллаган вазн ва қофиядаги Нимоникига ўхшаш парчаларни ёзади ва ўша анжуманга юборади. Аммо анжуман аъзолари унинг бундай шеърларини “қобилияти

сусайганлик”да айблади, аммо бироз вақтдан сўнг таҳририятдагилар Халилийдан узр сўрашиб, унинг шеърларини айнан ўша нашриётда чоп этишди. Шу таҳлит ушбу манба Нимо услубини Афғонистон дарий шеърлятида илк бор қўллаган шахс Халилий деб кўрсатади (4.580).

Доктор Шариф Ҳусайн Қосимийнинг эътироф этишича (3.119): “шеъре нав” маълум ритмга асосланган, аммо анъанавий классик шеърдан фарқли равишда, радиф ва қофиясиз шеърдир. Лекин бу оқ шеърдан ҳам фарқличадир. Оқ шеър келиб чиқишидан вазнга эга бўлмайди. Бу ҳақида устоз Мойил Ҳаравий шундай фикр юритади: “мамлакатимиздаги шеърлардан келиб чиқсак, ҳалигача вазн ва қофияни шеърдан ажратадиган (шеърда вазн ва қофиянинг йўқлиги – А.Н.) ва шеърни фалаж қиладиган новатор шоирлар вужудга келмаган. Аксинча, ўз янги шеърларида вазн ва қофияни ифодалаганлар” (3.119).

Ҳасан Анухтанинг “دانشنامه ادب فارسی” китобидаги маълумотларга таянадиган бўлсак (4.581), Афғонистонда Нимо шеърлярига бўлган катта кизиқиш 50-йилларнинг бошларидан бошланган. Бу вақтгача шеър мазмундагина новаторликка эга бўлган, шаклдаги ўзгариш ва янгиланишлар эса XX аснинг 2-ярми бошларидан юзага келди. Шу давр шоирларидан “Муҳаммад Мунтазир, Муҳаммад Шафий Раҳгузар ва Муҳаммад Осиф Саҳил каби шоирлар Нимо қолипда шеърлар ёзишган, аммо бу йўсиндаги дастлабки шеърлар кўтаринки руҳда ва завқ-шавқ уйғотадиган шеърлар эмас эди” (4.581) Ҳасан Анухта Ризо Мойилнинг 1955-йилда “Жвандун” журналининг 39-40-сонларида босилиб чиққан “تقديم به تو” – “*Сенга туҳфа*” шеърини янги шеърнинг илк намунаси сифатида кўрсатади (4.581). Муаллифнинг ёзишича, “1956-йил “*Бар-е сабз*” журналида янги шеър қолипдаги Юсуф Ойинанинг “*نهار كابل*” – “*Кобул баҳори*” ва Борик Шафейининг “*يك التجا*” – “*Бир Илтимос*” шеърини чоп этилган. Бу шеърларни эски шеър қолипини синдиришдаги иккинчи ва учинчи уринишлар деб айтиш мумкин. Аммо Ойинанинг “*نهار كابل*” – “*Кобул баҳори*” шеърини зоҳиран Гулчин Маонийнинг “*پاران*” – “*Ёмғир*” шеърини таъсирида ёзилган бўлса-да, янги шеърнинг бошланиши учун яхши бир намуна деб ҳисоблаш мумкин”.

Шоҳ Акбар Шаҳристоний ўзининг “دانشنامه ادب فارسی” номли мақоласида шу давр адабиёти ва адиблари ҳақида маълумот бераркан (5.17-39), уларнинг кўпчилиги адабий соҳада ҳам яхши билимга эга бўлганларини ва ҳинд услубида ғазал ёзиш қоилдарини ўзлаштиришганини таъкидлайди. У ўз тадқиқоти давомида шоирларни гуруҳлаб, ўша давр адабиётининг қиёфаси ҳақида бирмунча хабар берган. Унга кўра устоз Малик уш-шуаро Бетоб, Малик уш-шуаро Қори Абдуллохон, Устоз Халилуллоҳ Халилий, Устоз Ҳошим Шойиқ, Ҳазрат Мирғулом Шойиқ Жамол, Муҳаммад Иброҳимхон Сафо, Муҳаммад Ҳусайн Толиб Қандаҳорий, Надим Майманагий, Саид Муҳаммад Дехқон, Абдулҳаким Зиёйи, Доктор Мир Нажмиддин Ансорий, Устоз Муҳаммад Иброҳим Халил, Зиё Қоризода, Аллома Саид Исмоил Балхий, Мавлавий Холмуҳаммад Хаства, Муҳаммад Анвархон Басмал, Мастура Афғон хоним, Махжуба Ҳаравий хоним, Ҳодика Ҳаравий хоним, Махфий Бадахший хоним, Суҳанбу хоним ва Ширин Ҳирот услубида ижод қилишган. Муҳаммад Носир Насиб, Ҳожи Исмоил Ҳаравий, Борик Шафейи, Ғулом Муждад Сулаймон Лойиқ, Абдулхусайн Тавфиқ ва Шерали Қонун ҳам ғазал ёзишган. Бир гуруҳ шоирлар эса аруз вазнидан чекиниб, Нодир Нодирпур каби янги услубдаги шеърлар ёза бошлашган. Улар қаторига доктор Абдулқодир Равон Фарҳодий, Муҳаммад Фороний,

Муҳаммад Раҳим Илҳом, Абдулқаноҷ Қаноҷ, Асадуллоҳ Хабиб, Муҳаммад Ориф Пуҷмон, Восиф Бохтарий, Муҳаммад Оқил кабиларни киргизишимиз мумкин. Улар шеърларига янги тушунчаларни киргизган ҳолда, баъзилари икки тилда: форс ва пашту тилида ҳам ижод қилишди. Илҳом ва Лойик шулар жумласидандир. Доктор Равон Фарҳодий буюк Ҳинд ёзувчиси Робиндранатх Тагорнинг “Гитанжали” китобини дарий тилига янги шеър услубида таржима қилган.

Шоҳ Акбар Шаҳристоний XX асрнинг тўртинчи чораги ҳақида куйидагиларни ёзади, “1978-йилги савр инқилобидан кейин кўпгина ёшлар қўлига қалам олиб вазнсиз, қофиясиз шеър ёза бошлашди. Уларнинг аксарияти адабий билимга эга бўлмаганликлари туфайли ижодида сийқаси чиққан, кундалик олди-қочди гапларни кўп кузатиш мумкин эди. Хорижий ибораларни тилга киритишди, эски сўзларни унутиб, форс тилидаги кам қўлланиладиган сўзлардан фойдаланишди. Улар бир қаторда ижод қилган бир гуруҳ ёшлар ижодини кузатадиган бўлсақ, уларнинг ижоди анчайин яхши ва адабий меъёрга мослигини кўрамаиз. Булар қаторига Восиф Бохтарий, Биранг, Пажмон, Фарид Бижан, Ғулом Ҳусайн Фарманд, Али Ҳусайн Нойилни киритишимиз мумкин” (5.32).

Замонавий дарий адабиёти ҳақида профессор Шуайб Аъзамий ҳам “*نمائى رمان و انقلاب در شعر معاصر دى افغانستان*” номли мақола (6.88-105) ёзган. Бу мақолада Ерөн шоирлари каби Афғон адиблари ҳам дарий тилида ҳар соҳадаги шеър ёзишгани ҳақида айтиб ўтади. “Талабларнинг ўзгариши, янгиланиш, аёллар таълими ва паранжиси, фақирлик ва зулмдан қочиш, инглизларга қарши курашлар, инқилоб шоирлари шоирларнинг ватан озодлиги йўлида ёзган шеърларининг бош мавзуга айланган эди” (6.89). У ўз мақоласида келтиришича, Афғонистонда Абулқосим Лоҳутий, Фаррухий Яздий каби Эрон форсий шоирларига ўхшаш шоирлар бўлмаса-да, улар орасида танланган мавзу шоирларнинг мақсадига айланган, ечимини топиш зарур бўлган ўша даврнинг долзарб масалаларини қаламга олган таниқли сўз усталари, ёзувчилар ҳам кўп бўлган, Шаҳриёр, Маликуш шуаро Баҳор, Парвин Эътисоми, Нодир Нодирпур, Фаридун Таваллулий, Ҳушанг Ёбтихож Соя, Раҳи Муйирийга ўхшаш Эрон шоирлари каби Афғон шоирлари ҳам ишқий, ахлоқий, тарбиявий мавзулардаги ранг-баранг шеърлар ёзишган.

“Бу даврдаги мумтоз шоирлар ҳам, новатор шоирлар яхши бир ижод намуналарини юзага келтирдилар” (6. 102). Бундай асарлар замонавий дарий шеърини ихлосмандларини баҳраманд қилди. Афғонистон халқи ҳам ўз шоирларининг шеърини мероси билан фахрланишларига сабаб бўлди.

Шоир ва адиб Муҳаммад Усмон Сидқий Афғонистон адабиёти устида олиб борган изланишлари натижасида “*سیر ادب در افغانستان*” номли китоб нашр эттирган (1961-йил) бўлиб, унда Афғонистон шоирларини уларнинг ижод хусусиятларига кўра 4 гуруҳга бўлади:

1) Хуросон услубида ижод қилган шоирлар: Мустағний, Халлий, Пире Ҳирот, Ҳиротий Ширинсухан.

2) Аралаш услубида ижод қилувчи шоирлар:

а) Ироқ услуби: Восил, Солек, Улфат, Махжур, Озод, Надим, Шойик Жамол, Халил, Ҳаким Зиёйи, Найсон, Толиб Қандаҳорий, Наботий, Баҳра, Риҷоийва бошқалар.

б) Ҳинд услуби: Машруқий, Ғулом Муҳаммад Тарзий, Ҳасан, Ҳошим Шойик, Сафо, Дехкон, Курбат, Тавфик, Мойил Ҳаравий, Мойил Кобулий ва бошқалар.

с) Ҳар икки услубида ижод қилувчилар: Қори ва Бетоб

3) Янги услуб (сабк-е жаҳид): Расулий, Аъзамий, Пажвок, Зиё Қоризода, Амний ва бошқалар.

4) Сўнгги давр услуби (услуб-е таъза): Ойна, Борик, Илҳом, Нехмат, Фороний, Лойик ва бошқалар (7.11).

Юқорида зикр этилган олимларнинг фарқидан келиб чиққан ҳолда бу гуруҳларнинг охириги 3-4-пунктига эътибор берсак, янги услуб (сабк-е жаҳид) ва сўнгги давр услуби ҳақида Муҳаммад Усмон Сидқий берган маълумотлар диққатлидир. Унинг фикрича, янги услуб вакиллари бўлган “Мустағний, Қори, Бетоб, Шойик ва бошқаларга ўхшаш бир қанча таниқли шоирлар миллий ва ижтимоий мавзуларни назмга олиб киришган бўлишларига қарамай, бошқа бир гуруҳ шоирлар анъанавий усуллардан чекиниб, сўзларни ўзгача ифодалашни, мавзуларга бошқа тарафдан назар ташлашни ихтиёр этишди...” (7.27). У фикрини давом эттириб тақидлайдики, бу гуруҳ шоирлари ўз шеърларига Ҳинд услубига хос булган донишмандлик, истиоралар, ташбеҳлар ва тарсеъларни кўп ишлатмасдан, балки хиссий, ҳаётий, ишқий мавзуларни шеърга киритишди деб таъкидлайди (7.28).

Материалларни кузатишимиз шуни кўрсатадики, келиб чиқши Муҳаммад Тарзийдан бошланган бу услубни юқорида номи келтирилган шоирлар ривожлантириб боришиб, шеърнинг мазмуний ўзгаришларига хиссий бўёқдорликни, ҳаётий ранг-барангликни киритишган.

Сидқий сўнгги давр услуби (услуб-е таъза) гуруҳини тавсифлар экан, унинг вакиллари янги адабий майдон юзага келтиришди, уларнинг баён қилиш услубида озодлик, мулоҳазали хислар ўрин олган деб айтади. Шунингдек, уларнинг бир гуруҳи шеър қоидаларига риоя қилмаганликларини ҳам эътироф этади (7.38).

### Хулоса (Conclusion)

Эътиборли ва фарқли жиҳати шундаки, сўнгги давр услуби намояндалари анъанавий шеърларга мазмуний ўзгариш билан бирга шаклий ўзгаришлар ҳам киритишди. Янги давр услубининг сўнгги давр услубидан ўзаро тафовути ҳам шу ерда билинади. Янги давр услуби анъанавий шеърларга мазмуний ўзгаришлар киритди. Шеърлардаги доимий шам ва парвона, гул ва булбул, ошиқ-маъшук образлари ўрнини элэктр, автомобил, кўприк, қурилиш каби образлар эгаллади. Ҳар хил ижтимоий-сиёсий, маърифий, маиший мавзулар шеърларда ўз аксини топди. Сўнгги давр услубида эса воқеликни эркинроқ баён этиш учун мазмуний ўзгаришлар билан бойитилган шеърларга шаклий ўзгаришлар ҳам киритилди. Энди шоирларнинг шеърларида, анъанавий шеърдан фарқли ўларок, бир хил вазн, қофияни учратмаслик одатий тусга кирди. Вазн ва қофия мавжуд булса-да турғун эмас эди. Бир шеърда бошдан оёқ бир хил жанр эмас, балки ҳар хил вазнлар жой олган бўлиши ҳам мумкин бўлиб қолди. Юсуф Ойинанинг “*روز نو*” шеъри (7.39), “*ميخواره*” деб номланган насрий парчаси (7.39), Тавфикнинг “*آشنا*” (7.41), Мойил Ҳаравийнинг “*روز استالف*” (7.42), Борик Шафеейнинг “*ای ناله*” (7.42), Маҳмуд Форонийнинг “*معد دل*” сарлавҳали шеърлари (7.43), Муҳаммад Раҳим Илҳомнинг “*این کیست؟*” деб бошланувчи шеърлари (7.44) айнан сўнгги давр услубининг ажойиб намуналари деб ҳисоблашимиз мумкин.

## АДАБИЁТЛАР

1. Иномхўжаев Р. Маҳмуд Тарзий ва афғон маърифатпарварлик адабиёти. – Т., 2004. – Б. 26.
2. Коргун.В.Г. История Афганистана XX век. – М., 1999. – С. 43.
3. شريف حسين قاسمى. مزايای شعر معاصر درى. – ادبيات معاصر درى افغانستان. - دهلى. 1994.
4. به سرپرستى حسن انوخته. دانشناما ادب فارسى. ادب فارسى افغانستان. – تهران. 2002.
5. شاه اكبر شهريستانى. ادبيات معاصر زبان فارسى درى در افغانستان \\\ ادبيات معاصر درى در افغانستان. – دهلى، 1994.
6. شعيب اعظمى. نمائى رمان و انقلاب در شعر معاصر درى افغانستان. \\\ ادبيات معاصر درى افغانستان. – دهلى. 1994.
7. محمد عثمان صدقى. سير ادب در افغانستان. – كابل. 1340.



**Насиба НАСРУЛЛОЕВА,**  
Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети  
мустақил изланувчиси  
E-mail: [naasibka@mail.ru](mailto:naasibka@mail.ru)

ЎзДЖТУ профессори, фил.ф.д. Д.М.Тешабаева тақризи асосида

## FORMATION DEVELOPMENT OF COMPUTER AND INTERNET JARGONS

Abstract

The article explores the linguistic peculiarities of computer and Internet jargon and the development of their formation. The terminology of each language is formed by creating words on the basis of the lexical fund of the language, changing the lexical meaning of the word, borrowing terms from another language, the formation of combinations based on the laws of this language, is formed by making a loan of existing term in another language. The same features can dominate in borrowing of jargons. In professional languages, terms first acquire a stylistic connotation typical of professionalism, and as they gradually increase their stylistic status, they first become professionalism and then jargon. In this case, the most convenient option for the transformation of term to the jargon is selected.

**Key words:** computer, term, Internet, jargon, professional jargon, metaphorization, development, characteristic, borrowings.

## ФОРМИРОВАНИЕ РАЗВИТИЯ АНГЛИЙСКИХ КОМПЬЮТЕРНЫХ И ИНТЕРНЕТ-ЖАРГОНОВ

Аннотация

В статье анализируются лингвистические особенности компьютерного и интернет-жаргона и развитие их формирования. Терминология каждого языка формируется путем создания слов на основе лексического фонда языка, изменения лексического значения слова, заимствования терминов из другого языка, образования сочетаний по законам этого языка, путем кальки существующего термина на другом языке. Подобные черты доминируют и в заимствование жаргонов. В профессиональных языках термины сначала приобретают стилистический оттенок, типичный для профессионализма, а по мере того, как они постепенно повышают свой стилистический статус, сначала становятся профессионализмом, а затем жаргоном. В этом случае выбирается наиболее удобный вариант на пути от термина к жаргону.

**Ключевые слова:** компьютер, термин, Интернет, жаргон, жаргонизация, профессиональный жаргон, жаргонизм, метафоризация, развитие, характеристика.

## ИНГЛИЗ КОМПЬЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ ЖАРГОНЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРАҚҚИЁТИ

Аннотация

Ушбу мақолада компьютер ва интернет жаргонларининг лингвистик хусусиятлари ва уларни шаклланиш тараққиёти таҳлилга тортилган. Ҳар бир тилнинг терминологияси мазкур тилнинг лексик фонди базасида сўзлар яшаш, сўзнинг лексик маъносини ўзгартириш, бошқа тилдан терминлар ўзлаштириш, шу тилнинг қонуниятлари асосида бирикмалар тузиш, бошқа тилда мавжуд терминни калькалаш орқали шаклланади. Жаргонларни ўзлаштиришда ҳам худди шундай хусусиятлар устунлик қилади. Профессинал тилларда терминлар аввал профессионализмларга хос стилистик бўёқдорликка эга бўлади ва ўзининг стилистик мақомини изчил ошириб боргани сари аввал профессионализмга, кейин эса жаргонларга айланади. Бунда терминдан жаргонга ўтиш йўлида энг қулай варианты танланади.

**Калит сўзлар:** компьютер, термин, интернет, жаргон, жаргонизация, професинал жаргонлар, жаргонизм, метафоризация, тараққиёт, хусусият.

**Кириш.** Ҳар қандай терминлар лингвистик нуқта назардан олиб қаралса, ҳар бир тилнинг техника соҳасидаги мавжуд терминлари ушбу тилнинг терминологик тизимларидан бирини ташкил этади. Жумладан, компьютер ва интернет терминлари ҳам инглиз ва ўзбек тилларидаги илмий-техникавий терминологик системаси тарқибига қиради ва энг янги ривожланиб келаётган соҳа терминлари сифатида кўрилади.

Охирги пайтларда тилшуносликда компьютер ва Бутун жахон Интернет тармоғи терминологиясига бағишланган кўпгина тадқиқотлар пайдо бўлди. Компьютер ва интернет тизимларининг ривожланиши жамиятда юз бераётган туб ўзгаришлар билан боғлиқ ахборот олишга асосланган билимларни ўзлаштириш билан боғлиқ. “Жамиятда юз берадиган ҳар қандай жараённинг акси даставвал терминологияда ўз ифодасини топади ёхуд муайян терминларнинг трансформацион ўзгариши натижасида намоён бўлади” [5,9].

Тилшунослар ижтимоий компьютер ва интернет терминларининг шаклланиш тараққиёти икки йўналишда бораётганлигини эътироф этмоқдалар:

**Биринчидан,** компьютер ва интернет тармоғидаги предмет ва ҳодисаларни ифодалаш учун кўплаб янги тушунчалар пайдо бўлиши, соҳавий мутахассислар томонидан фойдаланилаётган терминологик лексикани яратилишига сабаб бўлмоқда.

**Иккинчидан,** Бутунжахон ўргимчак тўридан фойдаланувчиларнинг сони ҳам ортиб бормоқда, улар Интернет мулоқот қилиш учун ўзига хос лексика ва сўз яшаш воситаларидан фойдаланиши орқали ўз тилини яратмоқда. Албатта, компьютер тилининг коммуникатив аспекти интернетнинг лексик тарқибидан фарқ қилади ва ўз хусусиятларига эга.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)** Компьютер ва интернет технологияларининг тараққиёти, инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа соҳаларнинг ривожланиши каби

тилда янги лексик бирликларнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатади. Бахтин М.М. айтганидек, "... одамларнинг барча соҳалардаги фаолияти тилдан фойдаланиш билан боғлиқ" [2, 159], компьютер ва интернет соҳаси ҳам бундан истисно эмас, албатта.

Д. Саидқодирова: "Дунё компьютер тармоғи ўзида чексиз ахборот ва маълумотларни жамлайди. Интернет – бу турли-туман маълумотлар омборидир. Ушбу маълумотларлардан фойдаланиш учун омборга кириш имкониятига эга бўлиш етарлидир. Айнан шу имконият Интернет фойдаланувчиларини ўзига жалб этади", – деб ҳисоблайди [16, 10]. Дарҳақиқат, ўз аҳамияти ва дунё тамаддуни ривожига ҳамда илмий-техникавий тараққиётга таъсири борасида интернет давримиз ахборий жамият тимсолига айланган.

Ушбу мақолада ҳозирда кенг тарқалган ҳамда муҳим восита ва предмет сифатида тан олинаётган компьютер ва интернет жаргонларни ҳар томонлама тизимли ва феноменологик ўрганиш тажрибасини акс эттиради. Компьютер ва интернет терминологиясининг ўзига хос хусусиятларидан бири улардан фойдаланувчилар учун хос бўлган компьютер жаргонининг пайдо бўлишидир. Зеро, махсус лексика фақат соҳа вакиллари нутқида қўлланилади ва уларнинг ўзига тушунарли бўлади.

Терминологик лексика умумдабий тил билан боғлиқ, қайсики унга янги тушунчаларни номлаш учун воситалар беради ва амалий термин ясаш воситаларини белгилайди. Профессонал жаргонлар ҳам умумдабий тил каби, ўз навбатида, терминологик лексикадан номахсус мақсадларда фойдаланиш орқали бойитилади. Махсус лексика кишиларнинг касбий фаолиятига, яъни маълум соҳага тааллуқлиги билан ўзининг қўллаш чегарасига эга ва махсус лексика барча лексик воситаларни ўз ичига олади.

Шуни таъкидлаш жоизки, касбий лексика тил қатламида алоҳида ўрин эгаллайди. У бир томондан, тегишли соҳанинг махсус терминологиясини ўзида акс эттирсан, иккинчи томондан кундалик умумдабий тил таркибида фаол қўлланилади, чунки компьютер ва интернет кундалик ҳаётнинг ажралмас атрибутига айланиб улгурган.

Маълумки, ушбу "махсус тил"нинг кўриниши, бизнинг фикримизча, қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

– "профессонал аппаратнинг изоляцияси" [19, 131 ] ва ихтисослашуви;

– субъектив омилнинг ролини мустақамлаш;

– мажозий ва ифодали сўз бирикмаларига асосланган янги билимларни узатиш зарурати;

илмий тажрибани кундалик тажрибага айлантириш.

Жаргонизмлардан профессонал содда тил "аниқ намоён бўлувчи салбий коннотацияли бирликларни кам частотада ишлатилиши билан" фарқланади [19, 136 ].

Профессонализмлар орасида қуйидаги турлари фарқланади:

1) асл профессонализмлар;

2) коммуникатив профессонализмлар.

Биринчи тури предметли-амалий фаолият давомида билишнинг ўзига хос механизмларини акс эттиради, иккинчи тури амалий мақсадларда яратилади (масалан, нутқий тежамкорлик мақсадида услубий бўёқдорлик бериш учун ва шу к.).

**-Тадқиқот методологияси (Research Methodology)** Профессонализмларнинг кўпчилиги метафорик ёки метонимик кўчириш ёрдамида яратилади. Шу боис, терминлардан фарқли ўларок, уларга "кўпмаънолилиқ ва семантик ноаниқлик хос" [19, 132 ]. Биринчи типдаги

профессонализмлар метъерий характерга эга бўлиши ва термин тизимининг бир қисми бўлиб қолиши мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, термин ва профессонализмнинг ўзаро муносабатларининг турлича, яъни ўхшатишдан то қиёслаш, қарама-қарши қўйишгача бўлган талқинлари мавжуд. Қиёсланганда қўлланишдаги чекланганлик ва эмоционал бўёқдорлик асосий мезон ҳисобланади. Профессонал жаргонизмларда эмоционал бўёқдорлик энг юқори даражага етади. Бундай бирликлар терминлар билан алоқалари заифлиги ва кўпинча умумсўзлашувга оид сўзлар маъноларининг қайта ўзгартирилиши натижасида ясаллади.

Замонавий терминшуносликда *профессонализмлар* ва *профессонал жаргонизмлар* ажратилади. Жаргонизмларда, профессонализмлардан фарқли баҳоловчи компонент информцион компонентдан устун келади. Шундай бўлса-да, таъкидланган профессонал бирликларнинг таснифлаш мезонлари ханузгача баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бунда образлилиқ ва баҳолаш компонентини аниқлаш конкрет субъектнинг хиссиётлари билан боғлиқ [6, 124].

Л.С. Бархударов профессонализм ва жаргонизмлар ўртасидаги фарқни аниқлаш қийин масала эканлигини таъкидлар экан, "... албатта, луғат таркиби ўртасида аниқ бир чизик ҳосил қилиш жуда қийин, бу фарқлар баъзи ҳолларда шунчалик аҳамиятсизки, баъзида фарқнинг ўзи керакдиз бўлиб кўринади. Бирок, сўзнинг маълум бир гуруҳга тегишли эканлигини аниқлаш учун мутлақ мезоннинг йўқлиги мавжуд фарқларни инкор этиш дегани эмас", деган хулосага келади [1, 32 ].

Бизнингча, профессонал жаргон – бу бирор бир касб ёки бирор бир фаолиятга хос лексика бўлиб, компьютер ва интернет жаргони компьютер технологиялари ва ижтимоий тармоқ билан ишлаш ва фойдаланиш, қизиқиши, ҳаёт тарзи (баъзан эса ҳаёт мазмуни)га айланиб қолган шахс(профессонал дастурчи ва айрим фойдаланувчи)ларнинг ўзига хос луғат бойлигидан ташкил топган.

Жаргоннинг асосий функцияси нисбатан мустақил ижтимоий гуруҳга мансубликни ўзига хос сўзлар, шакллар ва оборотларни қўллаш орқали ифодалашдан иборат. Баъзан жаргон термини бузилган, нотўғри нутқни ифодалаш учун ҳам ишлатилади. Бу фақат муайян муҳитда тушунарли бўлган шартли тил, унда сунъий, баъзан эса шартли сўз ва иборалар кўп бўлади.

**"ЖАРГОН – бирор бир ижтимоий гуруҳнинг фақат шу гуруҳга хос ва бошқа одамларга тушунарсиз сўзлар ва ибораларга бой нутқи (масалан, актёрларнинг ж., денгиз ж.)"** [7, 12 ].

**-Тахлил ва натижалар (Analysis and results)** Жаргонлар нисбатан очик ижтимоий ёки профессонал гуруҳ нутқи, у адабий тилдан алоҳида сўз ва иборалари таркиби билан фарқланади [12].

М.Миртожиев бу борада қуйидагиларни таъкидлайди: "Жаргон жамоадаги табақаланиш бўйича ўз табақаси ва қарши табақага қўлланидиган терминлардир". Масалан, *аслзода, оқсуяк, ялангоёқ, қорача, хўжа, жаноб, ҳазрати олий* каби терминларини кўрсатиш мумкин»; "Арго маълум соҳа вакилларидан қўлланилиб, бошқалар учун сир тутиладиган терминлардир. Масалан, ўғрилар аргосида пул *лой*, нарсасини ўғирлатган шахс *ҳарф* ва х.к." [14, 55 ].

Д.Н. Сатимова жаргон борасида қуйидаги фикрни келтиради: "Жаргон - қўлланиши касб ёки бошқа тор доирадаги кичик ижтимоий гуруҳ билан чегараланган, умумтилдагидан ўзгача лексик маъно аниқлашувчи, фақатгина ўзи хизмат қилувчи гуруҳдаги касб-кор эгалари ёки табақа вакиллари нутқида уларнинг дидлари ва

таблалари ёки касб-корига оид турли тушунчаларни англлатувчи оғзаки нутққа хос сўз ва иборалар [17, 11].

Ғ.Ҳ. Раҳимовнинг “Британия ва Америка сленгининг социолингвистик хусусиятлари” номли илмий тадқиқотида умумий сленгизм махсус сленгизмга қарама-қарши қўйилади: “...иккала ҳолда ҳам сўзлашув тили лексикаси ва фразеологиясининг муайян қатламлари тушунилади” [15, 37].

Жаргон – бу фақат ўзига хос сунъий ва баъзан шартли сўз ва ибораларга эга бирор бир ижтимоий гуруҳ тили бўлиб, умумхалқ тилидан ўзига хос лексикаси ва фразеологияси билан фарқланувчи ижтимоий нутқ туридир.

Маълумки, ҳар бир тилнинг ўзига хос махсус лексикаси мавжуд бўлиб, унинг асосий хусусиятларидан бири қўлланиш доирасининг чекланганлигидир. Махсус лексика фақат соҳа вакиллари нутқида қўлланилади ва уларнинг ўзига тушунарли бўлади. Масалан, интернет ва компьютер соҳасига тегишли тушунчалар: *жавон*, *кўз*, *сичқонча*, *қути*, *юзер*, *қароқчи* ва х.к.

**Биринчидан**, ушбу сўзлар бир касбдаги кишилар, яъни дастурчилар, бирор бир мақсадда компьютердан фойдаланувчиларнинг мулоқот қилиши учун хизмат қилади. Бунда улар, эмоционал бўёқдорлиги билан фарқ қилган ҳолда, инглизча касбга оид терминларнинг синонимлари сифатида ишлатилади.

“Компьютер жаргон”и компьютерларга бевосита алоқаси бўлган кишилар ишлатадиган сўзлар бўлиб, кундалик ҳаётда улар касбга оид лексиканинг ўрнини босади ва сўзлашувга хос, баъзан эса расмий кўпол бўёқдорликка эга.

**Иккинчидан**, компьютер сленги фақат компьютерлар олами реалияларига “тааллуқчилиги” билан ажралиб туради. Ўрганилаётган сленг номлар фақат шу оламга хос ва шу аснода улар бошқаларидан ажратиб қўйилган.

**Учинчидан**, бундай лексикада вульгар сўзлар ҳам кам эмас. Компьютер сленги билан ишлаганда, мазкур сўзлар бир касбдаги кишилар, яъни дастурчилар ёки компьютердан қандайдир мақсадларда фойдаланувчиларнинг мулоқот қилишига хизмат қилишини ёдда тутиш керак. Бунда улар эмоционал бўёқдорлиги жиҳатидан фарқ қилган ҳолда профессионал терминларга нисбатан синонимлар тарзида ишлатилади.

Сленгли номлар фақат шу дунёга тааллуқли, шунинг учун уларни бошқа ҳамма нарсалардан ажратиб олинса, кўпинча билмаган одамлар учун тушунарсиз бўлиб қолади. Компьютерчилар ана шундай махсус тилни билганликлари учун ўзларини қандайдир ёпиқ жамоанинг аъзоларидек ҳис қиладилар.

Ю.М. Скрёбнев: “The only difference between professionalisms and jargonisms is that professionalisms are unofficial terms in a special field while jargonisms are only created by and current among the people of a profession, yet their meaning pertain to everyday life, not to the professional sphere”, деб ҳисоблайди [18, 22].

Ўқоридаги таърифдан келиб чиқадики, компьютер жаранлиги компьютер фаолияти соҳасига бевосита алоқадор бўлмаган одамларнинг нутқида ҳам пайдо бўлади, яъни бу компьютер ва Интернет оддий фойдаланувчиларининг тили бўлиб, улар маълум бўлганлиги сабабли ёки бирон бир алоқа воситаси сифатида фойдаланадилар. Ушбу соҳадаги мутахассислар - компьютерчилар, тизим маъмурлари, хакерлар, геймерлар ва х.к. томонидан яратилган ва уларни ташқи дунёдан ажратишга имкон берадиган профессионал жаргондан фойдаланадилар.

Профессионал жаргон одамларни касбий белгиларига қараб, ижтимоий гуруҳларга бирлаштириш натижасида ҳосил бўлади. Профессионал жаргон пайдо бўлишининг сабабларидан бири – “концептуал профессионал аппаратнинг алоҳида ажралиб чиқиши ва ихтисослашуви, субъектив омил ролининг кучайиши; янги билимларни яратиш ва узатиш зарурати; илмий тажрибани оддий маиший тажриба ҳолатга ўтказиш” [20, 91].

Интернет жаргонлари қуйидаги характерли белгига эга:

**бир томондан**, компьютер жаргонларининг белгиларига эга;

**иккинчи томондан**, ёзма нутқнинг алоҳида тури сифатида тармоқ сленги белгиларига эга.

**Хулоса ва тақлифлар (Conclusion Recommendations)**. Компьютер ва интернет лексикаси таркибига терминологиядан иборат адабий лексика ҳамда компьютер профессионализмлари ва жаргонизмларидан иборат ноадабий лексика қиради ва ҳар иккала тоифадаги лексика ўз вазифасини бажаради ва ўз қўлланиш соҳасига эга.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Бархударов Л.С. Язык и перевод: вопросы общей и частной теории перевода. – Москва: Международные отношения, 1975. – С. 32.
2. Бахтин М. М. Собрание сочинений в 7 т. Т. 5. Работы 1940-х - начала 1960-х гг. / ред.: С. Г. Бачаров, Л. А. Гоготишвили. Ин-т мировой лит. – Москва. 1997. – С. 159.
3. Даниленко В.П. Об основных лингвистических требованиях к стандартизируемым терминам // Семиотические проблемы языков науки, терминологии и информатики. – Москва: МГУ. 1971. – С. 9.
4. Елистратов А.А. К проблеме стилистической стратификации спортивной лексики // Филологические науки. Вопросы теории и практики. - № 1 (5). 2010. – С. 124.
5. Ефимова О.А. Происхождение и словообразование жаргона пользователей сотовых телефонов // Вестник Вятского государственного университета. 2. - № 4 – Ташкент. 2009. – С. 47.
6. Қодирбекова Д. Инглизча - ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари. Фал.фан.ном...диссер. – Тошкент. 2017.
7. Саидқодирова Д.С. Инглиз ва ўзбек тилларида интернет терминларининг лингвистик тадқиқи. Фалсафа. фанлари номзоди ...дис. – Тошкент. 2017.– С. 10.
8. Терских Н.В. О специфике основных разрядов профессиональной лексики (на примере английской терминологии). 2016. – Москва. – С.131-136.



UDK: 801.6

Mohinur NIZOMOVA,  
Qarshi davlat universiteti o‘qituvchisi

O‘zbekiston davlat Jahon tillari universiteti Filologiya fanlari doktori Paluanova Xalifa Dariboyevna taqrizi asosida

### TERMIN TUSHUNCHASI VA UNING PEGAGOGIKAGA SOHASIDAGI KO‘RINISHI

Аннотация

Termin grekcha terminus so‘zidan olingan bo‘lib, chek, chegara degan ma‘noni bildiradi. U fan-texnika, qishloq xo‘jaligi, san‘at va madaniyat sohasiga xos so‘z hisoblanadi. Terminologiya - terminlar haqidagi ta‘limot va terminlar majmui degan ma‘nolarni anglatadi. Termin so‘zi o‘rinda ba‘zan atama, istiloh so‘zlarini ishlatish hollari uchraydi. Ammo bu to‘g‘ri emas. Atama termin so‘ziga nisbatan tor tashunchani ifodalaydi. Istiloh so‘zi esa arabchadir. Uni xalq tushunmaydi va meyorga aylangan emas. Terminologiya masalalari hamisha tilshunoslikning dolzarb masalalaridan biri bo‘lib kelgan. Chunki terminlarning sohalari lug‘aviy qatlamlaridagi o‘rni va vazifasini belgilash, tushunchaning mazmun-mohiyatini to‘g‘ri anglash imkonini beradi.

**Kalit so‘zlar:** tilshunoslik, terminalogiya, pedagogik terminlar, til, axloq, muallim, baho, daraja, metod, metodika.

### ПОНЯТИЕ СРОКА И ЕГО ВНЕШНИЙ ВИД В ОБЛАСТИ ПЕДАГОГИКИ

Аннотация

Termin происходит от греческого слова terminus, что означает проверка, граница. Этот термин используется в науке, технике, сельском хозяйстве, искусстве и культуре. Терминология - это изучение терминов и набора терминов. Иногда терминологию заменяют терминологией. Но это не так. Термин относится к более узкому термину, чем термин. Термин арабский. Это не понимается людьми и не стало нормой. Терминология всегда была актуальной проблемой в лингвистике. Потому что определение места и функции терминов в лексических слоях поля позволяет понять суть понятия.

**Ключевые слова:** лингвистика, терминология, педагогические термины, язык, этика, учитель, оценка, степень, метод, методика.

### THE CONCEPT OF THE TERM AND ITS APPEARANCE IN THE FIELD OF PEDAGOGY

Annotation

The term is derived from the Greek word terminus, meaning border. It is a term used in science, technology, agriculture, art and culture. Terminology is the study of terms and a set of terms. Terminology is sometimes replaced by terminology. But that's not true. The term refers to a narrower term than the term. The term is Arabic. It is not understood by the people and has not become the norm. Terminology has always been a topical issue in linguistics. Because the definition of the place and function of terms in the lexical layers of the field allows to understand the essence of the concept.

**Key words:** linguistics, terminology, pedagogical terms, language, ethics, teacher, assessment, degree, method, methodology.

**Kirish.** Terminologiyaga bag‘ishlangan ishlarning barchasida u yoki bu sohaning muayyan tushunchalarini anglatadigan, definitsiyaga ega bo‘lgan va, asosan, nominativ funktsiyani bajaradigan birliklar termin hisoblanadi deb qaraladi.

**Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili** A.Reformatskiy terminga ta‘rif berar ekan, “... terminlar – bu maxsus so‘zlardir” degan xulosaga keladi. A.V.Kalinin muayyan fanlar va kasbkorlikda ishlatiladigan so‘zlarni “maxsus leksika” deb ataydi va uni ikki guruhga ajratadi. 1. Maxsus leksikaga, birinchi navbatda, terminlar kiradi. 2. Maxsus leksika tarkibiga terminlardan tashqari professionalizmlar ham kiradi. U o‘z fikrini davom ettirib, “Termin bilan professionalizmlar o‘rtasidagi farq shuki, termin bu muayyan fan, sanoat sohasi, qishloq xo‘jaligi, texnikadagi tamomila rasmiy bo‘lgan, qabul qilingan va qonunlashtirilgan biror tushunchaning ifodasidir, nomidir, professionalizm esa biror kasb, mutaxassislik, ko‘pincha jonli tilda tarqalgan, aslini olganda, tushunchaning qat‘iy, ilmiy tavsifiga ega bo‘lmagan yarim rasmiy so‘zdir”, - deydi.

**Tadqiqot metodologiyasi** R.Doniyorov bu fikrga e‘tiroz, “Bunday qat‘iy da‘vo, aslini olganda, tilni sinfiy deb hisoblagan ayrim “olim”larning qarashlari davomidir desak, xatoga yo‘l qo‘ymasiz” deya munosabat bildiradi. H.Jamolxonov terminga munosabatda bo‘lar ekan quyidagicha

yozadi: “Terminlar fan-texnika, adabiyot, san‘at va boshqa sohalariga oid ixtisoslashgan, qo‘llanishi muayyan soha bilan chegaralangan tushunchalarni ifodalaydigan nominativ birliklardir: gulkosa, shona (botanikada); to‘rtburchak, kvadrat (geometriyada); ega, kesim (tilshunoslikda); qofiya, turoq, vazn (adabiyotshunoslikda) kabi”. [1]

**Tahlil va natijalar** Terminalogiyaning rivojlanishi, boyish yo‘llari har xil: boshqa tillardan so‘z olish, yangi so‘z yasash, ayrim fannatik kategoriyalarning leksikalashuvi, so‘z birikmasining semantik bir butun holga kelib qolishi va boshqa bugungi kunda o‘zbek terminalogiyasining boyishi, asosan, boshqa tillardan so‘z olish va ichki so‘z yasash hisobiga ro‘y bermoqda. U yoki bu soha terminologik tizimining barkorligini belgilovchi asosiy omili uning tartibga solinganligi va muntazamligidir.

Terminalogiyaning o‘ziga xos xususiyatlari mavjud. Masalan, umumadabiy tilda sinonimiya, omonimiya va kup ma‘nolilik tilning boyligi bo‘lsa, Terminalogiyada bular salbiy hodisa hisoblanadi. Masalan, birgina tushunchani ifodalash uchun o‘zbek tilida yarimo‘tkazgich — chalo‘tkazgich — nimo‘tkazgich terminlari qo‘llanmoqda. Bu, o‘z navbatida, o‘qisho‘qitish va axborot almashish jarayonini qiyinlashtiradi. [2]

Shu sababli ham terminalogiyasi ma‘lum darajada barqarorlashgan barcha tillarda terminlar doimiy tartibga solib

turiladi. Tartibga solish ma'lum terminologik me'yorlar asosida amalga oshiriladi. Terminologiyaning rivojida fan sohalariga oid maxsus lug'atlarni nashr qilib turish ham muhim ahamiyatga ega.

Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov aytganidek, "Xalqning milliy madaniyati va o'ziga xosligini ifoda etuvchi vosita bo'lmish o'zbek tili"<sup>1</sup> da mavjud bo'lgan so'z va iboralarni, atamalar va leksik boyliklarni o'rganish hamda insoniy meros sifatida ilmiy tahlilini olib borish bugungi kunda eng dolzarb masalalardan biridir. A.A.Potebnya "keyingi ma'no" deb atagan va "u tilshunoslikning o'rganish ob'ektiga kirmaydi, uni boshqa fanlar o'rganadi"<sup>2</sup> deb ko'rsatilgan terminologik leksika uzoq davrlargachaaholida nominativ birlik, atama sifatida tilshunoslikda tadqiq qilinmadi. Tilshunoslik fani rivojlanib, o'z tadqiqot doirasini kengaytirgan sayin terminlarni o'rganish uning eng muhim va tarkibiy qismlaridan biriga aylandi. Hozirgi davrda terminlarni o'rganish tilshunoslikning alohida sohasini – *terminologiyani* shakllantirdi. [3]

Ammo shuni ham aytish o'rinliki, bu jarayonda ruscha va rus tili orqali kirib kelgan terminlarni o'rinsiz, sun'iy ravishda yangi yasalmalar yoki arab va fors-tojikcha so'zlar bilan almashtirish hollari ham kuzatiladi.

Masalan, bankrot – sinish, buxgalter – hisobchi, gazeta – ro'znoma, deputat – noib (xalq noibi), jurnal – majalla (jarida, oybitik, oynoma), institut – oliygoh, (ta'limgoh), klub – tomashgoh (tadbirgoh), kompensatsiya – tovon, medal – nishon, fakultet – kulliyot, kurs – bosqich, fonetika – tovushshunoslik, sinonim – ma'nodosh, omonim – shakldosh, antonim – zid ma'noli va hokazo.

Keng ma'noda til atamasi ostida biror muloqot tizimining tayinli qoidalari majmuasi tushuniladi. Barcha tillar semiozisga, ya'ni belgilarni tegishli manolarga bog'lash jarayoniga tayanadi. Og'zaki va imo-ishora tillari ramzlar ketma-ketligini soz yoki morfema qilib shakllantiruvchi fonologik tizim hamda soz va morfemalar ketma-ketligidan ibora va gaplarni hosil qiluvchi sintaktik tizimni o'z ichiga oladi.

**Pedagogik terminologiya** ta'lim tizimining barcha jabhalarida faol ishlatiladi desak, xatolashmagan bo'lamiz. Tarixga nazar tashlasak, DLTda 100 ga yaqin ta'lim-tarbiyaga oid leksema borligi qayd etiladi. Demak, Sharqdagi ta'lim-tarbiyaning ildizlari olis tarixga borib taqaladi.

O'tgan asrning boshlarida Turkiston xalqlarining milliy ongining o'sishi, maktab va madrasalarning isloh qilinishi, ularda dunyoviy bilimlarning kengroq o'qitilishi natijasida pedagogik terminlarga bo'lgan ehtiyoj kuchaya borgan. Behbudiy, Shakuriy, Ayniy, Hamza, Munavar qori, Avloniy va boshalarning Rusiya, Qirim, Orenburgda ochilgan yangi musulmon maktablari, ularning o'qitish va o'qitish usuli bilan tanishib, maxalliy shaproitlarga moslashtirib maktablar ocha boshladilar. Natijada shu maktablarga mos darslik va qo'llanmalar maydonga keldi va bu darsliklarda ilk bor ta'lim-tarbiyaga oid maxsus terminlar shakllana boshladi. Pedagogik terminologiya masalalari N.Usmonov tomonidan maxsus tadqiq qilingan. *U pedagogik terminlarni avvalo, ikki katta guruhga ajratib ko'rsatadi.*

1. Ta'lim nazariyasi terminlari.
2. Tarbiya nazariyasi terminlari.

Shuningdek, pedagogik tushunchalarni ifodalovchi terminlarning ichki bo'linishiga ham e'tibor qaratgan.

1. Ta'lim sistemasiga aloqador terminlariga: o'quv rejas, o'quv predmeti, ta'limning tarbiyalovchilik xarakteri.
2. Tarbiya sistemasiga oid terminlar: tarbiyalash, tarbiyachi, axloqiy tarbiya, mehnat tarbiyasi va h.
3. Faoliyati ta'lim-tarbiya bilan bog'li shaxs nomlari: rektor, prorektor, dekan, o'qituvchi, sinf rahbari kabi.

Bulardan tashqari, pedagogik tushunchalarni ifodalovchi o'zlashma terminlar ham talaygina. Institut,

pedagogika, metod, praktika, abituriyent, maktab, dars, muallim, imtixon, kitob, maktab va h. Tadqiqotchining ko'rsatishicha, o'n mingdan ortiq pedagogik terminlar mavjud.

1990-yili I.Ismoilov, K.Meliyev, M.Saparovlar tomonidan "O'rta Osiyo va Qozog'iston turkiy tillar leksikasidan tadqiqot" nomli monografiya maydonga keldi. Ushbu tadqiqot ham turkiy tillar leksikasini qiyosiy rejada tahlil qilishga bag'ishlangan muhim ishlar. Unda "O'rta Osiyo va Qozog'iston hududlaridagi turkiy tillar so'z boyligining maxsus atamalar-uy-ro'zg'or buyumlari, mevali daraxt va poliz ekinlari nomlari qiyosiy-tarixiy jihatdan yoritilgan. Tadqiqotda regiondagi turkiy tillarning so'z boyligi, sohalar leksikasi, ularning shakllanishi, taraqqiyoti va o'zbek, uyg'ur, qozoq, qirg'iz, qoraqalpoq hamda turkman tillarining o'zaro munosabati, ularning bir-biriga ijobiy ta'siri" kabi jihatlar etarli dalillar orqali atroflicha yoritilgan. O'zbek tiliga davlat tili maqomining berilishi hamda mustaqillikka erishganligimiz munosabati bilan tilimizda qo'llanilib kelayotgan ruscha va rus tili orqali kirib kelgan terminlarning anchasi har ikkala tilidagi mos muqobillari bilan almashtirila boshlandi. Masalan, o'zbek tilida qo'llanib kelgan terminlar qo'yidagicha almashtiriladi: *Abstrakt* – mavhum, *avtograf* – dastxat *adaptatsiya* – moslashish, *administratsiya* – ma'muriyat, *direktiva* – ko'rsatma, *krizis* – tanglik va b. Ijtimoiy-siyosiy terminlarning paydo bo'lish tarixini qadimdan boshlashimiz zarur. Umumturkiy meros bo'lmish O'rxun-enisey va boshqa yodnomalarda o'z ifodasini topgan qag'an, budun, baluq ("shahar" ma'nosida), sab ("kengash" ma'nosida), bitikchi ("kotib" ma'nosida), alp ("qahramon" ma'nosida) kabi terminlar buning yaqqol misolidir. Ijtimoiy-siyosiy hayotdagi o'zgarishlar, tabiiyki, o'zining leksik qatlamlarida ham o'z ifodasini topadi. Bu fikrimizni M. Koshg'ariyning "Devonu lug'otit turk" asaridagi qo'yidagi ijtimoiy-siyosiy terminlar misolida ham ko'rish mumkin : and, buzun, baæ, boæun ("jamoa" ma'nosida), bachæg' ("ahd" ma'nosida), beg, æarlæg', boæ ("qabila" ma'nosida), æag'è, bulg'aq ("fitna" ma'nosida), æer ("mamalakat" ma'nosida) va hokazo<sup>1</sup>. O'sha davr ijtimoiy siyosiy terminologiyasining muhim xususiyatlaridan biri shundaki, ularning ba'zilari hozirgi kunda ham o'zbek va qoraqalpoq hamda boshqa turkiy tillarda faul qo'llanib kelinmoqda (el-el, boy-bay, ont-ant). H.Dadaboyevning dissertatsiya ishiga obyekt qilib olingan XI-XIV asrlar yozma yodgorliklari tilidagi qiyoslash uchun olingan ijtimoiy-siyosiy va sotsial iqtisodiy terminlardan bugungi kunda uyg'ur tilida-348, qozoq tilida-220, qirg'iz tilida-244, turk tilida-370, o'zbek tilida esa-390 tasi ishlatilar ekan. O'zbek tilining ijtimoiy-siyosiy terminologiyasi, ayniqsa, XIX asrning ikkinchi yarmidan boshlab rus tilidan va yevropa tillaridan kirgan o'zlashmalar hisobiga boyiy boshladi.

Ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, huquqiy, terminlarda bo'layotgan o'zgarishlarni quyudagi pedagogikaga oid terminlar misolida anglashimiz mumkin.

**Axloq** – kishilarning bir-biriga, oilaga, Vatanga, jamiyatga munosabatlarida namoyon bo'ladigan xatti-harakatlar yig'indisidir. Axloq har bir kishining xulqini, ichki dunyosini ko'rsatadi. Axloqqa milliy urf-odatlar, an'analar ta'sir qiladi. Ba'zi millat kishilari o'rtasidagi munosabatlarda oddiy hol deb qaraladigan xatti-harakatlar boshqa millatlar axloq qoidalari rad etilishi mumkin. Axloqning yuksak darajada bo'lishi jamiyatning rivojiga bevosita ta'sir qiladi yoki aksincha. Axloq- axloq normalari bilan tartibga solinadi, ular huquqiy normalardan farq qilib, majburiy xarakterga ega emas.

**Axloqiy normalar** urf-odat, namuna kuchi, jamoatchilik fikri ta'sirida vujudga keladi. Axloqiy normalarni bajarish ixtiyoriy, vijdonga bog'liq. Uning buzilishiga nisbatan ommaviy qoralash, jamoat izzasi qo'llaniladi. Axloq ishontirish, tushuntirish bilan ta'minlanadi. Prezidentimiz

ta'kidlaganidek "Axloq ma'naviyatning o'zagi". Axloq ma'naviyatining amalidir. U insof va adolat tuyg'usi, imon va halollik kabi tushunchalar bilan bog'liq.

**Avlod va ajdod** - bir butunning ikki bo'lagi. Avlod – bugungi, ertangi nasl. Masalan kelajak avlod. Ajdod esa - o'tib ketganlar, Kengroq ma'noda, ajdod deganda rahmatli bo'lib ketgan ota-bobolarimizni, o'tganlarni tushunamiz.

**Anjuman**-fors-tojikcha so'z bo'lib, keng doirada o'tkaziladigan yig'in, yig'ilish, kengash va majlislarga nisbatan aytiladi.

**Dualizm** – ideologik falsafa yo'nalishi bo'lib, monizmga qarama-qarshi yo'nalishli dunyo asosini ikki mustaqil boshlanishdagi materiya va ongni tan oladi.

**Dunyoqarash** – odamning tevarak-atrofidagi olamga va unda o'zining tutgan o'rni qarashlaridan kelib chiqqan tizim. Kishilarning falsafiy, siyosiy, ilmiy, diniy, aqliy va estetik qarashlari yig'indisi.

**Jadidchilik** – (arabcha "jadid"-yangi)-yangilanish, yangi zamonaviy maktab, matbaa, milliy taraqqiyot usullari, yo'llari tarafdorlarining umumiy nomi. XIX asrning ikkinchi yarmi XX asrning boshlarida turkiy xalqlar orasida yuzaga kelgan ma'rifat uchun kurashgan, o'qish-o'qitish ishlarini isloh qilishga, diniy maktablarning dasturiga ayrim dunyoviy fanlarni kiritishga, shuningdek, yangilikni targ'ib qilishga intilgan siyosiy oqim.

Jadidchilikka Turkistonda Munavvar Qori, Behbudiy va boshqalar yetakchilik qilishgan.

**Jurnal** - to'garak mashg'ulotlarini hisobga olish va baholash jurnali. Kitobcha yoki majmua shaqlida belgilangan ishlarni yozib borish uchun bir o'quv yiliga mo'ljallangan hujjat.

**Innovatsiya** - soxaga yangilik, uzgarishlar olib kirish jarayoni va faoliyati. [4]

**Intergratsiyalashgan** - integrative - jamlovchi (mujassamlovchi), integrate-jamlash (qo'shish).

**Integratsiya ta'limi**- aqliy va jismoniy rivojlanishlarida muammolari bulgan bolalarning sog'lom tengqurlari jamoasida ta'lim olishi. Integratsiya ta'limi imkoniyati cheklangan bolani muammo sifatida ko'radi hamda pedagoglar tomonidan alohida guruh bolalarini guruh, sinf sharoitida o'qitilish va tarbiyalash yo'l va vositalarining qo'llanilishini nazarda tutadi.

**Logopediya** - nutqiy rivojlanishida muammolari bulgan shaxslar ta'limi, tarbiyasi masalalari bilan shugullanuvchi korreksiya pedagogikasining bir tarmog'i.

**Maxsus psixologiya** - aqliy va jismoniy rivojlanishida muammolari bulgan shaxslarning psixik (ruhiy) rivojlanish xususiyatlari, me'yordan o'zgacha rivojlanishlarini korreksiya qilish yo'llarini o'rganuvchi fan. Maxsus psixologiya o'z tarkibiga surdopsixologiya (eshitishida muammosi bulgan bolalar psixologiyasi), tiflopsixologiya (kurishida muammolari bo'lgan bolalar psixologiyasi), oligofrenopsixologiya (aqliy rivojlanishida muammolari bulgan bolalar psixologiyasi), logopsixologiya (nutqiy rivojlanishida muammolari bo'lgan bolalar psixologiyasi) kabi tarmoqlarni oladi.

**Metod** - yunoncha metodos suzidan olingan bulib, yo'l, axlok, usul ma'nolarini anglatadi. **Metodika** - biror ishni maksadga muvofik utkazish metodlari, yo'llari majmuasi. U alohida metodlardan tashkil topadi. Korreksiya pedagogikasi har bir yunalish fanlariga oid ta'lim konuniatlarini tadbik kiladi. Masalan: «Kuzi ojiz bolalar maktablarida matematika ukitish metodikasi», «Kar bolalar maktabida ona tili ukitish metodikasi» va b.

Xulosa qilib aytganda, terminologiyaga bag'ishlangan ishlarning barchasida u yoki bu sohaning muayyan tushunchalarini anglatadigan, definitsiyaga ega bo'lgan va, asosan, nominativ funktsiyani bajaradigan birliklar termin hisoblanadi deb qaraladi. Barcha sohada ehtiyoj sezganimiz sabab ta'lim sohasida ham atamalarga ehtiyoj sezamiz. Shuning uchun ham izlanishda davom etamiz.

#### ADABIYOTLAR

1. Akobirov S. Til va terminologiya. -T., 1968.
2. Tursunov U. O'zbek terminologiyasi masalalari. –Toshkent, 1933
3. H.Dadaboyev. XI-XI U asrlar turkiy tillar yozma yodgorliklaridagi ijtimoiy-siyosiy va sotsial-iqtisodiy terminologiya . – Toshkent, 1991.
4. X.Paluanova, M.Musurmonova, K.Riskulova, Z.Kurbanniyazova. "Pedagogik atamalar ro'yhati"16.11.2012

#### Internet materiallari:

1. www.ziyonet.uz
2. www.ziyo.com



УДК: 811.133.1.512.161.1

*Нодиржон ОТАҚУЛОВ,*  
Ўзбекистон Миллий университети  
E-mail: nodir.otakulov75@gmail.com

ЎзМУ профессори, ф.ф.д. А.Э.Маматов тақризи асосида

## FEATURES OF SUBCOLLOQUIAL MESURATIVE PHRASEOLOGICAL UNITS OF FRENCH, UZBEK AND RUSSIAN LANGUAGES

Annotation

The article considers mesurative phraseological units in French, Uzbek and Russian languages, polemically analyzes the scientific and theoretical views of linguists on the status of subcolloquial mesurative phraseological units. The use of subcolloquial mesurative phraseological units from the point of view of linguoculturology as a sign of a cultural phenomenon realized in the interaction between language and culture is also studied, as well as the use of subcolloquial mesurative phraseological units with a numerical component is studied, similarities and differences between phraseological units of this category in the compared languages are determined.

**Key words:** mesurative, subcolloquial, phraseology, numeral, number, noun, category of quantity.

## ОСОБЕННОСТИ СУБКЛЛОКВИАЛЬНЫХ МЕЗУРАТИВНЫХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ ФРАНЦУЗКОГО, УЗБЕКСКОГО И РУССКОГО ЯЗЫКОВ

Аннотация

В статье рассмотрены мезуративные фразеологизмы во французском, узбекском и русском языках, полемически анализированы научно-теоретические взгляды ученых-лингвистов о статусе субколлоквиальных мезуративных фразеологизмов. Также исследовано использование субколлоквиальных мезуративных фразеологизмов с точки зрения лингвокультурологии как признак культурного феномена, реализуемого во взаимодействии между языком и культурой, а также изучено использование субколлоквиальных мезуративных фразеологизмов с числовым компонентом и определены сходства и различия между фразеологизмами данного разряда в сопоставляемых языках.

**Ключевые слова:** мезуратив, субколлоквиал, фразеологизм, нумератив, число, существительное, категория количества.

## ФРАНЦУЗ, ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА СУБКЛЛОКВИАЛ МЕЗУРАТИВ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация

Мақолада мезуратив фразеологизм тушунчаси, тилшунос олимларнинг субколлоквиал мезуратив ҳамда фразеологизмга берган таърифлари ва қарашлари ўрганилган. Шу билан бирга, француз, ўзбек ва рус тилларидаги субколлоквиал мезуратив фразеологизм бирликларнинг қўлланилиши, уларнинг тил ва маданий семантика орасидаги ўзаро муносабатда амалга ошириладиган маданий билим белгиси сифатида тилшунослик ва маданиятшунослик нуқтаи назаридан қўриб чиқилган. Субколлоквиал мезуратив фразеологизмларнинг сон компоненти билан қўлланилиши ўрганилган. Қиёсланаётган тилларда субколлоквиал мезуратив фразеологизм бирликлар орасидаги ўхшашлик ва фарқлиқликлар аниқланган.

**Калит сўзлар:** мезуратив, субколлоквиал, фразеологизм, нумератив, сон, от, миқдор категорияси.

**Кириш.** Кейинги йилларда лингвистика фанининг ажралмас қисми ҳисобланган фразеология кенг ва ҳар томонлама тадқиқ қилинса-да, фразеологизм бирликларнинг назарий масалалари, уларнинг мезон ва белгилари, фразеология масалалари ва бошқа бир қатор амалий муаммолар ҳақида фразеолог-тилшунослар ўртасида анча мунозарали ўринлар мавжуд.

Субколлоквиал мезуратив фразеологизм бу фразеологизм бўлиб – ҳозирги замон фразеологизм системасининг асосий бирлиги, тилдаги мавжуд сўз бирикмаларининг умумий ҳисобидан жуда қийинчилик билан фарқланадиган, мураккаб, кўп аспекти тил ҳодисаси ҳисобланади, шунинг учун ҳам лингвистикада фразеологизмларнинг лингвистик моҳияти масаласи ханузгача мунозарали. Фразеологизм бирликларни ўрганиш объекти сифатида тилшунослар томонидан уларнинг ўнлаб мезон ҳамда белгилари қайд этилган ва тавсия қилинган. Фразеологизмлар мақомининг етарли даражада аниқ белгиланмаганлиги фразеолог-тилшунослар ўртасида ҳозирги кунгача жуда кўп ихтилофотларни келтириб чиқармоқда.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Фразеология назариясига бағишланган илмий ишларни таҳлил қилиш жараёнида унга берилган турлича таърифларни умумлаштирган ҳолда уларнинг баъзиларини келтириб ўтамиз. Шарль Балли фразеологизмнинг асосий белгиси “унинг ўрнини ўша иборанинг маъносига тўғри келадиган сўз билан алмаштириш мумкин ёки мумкин эмаслиги” [5], деб ҳисобласа, Б.А.Ларин унинг асосий белгиси “фразеологизм бирликларни ташкил қилувчи алоҳида сўзларнинг маъносидан ўша бирликларнинг умумий маъноси келиб чиқмаслиги” [11], дея эътироф этади. А.А.Реформатский эса: “фразеологизм ибораларнинг бошқа тилларга сўзма-сўз таржима қилиниши мумкин эмаслиги унинг етакчи белгисидир” [16], деган ғояни илгари суради. Юқорида номлари зикр этилган тилшуносларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда қўшимча қиламизки, фразеологизмлар – нутқ жараёнида яратилмайдиган семантик яхлит тушунча ҳисобланади.

Айрим тилшуносларнинг фикрича, фразеологиянинг чегарасини аниқлаш учун маълум “фразеологизм

контекст” ёки “фразеологик қуршов” бўлиши шарт. Жумладан, Н.Н.Амосова “фразеологик контекст” [1] масаласини, М.Т.Тагиев “энг яқин фразеологик қуршов” [17] гипотезасини олға суради. Ҳар иккала ғоянинг ҳам муҳимлиги фразеология назарияси учун табиий, чунки ҳар қандай фразеологик бирикнинг маъноси муайян контекстсиз аниқ юзга чиқини тасаввур қилиш қийин. Лекин бу назариянинг камчилиги шундаки, баъзи ҳолларда маълум контекстда қўлланилган соф фразеологик бирикларни унга шаклан тенг келадиган нофразеологик характердаги турғун сўз бирикмалари ёки эркин сўз бирикмаларидан фарқлаб бўлмайди.

А.М.Бакиннинг фикрича, фразеологик бириклар тўртта хусусиятга эга: 1) маънонинг яхлитлиги; 2) сўз бирикмаларининг турғунлиги; 3) кўчма маънога эга бўлишлик; 4) эмоционал-экспрессив таъсирчанлик [4].

И.В.Арнольд эса фразеологизмларнинг умумий белгилари, уларнинг турғунлиги, маъноларининг яхлитлиги ва компонент таркибининг алоҳида-алоҳида расмийлаштириши [3], деб ҳисоблайди.

А.В.Кунин ва А.Г.Назарянлар фразеологик бирикларнинг моҳиятини жуда қисқа, лўнда ифодалаб, шундай таърифладилар: “Фразеологик бирик – бу қисман ва тўлиқ кўчма маънога эга бўлган турғун сўз бирикмаларидир” [10].

Я.Д.Пинхасов таъкидига кўра: “Элементлари қатъий бир қолипга кириб, кўп замонлар барқарор бўлган, кўчма маъно ёки фикрни англатиб, гапда бутунлигича бир вазифани бажарган образли, жозибали сўзлар боғланмаси фразеологик иборалардир” [15]. Демак, фразеологизмларнинг структур-семантик хусусиятларининг асосий белгиси, уларнинг турғунлик даражаси ва тўлиқ кўчма маънода ифодаланишида намоён бўлади.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** У ёки бу сўз бирикмаларини фразеологизмлар таркибига киритиш ёки киритмаслик масаласида ҳам тилшунослар ўртасида бир-бирига қарама-қарши фикрлар мавжуд. Шу сабабли фразеология тадқиқотчилар томонидан “тор” ва “кенг” маънода тушунилмоқда. Фразеологияни “тор” маънода тушунувчилар (Ю.Ю.Авалиани, Н.Н.Амосова, И.И.Чернишова, В.П.Жуков, А.И.Молотков, Ш.Рахматуллаев ва б.) унинг чегарасини ҳаддан ташқари қискартириб, фразеологизмлар доирасидан образли афоризмларни, мақол ва маталларни, кўчма маънога эга бўлган терминологик бирикмаларни чиқариб ташлаш кераклигини уқтирадилар.

Аксинча, фразеологияни “кенг” маънода тушунувчилар (В.В.Виноградов, Е.Д.Поливанов, Н.М.Шанский, А.Г.Назарян, В.Н.Телия, Я.Д.Пинхасов ва б.) эса “соф” идиомалардан ташқари, афоризмлар, мақол ва маталлар, “қаноатли сўзлар”, турғун сўзлашув формулалари илмий-терминологик бирикмалар, баъзи қолип сўз бирикмаларнинг умумий номи фразеологик бириклар деб ҳисоблашмоқда.

Тилшунос А.Э.Маматов таъкидлаганидек, “фразеологияни “кенг” ва “тор” маънода тушуниш нотўғри, уни битта маънода тушуниш керак. Улар қандай тил бириклари деб тасниф қилинишидан қатъий назар, афоризмми, мақол ёки маталми, турғун сўзлашув формулаларими, қанотли сўзларми, хуллас, агар улар фразеологизмнинг биз берган таърифига мос тушса, ундаги талабларни бажара олса, яъни тузилиши жиҳатдан сўз бирикмасига ёки гапга тенг бўлган, образли, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлган, луғатларда қайд этилган ҳар қандай турғун лексик-семантик бириклар фразеологик бириклар доирасига киритилиши шарт” [12]. Биз ўз тадқиқотимизда А.Э.Маматов тавсия

қилган таърифга асосланган ҳолда таҳлилларимизни давом эттираемиз.

Тилшуносликка оид адабиётларда фразеология тушунчасини бир неча атамалар билан – фразеологик бирик, фразеологизм, фразеологик ёки турғун ибора, фразеологик бирикма ёки оддийгина қилиб ибора деб атайдилар. Фразеологик бирик, фразеологизм атамаларини синоним сифатида қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Инсон ўз тафаккурига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган, ҳаракатнинг абадийлигини тан олмасдан тўғри тушунилиши мумкин бўлмаган объектив дунёда яшайди. Объектив дунёдаги ҳар қандай нарса миқдорий хусусиятларга эга: дарахт баланд ва паст, кўча кенг ва тор, уй катта ёки кичик бўлиши мумкин [19]. Ҳар қандай тилда миқдор категорияси бўлган сондан ташқари сон туркумига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, аммо миқдорий маънони билдирувчи сўзлар мавжуд. Жумладан, академик В.В.Виноградовнинг фикрича, бирор нарсанинг энг минимал (майда) миқдори рамзга айланган *томчи* (фр. - *goutte*, рус - *капля*) сўзини келтириш мумкин [7]. Профессор М.М.Копиленко бундай сўзларни *мезуративлар* деб номлашни таклиф этади ва мезуратив атамасини илк бора илмий муомалага олиб қиради [9].

Бизнинг тушунчамизда *мезуратив* (лотинча *mensura* – “ўлчаш”, “ўлчов”, “ўлчам”, “катталиқ”, “қиймат”, “миқдор”) – бу тобе от бўлиб, ўзак сўзни аниқлайди ва уни миқдор жиҳатидан характерлайди. Мезуратив фразеологик бирик – бу фразеологизм бўлиб, сондан ва отдан ташкил топган мураккаб (кўшма) аниқловчи ўзига ўхшаган кўп предметлардан сондаги репрезентациясини белгилаб берувчи миқдорий атрибут бўлиб келади. Мезуратив фразеологик бирик сон + мезуратив + отдан ташкил топиб, семантик марказ сифатида от, аниқловчи сўз бўлиб сон ва мезуративдан иборат бўлган кўшма аниқловчи келади [13].

Мезуратив бирикларни ифодаловчи сўз ва сўз бирикмаларига ҳайвонларга нисбатан қўлланилувчи даража, вазн; масофани билдирувчи тил воситалари, суюқ ва сочилувчан моддаларни ўлчаш учун қўлланилувчи нарса ва предметларнинг номини киритиш мумкин.

Француз олимларидан Силви Гуффон, Мишел Луи ва Жан-Марк Деваел ўзларининг тадқиқотларида оғирлик, катталиқ ва барча ўлчовларни мезуративлар деб атаганлар.

О.П.Анжигановнинг мақоласида нумератив сўзларни *мезуративлар* деб аталиши лозимлиги таклиф этилган. Унинг фикрига кўра, туркий тилларда тобе сўз ҳоким сўзни белгилаган ҳолда сифат жиҳатдан эмас, миқдор жиҳатдан тавсифловчи от туркумига тегишли сўз бирикмалари кенг тарқалган. Бундай отлар туркологияга оид адабиётларда нумератив сўзлар деб аталади. Нумератив сўзлар иштирок этган бирикмалар сон, нумератив сўз ва отдан ташкил топган бўлади. О.П.Анжиганова нумератив сўзлардан ташқари яна бир гуруҳни ажратади ва уларни “ҳалқ нумеративлари” деб номлайди. Ушбу гуруҳга “боғлам”, “қучоқ”, “қошиқ”, “ёғоч бочка” ва ҳоказоларни киритиш мумкин [2].

С.А.Швачконинг фикрига кўра, “нумерал сўз кўпчилик ўхшаш предметлар орасидан бирининг миқдорий ифодасини фаоллаштирувчи сон атрибути сифатида намоён бўлувчи бирикмани ҳосил қилади. Ушбу бирикма воқеликнинг миқдорий ифодаловчи фрагментининг таркибли мураккаб номидир”. “Нумерал сўз” терминини “мезуратив” термини билан алмаштиришнинг сабаби нумератив сўз (нумерал сўз, “ҳалқ нумеративлари”, “кўп”, “кам”, “ярим” каби сўзлар) гуруҳларини аниқлашдаги

терминологик жиҳатдан номукамаллик ҳисобланади [19].

Таҳлиллардан кўринадики, М.М.Копыленконинг мезуратив соҳасидаги илмий қарашларига таяниб, мазкур бирликни, давом қилувчи сўзни аниқлаган ҳолда уни миқдор жиҳатдан тавсифловчи тобе сўз (от туркумига оид сўз) сифатида талқин этиш мумкин. Масалан, беш *боши* қорамол, уч *қошиқ* шўрва (бир *чўмич* шўрва), икки *боғ* ўтин ва б.

Субколлоквиал мезуративлар фразеологик бирликларнинг юзага келишида иштирок этади. Субколлоквиал мезуратив фразеологик бирлик – от ва кўпинча от туркумига оид сўздан иборат мураккаб аниқловчи, кўпчилик ўхшаш предметлар орасидан бирининг миқдорий ифодасини аниқлаштирувчи миқдорий атрибут сифатида намоён бўлувчи фразеологизмдир. Субколлоквиал мезуратив фразеологик бирлик сон мезуратив семантик маркази от, аниқловчи сўз эса сон ва мезуративдан ташкил топган мураккаб аниқловчи бўлган отдан иборат бўлади: **француз тилида** (*comme*) *deux gouttes d'eau* [6]– икки томчи сувдек ўхшаш; (*ils sont comme*) *les deux doigts de la main* – бир хил, *une goutte d'eau dans la mer* – денгиздан бир томчи; **ўзбек тилида** *тўрт томонинг қибла*, яъни хоҳлаган томонинг боршининг (кетишининг) мумкин; *икки кеманинг бошини ушламоқ* – бир пайтнинг ўзида иккита мутлақо фарқли ишни қилишга уринмоқ; *беш кунлик умри қолмоқ* – умрини яшаб бўлаётган кекса киши ҳақида; **рус тилида** *сидеть между двух стульев* – бир вақтнинг ўзида бир нарсага нисбатан икки хил нуқтаи назарга эга бўлмоқ; ўз хатти-ҳаракатларида бир-бирига тўғри келмайдиган, турли хилдаги фикр, қарашларига кўра мўлжал олмақ каби. *На все четыре стороны* – тўрт томонга, хоҳлаган томонга, кеткка хоҳласа (кетмоқ, боши оққан томонга кетмоқ, тўрт томони қибла); *за семь верст киселя хлебать (есть)* – сўзма-сўз: кисель ичиш учун етти чақирим йўл юриб бормоқ, яъни узокка, бекорга овора бўлиб йўл юрмоқ, бормоқ; *стоять одной ногой в гробе (в гробу)*– сўзма-сўз: бир оёғи ерда, бир оёғи тўрда, яъни умрини яшаб бўлмоқ, ўлими яқинлашмоқ, одатда, хаста ёки кекса одамга нисбатан ишлатилади.

Қиёсланаётган тиллардаги субколлоквиал мезуратив фразеологизмлар орасида сон тушиб қолган, мезуратив сўз сонсиз қўлланилаётган жуда кўп тил конструкциялари мавжуд. Бунда фразеологизм семантикасида миқдор маъноси сақланиб қолади:

**фр:** *être au ciel; être aux anges* – еттинчи осмонда бўлмоқ, жуда хурсанд бўлмоқ; *être perdu au téléphone* – телефонга ёпишиб қолган; *claire comme le jour* – кундек (ойдек) ёруғ, ҳаммаси равшан; *il pleut à seaux* – пақирлаб (челаклаб) куймоқ, ёмғир шаррос ёғмоқ; *acheter chat en poche* – сувни кўрмасдан этик ечмоқ; *mesurer les autres à son aune* – ўз қаричи билан ўлчамоқ; *le monde est petit* – ер думалоқ; *promettre monts et merveilles* – осмондаги юлдузларни ваъда қилмоқ; **ўзб:** *қозони ҳам, чўмичи ҳам мой ичида* – ҳамма нарсани ўз қўлида тутиб туриш, ўзи хўжайинлик қилмоқ; *кеча-кундуз тиним билмаслик* – кеча-кундуз тинимсиз, кўп ишламоқ; *боши кўкка етмоқ* – у бахтдан еттинчи осмонда, жуда шод ва хурсанд бўлмоқ; *ярим бўйи ерга кирмоқ, ер ёрилмади ерга кирмади, белига қадар ерга кирмоқ* – уялиб кетмоқ, оғир аҳволга тушмоқ, оғир вазиятда қолган инсон ҳақида; *нашиадан фил ясамоқ* – кўпиртириб, ошириб гапирмоқ; **рус:** *на тарелочке* – ликопчада узатмоқ, яъни мехнатсиз, осон йўл билан, бошқаларнинг ҳаракати эвазига эришилган нарса ҳақида; *ни росинки во рту не было у кого* – ҳеч кимнинг оғзида бир лукма йўқ эди, кимдир ҳеч нарса емаган, ҳеч нарса ичмаган; *принимать за чистую монету* – тоза танга деб қабул қилмоқ, яъни ҳақиқат, тўғри деб ҳисобламоқ,

жиддий қабул қилмоқ; *горькая чаша* – аччиқ коса, яъни оғир синовлар, қийинчиликлар ҳақида; *через час по (чайной) ложке* – бир соатдан кейин бир (чай) қошиқдан, жуда секин ва оз-оздан.

Отли турғун бирикмалар таркибига кирувчи сонларнинг, илк миқдорий семантиканинг ўчирилиши турли тиллар фразеологиясида кенг тарқалган [18]. Кўриб чиқилаётган бирликлар семантикасида миқдор маъноси аниқ сонлар билан ифодаланмаса-да, у сезилиб тураверади. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги мезуратив фразеологизмлар орасида катта миқдорни ҳисоблашда децимал тизимнинг илк сонлари қўлланилган идиомалар мавжуд.

Сон - миқдор категорияси шаклланиш босқичини қандай босиб ўтганлигини кўриб чиқамиз. В.З.Панфилов фикрича, предметларнинг аниқ кўпликдаги тенг қувватга эгаллиги ва тенг миқдордалигини белгилаш босқичи миқдорий муносабатларни англашнинг бошланғич босқичи ҳисобланади. Бунда кўпликни ташкил этувчи предметлар ўзаро мутаносибликка олиб келинади ва бу нарса предметлар кўплигини ташкил этувчи сифат тафовутларидан мавҳумлашиш қобилятини кўзда тутлади. Бу босқичда миқдорни белгилаш ўзаро ўхшаш мутаносиблик ҳолатига келтирилган кўпликларнинг предметлар миқдорини аниқлаш сифатида кузатилмайди.

Иккинчи босқич миқдор категорияси ичидан бир эквивалент ёки эталон сифатидаги аниқ предметлар қандайдир кўплигининг бўлиниши ёки ажралиб чиқиши билан ўзига хослик касб этади. Бошқа барча аниқ кўпликнинг тенг миқдорлиги сон категорияларига нисбатан белгиланади. В.З.Панфиловнинг таъкидлашича, миқдорни билишнинг иккинчи босқичи “предметли билиш”дир. Чунки бу босқичда аниқ ҳисоб ҳам мавжуд, яъни миқдорни билдирувчи сўзлар аниқ предметлар ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқ аниқ маъноларни ифодалайди.

Шунингдек, миқдор категориясида турли хил жамловдан мавҳум дистрибутив кўпликка ўтиш жараёни юз берадики, бу миқдор категорияси тараққиётида навбатдаги босқичдан далолат беради: сон ўзининг предмет маъносини тўла йўқотади ва мавҳумликнинг энг олий даражасига этади. Мавҳум (абстракт) ҳисоб юзага келади [14].

Соннинг юзага келиши тадқиқ этилар экан, олимлар сон тушунчасининг дастлаб қадимги дунёда объектив оламнинг ҳисобини олиб бориш ва объектив нарсаларни ўлчаш зарурати туфайли юзага келганлигини аниқлашган. Сон ва шакл тушунчалари қандайдир номаълум мавҳумиятнинг маҳсули эмас, улар фақат мавжуд борлиқдан олинган. Инсоннинг санашни ўрганган, яъни илк арифметик ҳисоблаш амалиётини ўзлаштирган ўнта бармоғи буни яққол кўрсатиб турибди, фақат бу эркин ижодий заковат маҳсули эмас. Сон тушунчаси айрим предметлар ҳисобидан пайдо бўлган ва кишиларнинг муайян маданий-тарихий тажрибага асосланган амалий фаолиятларида муҳим роль ўйнаган [8]. Турли кўпликларнинг тенг миқдорлигини аниқлаш учун дастлаб бирдан ортиқ аниқ кўплик, масалан, тошчалар, таёқчалар, қўл бармоқлари, оёқ панжалари ва инсон танасининг бошқа аъзоларидан фойдаланилган. Ўнлик, бешлик ва йигирмалик ҳисоблаш тизимларининг элементлари шундан далолат беради. Бу миқдор категориясини аниқлашнинг илк босқичи эди.

Сон компонентли субколлоквиал мезуратив фразеологизмлар орасида асосан биринчи сон (рақам)лар кўпроқ қўлланилиши маълум бўлди. Француз тилидаги – *un, deux, trois*, ўзбек тилидаги – *бир, икки, тўрт ва беш*, рус тилидаги – *один, два, три* сонлари субколлоквиал мезуратив фразеологик бирликларнинг ясалишида анча

махсулдор ҳисобланадики, бу ҳолат берилган сонларнинг моддий дунё ва инсонларнинг дунёқарашлари билан боғлиқлигидан далолат беради. Бундан ташқари, *ийгирма*, *ўттиз*, *эллик*, *олтмиш* ва бошқа бир қатор сонлар морфологик тузилишининг мураккаблашиши уларда фразеологик фаолликнинг пасайишини кўрсатади.

Сон ҳақидаги мавҳум, кўргазмали ва предметли тасавурлар ва уларни қўллашга уринишлар устуворлик қилган бир пайтда микдор категорияси тараққиётида янги босқич бошланади. О.М.Фрейдбергнинг сўзларига кўра, ташки олам, табиат ва инсонлар жамияти орасидаги тўлақонли бирликдир, чунки, биринчидан, бу – ибтидоий одамларнинг асосий тафаккур хусусияти, иккинчидан, улардаги кўплик билан ягоналик жипс ҳолатда бўлади. Шу тарика микдор категорияси сифат категорияси таъсиридан кутулади ва мавҳум тушунчага айланади. Предметларнинг кўпчилигини белгилаш учун эса мавҳумлаштиришни билиш талаб этилган.

**Хулосалар ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations).** Субколлоквиал мезуратив фразеологизмларнинг лингвистик ҳодиса сифатида турли тиллар маданиятида тутган ўрнини таҳлил қилиб қуйидаги

хулосаларга келинди. Фразеологизмларнинг структурал-семантик тузилишида сон иштирок этган бўлишига қарамай, ҳар доим ҳам “микдор” категориясини ифодаламайди. Зеро, субколлоквиал мезуратив фразеологик бирлик тилшуносликда сондан ва отдан ташкил топган мураккаб аниқловчи бўлиб, соннинг репрезентациясини белгилаб берувчи микдорий атрибут сифатида намоён бўлади.

Турли халқларнинг фалсафий ва мифологик концепциялари орасида нумутаносибликлар ҳамда фарқлар бўлишига қарамай умуммаданий алоқалар натижасида субколлоквиал мезуратив фразеологизмлар мантиқан муштараклик касб этади. Мезуративларнинг диний ва мистик таълимотлардаги маънавий-ахлоқий хусусиятларни ифодалаши нумерология фанининг асослари билан ҳамоханг. Ҳар бир рақам (сон)нинг рамзий маънолари француз, ўзбек ва рус тилларидаги субколлоквиал мезуратив фразеологик бирликларнинг миллий менталитетига хос хусусиятлар билан бирга муштарақ умуммаданият илдиэлари ҳақида ҳам маълумот беради.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Амосова Н.И. Основы английской фразеологии. – Л.: ЛГУ, 1963. – 227 с.
2. Анжиганова О.П. Словосочетания - с нумеративными словами в хакасском языке // Советская тюркология. – 1973. – № 4. – 86-91-с.
3. Арнольд И. В. Основы научных исследований в лингвистике: Учеб. пособие. – М.: Высш. шк., 1991. – 140 с.
4. Бабкин А.М. Русская фразеология, развитие и источники. – Л.: ЛГУ, 1970.
5. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – 416 с.
6. Гак В.Г. Новый большой французско-русский фразеологический словарь. – М.: Русский язык медиа, 2005.– 1111 с.
7. Гвоздарев Ю.А. Слово-символы как компоненты фразеологической единицы // Фразеологизм и слово в русском языке. – Ростов-на-Дону, 1983. – 27-31-с.
8. Жуков В.П. О знаковости компонентов фразеологизма // Вопросы языкознания. – М., 1975. – № 6.– 47-с.
9. Копыленко М.М. Основы этнолингвистики. – Алматы, 1995. – 39-с.
10. Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1972. – 288-с.
11. Ларин Б.А. Очерки по фразеологии. – М.: Ученые записки. ЛГУ, серия филол.наук. – 1956. – № 198.
12. Мамагов А.Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. –Т.: Фан, 1991.– 212-б.
13. Отакулов Н.Б. Мезуратив ва микдор категорияси орасидаги мантикий ва лисоний муносабатлар // ЎзМУ хабарлари.– № 1/3. – 2018 й. – 449-451-б.
14. Панфилов В.З. Философские проблемы языкознания Гносеологические аспекты. – М.: Высшая школа, 1977. – 350-с.
15. Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Фан, 1969. – 54-б.
16. Реформатский А.А. Число и грамматика//Вопросы, грамматики. –М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1960. – 386 с.
17. Тагиев М.Т. Окружение фразеологизма и слова//Вопр фразеологии. Труды Самаркандского гос. ун-та им. А.Навои. Нов. серия, вып. 178, 1970. – 206-211-с.
18. Шакиров А.С. Семантические особенности имен-числительных, входящих в состав нумеративных фразеологизмов разносистемных языков//Фразеология в аспектах стилистики и словаря. Сб. научных трудов. –Самарканд, 1992. – 110-с.
19. Швачко С.А. Языковые средства выражения количества в современном английском, русском и украинском языках. – К.: Вища школа, 1981. – 6-с.



УДК: 8.82.082.09-82'091

Нилуфар ОЧИЛОВА,  
Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Профессор Д.Х.Кувватова тақризи асосида

## STUDY OF THE HORSE IMAGE IN LITERATURE AND ITS GENETIC FUNDAMENTALS

Abstract

This article deals with the study of image of "horse" in English, Uzbek and Russian literature and its genetic basis as well. In particular, a number of English, Russian and Uzbek scientists' and linguists' theories are analyzed about the horse reflection. The creation of horse image in literature is not accidental, it has arisen in connection with the long history of human life and has traversed the path of literal development. In world and Uzbek literature, the study of this evolutionary process in a comparative aspect is relevant. One of the main criteria in the world literature is the comparative typological study of the works on which the reflection of "horse" is created, looking at the genesis of this image and the discovery of its symbolic meaning.

**Key words:** Horse image, genesis, folklore, idiom, myth, fable, magical creature.

## ИЗУЧЕНИЕ ОБРАЗА ЛОШАДИ В ЛИТЕРАТУРЕ И ЕГО ГЕНЕТИЧЕСКИХ ОСНОВЫ

Аннотация

В статье анализируется изучение образа «лошадь» в английской, узбекской и русской литературе и его генетические основы. В частности, дается ряд английских, русских и узбекских литературных и лингвистических теорий и анализов на лошади. Создание образа лошади в литературе не случайно, оно зародилось в связи с многовековой историей жизни человека и прошло путь художественной эволюции. В мировой и узбекской литературе актуально изучение этого эволюционного процесса в сравнительном аспекте. Одним из основных критериев в мировой литературе является сравнительно-типологическое изучение произведений, на которых создается образ «коня», взгляд на генезис этого образа, раскрытие его символического значения.

**Ключевые слова:** Образ лошади, генезис, фольклор, идиома, миф, притча, волшебное существо.

## АДАБИЁТШУНОСЛИҚДА ОТ ОБРАЗИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ВА УНИНГ ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада инглиз, ўзбек ва рус адабиётшунослигида “от” образининг ўрганилиши ва унинг генетик асослари таҳлил қилинган. Жумладан, бир қатор инглиз, рус ва ўзбек адабиётшунос ва тилшунос олимларининг от ҳақидаги назариялари ва таҳлиллари берилган. От образининг адабиётда яратилиши тасодифий бўлмай, у инсоният ҳаётининг узок тарихи билан боғлиқ ҳолда юзага келган ва бадиий тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида ана шу тадрижий жараёни қиёсий аспектда ўрганиш долзарб бўлиб турибди. Дунё адабиётида “от” образи яратилган асарларни қиёсий типологик жиҳатдан ўрганиш, мазкур образ генезисига назар солиш, рамзий-тимсолий маъноларини очиб бериш сингари назарий масалаларни тадқиқ этиш асосий мезонларидан саналади.

**Таянч сўзлар:** От образи, генезис, фольклор, идиома, афсона, масал, сеҳрли жонзот.

**Кириш.** Жаҳон адабиётида от образининг яратилиши ўзининг қадимий асосларига эга. Хусусан, бу образ генезиси Шарқ фольклори, аниқроғи, эртақ ва дostonларига бориб тақалади. “Алпомиш”даги Бойчибор, “Тўрўғли”даги Ғиркўк сингари образлар бу жиҳатдан мулоҳазаларимизни тасдиқлайди. Ёзма адабиётда, жумладан, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида “бодро” номи билан тилга олинган бу тимсол халқ оғзаки ижодидаги каби куч-қудрат тимсоли сифатида намоен бўлган. Айтиш мумкинки, жаҳон фольклори ва адабиётида анъанавийлашган бу образ замонавий инглиз ва ўзбек адабиётида рамзий- тимсолий маънолари билан ўзига хослик касб этди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Жаҳон адабиётшунослиги ва тилшунослигида от образида образ назарияси бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. От образининг генезиси Ғарб ва Шарқ адабиётига бориб туташади. Шу боис мазкур образ ҳақида дунё адабиётшунослигида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Бу тадқиқотларни иккига бўлиб тасниф қилиш мумкин. Булар қаторида В.Жирмунский, С.Д.Буркхарт, Р.Липес, Б.Угал, А. Чинор, Ф.Сумер ишлари аҳамиятли.

С.Д.Буркхарт Ж. Чоссернинг "Canterbury Tales" (Кентерберри хикоялари) асарларидаги от образини ўрганган. Маълумки, ўрта асрларда отлар ҳақида йирик асарлар ёзилган. Отлар бу асарларда юқори мавқега, куч ва қудратга эга жонзот сифатида талқин этилган. Ж. Чоссер “Кентерберри эртақлари”да ҳам отларни турли рамзий образларда кўрсатади. С.Д. Буркхарт отшунос олим Артур Верноннинг куйидаги фикрини келтиради: "Уруш ва савдо, континентал экспансия ва спортнинг барча соҳаларида отсиз дунёда инсоният тарихи қандай ривожланар эди". Жамиятда фаровонлик ва жасурликка отнинг таъсири билан эришилган. Чоссер қахрамонлари пиёда юришдан кўра отда юришни афзал кўришган. Қолаверса, Чоссер издошлари камбағал бўлишига қарамай, от сотиб олиб миннишган.

Филолог олим С.Келлер Виктория дари ёзувчилари Ж.Эллиотнинг "Mill on the Floss", Томас Хардининг "Tess of the D'Urbervilles", Жорж Мурнинг "Ester Waters" Сер Артур Конан Дойлнинг "Кумуш оловнинг саргузаштлари" сингари асарларни ижодидаги от образини тадқиқ этган. Олим от образини спорт ва унинг бир тури бўлган пойга билан боғлаб талқин этади. Шуни таъкидлаш кераки, от суратини XIX аср расоми П.Робертс чизган ва шундан таъсирланиб, Жейн Остин от

хақида “Pride and Prejudice” (“Фурур ва андиша”), “Emma” (“Эмма”) асарларидаги севги мавзуларини от образи билан бевосита боғлаб ижод қилган. Бу асарларда от образи орқали севги-муҳаббат мавзуси янада таъсирли тасвир этилган. Отни ёзувчи эҳтиросли муҳаббат рамзи сифатида тасвирлаган.

В.Трифенова рус фольклоридаги от образи хақида фикр юритар экан, сўзнинг рус тилидаги луғавий маъноси, унинг нутқда ишлатилиш шакллари, фольклорда юзага келиш асослари ёритилган. Олиманинг ёзишича: “Макс Фасмернинг рус тилининг этимологик луғатида от сўзи қадимги “*коби, комн*” дан келиб чиққан деб таъкидлайди; кобылга, комонь. От сўзи туркий тилдан олинган, айнан ўша ердан у эски рус тилига кириб келган. *Лошак* шакли эшак сўзи билан яқинлашиши билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган” [1]. Бунда “*лошадь*” сўзи “*лошак*” сўзи билан боғланган. “Лошак” эса “эшак” сўзига яқин. Олиманинг таъкидлашича: “Кичик академик луғат” да: “От одамларни, молларни ва бошқаларни ташиш учун ишлатиладиган йирик уй ҳайвонидир. От - ишлатилишига кўра, бу: жабдуқлар, миниш, тўплам; ва биринчиси: илдиш, бириктирма, нафас олиш мосламаси, ташки двигател (кўлтлик устунни ва доғаслама)”. “Буюк Совет энциклопедияси” куйидаги изоҳни беради: “От – бу отлар оиласига мансуб катта туёкли ҳайвон” дир. Кўринадики, олима отнинг жамият ҳаётидаги мавқеи, биологик хусусиятлари хақида фикр юритган.

Олима изланишларидаги яна бир жиҳат эътиборни тортади. У дастлаб фольклорда афсонавий отлар образлари яратилганлиги ва бу образлар инсониятнинг космосга парвоз қилишдек азалий орзулари махсули эканлигини алоҳида таъкидлайди [2]. Шу билан бирга Сивка-бурка оти хақидаги қарашлар ҳам диққатни тортади. Унинг ёзишича: “Сивка-бурка – бу қабила оти, унинг сеҳрли кучи у ўликларнинг шоҳлигининг аҳолиси эканлигига асосланади. Маълум бўлишича, у бошқа дунёдаги мавжудотга - тутун ва оловда ярашганидек пайдо бўлиши бежиз эмас: “От югуради, ер титрайди, қулоғидан тутун пуфлайди, бурун бурнидан аланга ёнади” [3]. Демак, мазкур от икки дунёни боғлаб турвчи жонзот сифатида талкин этилган. Ҳатто: “ушбу от уч ранг: кулранг - “кулранг сочлари билан тўқ кулранг”, жигарранг - “кулранг ёки кизгиш ранг билан тўқ жигарранг” (таққосланг: сигир), жигарранг - “ёввойи” ранг; “Енгил каштан” (Шимолий Туркик ковуридан “жигарранг” дан), танасининг ранги кизгиш, елек ва куйруқ кизил-жигарранг, танадан куюкроқ”. Яъни, сивка-бурка башоратли каурка – уч рангли от-сеҳргардир. Кўринадики, В.Трифенова фольклорда яратилган афсонавий отларнинг асосини сеҳрлар отларда кўради. Шу фикрлар асосида олима Ю.Лермонтовнинг “Белла”, А.Чеховнинг “Ҳасрат” сингари асарларини шу нуқтаи назардан таҳлил этади. Жумладан, Ю.Лермонтовнинг “Белла” ҳикоясида Карагзой оти тилга олинади: “Бизнинг замонамиз қахрамони” романининг куйидаги мазмуни: “Енди мен бу отга қандай қарайман: баландлик каби қора, оёқлари-торлари ва кўзлари Беланинг кўзларидан ёмон эмас: бу қандай куч!” камида эллик чақирим чопиш; ва аллақачон кетган – эгасининг орқасидан югураётган итга ўхшаб, мен унинг овозини ҳам билардим!” Карагзойни туркча сўз бўлиб, “қора кўзли” деган маънони билдиради. Олиманинг таъкидлашича, бу образ турк халқ кўғирчоқ театрининг номини ҳам ҳам англаган. Шунингдек, бу от Арманстон халқ кўғирчоқ театри қахрамони.

О.Кучерова тадқиқотлари рус адабиётида яратилган от образи талқинига бағишланган. У Гоголнинг “Тарас Бульба”, Л.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик”, А.Чеховнинг “Соғинч”, К.Паустовскийнинг “Иссиқ нон”, Н.Некрасовнинг “Совук. Совқотган бурун” асарлари

таҳлилга тортилган. Бу жиҳатдан олима В.Дал қарашларига асосланади: “От славянларда бирдамлик, маъносини билдиради”. 235 йил аввал ҳам А.П. Сумароков “от сўзини қабул қилган янги татарлардан улар отни унга айлантирдилар ...” деган версияни таклиф қилдилар ва асосладилар. Чунки бизнинг славян китобларимизда от ҳеч қачон от деб номланмаган (АЛАШ – гелдинг + АТ - от)”. Аммо олим Г.Ф. Одинцов бу сўзнинг деярли славян келиб чиқишини деярли йўқ бўлиб кетган *лоши* - “*ёмон*” (ёмон руҳларни йўлдан оздириш) сифатларидан келиб чиққан ҳолда асослаб берди. От, умуман, от: байтал, бия (кобила).<sup>8</sup>

От образи яна Л.Стебих ишларида ёритилган. Лаура Стебих от хақида идиомаларни таҳлил ва тасниф этган. Унинг фикрича: “Тарихдан маълумки, от инсон учун катта аҳамиятга эга бўлган жонзотлардандир. Улар транспорт, уруш, озик-овқат ва ишчи ҳайвонлар сифатида ишлатилгани сир эмас”.

**Тадқиқот методологияси.** Ҳақиқатан, дунё халқлари отни жуда қадрлайди. Қадим замондан бошлаб отлар транспорт воситаси, жанглардаги асосий иштирокчи, инсоннинг турмуш шароитларини яхшилаш ёрдам берувчи сифатида қатор вазифаларни адо этади. Олима фикрларини давом эттириб ёзади: “Отнинг аҳамияти шунчалик катта бўлганки, у ҳатто Юнон мифологиясида ва Библияда ҳам ўз ўрнини топди. Бугунги кунда ҳар бир тилда от идиомалари жуда кўп эканлиги ажабланарли эмас. Бу иборалар орқали отнинг маъноси ва унинг асосий хусусиятларини аниқлаш ва таҳлил қилиш мумкин. Турли маданиятлар ва турли даврларнинг отлар ва улардан фойдаланиш борасида ўз қарашлари бор эди ва отларнинг ишлатилиши ўзгаргани сари тил ҳам шунга мос равишда ўзгарди”. У от образини юнон мифологияси ва Библия билан боғлайдики, бу ўзини илмий асосларига эга. Шу тарзда олима инглиз тилида мавжуд бўлган от хақидаги идиомаларни бир тизимга солган.

Дунё фольклори, тарихи, адабиёти ва исломий манбаларда от образи муҳим ўрин тутди. Тадқиқотчи Ш.Ашурованинг ёзишича: “Палеолит даврига оид кўплаб тасвирларда отлар сурати учрайди. Тахминан эрамыздан олдинги XII асрларда деворий тасвир санъати ўз чўққисига кўтарилган. Бизгача чуқур ғорларнинг гумбазларини безовчи тасвирлар ҳам етиб келган. Ёввойи ҳайвонлар тасвирларининг жонлилиги, портретнамолиги ва образлилиги уларнинг ҳаққонийлигини кўрсатади, ижодкорларнинг иқтидоридан, кузатувларининг ишончлилигидан, ҳайвонлар анатомиясини яхши билганлигидан дарак беради”.

**Таҳлил ва натижалар.** Қадимги инглиз афсоналарида Артур исмли таникли қирол бир нечта отларга эгалик қилганлиги хақида маълумотлар бор. Унда ёзилишича, Ҳенгроген “эски тери” маъносини англатади, Спумадор, “кўпикли” деган маънони англатади. Иккинчидан, унинг севимли оти деган қарашлар ҳам бор. Ламрей, “эгри чизик” деган маънони билдиради. Бу отнинг сакраш ҳолатига ишоради. Чунки от сакрагандан, унинг олдинги оёқлари ерга тегишидан олдин унинг орқа оёқлари кўтарилади. Ламрей кудратли тойчоқ сифатида берилган. У катта юкларни кўтарган, чунки Артурнинг тўртта ярадор шеригини ғорида Қора Ҳаг яхшилаб калтаклаганидан кейин уларни кўтариб юрган. Кейинчалик франсуз манбаларида унинг оти Пасселанде деб номланган. Кўринадики, Ҳенгроген, Спумадор, Ламрей номлари билан тилга олинган отлар Артурга тегишли бўлган. Афсонада отнинг ташки кўриниши гўзаллиги баробар унинг инсонга дўст эканлигига ҳам ишора қилинган.

Шу билан бирга афсонада Артурнинг отлари сифатида Бригадоре ёки Бригладоре тилга олинади. Спенсер Артурнинг дўсти бўлиб, бу отлар шуларга хизмат қилган. Ҳикоя қилинишича, Брагадохио исмли киши Бригадорени Гуёндан ўғирлаб кетади. Шундан сўнг Брагадохио Бригадорга қарши курашишдан бош торган сер Артегалдан отнинг алоҳида белгилари ҳақида сўрайди. Шунда Сер Гуён унинг оғзида қора доғ борлигини айтади. Эрақлар ушбу белгини текширишиб кўрадилар, лекин Бриг Гёрнинг ўзи у билан гаплашмагунча ва уни "Бригадор" деб номламагунча, ҳеч ким унинг ёнига қўйилмайди. Бир зумда от унинг овозини эшитида ва бир текис туради. Шундан сўнг барчага махфий белгини кўришига имкон берилади. Шундан сўнг Сер Артегал ўзининг кимга тегишли эканлигини аниқ кўради. Демак, Бригладоро франсузча Бригладорнинг испанча шакли бўлиб, "олтин жиллов" маъносини англатади. Демак, юқоридаги афсонада тилга олинган Бригладор катта қудрат эгаси сифатида тасвир этилган.

Бронзомарл Артур афсонасидаги Сер Ланселот Гривзга тегишли бўлган отнинг номидир. Бронзомарл "мўтабар қушқўнмас" деган маънони англатади.

Кўринадики, қадимий инглиз афсоналарида Артур саройида Ҳенроген, Спумадор, Ламрей, Пасселанде, Бригадоре, Бронзомарл сингари отлар тилга олинади. Бу отлар мўъжизавий қудратга эгаллиги, сезгир ва ҳушёрлиги тасвир этилган.

Инглиз халқ масалларида ҳам от от образи яратилган. Жумладан, "От ва эшак"да қуйидаги воқеа баён этилади: "Бир от ва эшак бирга саёҳат қилар эди. Эшак оғир вазнини зўрлик билан кўтариб юрган пайтда, от ўзининг шаҳдам қадамлари билан илдамлаб юрар эди:

– Кошки мен сен бўлсам эди, – хўрсинди эшак: "Сен ҳеч оғир юк кўтармайсан, ҳеч бир иш қилмайсан. Қанийди, – барча яхши нарсалар менда бўлса эди".

Эртаси куни эса катта жанг бўлиб, куннинг охирида от ярадор бўлиб ўлди. Бироздан сўнг унинг дўсти эшак ўтиб кетди ва уни ўлим пайти топди.

– Мен янглишган эканман, – деди эшак.

Қиссадан ҳисса: ялтираган ҳамма нарса ҳам тилла бўлавермайди. Кўринадики, бу масалдаги от кучли, чиройли ҳайвон сифатида ифода этилган. Унга контраст қўйилган эшак эса от ўрнида бўлишни орзу қилади. Эшак отнинг катта жангга мардона чиқиши ва ярадор бўлиб ҳалок бўлгандан сўнг эса у эшак бўлганига шуқур қилади. Масалнинг мажозий маъноси шу билан белгиланади.

"От ва буғу" масалида қуйидаги воқеа ҳикоя қилинади: "От текисликни бутунлай ўзига тегишли деб

ўйларди. Бир куни буғу яйловга кириб, ўт еди, отнинг жаҳли чиқади. Ва от нотаниш кимсага буғудан қасос олмақчилигини айтади. Одамзод эса от бир оз уни олиб юришга рози бўлса, у буғуга қарши жуда самарали қурол ясаб беришини айтади. Шундан сўнг от одамни олиб юришга рози бўлади. Вақт ўтиб, от буғудан қасос олиш ўрнига, одам хизматида қул бўлганини англайди". Бунда от кўпроқ салбий маъно ташиган. Чунки у буғудан ўч оламан деб ўз эркини йўқотади.

Инглиз мақоллари орасида отга ҳақида яратилганлари ҳам бор. Мисол учун: "**You can lead a horse to water, but you can't make it drink**" ("Отни сувнинг бошига олиб борса бўлади, лекин мажбурлаб сув ичиrolмайсан"). Бунда от инсонлаштирилган. Ёки "**A horse is worth more than riches**" ("От бойликдан қимматлироқ"). Бунда отнинг фазилатлари, унинг инсонга дўстлиги инobatга олинган, шунинг учун от ҳар қандай бойликдан устун.

Яна: "**A stubborn horse walks behind you, an impatient horse walks in front of you, but a noble companion walks beside you**" ("Қайсар от ортада юрар, сабрсиз от олдинда, лекин ёнингда олижаноб ҳамроҳ юрар"). Бунда отнинг характерида кўра хусусияти эътиборга олинган.

"**A good rider can hear his horse speak to him. A great rider can hear his horse whisper**" ("Яхши чавандоз отининг у билан гаплашишини эшитиши мумкин. Буюк чавандоз отининг пичирлаганини эшитидади"). Бунда чавандоз ва отнинг руҳий боғлиқлиги назарда тутилган.

"**Your horse's behavior always seems to depend on the number of people watching you**" (Отнинг хатти-ҳаракати доимо сизни кузатаётганлар сонига боғлиқ бўлиб туюлади"). Бунда отнинг эпчил ва чаққонлиги инobatга олинган.

Рус фольклори намуналарида ҳам от ҳақида яратилган асарлар бор. Жумладан, Барушка Матушка рус халқ қахрамони Иля Мурометснинг сеҳрли оти ҳисобланади. У ғайриоддий куч ва матонатга эга бўлган. Бу от Косматушка, Сивушко ёки Сивуско номлари билан ҳам танилган. Кўринадики, Барушка-Матушка деб номланган от афсонавий қудратга эга сеҳрли жонзот сифатида кўрсатилган.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтганда, от образи генезисини ўрганиш анча йиллар олдин бошланган. Бугунги кунга келиб ҳам, от ҳақида кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда ва албатта, келажак авлод ушбу тадқиқотлардан ўз илмий ишларида самарали фойдаланишади, деб умид қиламиз.

#### АДАБИЁТЛАР

1. <https://soar.wichita.edu/handle/10057/296/browse?type=author&value=Burkhardt%2C+Stephanie+D.>
2. [https://digital.auraria.edu/content/AA/00/00/59/35/00001/Keller\\_ucdenver\\_0765N\\_10789.pdf](https://digital.auraria.edu/content/AA/00/00/59/35/00001/Keller_ucdenver_0765N_10789.pdf)
3. <https://school-science.ru/2/10/30772>
4. Стебих Л. Analysis of horse idioms in English and Croatian language. Sara Keller. All the queen's horses: the reign of the horse in Victorian literature. Stephanie D. Burkhardt Chaucer's mounted menagerie: an intertextual examination of horse and rider archetypes in The Canterbury Tales
5. Инглизбабон Ғарб адабиёти ва ўзбек адабиётида анималистика жанри хусусиятлари, Т.Б.158
6. <http://agreenhorse.blogspot.com/2011/10/horses-of-myth-legend-folk-tale.html>
7. Ochilova N.O'. O'zbek adabiyotida "ot" obrazi yaratilgan asarlarga xos xususiyatlar. "Ilm sarchashmalari" Urganch davlat universitetining ilmiy – metodik jurnali, Urganch, may, 2020
8. Quvvatova D.X., Ochilova N.O'. Interpretation of the image of horse in Uzbek and English literature. EPRA International journal of multidisciplinary research (IJMR), India, September, 2020
9. Ochilova N.O'. Anna Syuvelning "Qora tulpor" (Black Beauty)ida "ot" obrazi. "O'zbekistonda ilmiy-amaliy tadqiqotlar" mavzusidagi respublika 20 – ko'p tarmoqli ilmiy masofaviy onlayn konferensiya maqolalar to'plami, 8-qism, Toshkent, Sentyabr, 2020
10. Ochilova N.O'. The image of horse in the work of Chingiz Aytmatov "Farewell, Gulsari". Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti, 6-soni, 2020



UDK: 811.512.121'373.423

*Istoda RASULOVA,*  
*Samarqand davlat arxitektura va qurilish instituti*  
*o'qituvchisi, SamDU mustaqil izlanuvchisi*  
*E-mail: istoda.87@gmail.com*

*Xalqaro turizm instituti filologiya fanlari doktori, professor Eltazarov Jo'liboy taqrizi asosida*

### NUTQ JARAYONIDA TIL ALOQALARINING NAMOYON BO'LISHI VA JAMOAVIY INTERFERENSIYANI SO'ROVNOMA ORQALI ANIQLASH

Аннотация

Maqolada Samarqanddagi trilingvizm sharoitida yuzaga keladigan interferentiv xatoliklar, jamoaviy interferensiya, individual interferensiyaning kelib chiqish sabablari, sun'iy va tabiiy til o'rganish, interferensiya bilan bog'liq xatoliklarning jamoa nutqida uchrashi bayon etilgan.

**Kalit so'zlar:** tillararo interferensiya, ikki tillilik, trilingvizm, ko'p tillilik, jamoaviy interferensiya, individual interferensiya, interferensiyaning kelib chiqish sabablari, jamoaviy interferensiyaning kelib chiqish sabablari.

### DISCOVERY OF LANGUAGE COMMUNICATION AND COLLECTIVE INTERVIEW IN THE SPEECH OF THE SPEECH BY SURVEY

Annotation

The article describes the interference errors that occur in the context of trilingualism in Samarkand, collective interference, the causes of individual interference, the study of artificial and natural language, the occurrence of interference errors in public speech.

**Key words:** interlingual interference, bilingualism, trilingualism, multilingualism, collective interference, individual interference, causes of interference, causes of collective interference.

### ОТКРЫТИЕ ЯЗЫКОВОГО ОБЩЕНИЯ И СООБЩЕСТВА ИНТЕРВЬЮ В РЕЧИ РЕЧИ

Аннотации

В статье описаны интерференционные ошибки, возникающие в контексте трехязычия в Самарканде, коллективное вмешательство, причины индивидуального вмешательства, искусственное и естественное изучение языка, ошибки, связанные с интерференцией в публичной речи.

**Ключевые слова:** межязыковое вмешательство, двуязычие, трехязычие, многоязычие, коллективное вмешательство, индивидуальное вмешательство, причины вмешательства, причины коллективного вмешательства.

**Kirish.** XX asrning boshida avstriyalik buyuk tilshunos olim Gugo Shuhard shunday degan edi: "Hozirgi kunda tilshunoslik shug'ullanayotgan muammolar ichida til aloqalari muammosichalik muhimi bo'lmasa kerak. Bu hodisa juda chuqur izlanishni talab qiladi, ayniqsa, til aloqalari uchun qulay sharoit bo'lgan joylarda buni kuzatish va ilmiy o'rganishlar olib borish shart".[1] Bugungi kunda ikki tillilik, ko'p tillilik masalalari bo'yicha ko'plab ilmiy asarlar yaratilgani, izlanishlar olib borilganiga qaramasdan, hozirgi kunda bu jahon hamjamiyatining aktual muammosi bo'lib qolmoqda. Ko'p til biluvchi shaxs, nutqini ifodalash uchun har bir muhitga moslab turli tillardan birida gapiradi. Mana shu so'zlash paytida uning lingvistik ongida dominant til va o'rgangan tillari bilan kesishish hosil bo'ladi,[2] bu kesishish natijalari uning nutqida o'z ifodasini topadi. Bu kesishishlar har doim ham muvaffaqiyatga uchramaydi, ko'pincha, o'z fikrini ifodalash uchun kerakli so'zni gapirayotgan tilida topa olmay, ikkinchi til elementlaridan foydalanish holatlari bo'ladi va bu holat interferensiyaning yuzaga chiqaradi.

O'zbekiston Respublikasi maktablarida uch xil til o'rganiladi. Bunda o'quvchilarning til tajribasi chet tilini o'rganishda g'ov bo'lishi (salbiy ta'sir – interferensiya) yoki yordam berishi (ijobiy ta'sir – transpozitsiya) kuzatiladi. Til o'rganuvchilar uchun interferentiv xatoliklarni bartaraf etish juda muhim va ahamiyatlidir. Chunki har bir til o'rganuvchisi uchun sof va ravon o'z fikrini bildirish ahamiyatli. Interferentiv xatoliklarning yuzaga chiqmasligi uchun har bir til sathini mukammal o'zlashtirish kerak.

Interferensiya ikki va undan ortiq tilni yaxshi o'zlashtirgan bilingvlar, trilingvlar hamda til o'rganayotganlarning og'zaki va yozma nutqida til me'yorlaridan og'ish yoki ma'lum bir tilga xos fonetik, leksik, grammatik va frazeologik xususiyatlarni boshqa bir tilning materialiga avtomatik ko'chirgan holda so'zlash holatlaridir. Ya'ni, interferensiya (**lotincha** *inter-* o'zaro, *frens-* ko'tarilish, *urilish*) hodisasini ko'p tillilik sharoitida turli til oilasi va guruhlariga, shuningdek yaqin qarindosh tillar til sistemasining bir-biriga ta'siri shaklida namoyon bo'lishi deb talqin qilish mumkin.[3]

**Mavzuga oid adabiyotlar tahlili.** Sharqda bu masala qadimdan o'rganilgan bo'lib, Abu Ali Ibn Sino, Beruniy, Farobiy, Mahmud Koshg'ariy, Mahmud Zamaxshariy, Alisher Navoiy va boshqalarning ijodlarida bilingvizm va polingvizm masalalari haqida qimmatli fikr-mulohazalar mavjudligini kuzatish mumkin. O'z davrida M.Koshg'ariy ba'zi turkiy xalq va elatlarning ikki tilli ekanini va buning natijasida ularning tilida "buzuqlik" kuzatilishi haqida aytib o'tadi[4]. Mahmud Zamaxshariyning "Muqaddimat -ul adab" asari o'sha davrda arab tilining iste'molda bo'lgan barcha so'zlar, iboralarini qamrab olib, ularning ma'nolari, etimologiyasini sharhlagan. Asarda fors, o'zbek, va mo'g'ul leksemalari qiyoslangan[5].

Yangi davrda, ya'ni XX asrning 20-yillaridan e'tiboran muammoning turli taraflari Y.D.Polivanov, A.K.Borovkov, U.T.Tursunov, B.O'rinqoyev, H.Doniyorov, K.Yusupov, D.Ishondadayev, H.G'ulomov, O.Azizov, J.Bo'ronov, T.Rahmonov, M.Mirzayev, E.D.Panasenko,

L.Nazarova, N.G'ulomova, M.Zokirov, S.Zokirova, Sh.I.Jo'rayev va boshqa olimlarning tadqiqotlarida ma'lum darajada yoritib berilgan.[6]

**Tadqiqot metodologiyasi.** Bilingv nutqida interferensiya hodisasining yuzaga kelishi, tilning softligini buzishi, o'rganilayotgan til uchun ma'lum bir qiyinchiliklarni keltirib chiqarish ehtimoli bor. Ikki va uch tillilikni yuzaga chiqaradigan faktorlarga lingvistik tavsiflash va qiyosiy tahlil usullaridan foydalanamiz.

Tahlil va natijalar. Interferensiya nafaqat bir shaxs nutqida, balki butun bir jamoa nutqida ham kuzatilishi mumkin.

V.Vaynrex interferensiya masalasini o'rganishda ikkita yondashuvni ajratib ko'rsatdi: birinchidan, individual shaxsning lingvistik hatti-harakatlarini, ikkinchidan, lingvistik aloqa sharoitida butun bir guruh tilini tahlil qilish mumkin.[7] Binobarin, individual bilingualizmni o'rganish har bir alohida so'zlovchining lingvistik qobiliyatlari bilan uzviy bog'liqdir va kollektiv bilingualizmni o'rganish turli tilli xalqlar yashaydigan yoki til chegaralari o'tadigan mintaqalar uchun dolzarbdir.

Yuqorida tavsiflangan ikki tilli xilma-xillik (individual va jamoaviy) mos ravishda ikki xil interferensiyaning karakterini belgilaydi:

a) So'zlovchi shaxsning ongida ikkinchi tilga (dominant bo'lmagan) bir tilning (dominant) ta'siridan kelib

chiqadigan va individual ikki tillilikda kuzatiladigan interferensiya;

b) Substrat tili va tashqi tomondan ma'lum bir hududga olib kelingan tilning qorishuvi tufayli birdaniga til jamoasining (xalqning) ongida paydo bo'ladigan interferensiya va jamoaviy bilingvizmda kuzatiladi.

Til – ijtimoiy hodisa. U jamiyat bilan birga yashaydi va rivojlanib boradi. Tilni jamiyatdan alohida o'rganib bo'lmaydi. Chunki u jamoaning mahsuli. Bir asrdan oshiq davr mobaynida Rossiya mustamlakasida bo'lgan o'lkamizga ko'plab so'zlar ekstralingvistik ta'sirlar natijasida kirib keldi va til tizimiga mustahkam o'rnanib oldi. Bu hodisani tekshirish maqsadida Samarqand davlat arxitektura va qurilish instituti talabalari bilan eksperimental tadqiqot o'tkazdik. Bunda 40 ta talaba ishtirok etdi. Anketa savollari berildi va bu savollarga olingan javoblar jadvalga foizlar asosida joylashtirildi. Bu bilan leksik interferensiyaning jamoa nutqida qanchalik joylashib qolganini aniqlashtirdik. Bunda o'quvchilarga bir qancha ruscha so'zlar berildi va ularni o'zbek tilida o'z nutqlarida qanday ishlatishlari haqida so'raldi. Quyidagi so'zlar: Чайный сода, регулятор кислотности, обед, ужин, свежее мороженое, свежий воздух, пробки в дорогах, блокнот; Olingan javoblarni quyidagi jadvalga joyladik (javob yozilmagan o'rinlarni istesno qildik)

№	Ruscha so'zlar	Ishtirokchilar o'z nutqlarida qaysi leksemalardan foydalanishlari va ularning foizi
1.	Обед	Obed – 36 %, abet –48%, tushlik –10%, peshingi ovqat – 6%;
2.	Ужин	Ujin – 9%, kechki ovqat – 91%;
3.	Чайная сода	Choy sodasi –54 %, chani soda –9 %, choy soda –12 %, soda –21%, oziq-ovqat sodasi 4%;
4.	Регулятор кислотности	Kislota regulyatori –62%, kislotalilik darajasi regulyatori –13%, kislotalilikni tartibga soluvchi –12%, kislota rostlatgichi – 4%, kislotalilikni boshqaruvchi – 9%, ishqorni ta'minlovchi 2%;
5.	Блокнот	Bloknot –%, yon daftar –%, yon daftarcha, daftarcha –%;
6.	Свежее мороженое	Svejij marojniy –8 %, svejij muzqaymoq –26%, yangi muzqaymoq –28%, yangi morojni – 19%, toza muzqaymoq – 7%, yangi yopilgan muzqaymoq – 2%, sof muzqaymoq – 4 %, muzdek muzqaymoq – 6%;
7.	Свежий воздух	Toza havo – 95 %, svejij havo – 5%;
8.	Пробки на дорогах	Ko'chalar triband – 12%, ko'cha probka 86%, ko'cha tiqilinch – 2%

Berilgan javoblardan shu aniq bo'ldiki, hatto rus tilini mukammal bilmaydigan talabalar ham o'z nutqlarida rus tili so'zlarini ishlatishar ekanlar, chunki ko'cha-kuyda, uyda va ishxonada jamoa nutqida bu so'zlar ko'p qaytarilganligi sababli, bu so'zlarni bilib-bilmay o'zbek talabalari ham til tizimlariga kiritganlar. Bu holatlarning paydo bo'lishida avval boshida tizim aybdor bo'lsa, bugungi kunga kelib, jamiyatning o'zi sababchi bo'lmoqda. Bu ham hamma o'rinlarda emas, asosan oziq-ovqatga nisbatan, lekin ob-havoga nisbatan 90% toza havo deb ishlatilishini ko'rib o'tdik.

Свежесть – yangilik, tozalik, softlik, yaxshi saqlanganlik;

свежесть хлеба – nonning yangiligi;

свежесть воды – suvning tozaligi yoki yangi keltirilganligi;

свежесть красок – ranglarning tozaligi (tiniqligi);

свежесть идеи – fikrning yangiligi;

свежесть утра – subhidam salqini;

свежесть ветра – shamolning salqini;

свежесть лица – yuzning (rangning) tozaligi, sog'lom ko'rinish;

он дышит свежестью – u bardam ko'rinadi, uning bardam-baquvvatligi shunday ko'rinib tiribdi;

не первой свежести – unchalik yangi emas, anchagina qolib ketgan; eskiroq; продукт не первой свежести – ko'p turib qolgan oziq-ovqat.[8]

Lug'atda berilgan tarjimadan shu ayon bo'ladiki, СВЕЖЕСТЬ so'zi gap tarkibida qaysi so'z bilan yonma-yon kelishi bilan shu leksemaga mos lug'at tarkibidagi boshqa so'zlarni talab qiladi. Masalan, issiq non – свежий хлеб ma'nosini bersa, issiq muzqaymoq – свежее мороженое ma'nosini bermaydi. Bu holatda muzday muzqaymoq to'g'ri ekvivalent hisoblanadi. Bu tahlillardan ko'rinib turibdiki, uzoq yillar davomida o'zbek-rus xalqlarining yaqin aloqalari natijasi tilda o'z izini qoldirgan. Kishilarning o'zaro muloqotida bir til sathi ikkinchi til sathiga ta'sir o'tkazadi. Interferensiya tilning fonetik sathidan boshlab barcha leksik, grammatik, frazeologik... sathlarigacha ta'sir o'tkazadi. Shuning uchun har bir tilda mukammal muloqot qilish uchun uning har bir sathini mukammal o'rganish zarur.

Shunday ekan, ma'lum bir shaxsning ko'p tilliligini o'rganish uning til o'rganish qobiliyatiga bevosita bog'liq hisoblanadi, jamoa ko'p tilliligi esa hududiy bog'liqlik, davlatlar o'rtasidagi ko'p yillik aloqa, til siyosati, ekstralingvistik faktorlar kabi ko'plab unsurlarga bevosita bog'liq hisoblanadi. Shaxsiy bilingvizmdan farqli o'laroq, jamoaviy ko'p tillilik sharoitida tildagi o'zgarishlar u yoki bu

darajada aloqada bo'lgan tillarning butun lingvistik tizimiga ta'sir qilishi mumkin. Bundan tashqari, bunday farqlar har doim ham ma'lum bir til hamjamiyati a'zolari tomonidan tan olinmaydi. Masalan, fransuz tilida so'zlashadigan Shveysariya aholisi ularning nutqi qo'shni Fransiya aholisining nutqidan farq qilishini bilishi mumkin, ammo bu farqlar aynan *qayerda? nimada?* ekanligini aniq bilmaydilar. Buning sababi shundaki, shaxs tilni hamma bir xilda gapiradigan sharoitda o'rganadi, u yon atrofdagilar nutqiga tayanadi.

**Xulosa va takliflar.** Interferensiyani yuzaga chiqaruvchi omillarni oldini olish uchun nimalarga e'tibor qaratish lozim:

– tillarni o'rganishda har bir til sathiga alohida e'tibor qaratish lozim;

– bilingv yoki trilingv o'z nutqida o'zi sezmag holatda beixtiyor ikkinchi til elementlaridan foydalanishi mumkin;

– “Свежий” so'zi oziq-ovqatga nisbatan ishlatilib, havo leksemasiga nisbatan toza so'zi asosan ishlatilar ekan;

– Til tizimiga o'rnashgan so'zlar jamoaviy interferensiyani keltirib chiqarar ekan;

– Muloqot jarayonida yuzaga kelgan interferensiyalarni targ'ibot ishlari orqali, radio-televideniya sof o'zbek tilida gapiramiz o'yinlarini tashkil etib, ularni rag'batlantirib, og'zaki va yozma nutqni muttanosib shakllantira, interferensiyani oldi olinadi.

Yuqorida ko'rsatilgan xulosalardan o'rinli foydalanarsak, interferensiyani yuzaga chiqishini oldini olish mumkin, lekin butkul interferensiyadan qutilish ko'plab mehnatni talab etadi.

#### ADABIYOTLAR

1. Шухардт, Г. Избранные статьи по языкознанию / Г. Шухардт. – М., 2003. С. 175
2. Остапенко Татьяна Сергеевна. Диссертация. Межъязыковые взаимодействия при комбинированном трилингвизме. Пермь 2019. –С. 68
3. Rasulova Istoda. Fonetik interferensiya va uning til o'rganishdagi salbiy ta'siri. "Интернаука"– №24(153), Москва, 02.07. 2020. 33-bet.
4. Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 1-том, 65-66- б...
5. Kurbanova Farangiz. Interferensiyani vujudga keltiruvchi intralingvistik va ekstralingvistik faktorlar. Fan, ta'lim va amaliyot integratsiyasi. Jild:2/nashr:2/Yanvar 2021/11-12-betlar
6. Jo'rayev Sh. Bilingvizm sharoitida tojik va o'zbek tillarining leksik sathidagi o'zaro aloqalari. –Samarqand, 2018.11-bet.
7. Вайнрайх У. Одноязычие и многоязычие // Новое в лингвистике. -М.: Прогресс, 1972. - Вып. VI. - С. 25 - 80.
8. Русча–ўзбекча луғат II том. 1984. 387-б.
9. Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. — М.: Сов. энциклопедия, 1969.
10. А.Содиқов, А.Абдуазизов, М. Ирискулов. Тилшуносликка кириш.– Т.,1981. –Б. 224.



УДК: 81-11

*Izzatbek REJAPOV,*  
*O'zDJTU, roman-german filologiyasi fakulteti*  
*Ikkinchi chet tili kafedrası o'qituvchisi*  
*E-mail: izzatbekrio@gmail.com*

*O'zDJTU dotsenti, Filologiya fanlari nomzodi, Galieva M.R. taqrizi asosida*

#### NATIONAL AND LINGUOCULTURAL SPECIFICS OF PHRASEOLOGICAL UNITS IN UZBEK AND ENGLISH

Abstract

Linguoculturology, which entered world linguistics in the late twentieth century and became a leading field, is a field that studies the relationship between language and culture. This article describes the relationship of linguoculturology with linguistics and culture, the essence of phraseological units, as well as the analysis of numerological phraseological units in English and Uzbek languages from the linguistic and cultural point of view.

**Key words:** linguoculturology, linguistic meaning, phraseological unit, linguocultureme, symbolism, linguoculturological analysis.

#### O'ZBEK VA INGLIZ TILIDA FRAZEOLIGIK BIRLIKLARNING MILLIY VA LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI

Annotatsiya

Dunyo tilshunosligiga XX asrning oxirlarida kirib kelib, yetakchi yo'nalishlarga aylanib ulgurgan linguokulturologiya til va madaniyatning o'zaro bog'liqligini o'rganuvchi sohadir. Ushbu maqolada linguokulturologiyaning lingvika va madaniyat bilan a'loqasi, frazeologik birliklarning mazmun- mohiyati, shu bilan bir qatorda ingliz va o'zbek tillaridagi numerologik frazeologik birliklarning tilshunoslik va madaniyatshunoslik nuqtai nazaridan tahlili yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** lingvokulturologiya, lingvistik ma'no, frazeologik birlik, lingvokulturema, simbolizm, lingvokulturologik tahlil.

#### НАЦИОНАЛЬНЫЕ И ЛИНГВОКУЛЬТУРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ НА УЗБЕКСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

Аннотация

Лингвокультурология, которая вошла в мировую лингвистику в конце XX века и стала ведущей областью, изучается взаимосвязь между языком и культурой. В статье рассматривается взаимосвязь лингвокультурологии с лингвистикой и культурой, сущность фразеологизмов, а также анализ нумерологических фразеологизмов в английском и узбекском языках с лингвокультурологической точки зрения.

**Ключевые слова:** лингвокультурология, языковое значение, фразеологизм, лингвокультурология, символизм, лингвокультурологический анализ.

The recent rapid pace of globalization and significant changes in different connections that exist between nations and people has again emphasized the importance of linguoculturology. Linguoculturology is a science that emerged at the intersection of linguistic and cultural studies and examines the manifestations of the culture of the people, which are reflected and fixed in the language. As a special field of science, linguoculturology emerged in the 90s of the XX century.

Linguoculturology allows us to establish and explain how one of the fundamental functions of language is carried out — to be a tool for the creation, development, storage and translation of culture. It is a rapidly expanding field at the interface between linguistics, ethnolinguistics and sociolinguistics. However, it has its own integral aspect of studying language and culture. Linguoculturology deals with deep level of semantics of linguistic units, and brings into correlation linguistic meanings and the concepts of universal and national cultures. These ideas traced back to the fundamental works by V.Vorobyev, V.N.Teliya, W.von Humboldt, E.Sapir B.Worf. V.Vorobyev states that it is “an integrated scientific discipline studying correlation and interactions between culture and language in their functioning” (Воробьев, 2008, p.37) V.N.Telia defines Linguoculturology as “a study aimed at investigating and describing the correlation between language and culture in

scope of modern culture national self-consciousness and its sign representation” (Телия ,1996,p 16) . So, language serves not only as a means of communication and main tool of expressing people's thoughts but also it is the accumulation of cultural information. Being a complex system of signs, language is a means of delivering, storing, using and transmitting culture from generation to generation. As W.Humboldt states :” A language being universal form of initial conceptualization the world, can be perceived as a component of culture, or a tool of culture”(cited from Helderich, 2004, p.24).

Among W. Humboldt's followers in the United States there are F.Boas, E. Sapir and B.L.Worf who made a great contribution to the idea of the inseparability of language and culture. Most famous among them , E. Sapir and B.L.Worf, known in history of linguistics as the founders of the theory of linguistic relativity. The core idea of this conception is that language modules people's perception of reality, therefore people who speak different languages see world in different ways. As the main evidence of this the scholars provided a well-known example of Eskimo language which has a lot of words to denote the notion of “snow” (describing the wet snow, the currently falling snow, etc.) while English has only one word “snow”. Therefore, according to some scholars, the perception of “snow” in Eskimo and English linguocultures are quite different. Accordingly, as the scholars assert, foreign

language acquisition opens new perspectives, and world vision ( Sapir, 2012; Whorf, 2013).

In short, it can be outlined that: language and culture inseparably intertwined and the relations between language and culture are very complex and multifaceted. On the one hand, culture is a very inclusive phenomenon and penetrates into almost all aspects of human life influencing languages too. On the other hand, language is a tool of not only communication and cognition, but also of culture which is fixed, stored and transmitted by language.

The main object of Linguoculturology is –culture relevant language units – **linguoculturemes**. Unlike a word, a linguocultureme includes not only linguistic meaning, but also the cultural (non-linguistic) sense. For example, the word **pub** stands for “a public house” (linguistic meaning). But it is of great cultural significance for the English people. In Great Britain pubs serve as places where people gather to relax; some of them spend all their evenings after a hard-working day there in a good company in order to discuss business affairs or political issues in a more comfortable atmosphere.

Russian scholar V. Vorobyov suggested the term “linguoculturemes” to denote culture relevant language units (Vorobyov, 2008). If any word has verbal sign and semantic content, so linguocultureme as a “deep” one, beside these parameters, is accompanied by a cultural sense [Воробьев, 2006:44-45]. That is to say, linguocultureme is a nationally specific unit, which reflects the objects of culture both spiritual and material.

Linguocultureme – is a complex, interlevel language unit, a dialectical unit of both linguistic and extralinguistic factors, the correlation between the form of a verbal sign, its semantic content and cultural sense (Campbell, 2009).

Linguoculturemes can be expressed by various language forms including words, word combinations, text fragments, phraseological units, stylistic devices, syntactical structures and even the whole text. The sources of linguoculturemes can be different in every culture, for example, realia, geographical position, descriptive text, names of famous people, description of place, myths, legends, climate, images, beliefs, food, clothes customs and traditions. Accordingly, linguoculturemes can be presented by non-equivalent lexicon, anthroponyms, mythologemes, phraseological units, paroemia, speech forms of etiquette, image-bearing means, etc. Maslova V. A differentiates 9 types of linguoculturemes:[5]

- 1) Non-equivalent vocabulary;
- 2) Mythological language units;
- 3) The parameological fund of a language;
- 4) Phraseological fund of a language;
- 5) Symbols;stereotypes;
- 6) Metaphors and images of a language;
- 7) Stylistic content of a language;
- 8) Verbal behavior;
- 9) Speech etiquette;

One of the culturally marked units are phraseological units. Phraseological units carry out a very significant and particular function. At present, the researchers aimed at the study of phraseological units as transmitters of cultural information and embodiments of cultural values, etalons, patterns ,symbols have become very topical because Ph.U as has been acknowledged are the most “culture specific and nationally relevant” linguistic units. This idea is emphasized in many works by V.N.Telia (1996), V.G.Gak (2010) M.L Kovshova (2016), etc.

V.N. Telia, the founder of linguacultural approach to the study of phraseological units claims that “phraseology is the mirror where the human’s national and cultural identity is reflected” and Ph.U ... are associated with cultural and

national standards, stereotypes, myths, etc. reflecting the world picture of a certain linguocultural community (Телия 1996,1999). S.G Ter-Minasova, one of the influential scholars in the field of intercultural communication states that” the phraseological layer of the language, being specific for each nation, stores the values, morals, attitudes to the world phenomena, people and other nations. Idioms, proverbs and sayings manifest the way of life as well as geographical position of a nation, the history and traditions of the community united by one culture.” (Ter-Minasova 2008,p.80)

Numerological phraseological units which is the object of this article- in English and Uzbek languages-is considered by us from the position of linguistic and cultural studies. Numerals actively participate in the formation of phraseological units, thereby forming a large layer of numerological phraseological units, and deserve special study.

By the numeral component we mean a part of speech characterized by the designation of abstract numbers or the number of objects and their order in counting, the almost complete absence of categories of gender and number and special forms of declension and word formation, and the ability to combine as a quantitative determinant only with nouns [Rosenthal 2003: 142]. Numerals, becoming components of phraseological units, cease to perform their basic functions and, abstracting themselves, begin to denote either an extremely small or an extremely large number, or have no numerical value at all. In this work, we have adopted the interpretation of A.V. Kunin. Phraseologisms are stable combinations of words with complicated semantics, which are not formed according to generative structural-semantic models of variable combinations [Kunin 1996: 5].

Based on the fact that numbers play a large role in symbolism, expressing ideas-forces in addition to numbers, we turned to cultural studies in order to study in detail the language of symbols and their nature. The main feature of the symbols is that their history goes back to the depths of centuries, to the ' ancient ideas about the universe, to myths and rituals. Myths and rituals in ancient society played an important role, as through rituals and traditions, the natural and social order was maintained, society was modeled, and attempts were made to explain the world, society, and man. The language of symbols is the only universal language invented by mankind, one for all cultures throughout history. Numbers are universal symbols. Universal symbols are a type of symbol in which the connection between a symbol and what it represents is not accidental, but inherent in the symbol itself. Such a symbol can be called universal, because this connection is perceived by all people in the same way. The results of studies of numerals and the interpretation of their symbols reveal striking similarities between numerals and their symbols in different cultures, due to the fact that the symbols go back to the basic feelings and emotions that all people experience. However, the meaning of some symbols may differ in accordance with their different significance as realities in different cultures, since "cultural-linguistic specificity is revealed as a result of the specific action of the language coding process when describing the facts of the surrounding reality, reflecting the specifics of the existential and cognitive models adopted by a particular linguistic community.

Let’s analyse symbolism and cultural senses of phraseological units with number four. The numeral "four" in the phraseological units of the studied languages is more often used in its direct meaning and states the actual number of objects or phenomena, everyday reality or a life event: uz. To’rt kitob - "the four books of life: the Old Testament, the Psalter, the Gospel, the Koran"; eng. four eyes see more than two-ate. ed. "four eyes see more than two"; "one is good, but two are better"; the four seas - " the four seas that wash Great

Britain (meaning the Northern and Irish Seas, the Atlantic Ocean and the English Channel)". Sometimes the numeral "four" in the phraseological units of the compared languages indicates a clearly excessive number of organs of the human body, in this case, the purpose of the numeral is to emphasize the absurdity of what is happening, which leads to a stylistic strengthening of the action: uz. - "listen with all your ears; prick up your ears; keep your ears on top of your head. The people who divided the world into four sides of the world-east, south, west and north, knew the four main winds, the main role was given not to the number "three", but to the number "four": eng. the four corners of the earth (world) — "the four corners of the world, the whole world, the most remote corners of the earth"; uz. To'rt tomoning qibla- "go to all four sides".The Four harmoniously combines such opposite concepts and poles as spirit and matter, movement and rest, and embodies the principles of universal order, integrity,

symmetry, perfect balance, correspondence of internal and external, completeness and solidity. Uz. To'rt muchasi sog'lom-completely healthy. In the phraseology of the English language, the numeral "four" brings to phraseological units the meaning "disgusting, not worthy of trust": a four-letter man - "low-grade type, disgusting subject, scum" a four-letter word - "obscene word, strong word".

Thus, the analysis of the corpus of numerological phraseological units showed that the choice of images in numerological phraseological units are largely determined by stable associations fixed in the minds of native speakers. The numerological phraseological units in the languages we analyzed in this article fully reflected the linguistic personality of different cultures: eastern and Western, revealed the values in their picture of the world, revealing the different and at the same time bringing the two polar different cultures closer through the common values of humanity.

#### REFERENCE

1. A.V. Kunin – “Kurs Frazеologii Sovremennogo Angliyskogo YAзыka” 1996
2. Campbell G. – “The Symbol without Meaning” (2009). p.153
3. Galieva M. R – “Cultural Linguistics” Tashkent, 2019
4. Maslova V.A “Conceptual basics of Modern Linguistics” Moscow, 2019
5. Raxmatullayev Sh – “O'zbek tilining izohli frazeologik lug'ati” – Toshkent, 1978
6. Ter- Minasova S.G – “Voyna i mir yazykov i kultur”, 2008, p 80.
7. Vorobev V.V. Lingvokulturologiya: (Teoriya I Metody). - M.: Izd-Vo Ross. Un-Ta Drujby Narodov, 1997. - 331 S
9. V.N. Teliya, - “Russkaya Frazеologiya” (Semanticheskij, Pragmaticheskij i lingvokulturologicheskij Aspekti), 1996



УДК: 81'373.612.2.

Наргиза СУЯРОВА,

Қарши давлат университети катта ўқитувчиси ф.ф.ф.д., PhD

Филология фанлари доктори, профессор Mengliyev B. R. тақризи остида

### BASES OF LEARNING CONCEPTUAL METAPHOROLOGICAL MEAN

Abstract

Lighting essence conception of learning cognitive metaphor, complicating semasiologic research, has a great importance in complicating lexicographic practice. Because, in order to differ the main and derivative means in explanatory dictionaries. Has importance in opening used styles by genealogical semantic mechanism come into being derivative means. Expressing derivative means, appointing imagination, connect events, gathering events, naming the events will happen on the base of algorithm, watching this process, observe, comparing, finding resemblance separate differs categorization on name will happen on the Base of cognitive scheme.

**Key words:** metaphor, cognitive research, idea, semasiologic research, lexicographic practice, explanatory dictionary, main mean, derivative mean, semantic genealogy, analogy, appointing imagination, connect events.

### ОСНОВИ КОНСЕРТУАЛЬНОГО ИЗУЧЕНИЯ МЕТАФОРИЧЕСКОГО ЗНАЧЕНИЯ

Аннотация

Освещение сущности когнитивного изучения метафоры имеет большое значение при совершенствовании семасиологических лексикографических практик. Так как при дифференциации прямого и переносного значений в толковых словарях возникает необходимость использования метода семантической генеалогизации в целях раскрытия механизмов возникновения производных значений.

Это происходит на основе сходства производных значений конкретности представлений связи явлений обобщения явлений (событий) алгоритмики номинации явлений этот процесс проявляется при рассмотрении наблюдении сравнении в выявлении тождества устранении различий категориальности когнитивной схемы номинации.

**Ключевые слова:** метафора, когнитивное исследование, понятие, семасиологическое исследование, лексикографическая практика, толковый словарь, основное (прямое) значение, переносное значение, семасиологическая генеалогия, тождественность, конкретность представления, связь явлений (событий) номинация,

### МЕТАФОРИК МАЪНОНИ КОНСЕРТУАЛ ЎРГАНИШ АСОСЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада метафорани когнитив ўрганиш тушунчасининг моҳиятини ёритиш, семасиологик тадқиқотларни такомиллаштириш, лексикографик амалиётни мукамаллаштиришда катта аҳамиятга эга эканлиги илмий асослаб берилди. Зеро, изоҳли луғатларда бош ва ҳосила маъноларни фарқлаш, ҳосила маъноларнинг вужудга келиш механизмини семантик шажара усулидан фойдаланилган ҳолда очиш зарурати бор. Ҳосила маънолар ўхшатиш, тасаввурни муайянлаштириш, ҳодисаларни боғлаш, ҳодисаларни умумлаштириш, ҳодисани номлаш алгоритми асосида содир бўлар экан бу жараён кўриш, кузатиш, қисқартириш, ўхшашликларни топиш, фарқларни соқит қилиш, категориялаштириш, номлаш когнитив схемаси асосида кечиши мақола моҳиятида очиб берилди.

**Калит сўзлар:** метафора, когнитив тадқиқ, тушунча, семасиологик тадқиқот, лексикографик амалиёт, изоҳли луғат, бош маъно, ҳосила маъно, семантик шажара, ўхшатиш, тасаввурни муайянлаштириш, ҳодисаларни боғлаш.

**Қирриш.** XX аср дунё тилшунослигида инсонга хос шахсий сифатларнинг тилда акс этиши масаласи лингвокогнитология, лингвокультурология, социолингвистика, прагматлингвистика ва уларнинг қоришувидан иборат социопрагматлингвистика каби илғор фан йўналишларида алоҳида эътибор кучайди. Бу жараён эса тилда инсонга хос белгиларни субстанциал (борлик – онг – лисон) асосларда ҳал қилувчи тилшунослик парадигмаларининг шаклланишига асос бўлди. Жумладан, инсон метафороген қобилиятининг лингвокогнитив табиати, юзага келиш шартлари, таснифи, метафорик маънонинг белги англатиш жиҳатлари ҳақида хулосалар чиқаришда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Жаҳон тилшунослигида тилларнинг лингвомаданий, лингвомаънавий, лингвокоммуникатив муносабатларини ўзида акс эттирувчи семасиология, семантика, семиология, семиотика, метафорология каби масалалар бўйича муайян изланишлар олиб борилмоқда. Қадимги юнонларда метафоранинг психоллингвистик табиати, Европа замонавий тилшунослигида

метафоранинг генератив семантикаси, когнитив функциясига, метафорик маънонинг белги англатиш хоссаси когнитив, лексикографик хусусиятларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбек тилшунослигида тилни миллий тил соҳиблари (шу тилда сўзлашувчилар) билан бирга ижтимоий муҳит, маданият, миллийлик каби омиллар муштараклигида ёритишга, унинг лингвомаданий имкониятлари тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Метафорани тил ва маданият, тил ва мулоқот, тил ва маънавият, тил ва руҳият муштараклигида ўрганиш, ўзбек тилига хос бирликлар мисолида луғавий бирликлар маънавий имкониятларининг лингвистик табиатини очиб бериш, метафоранинг лисоний, когнитив ва лингвомаданий, лексикографик тавсифини бериш тилшунослигимиздаги муҳим вазифалардан биридир.

**-Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Инсон тафаккури билан борлиқни англайди, идрок этади, тили воситасида эса у ҳақда билим

хосил қилади, бу билимни қайта ишлайди – тасниф қилади, системалаштиради, онгда сақлайди ва ундан янги билимларни хосил қилиш учун фойдаланади [Кубрякова 1994, 34]. Инсоннинг когнитив фаолиятида ҳар доим эски ва янги билимлар муносабатга киришади, унинг тафаккури янги анланган ҳодисаларни эски билимлар қолиғига солиб баҳолайди, натижада янги билим вужудга келади. Аслида мутлақ янги билим бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай янги аталмиш билим замирида эски билим ётади. Янги билим эски билим ва янги анланганинг яхлитланишидир. Эски билимга асосланиш янгини эскининг ўхшашлари билан қовуштириш демакдир. Демак, энди аниқроқ айтиш мумкинки, янги билим анланган борлик ҳодисалари билан янгидан анланаётган ҳодисалар орасидаги ўхшашликларни топишасида шакллантирилади. Бусиз янги билим хосил қилиш мумкин эмас. Бу инсон тафаккурининг метафорик механизмини намён қилади. Метафорада тафаккур (инсон) субъект, борлик асос, тил (мавжуд ифода) эса восита бўлиб хизмат қилади.

Метафорани асосий ментал операция, борлиқни билиш, категориялаштириш, концептуаллаштириш, баҳолаш ва тушунтириш усули сифатида тушуниш оммалашган. Аммо бунда метафора тушунчасига аниқлик киритиш керак бўлади. Айтиш лозимки, метафора, аввало ҳосила, қандай операция натижаси бўлишидан қатъи назар, вужудга келган ҳодиса. Демак, метафора – ё ментал операция маҳсули, ёки воситаси. Операция усули эса метафорани хосил қилиш ёки қўллаш жараёнидир. Инсоннинг метафорага муносабати 2 хил:

- метафорани хосил қилиш;
- метафорани қўллаш.

Метафорани қўллаш икки кўринишдан бирида содир бўлиши мумкин:

- тайёр метафорани қўллаш;
- янги метафора хосил қилиш ва қўллаш.

Биринчи ҳолатда метафоранинг қўлланиши субъект томонидан алоҳида тафаккур жараёнини тақозо этмайди. Ҳақиқий ва биз ўрганаётган ментал операция усули деганда метафорани хосил ва қўллаш жараёнини тушунмоқ лозим. Тўғри, тайёр метафорани қўллашда маълум бир ментал операция усули нишонларини кўриш ҳам мумкин. Дейлик, ҳодисанинг бирламчи ва иккиламчи номлари бор. Бирламчи ном унинг асосий номи бўлиб, унинг вазифаси денотация (номлаш)дан бошқа нарса эмас. Масалан, бинонинг ўнг қисми бирикмасидаги ажратилган сўз шундай вазифани бажаради. Бироқ бинонинг ўнг қаноти бирикувида қанот лексемаси иккиламчи ном бўлиб, у номлашдан ташқари функцияларни ҳам бажаради:

- ҳодисаларни ўхшатиш;
- тасаввурни муайянлаштириш;
- ҳодисаларни боғлаш;
- ҳодисаларни умумлаштириш;
- ҳодисани номлаш.

Кўринадики, гарчи метафорик ифода аънаналашган, узуаллашган бўлса-да, бирламчи номга нисбатан унинг қўлланишидаги ўзига хосликларни ҳам кузатиш мумкин. Бу лисоний ёки нутқий, узул ёки окказионал ифода бўлишидан қатъи назар, метафорик қўлланишда айрича ментал операция мавжудлигини кўрсатади. Яратилаётган окказионал метафорик ифодада бу ментал операция анчайин ёрқин тус олади.

Метафоранинг асосий вазифаларидан бири айнанлаштириш (бирлаштириш, яхлитлаштириш ва умумлаштириш) дан иборатдир. Инсон тафаккури чексизлик ва чеклилик сифатларига эга. Шунинг учун метафорада тежамкорлик ва таъсирчанлик тамойиллари бирлашиб кетади. Инсон хотираси ҳар бир ҳодиса учун

алоҳида-алоҳида сўз бўлишига мослашмаган. Бу унинг имконияти чекланганлиги билан боғлиқ. Ана шу чекланганлик тежамкорлик билан боғланади. Хотира ўрни ва қувватини тежашга интилиш эски номлардан унумли фойдаланишни келтириб чиқаради. Бу эса метафорик номлашнинг ҳам аҳамиятини кўрсатади.

Инсон янги ҳодисага дуч келар экан, уни хазинасидаги ҳодисалар билан таққослайди ва улардан янги ҳодисага энг мосини танлайди – айнанлаштириш усулидан фойдаланади. Бу – метафора хосил бўлишининг бевосита биринчи босқичи. Улардаги ўхшашликлар 5ни бўрттириш ва фарқларни эътибордан соқит қилиш, фокус марказига ўхшашликларни олиш – мазкур ментал операциянинг иккинчи босқичи. Учинчи босқич – номлаш жараёнидир. Умуман олганда, ҳар қандай босқич жараён моҳиятига эга. Умумий тадрижий жараённинг нисбатан фарқланувчи “кесма”лари ажратиб олиниб, босқич номи билан юритилади. Жараён узвсиз узлуксизлик, босқич эса узвий узлуклилик моҳиятига эга бўлади. Номлаш умумлаштириш ва яхлитлаштириш – категориялаштиришдир. Категориялаштиришни борлиқда “сочилиб ётган” ҳодисаларни белгилари сирасидаги салмоқдор бўлганлари асосида бирлаштиришдир. Категориялаштириш – метафорик ном хосил қилишнинг умумлаштириш босқичи. Категориялаштириш узвларни боғлаш ва яхлит системага бирлаштиришдир. Демак, метафорик ифода хосил бўлиши умумий жараённинг лисоний босқичи бўлиб, унеча бир неча ментал босқичлар босиб ўтилади:

- кўриш;
- кузатиш;
- қиёслаш;
- ўхшашликларни топиш;
- фарқларни соқит қилиш;
- категориялаштириш;
- номлаш.

Ҳар қандай метафорада эстетиклик ва эмоционаллик мавжуд бўлади. Ана шуниси билан метафорик ифода аънанавий бирламчи ифодалардан фарқланади. Метафоранинг кучи унинг эмоционал ва эстетик кучида кўринади. Эмоционал-эстетик кучига қараб метафоранинг ифодавий таъсирчанлиги, оммалашуви ва яшовчанлиги таъминланади. Ж.Лакофф и М.Жонсон ҳаммуаллифлигидаги “Ўйдошимиз бўлган метафора” [Lakoff, Johnson 1980] мумтоз асариде метафоранинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратилади ва унинг барча издошлари шу ғояни ривожлантирмоқдалар – чуқурлаштириб, кенгайтирмоқдалар. Муаллифларнинг давомчилари метафора замиридаги билимларни икки гуруҳга ажратадилар:

- манба билимлар (source domain);
- мўлжал билимлар (target domain).

Бу билимлар орасида субординатив (бир томонга йўналган) алоқа мавжуд. Яъни эски билимлар янгисига йўналтирилади, бошқача айтганда, эски билим билан янги объект “ўраб олинади”. Бу когнитив жараённинг схемасини шартли равишда қуйидагича бериш мумкин:

Эски билим	ИНСОН	Янги объект
------------	-------	-------------

Эски билим ижтимоий характер касб этган, шунинг учун у рамкага тушган ва мезон бўлиш даражасига етган бўлади. Инсоннинг лисоний тажрибаси янги объектни концептуаллаштиришнинг сифатини белгилайди. Концептуаллаштириш – янги билим хосил қилиш демакдир. Хосил қилинган билим систем-структур моҳият касб этган бўлади. У ана шу моҳиятга эга бўлмагунча концептуаллашган билим ҳисобланмайди.

Мисолларга мурожаат қиламиз. Ўзбек кишида “сабр” ва “тоқат” тушунчалари ҳақида тегишли билим мавжуд. Кўпгина ўзбеклар уларни бирлаштирган, умумлаштирган – категориялаштирган. Бироқ конуептуаллаштира олмаган. Чунки уларнинг бирлаштирувчи белгилари (“чидам”нинг турлари) анлангани ҳолда фарқловчи белгилари аниқланмаган. Бу ҳолат ижтимоий характерга эга. Фикрларимизни далиллаш учун “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги изоҳларга мурожаат қиламиз:

**САБР** [а. – чидам, бардош, ирода, қатъият] 1 Бирор ҳолат ёки ҳодисани бардош билан кутиш, қаноат қилиш; ўзини тийиш. Сабр таги – сариқ олтин. Мақол. Банд деганнинг сабрдан бошқа чораси йўқ. Ҳамза, Танланган асарлар.

2 Ғам-кулфат, азоб-мусибатларга чидаш, тоқат қилиш, бардош бериш. –Осонми, айланай, — Эътибор опа ёстиқни Эъзозхоннинг биқинига суриб қўйди. — Тагин ҳам темир экансиз. Сабрингизга балли, гиргиттон! Ҳ.Ғулом, Машғал. Сабр – инсон иродасининг тожи! — деди Жўраҳон Маждига. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

**Сабр косаси тўлмоқ** Ортиқ чидаш ёки кутишга тоқати қолмаслик, тоқати тоқ бўлмоқ. Халқнинг сабр косаси тўлди. С.Сидёв, Аваз. **Сабр қилмоқ** Тоқат, чидам билан кутмоқ. Сабр қилсанг, гўрадан ҳалво битар, Сабрсизлар ўз оёғидан йитар. Мақол. Замонага қараб, яна тўрт-беш йил сабр қилиш зарур бўлиб қолди. А.Қаҳҳор, Асарлар. **Сабри чидамаслик** Сабр қилолмаслик. Бир оз орқамни ўгириб, индамай ётдим, у ҳам чурқ этмади. Сабрим чидамади, қайрилиб қарадим. Ойдин, Ҳикоялар. Барно йўқ экан, бир оз кутди, келавермагач, ўтиришга сабри чидамай, идордан чиқди. О.Ёқубов, Эр бошига иш тушса (ЎТИЛ, 3.).

Эътибор қилинса, “сабр” ва “тоқат” тушунчалари орасида концептуал умумийлик бор-у, бироқ фарқлар кузатилмади. Акс ҳолда “сабр” тушунчаси изоҳи учун тоқат, чидам билан кутмоқ, тоқати тоқ бўлмоқ, ғам-кулфат, азоб-мусибатларга чидаш, тоқат қилиш, бардош бериш, бардош билан кутиш каби изоҳларни шунчаки бериб бўлмас эди. Энди шу нуқтаи назардан тоқат сўзини кузатамиз:

**ТОҚАТ** [а. – куч, қувват; чидам, бардош, сабр] Чидаш, бардош бериш қобилияти; сабр-бардош, чидам, тўзим. Тоқат билан кутмоқ. Тоқат билан гапига кулоқ солмоқ. Тоқати тугади (битди, тамом бўлди). Сен бўлмасанг, менда тоқат қайдадир, Тоғ чидамас отангнинг фарёдига! “Равшан”. Калит топила бермагач, маҳдумнинг тоқати тугади, чиқиб, кизлар ичидан Раънони чақирди. А.Қодирий, Мехробдан чаён. Отамурод Ҳанифанинг ёзғириши тугадини тоқат билан кутарди. “Ўзбекистон қўриқлари” (ЎТИЛ, 4, 171).

Кузатишлардан маълум бўладики, ўзбек ижтимоий онгида “сабр”, “чидам”, “тоқат”, “бардош” тушунчалари орасида категориаллик мавжуд бўлса-да, концептуаллик старли даражада шаклланмаган. Улар битта концепт сифатида қаралмоқда ва орасидаги денотатив фарқ аниқланмаган – тушунча концептуаллаштирилмаган. Концептуаллаштириш амалга оширилмаганлиги сабабли лексемаларнинг семантик структураси ойдинлашмаган, бу эса лексикографик талқинларнинг ноаниқлигига олиб келади. Ноаниқлик ўзўрнида, лексемаларнинг узул ва окказионал қўлланишларида, метафорик ишлатилишларида ҳам акс этиб кетаверади.

**-Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Метафорологик тадқиқотлар тавсифийликдан тадқиқийлик ва тавсиявийликка ўтиши тилшуносликнинг инновацион ривожланиши йўлидаги муҳим қадамлардан бўлиши тайин. Албатта, тадқиқотларнинг босқичма-босқичлиги табиий жараён.

Аммо бу узвийлик ва узлуксизлик тамойили асосида ташкил этилмоғи лозим.

Категориялаштириш уч босқичда олиб борилади:

- ҳодисаларни категориялаштириш;
- билимларни категориялаштириш;
- тушунчаларни категориялаштириш;
- маъноларни категориялаштириш.

Биринчи ҳолатда бевосита физик ҳодиса билан иш кўрилади. Кейинги барча ҳолатларда образлар билан иш кўрилади. Шу асосда кейинги когнитив структура олдингисига нисбатан борлиқдан кўпроқ узилган бўлса, бир пайтнинг ўзида тилга шунчалик яқинлашган бўлади. Окказионал метафорик структурани ташкил этувчи икки унсур тенг мақомли бўлмайди. Масалан, асос билим тўлиқ категориялашган бўлса, янги билим ўша асосда категориялаштирилади. Демак, уларнинг биринчисини шаклланган когнитив структура десак, иккинчисини шаклланаётган когнитив структура дейиш мумкин. У шаклланаётганлиги сабабли жараён, метафоризация жараёни ҳисобланади.

Асос когнитив структура (шаклланган билим структураси) асосида кўплаб янги, ҳосила когнитив структуралар вужудга келиши мумкин. Масалан, бирламчи ном жуда кўплаб ҳосила ифодалар учун асос бўлиши мумкин. Бу бирламчи номнинг инвариант, бошқа ҳосила номлар эса вариант ифодалар бўлади. умуман олганда, ҳар қандай метафора асос маънонинг кўриниши, тажаллиси, вариантгидир. Буни мисоллар билан далиллаймиз. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ўтмоқ феълининг кўплаб маънолари ажратилган:

- 1 Йўналишли ҳаракат қилмоқ (юрмоқ, учмоқ, оқмоқ ва х.) Ит хураб, қарвон ўтар.
- 2 Ётиқ ҳолатда бўлмоқ. Ер остидан газ қувурлари ўтган.
- 3 Бирор томонга қараб ҳаракатланмоқ Гуллар юзида ханда, бу боғдан ёр ўтдими?
- 4 Қарама-қарши томонда бўлмоқ. Дарёдан ўта бошлади.
- 5 Маълум жой, ўринда мавжуд бўлмоқ. Олдинги қаторга ўтмоқ.
- 6 Иш-фаолият кўрсатаётган жойини ўзгартириб, бошқасига кўчмоқ. Рабфакка ўтмоқ.
- 7 Иш-фаолиятини ёки ундаги усул ва ш.к. ни ўзгартирмоқ, бошқасига кўчмоқ. Конвейер усулига ўтмоқ.
- 8 Ўз жойини ўзгартирмоқ, бирдан бошқасига кўчмоқ. Иккинчи турмага ўтмоқ.
- 9 Эгаликўрни ўзгармоқ. Корхона ихтиёрига ўтмоқ.
- 10 Хусусиятнинг унда ҳам пайдо бўлиши. Ҳоким йигирма беш солдатнинг кучи ўзига ўтиб қолгандек, кучана бошлади.
- 11 Таъсир этмоқ Қалтак ўтмайди.
- 12 Муайян жойдан узоқлашмоқ. Икки-уч қадам нарига ўтмоқ.
- 13 Ўзмоқ. Пойгачилардан ўтмоқ.
- 14 кўчма Устун, юқори бўлмоқ. Бундан ўтадиган юзи қора.
- 15 Иш, ҳаракатни бошлаш. Йўғлашга ўтмоқ.
- 16 Кечмоқ (бирор иш, воқеа, ҳодиса жараёни ҳақида). Кенгаш яхши ўтди.
- 17 Юз бермоқ, бўлиб ўтмоқ; кечмоқ. .мендан хато ўтди.
- 18 Кейинда қолмоқ. Йиллар ўтди.
- 19 Шахснинг шу ёшга қадам кўйиши. Олти (ёш)га ўтди.
- 20 Умрнинг кечиши Ёшим қирққа етди.
- 21 Барҳам топмоқ. Бўрон ўтди.
- 22 Бирор иш (мансаб, ташкилот ва х.) га қирмоқ

Партияга ўтмоқ.

23 Харид қилинмоқ, сотилмоқ. Бу матолар яхши ўтмаяпти.

24 Бирор масалани ўқи(т)моқ. Фузулийни ҳам ўтганман(ЎТИЛ, 5, 190)

Жами йигиртма тўртта маънодан фақат биттаси кўчма маъно эканлиги айtilган (14). Демак, бундан ҳосила маъно битта, қолганлари бош маъно деган фикр уйғонади. Ҳолбуки, ҳар қандай ҳолатда ҳам асос битта бўлади ва қолганлари унинг бевосита ёки билвосита ҳосилалари саналади.

#### -Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Маъноларни умумлаштириш кўчма маъноларни, уларнинг турларини, хусусан, метафорик маъноларни ойдинлаштиришга олиб келади. Аслида юқорида келтирилган изоҳдан олинганқуйидаги 6 та маъно моҳиятан бир хил: 1 Йўналишли ҳаракат қилмоқ (юрмоқ, учмоқ, оқмоқ ва х.) Ит хурар, қарвон ўтар. 3

Бирор томонга қараб ҳаракатланмоқ Гуллар юзида ханда, бу боғдан ёр ўтдими? 4 Қарама-қарши томонда бўлмоқ. Дарёдан ўта бошлади. 5

Маълум жой, ўринда мавжуд бўлмоқ. Олдинги қаторга ўтмоқ. 12 Муайян жойдан узоклашмоқ. Икки-уч қадам нарига ўтмоқ. 13 Ўзмоқ. Пойгачилардан ўтмоқ. Изоҳланган маъноларнинг аслида бир хиллигини асослаш учун маъноларга берилган иллюстратив мисолларни қисқайтириш: қарвон ўтар, ёр ўтдими, дарёдан ўтмоқ, олдинги қаторга ўтмоқ, нарига ўтмоқ, пойгачилардан ўтмоқ. Мисолларнинг бирортасида ўтмоқ феъли на семантик жиҳатдан, на валентик жиҳатидан фарқланади. Фақат айна шу гапларда воқеланган нутқий бирикувчилар мос келмайди, ҳолос. Агар улар ҳам мослаштирилса (яъни бирида тўлдирилган валентик бошқасига ҳам олиб ўтилса), мавжуд жузъий фарқлар ҳам ўз-ўзидан барҳам топади. Қўринадики, қолган 18 та маънодан биттасининг “кўчма маъно” белгиси билан берилиши бошқаларининг кўчма эмаслигини кўрсатади. Бу эса, нафақат метафорик, балки, умуман, кўчма маъноларни аниқлаш учун ҳам концептуал асосларнинг етарли эмаслигидан далолат беради. Ҳолбуки, когнитив ўрганиш семасиологик талкинларнинг, семасиологик талкинлар эса, айtilганидек, лексикографик талкинларнинг адекватлигини таъминлашга хизмат қилади. Бизнингча, 18 та маънонинг барчасини ҳосила (кўчма) маънолар сифатида бериш мақсадга мувофиқ. Уларнинг асос-ҳосилавийлигини аниқлаш маъноларни категориялаштиришнинг навбатдаги босқичида амалга оширилади. Бунда асос ҳосилавийликнинг мураккаблиги шундаки, ҳосила маънолардан фақат биттаси асос маъно билан бевосита боғланиши, қолганлари эса у орқали ёки

бошқалари воситасида асосига дахлдор бўлиши мумкин. Бу эса кўчма маънонинг кўчиши, метафора асосида шаклланган метафорик маъно, яъни сабаб-метафора ва оқибат-метафора ҳақида ҳукм чиқариш имконини беради. Семантик шажара фарази ана шу муаммо ечими учун хизмат қилади ва метафорик феномени тадқиқ қилувчи қатор ёндашувларни тўлдиради ва такомиллаштиради. Хусусан, концептуал метафорнинг классик назарияси [Lakoff, Johnson 1980], концептуал интеграция назарияси [Turner, Fauconnier 1995, 2000], бирламчи метафора назарияси [Grady 1997; Grady 1996], метафоранинг когерент модели метафорик талкиннинг коннектив назарияси [Spellman 1993], [Ritchie 2003, 2004], метафоранинг дескриптор назарияси [Баранов, Қараулов 1994; Баранов 2003], метафорик моделлаштириш назарияси [Чудинов 2001, 2003] ва бошқа ёндашувлар учун тўлдирувчилик мақомида бўлади. Зеро, метафорага ёндашувлар қанчалик кўп ва ранг-баранг бўлмасин, улар ҳануз бундай мураккаб ментал жараённинг моҳиятини тўла-тўқис очиб беришга мушарраф бўлганича йўқ. Бинобарин, бу ёндашувларнинг ҳар бир серқирра моҳият бўлган метафоранинг фақат бир жиҳатини очишга хизмат қилади ва комплекс тадқиқни даъво қилмайди. Масалан, тадқиқотчи А.Мусолф ўз ишларида асос ва ҳосила муносабатини сабаб-оқибат диалектикаси асосида тушунтириш лозимлигини уқтиради ва ҳодисанинг детерминистик қиррасига эътиборни қаратади [Musolff 2004, 2006]. Й.Зинкен [Zinken 2002, 2003] борлиқни метафорик идрок этиш учун инсоннинг сенсомтор тажрибаси қиймати муҳимлигини таъкидлаб, маданий, тарихий тажриба ушбу ментал жараёнда катта роль ўйнашини асослайди. И.Хеллстен умумий структур метафора, тарихий метафора заминидан янги метафора вужудга келишини ўрганади [Hellsten, 1997]. Масалан, тарихий шахс ва воқелик номларининг янги давр воқеликлари, сиёсий, ижтимоий ҳодисаларга татбиқ қилинишида ана шу “general structural metaphors” ва “historical metaphors” заминидан вужудга келган замонавий метафорани кўради. Бундай метафораларнинг аксарияти афоризмлар, қанотли сўзлар сифатида тилдан тилга, арздоддан авлодга кўчиб юради. Масалан, Абдулла Риповнинг “тунислик бола”, “ватерлоо” ифодалари ўзида юқоридаги икки структурани бирлаштирган ҳолда ифодани вужудга келтиради.

-Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations). Қўринадики, метафорани когнитив ўрганиш тарихий ва структур талкинлар билан омикталашсагина, лексикографик ва таълимий амалиёт учун катта аҳамият касб этади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Grady J. Theories are buildings revisited // *Cognitive Linguistics*. 1997. Vol. 8(4).
2. Grady J., Taub S., Morgan S. Primitive and compound metaphors // *Conceptual structure, discourse and language* / Ed. A. Goldberg. Stanford, 1996.
3. Hellsten I. Door to Europe or Outpost Towards Russia? Political metaphors in Finnish EU journalism // *Journalism at the Crossroads: Perspectives on Research* / Ed. J. Koivisto, E. Lauk. Tartu, 1997.
4. Lakoff G. The Invariance Hypothesis: Is Abstract Reason Based on Image Schemata? // *Cognitive Linguistics*. 1990. Vol. 1(1).
5. Lakoff G., Johnson M. *Metaphors We Live by*. Chicago, 1980.
6. Musolff A. *Metaphor and Political Discourse. Analogical Reasoning in Debates about Europe*. Basingstoke, 2004.
7. Musolff A. Metaphor Scenarios in Public Discourse // *Metaphor and Symbol*. 2006. № 1. Vol. 21. Paris R. Kosovo and the Metaphor War // *Political Science Quarterly*. 2002. № 3. Vol. 117.
8. Ritchie D. «Argument is war» – Or is it a Game of Chess? Multiple Meanings in the Analysis of Implicit Metaphors // *Metaphor and Symbol*. 2003. № 2. Vol. 18. Ritchie D. Common Ground in Metaphor Theory: Continuing the Conversation // *Metaphor and Symbol*. 2004. № 3. Vol. 19.
9. Spellman B., Ullman J., Holyoak K. A Coherence Model of Cognitive Consistency: Dynamics of Attitude Change During The Persian Gulf War // *Journal of Social Issues*. 1993. Vol. 49.
10. Turner M, Fauconnier G. Conceptual Integration and Formal Expression // *Metaphor and Symbolic Activity*. 1995. № 3.



UDK: 811.512.133'36

*Muqaddas TOJIBOYEVA,*  
Andijon davlat universiteti dotsenti, f.f.d.  
E-mail: m.tojiboyeva71@gmail.com  
*Ma'mura MADAMINOVA,*  
Andijon davlat universiteti mustaqil-tadqiqotchi  
E-mail: mamuramadaminova096@gmail.com

FarDU professori, fil.fanlari doktori Akbarali Sabirdinov taqrizi asosida

### “TARIXI FARG‘ONA” ASARIDA MUMTOZ NASR AN‘ANALARI

Annotatsiya

“Boburnoma” milliy adabiyotda tarixiy-badiiy nasrning yuksak namunasi sifatida e’tirof etilgan. Asardagi tarixiy voqealarning badiiy tasviriy unsurlar vositasida ifodalanishi jihatidan XX asr boshlarida yaratilgan “Tarixi Farg‘ona” asariga ham o‘z ta’sirini o‘tkazgan.

**Kalit so‘zlar:** “Boburnoma”, “Tarixiy Farg‘ona”, mumtoz nasr, ijtimoiy-siyosiy, adabiy-ma’rifiy hayot, tarixiy asar, an’anaviylik.

### IN THE WORK "HISTORY OF FERGANA" TRADITIONS OF CLASSIC PROSE

Annotation

"Boburnoma" is recognized in the national literature as a great example of historical and artistic prose. He also influenced the work "History of Fergana", created in the early twentieth century, in terms of the representation of historical events in the work through artistic elements.

**Key words:** "Boburnoma", "Historical Fergana", classical prose, socio-political, literary and educational life, historical works, traditions.

### ТРАДИЦИОННЫЕ КЛАССИЧЕСКАЯ ПРОЗА В «ИСТОРИИ ФЕРГАНЫ»

Аннотация

«Бобурнома» признана в отечественной литературе прекрасным образцом исторической и художественной прозы. Он также оказал влияние на произведение «История Ферганы», созданное в начале двадцатого века, с точки зрения изображения исторических событий в произведении через художественные элементы.

**Ключевые слова:** «Бобурнома», «Историческая Фергана», классическая проза, общественно-политическая, литературно-просветительская жизнь, исторические произведения, традиции.

**Kirish.** XX asr o‘zbek adabiyoti nasridagi mumtoz an‘analarga sadoqat, avvalo, asarlarning mavzu va mundarijasida ko‘zga tashlanadi. Xususan, jadid adabiyoti namoyondasi Is‘hoqxon Ibrat “Tarixi Farg‘ona” asarida davrning ijtimoiy-siyosiy, adabiy-ma’rifiy hayoti bilan bog‘liq voqealar bayonini aks ettirishga qo‘l urar ekan, qadim muarrixlar tomonidan yozilgan tarixiy asarlarga tanqidiy munosabat bildirib, “*Tarixni islom muarrixlari aksariyat ila hamma tarixlari umaroiy bo‘lub, jug‘rofiy, madaniy yoki sanoiy bo‘lmay, faqat xonlarning urushlari birla ado qiladurlar*” [4,3-4] degan xulosaga keladi. Ya’ni tarixiy voqeliklarni epik bayonini yaratishda salaflar an‘analaridan foydalanish zaruratini his qiladi. Shuningdek, “Boburnoma” milliy adabiyotda mumtoz tarixiy-badiiy nasrning yuksak namunasi sifatida XX asr boshlarida yaratilgan asarlarga, xususan, Ibratning tarixiy asarlari uchun ham asosiy tayanch asar bo‘ldi.

Ibrat “Tarixi Farg‘ona”da voqealarni real tasvirlash bilan bir qatorda, Farg‘ona vodiysi, undagi shahar va qishloqlar haqida etnografik va geografik ma’lumotlar, shuningdek, davrning ijtimoiy-siyosiy hayoti bilan bog‘liq muayyan g‘oyani ifoda qiluvchi mazmunni topib, aniq uslubda tasvirlay olgani bilan xarakterlanadi. Epik tasvirning mumtoz nasrga xos belgilari saqlangani tufayli asardagi tarixiy shaxslar yorqin obraz darajasiga ko‘tariladi va realistik mohiyat kasb etadi.

“Boburnoma”da boshqa mumtoz asarlar singari maxsus debocha qism yo‘q. Asarda bayon etilayotgan

voqealar to‘g‘ridan to‘g‘ri Boburning o‘n ikki yoshda taxtga o‘tirganlik voqealari bilan boshlanadi: *Tengri taoloning inoyati bilan va hazrati on Sarvari koinotning shifoati bilan va chahoryori bosafolarning himmati bilan seshanba kuni ramazon oyining beshida tarix sakkiz yuz to‘qson to‘qquzda Far‘g‘ona viloyatinda o‘n ikki yoshda podshoh bo‘ldim* [1,3]

Ibratning “Tarixi Farg‘ona” asari esa alohida boshlanma – an’anaviy basmala bilan yozilgan. Unda yozuvchi Allohga, payg‘ambarimiz Muhammad (s.a.v.)ga va chahoryorlarga hamd, na’t, madh o‘qiydi va shundan keyingina asarning yozilish sababini keltiradi: *Hosil ul-kalom al-muddao va-l-marom inson ancha-muncha baqadri ilm bashariyat tavorixidan bilmak lobul o‘lmoqi ma‘lumdur. Loaqal kishi o‘z mutavattin yerini bilmak zaruriyatdandir. Bilmasa, tafosir va ahodislarga va tavorixlarda mubayyindir: ko‘rmak va bilmak ilmdandir...*[5,200] Ya’ni Ibrat ushbu asarni yozishdan asosiy maqsadi o‘zi istiqomat qilib turgan hududning tarixini bilish va kelgusi avlodlarga shu ma’lumotlarni yodnoma sifatida qoldirish ekanini aytib o‘tadi. “Tarixi Farg‘ona” asari ma’lum maqsadda yozilgan tarixiy-badiiy asar bo‘lsa, “Boburnoma” dastlab Boburning shoh va sarkarda sifatida o‘zining boshdan kechirgan voqealar tafsiloti uchun maxsus kundalik tarzida yaratilgan qomusiy yodgorlik edi.

**Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review).** “Boburnoma”da voqealar “Vaqoeyi sanayi tis’a mia” (hijriy to‘qqiz yuzinchi, milodiy 1494–1495), “Vaqoeyi sanayi ihdo va tis’a mia” (hijriy to‘qqiz yuz birinchi, milodiy 1495–

1496), “Vaqoeyi sanayi isno va tis’a mia” hijriy to’qquz yuz ikkinchi, milodiy 1496–1497), “Vaqoeyi sanayi salos va tis’a mia” (hijriy to’qquz yuz uchinchi, milodiy 1497–1498)... kabi yilma-yil, xronologik tartibda bayon etilishi “Tarixi Farg’ona”da ham saqlangan. Ya’ni Qo’qonda xonlarning hukmronlik davrlari “Asri Norbo’taxon” (1763–1798), “Asri Olimxon ibn Norbo’taxon” (1798–1810), “Asri Umarxon jannatmakon ibn Norbo’taxon”(1810–1822), “Tarixi vafoti Umarxon va julusi Muhammad Alixon”(1822), “Asri Muhammad Alixon ibn Umarxon”(1822–1841), “Murodixon ibn Olimxon”(1845), “Xudoyorxon ibn Sheralixon” (1845–1875) kabi voqealarning ketma-ketligi saqlangan holda bayon etiladi” [7,93].

“Boburnoma”ning katta-katta boblarida yo’l xotiralari bilan bog’liq voqealar ayrim o’rinlarda kundalik tarzda, ayrim o’rinlarda ocherk shaklida bayon qilinadi”[8,201]. “Tarixi Farg’ona” asarida ham voqealar bayoni Farg’ona viloyatining tavsifini berish bilan boshlanadi. Bobur asarida Farg’ona viloyati ta’rifi uning beshinchi iqlimdanligi haqidagi ma’lumot bilan boshlanadi: *Farg’ona viloyati beshinchi iqlimdir...*

- **Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology).** Ma’lumki, “Boburnoma”da tilga olingan har bir mamlakat, viloyat, shahar yoki qishloq yetti iqlimning birida joylashganligi aytiladi, ya’ni Bobur biror geografik joyga ta’rif-u tavsif berishdan oldin, avvalo, uning nechanchi iqlimda joylashganini belgilab olgan. Ibrat esa Farg’ona shahrining kelib chiqish tarixi va uni kimlar barpo qilganligi haqidagi fikrlar bilan hudud izohiga yarangcha tarzda yondashadi: *... bu bizni mutavvattin bo’lub turgan Turkiston muzofotida Farg’ona deb mashhur va bu lafz ilan mazkurdir... Farg’ona bir shahri qadim va aholiyi nadimdirki, avvali Iskandari Rumiyan va Kubod va Afrosiyobdan qolgandir...* Demak, Farg’ona degan nom bilan mashhur bo’lgan ushbu viloyat tarixi uzoq yillarga daxldor bo’lib, bu joy nomlari tarix zarvaraqalarida tilga olingan buyuk shohlar: Iskandar va Afrosiyoblardan qolgandir, ya’ni ular zamonida barpo etilgan. Is’hoqxon Ibrat ushbu asarni yozishdan avval hudud tarixi bayon qilingan o’zigacha bo’lgan ko’plab asarlar bilan tanishib chiqadi. Har bir parchadan avval uning manbasi keltiriladi, zid fikrlar ketma-ketligi, yakunida esa Ibratning xulosasi beriladi: *Iskandari Rumiya Aksoi sharifga zulumatga borgan vaqtlarida Farg’ona Bahodir degan umarolaridan birini qo’yib ketib, ul kishi obod qilgan ekan... Ammoki, “Ravzat us-safo”da No’shiravon otasi Kubod podshoh vaqti vafotiga yaqin Turkiston mamlakatining No’shiravon o’g’liga tayin qilib, Farg’onani aksar joylarini ul obod qilg’on ekon. Va ba’zi vaqtlarda Axsikent poytaxti bo’lg’on ekon... Ushbu ma’lumotlarga ko’ra Farg’ona viloyati Iskandarshohning umarolaridan hisoblangan Farg’ona bahodir ismli shaxs tomonidan bino qilingan, lekin yana bir tarixiy manba (“Ravzat us-safo”)da Farg’onaning aksar joylari No’shirvon tomonidan obod qilinganligi qayd etiladi. Yakun qismida Ibrat: “Barharhol bu Farg’ona Qubod, No’shiravon, Afrosiyob va Iskandarlardan qolg’on eski shaharligi ma’lum bo’ladir”[6,230] deya o’z xulosasini keltiradi.*

- **Tahlil va natijalar (Analysis and results).** Bu ikki asardagi tasvir Farg’ona viloyatining XV va XIX-XX asrlardagi geografik o’rnini ko’z oldimizda to’laligicha gavdalantiradi. “Boburnoma”da Farg’ona quyidagicha tavsiflangan:

- geografik joylashuvi: *Ma’muraning kanorasida voqe’ bo’lubtur.* Ma’mura – ekin bitadigan obod yer, kanora – chet, chekka, ya’ni Farg’ona viloyati ekin bituvchi obod yer (Movorounnahr)ning chekka qismida joylashgan;

- chegaralari: *Sharqi Koshg’ar, g’arbi Samarqand, janubi Badaxshonning sarhadi tog’lar;*

- tarkibidagi shaharlari: *...shimolida agarchi burun shahrlar bor ekandur, misli: Olmoliq va Olmotu va Yangi kim, kutublarda Tarozkent deb bitirlar.* Hududning shimol

tomonida avvaldan shaharlar mavjudligi yozilgan, bular Olmoliq, Olmota va kitoblarda Tarozkent nomi bilan yuritiluvchi yangi shaharlardir. *Yeti pora qasabasi bor; beshi sayhun suyining janub tarafida, ikki shimoli jonibta...* Bundan tashqari, Farg’ona tarkibida yetti shaharcha (qasaba) mavjudligi, ularning beshitasi Sayhun suyining janubida, qolgan ikkitasi shimol tomonda ekanligi haqidagi ma’lumotlar ham keltirilgan;

- viloyatning tuzilish tarkibi: *Muxtasar* (ya’ni ixcham, katta bo’lmagan) *viloyattur. Girdo-girdi tog’ voqe’ bo’lubtur* - Viloyatning aylanasi tog’ bilan o’ralgandir. *G’arbiy tarafidakim, Samarqand va Xo’jand bo’lg’ay, tog’ yo’qtur* - Faqatgina g’arb tomonda tog’ yo’q, Samarqand hamda Xo’jand shaharlari bor. *Ushbu jonibtin o’zga hech jonibtin qish yog’iy kela olmas,* shu sababli ham dushman bostirib kirmoqchi bo’lsa, aynan shu g’arb tomondan kirgan, boshqa tomonlarda tog’ bo’lgani bois u tomonlardan hatto dushmanlar ham kira olmagan;

- daryolari: *Sayhun daryosikim, Xo’jand suyig’a mashhurdur, sharq va shimoliy tarafidin kelib, bu viloyatning ichi birla o’tub, g’arb sori oqar, Xo’jandning shimoli Fanokatning janubi tarafidinkim, holo Shoxruhiyag’a mashhurdur, o’tub yana shimolg’a mayl qilib, Turkiston sori borur. Turkistondin xeyli quyiroq bu daryo tamom qumg’a singlar, hech daryog’a qotilmas.* Bobur asarlari izohli lug’atda keltirilishicha, bu yerda tilga olingan *mashhur* so’zi aslida “mashg’ul”, ya’ni “ishg’ol etilgan joy” degan ma’noda berilgan. Demak, Sirdaryo Xo’jand shahri tarkibida bo’lib, bu daryo Xo’jandning shimol tarafidan kelib, viloyat ichi bilan o’tadi va g’arb tomon – Turkistonga qarab oqadi. Turkistondan sal quyiroq joyda qumga singadi, hech bir daryoga qo’shilmaydi.

Ibrat ham tavsif jarayonida xuddi Bobur kabi Farg’onaning o’sha davrdagi hududi, geografik o’rni, shaharlari, aholisi haqida ma’lumot bergan. Shuningdek, muallif hududning kelib chiqish tarixi: kimlar barpo qilganligi, nega bu nom bilan atalgani, ya’ni nomning etimologiyasi, undagi bog’lar, suvlar, mozorlar haqida ham fikr yuritgan. Ibrat Farg’ona viloyatining geografik joylashuvini quyidagicha tasvirlaydi:

- Chegaradosh hududlari: *Farg’ona gubernasi shimoli-sharqiy tarafidan Samarchin, shimoli-g’arbiy tarafidin Sirdaryo yoki Turkiston, g’arbi-janub tarafidin Buxoro xonligi mahkumi topoyir. Ya’ni Sharq’on hukumati mustaqalasiga muttasildir. Janubi-sharqi Ching’a tobe’ Turkistoni Sharqiy, eski Qoshg’ar mahkumig’a muttasildir.* Ushbu parchada Farg’ona viloyatining XIX asrdagi siyosiy holatiga ishora qilinadi. Ya’nikim, guberniya shimol-sharq tarafidan Buxoro xonligiga mahkum - tobedir. Janubi-sharqi esa Sharqiy Turkiston - eski Qoshg’ar hukmiga bo’ysungan.

- Aholisi: *Farg’ona aholisi aksariyatda o’zbek, sort, tojik, qoraqalpoq, qipchoq tog’ taraflarinda... qirg’iz – yerli xalqlar bulardin iboratdur. Aqliyat ila ajnabalar tijorat ila muhtalidir. Bulardin juhud, hindi, arman, pirsion, gurz in va bo’lak xalqlar aqliyatdadurlar* [5,280]. Ibrat hududni ta’riflash bilan bir qatorda, undagi aholi haqida ham anchayin ma’lumot bergan. Uning yozishicha, Farg’ona aholisi o’zbek, tojik, sort, qoraqalpoq, qipchoq, qirg’iz - jamiyki yerli xalqlardan iboratdir. Aqliyat (aslida ahliyat - aholisi) va ajnaba (o’zga millat, o’zga din vakillari) savdo-sotiq bilan shug’ullangan. Bulardan juhud, hind, arman, fors, gurz in va boshqa xalqlar aholisidandirlar.

Bobur va Ibratning tarjimaiy holiga nazar solsak, voqean, ularning har ikkisi ham Farg’ona vodiysida tavallud topgan. Bobur hazratlari Andijon, Ibrat domla esa Namangan farzandi. Tarixdan ma’lumki, XV-XVIII asrlarda Farg’ona vodiysining asosiy markazi Andijon viloyati bo’lgan. Shu sababli har ikkala tarixiy asarda Andijon tasviri batafsil keltirilgan. Xususan, “Boburnoma”da: *...Janubiy tarafidagi*

qasabalaridan biri Andijondurkim, vasatta voqe' bo'lubtur. Farg'ona viloyatining poytaxtidur. Oshlig'i vofir, mevasi farovon, qovun va uzumi yaxshi bo'lur. Qovun mahalida poliz boshida qovun sotmoq rasm emas. Movorounnahrda Samarqand va Kesh qo'rg'onidin so'ngra mundin ulug'roq qo'rg'on yo'qtur. Ya'ni yozuvchi Movorounnahr muzofotida ham hudud, ham mashhurlik jihatidan Samarqand-u Kesh qo'rg'onidan so'ng Andijonchalik ulug'rog'i bo'lmaganligiga alohida urg'u beradi. Uch darvozasi bor. Arki janub tarafida voqe' bo'lubtur. Demak, Bobur zamonasida qal'aning uch darvozasi bo'lgan. Markaz esa janub tarafda joylashgan. Bobur Andijonni yoritish jarayonida qiziqarli ma'lumotlarni ham beradi: *To'qquz tarnov suv kirar. Bu ajabturkim, bir yerdin ham chiqmas. Qal'aning girdo-girdi tamom mahollotdir. Ovi qushi dog'i ko'p bo'lur, qirg'ovuli behad semiz bo'lur. Andoq rivoyat qildilarkim, bir qirg'ovulni uskunasini to'rt kishi yeb tugata olmaydur* – Andijonda meva-yu sabzavotlar bilan bir qatorda ov qushlari ham behad serob bo'lgan. Ovlanuvchi qushlardan biri qirg'ovul – tustovuq, juda semiz bo'lganidan, rivoyat qilishlaricha, birgina qirg'ovulni to'rt kishi yeb tugata olmaganligi aytiladi. Bobur Andijon xalqi haqida: *Eli turkdur. Shahr va bozorisida turki bilmas kishi yo'qtur*, deb yozadi. *Elining lafzi qalam bila rosttur*, deya elining tili adabiy so'zlashuv uslubiga yaqinligini qayd etadi, chunki XV asrda adabiy til uchun grammatik jihatdan aynan Andijon shevasi asos bo'lgan. *Ani uchunkim, Mir Alisher Navoiyning musannafoti Hiriya nash'u namo topibtur, bu til biladur* - Alisher Navoiyning she'riy asarlari Hirotda mashhur bo'lishi ham shu til bilandir. *Elining orasida husn xeyli bordur*, ya'ni elining orasida mahoratli san'atkor kishilar bor. *Yusuf Xojakim musiqida mashhurdir. Andijoniydir* [2, 3-19]. Ulardan biri Yusuf Xoja hisoblanib, taxallusi Andijoniydir. *Havosining ufunati bor. Kuzlar el bezgak ko'p bo'lur*, demak, havosining dimligi bor, kuz faslida aholi ko'p bezgak bilan og'riydi. Bobur tasvirida hududning barcha jihatlarini aniq va tushunarli bayon etgan, ammo negadir o'z asarida boshqa joy nomlari tarixini bersa-da, ona yurti Andijon nomining kelib chiqish tarixini yoritmagan.

Boburdan to'rt asr keyin yashab ijod qilgan Ibrat esa aynan shu jihatga e'tibor qaratgan holda Andijon toponimikasining etimologiyasiga shunday izoh beradi: *Andijon lafzi asli Andigon bo'lsa kerak. Bu Forsistondan qo'shulg'ondur... forsiyda "-gon" – "-lar" o'rnida "mardigon" ya'ni, "mardlar" degandek, "Andigon" – "andilar" degan so'z. Ibrat domla forsiy tilni yaxshi bilganliklari uchun ham nom tarkibidagi "-gon" qo'shimchasi forsiy tildan kirganligi, ko'plik formasi (-lar)ni ifodalashi, xuddiki "mardigon – mardlar" deyilgani kabi "andigon – andilar" ma'nosida qo'llanganligini to'g'ri anglaydi. "Andi"deb turk urug'ining o'zbeklarini aytur. Bul ham forsiylar tarafidin aytilg'on bo'lub, asli Andijon forsiylar, ya'ni eroniylar qo'liga o'tmasdan avval ham bor edi... - Andijon shahri eroniylar qo'liga o'tmasdan avval ham bo'lgan. O'g'uzxon zamonida ham Andijon shahar ekan. Bu ism ila mashhur ekan... - Hatto O'g'uzxon zamonida ham Andijon shahar bo'lgan va shu nom bilan mashhur bo'lgan. Ammoki Andijonni(ng) qaysi podshohni(ng) binosi ekanligiga*

*mo'tamad tarix va ma'lumotimiz bo'lmagan bul tarixlarga iqtifo qilindi* – Ammo Andijon qaysi podshoh tomonidan qurilgani noma'lum bo'lgani bois ushbu ta'rif keltirildi. *Tarixi "Qutadg'u"dan mustafod bo'lurki, Andijon to'rt ming yil muqaddam, ya'ni O'g'uzxon vaqtida shahar bo'lsa, andin avval ham obodon shahar ekan. Ya'ni "Qutadg'u bilig" asarida yozilishicha, ushbu shahar to'rt ming yil muqaddam, ya'ni O'g'uzxon zamonida shahar bo'lgan bo'lsa, undan avval ham obod shahar sanalgan. O'g'uzxon hazrati Nuh alayhissalomni(ng) to'qquzunchi o'g'ullaridur. Valxosilki, Andijon Farg'ona shaharlari ichida eng avvalgi va qadimiydur. Yuqorida tilga olingan O'g'uzxon Nuh (a.s.)ning to'qqizinchi o'gillari sanaladi. Shundan fikr qilish mumkinki, Andijon Farg'ona shaharlari ichida eng avvalgi va qadimiysidir. Andin Afrosiyob vaqtiga kelganda, Afrosiyob Turon podshohi bo'lub, Andijonni poytaxt qilib, Ko'nikdar shahridan goho Toshkand, goho Andijon kelur erkan... - O'g'uzxondan so'ng bu shahar Turon shohi Afrosiyob zamoniga kelganda poytaxt deb e'lon qilinadi, markazlashgan hududga aylantiriladi. Tarixlarda yozib qoldirilgan ma'lumotlarga ko'ra, Afrosiyobning o'zi o'z arkidan bir Toshkentga, bir Andijonga kelib turgan... Qariyalar so'zidurki, Andijon asli O'dinajondur. O'dinajon – Afrosiyobni(ng) qizidurki, anga o'rda va bog' bino qilib berib, aning ismiga tasmiya qilib edi. O'dinajonni tilda buzub, ag'lotti avom ila Andijon qilgan, delar... Parchadagi ma'lumot Andijonning asl nomi O'dinajon bo'lganligini tasdiqlaydi. Bu nom berilishining sababi esa Afrosiyobning qizi sharafiga Andijon hududida O'rda hamda bog' barpo etilgani va uning ismiga tazmin berib, O'dinajon deyilgani haqida yozar ekan, shahar aholisi bu nomni buzib aytishi natijasida O'dinajon Andijonga aylanganligini bildiradi.*

Ko'rinib turibdiki, ushbu parchada Andijonning etnik kelib chiqish tarixi, nomlanish sabablari, shaharni barpo etgan hukmdorlar-u ularning hudud rivoji uchun qo'shgan xissalari haqida so'z boradi. Ibrat o'zi to'xtalgan har bir hududga shunday sinchkovlik bilan yondashgan.

- **Xulosa va takliflar (Conclusion/ Recommendations).** Farg'ona tarixini bitishda Is'hoqxon Ibratning muarrixlar, mumtoz salaflar ijodini keng o'rganganligi ma'lum bo'ladi. Xususan, Ibrat "Boburnoma"ni Farg'onaning XV-XVI asrdagi manzarasini to'la-to'kis aks ettirgan asar sifatida e'tirof etadi: *"1030 hijriyidagi zilzilada Ahsikent buzulgan. Zilzilada Andijon ham buzulgan. Yana andin Rusiya tasarrufiga o'tgandin so'ng tezroq obodlikka qadam qo'yg'on. 1316 hijriyda bo'lgan zilzila hammani(ng) ma'lumdur. Anda yana zilzila bo'lub, avvalgidan necha daraja obod bo'lgan. Mundane avvalgi obodlikni bilmak bo'lgan kishi "Boburnoma" tarixini ko'rsa bo'lur..."* "Tarixi Farg'ona"da berilgan ushbu ma'lumotlarga ko'ra hijriy 1030-yilda qattiq zilzila sababidan Axsikent barbod bo'lgan, shu bilan birga Andijon ham. Rossiya tasarrufiga o'tilgandan so'ng ushbu hududlar qaytadan obod qilinib qayta bino qilinadi. Hammaga ma'lum bo'lgan hijriy 1316-yildagi zilziladan so'ng Andijon yanada obod qilingan. Yanada uzoq tarixni bilishni istaganlar "Boburnoma"ga murojaat qilishlari kerakligi eslatiladi.

#### ADABIYOTLAR

1. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. - Toshkent: Yangi asr avlodi, 2015.
2. "Boburnoma" / Narga tayyorlovchi va tabdil muallifi B.Rahmonov, K.Mullaxo'jayeva. –Toshkent, 2008. 3-19-b.
3. "Boburnoma" / Narga tayyorlovchi: P. Shamsiev, S. Mirzayev, S.Hasanov. –Toshkent, 1964.
4. Is'hoqxon Ibrat. Tarixi Farg'ona. O'zFASHI Qo'lyozmalar fandi. Inv. 11080. 3- 4- betlar
5. Ibrat . Tanlangan asarlar. – Toshkent: Ma'naviyat, 2005. – 200-b.
6. Ibrat. Ajziy. So'fizoda. Tanlangan asarlar / Nashrga tayyorlovchilar B.Qosimov va b. – Toshkent: Ma'naviyat, 1999. –230 b.
7. Tojiboyeva Muqaddas. Milliy uyg'onish davri o'zbek adabiyoti. –Toshkent: MUMTOZ SO'Z, 2017. 93-b.
8. Tojiboyeva Muqaddas. Jadid adiblari ijodida mumtoz adabiyot an'analari va mahorat masalalari. –Toshkent: MUMTOZ SO'Z, 2017. 201-b.



УДК: 81'374.3

Моҳидил ТУРАХОДЖАЕВА,  
Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти  
E-mail: turaxujayeva89@mail.ru

АДУ доценти в/б., ф.ф.ф.д. Эгамназарова Д.Ш. тақризи остида

## PRINCIPLES OF GIVING BOTANICAL LEXEMES IN LEXICOGRAPHIC SOURCES

Abstract

The growing attention to the relationship between society and nature shows that the study of well-known names that represent the varieties and species of plants - botanical lexemes - has an important scientific and practical significance. The interest in the study of this lexical group was explained by the need to understand their distribution in different languages, derivational features, their semantic basis and the principles of their presentation in lexicographic sources. The botanical lexical layer is a relationship within a paradigmatic lexical-semantic group that forms a group of objects with a stable quantitative composition as a very ancient system.

**Key words:** Botanical lexemes, the principle of lexical selection, terminology, nomenclature, terminological glossary, lexicographic source, electronic dictionary.

## ПРИНЦИПЫ ПЕРЕДАЧИ БОТАНИЧЕСКИХ ЛЕКСЕМ В ЛЕКСИКОГРАФИЧЕСКИХ ИСТОЧНИКАХ

Аннотация

Растущее внимание к взаимоотношениям между обществом и природой показывает, что изучение известных названий, представляющих разновидности и виды растений - ботанических лексем - имеет важное научное и практическое значение. Интерес к изучению этой лексической группы объясняется необходимостью понять их распространение в разных языках, словообразовательные особенности, их семантическую основу и принципы их представления в лексикографических источниках. Лексический слой растениеводства - это отношения внутри парадигматической лексико-семантической группы, которая образует группу объектов со стабильным количественным составом как очень древнюю систему.

**Ключевые слова:** Ботанические лексемы, принцип лексической селекции, терминология, номенклатура, терминологический словарь, лексикографический источник, электронный словарь.

## ЎСИМЛИКШУНОСЛИК ЛЕКСЕМАЛАРИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК МАНБАЛАРДА БЕРИЛИШИ ТАМОЙИЛЛАРИ

Аннотация

Жамият ва табиат боғлиқлиги, муносабати масалаларига эътибор ортаётганлиги ўсимликларнинг нав ва хилларини ифодаловчи атоқли номлар – ўсимликшунослик лексемаларини ўрганиш муҳим илмий ва амалий моҳиятга эгаллигини кўрсатади. Ушбу лексик гуруҳни ўрганишга бўлган қизиқиш, уларнинг турли тилларда тарқалишини тушуниш, деривацион хусусиятлари, уларнинг семантик асоси ва лексикографик манбаларда берилиши тамойилларини чуқур тадқиқ қилиш эҳтиёжи билан изоҳланди. Ўсимликшунослик лексик қатлами жуда қадимий тизим сифатида барқарор миқдорий таркиби билан ажралиб турадиган объектлар гуруҳини ташкил этувчи парадигматик лексик-семантик гуруҳ доирасидаги муносабатлардир.

**Калит сўзлар:** Ўсимликшунослик лексемалари, лексикани танлаш тамойили, атама, номенклатура, терминологик глоссарий, лексикографик манба, электрон луғат.

**Кириш (Introduction).** Ўсимликшунослик лексикаси жуда қадимий тизим бўлганлиги сабабли, кўплаб синонимик ва полисемик қаторлар шаклланиб улгурган, шевалар ҳам ўз навбатида ботаник номенклатуранинг илмий ва халқона номинациялари билан бойиб борган. Халқ моддий ва маънавий маданиятининг тирик тимсоли бўлмиш ўсимликларнинг номлари шу сабабларга кўра нафақат этнографлар ва тилшунослар, балки лексикограф ва диалектологлар эътиборини тортиб келмоқда.

Тажрибали лексикографлар таъкидлашича, ўсимлик номлари луғати сўз йиғишида энг қийин ва меҳнат-талаб тематик гуруҳларидан бири ҳисобланади [1]. Муайян ўсимликнинг идентификацияси ва унинг ботаник номенклатурада тўлиқ мувофиқликни аниқлаш ҳам мунозарали жараёнлардан бирidir.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Атоқли тилшунослар Г. Пальмер, М.Уэст, Э.Торндайк лексикани танлашнинг оқилона ташкил этиш

муаммоси устида ишлаб, частоталик принциpidан ташқари бошқа олти тамойилни илгари сурадилар [2]:

1. Мақсадга хизмат қила олиш қиймати
2. Умумий қўлланила олишлик қиймати
3. Мавзуй қиймати
4. Бошқа сўзларни аниқлашда сўзнинг қиймати
5. Сўз яшаш қиймати
6. Стилистик қиймат.

Лексикани танлаш масаласини муҳокама қилиш жараёнида муносабат нафақат танлаш мезонларига, балки танлаш бирлигига нисбатан ҳам ўзгарди. Узоқ вақтгача графема танлаш бирлиги бўлди (Р. Эддридж, Э. Торндайк). Бундай ёндашувнинг камчилиги лексик бирлигининг мазмун жиҳатини назар-писанд қилмаслик бўлди. Тил тузилишининг бирор маънога эга бўлган элементларига биринчи бўлиб Г. Пальмер мурожаат қилиб, у сўз ясовчи элемент (морфема), сўз ёки сўз бирикмаси орқали ифодаланган сўз-тушунчани таклиф

килди. У турли даражадаги ходисани назарда тутиб, ўз бирлигини эргон деб атади [3].

Частоталикнинг етакчи принципан ташқари бошқа принциплар бўш ишлаб чиқилган эди. Луғатни оқилона тарзда ташкил этиш ишига профессор И.А. Грузинская томонидан асос солинди. Ўша пайтда лексикографларни лексик материални танлаш тамойиллари масаласи безовта қилар эди. И.А. Грузинская сўзнинг маъносини ҳисобга олиш зарурлиги ҳақида таъкидлар эди [4]. И.Д. Салистра чет тиллар сўзлари ва она тили сўзларининг маънолари йиғиндиси орасидаги ўзаро нисбатни ҳисобга олиб, “ўқув лексик бирлик” (ЎЛБ) тушунчасини киритди [5]. В.А. Бухбиндер ўқув мақсадларида лексикани танлашда лексик ходисанинг ҳам морфологик-синтактик, ҳам семантик характеристикасини эътиборга олиш зарур деб ҳисоблайди [6].

**- Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Бу жиҳатларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, биз шундай хулосага келдикки, махсус илмий адабиётнинг лексик материали қандай мақсадларда танлаб олинмасин (у чет тили ёки она тили луғатини оқилона тарзда ўрганиш ёки маълум тағзимнинг метатилини ўрганиш бўлсин), частоталик ва турғунлик тамойиллари ўз кучида қолади, чунки миқдорий характеристикалар частоталикни ҳамда тадқиқ қилинаётган матнларда санаб чиқилган бирликларнинг тақсимланишини аниқлаш, тадқиқ қилинаётган тагтилнинг сифатий таркибини белгилаш имконини беради. Кўп маънолик тамойили ва частоталик асосида таъминланади, юқори тузилиш қобилятига эга бўлган кўп маъноли сўзлар таҳлил қилинаётган ҳар қандай матнларда тез-тез учраб туради. И.Ф. Динабург, Р.Н. Инфантёва, Л.И. Фомин [7] томонидан қўлланилган тематик, стилистик ва хронологик бир хиллик принциплари ҳам мақбул туйилади. Гап бўлаклари компонентлари билан ҳосил қилинадиган ҳамда улар ёрдамида ифодаланадиган кўплаб сўзларни аниқловчи, бирликларнинг структур чегаралардаги жойини кўрсатувчи бирликлар ҳисобининг структур-морфологик характеристикаси лексик материални танлашда сўзни тўғри тушунишга ёрдамлашувчи сўз ясаш моделини ажратиб кўрсатишга имкон берувчи бирликларни танлашнинг структур-семантик нуктаи назаридан қўлланилиши мумкин. Махсус матнларнинг лексикаси характеристикасини олиш учун биз уларни ялпи қўлда кўчириш услубидан фойдаландик.

Ушбу таҳлиллар асосида тадқиқотимиз учун лексик материални танлаш ва уни таҳлил қилиш қуйидаги тамойиллар асосида олиб борилади:

1. Таҳлил қилинаётган тил материалининг хронологик бир хиллиги ва унинг ҳозирги инглиз тилининг барча хусусиятларига мослик принципи.

2. Бу матнларни қатъий услубий таҳлилни ўз ичига олган тадқиқ қилинаётган тил материалнинг стилистик чекланганлиги принципи.

3. Асосига ўсимликларнинг асосий қисмларини (илдизи, пояси, барги, гули, уруғи, меваси) тасвирлашда тизимлаштиришнинг энг муҳим тушунчаларини ифода этадиган норматив сўзларни танлаб олинишини таъминловчи тематик принципи.

4. Тадқиқ қилинаётган матнларда танланаётган бирликларнинг сонини аниқлаш имконини берадиган частоталик принципи.

5. Сараланган бирликларнинг маълум термалар сонидан тақсимланишини аниқлаш ва бирликларнинг танланаётган рўйхатга қўшишга асос бўладиган турғунлик принципи.

6. Сўзни тўғри тушунишга кўмаклашадиган, сўз ясаш моделини ажратиб кўрсатишга имкон берадиган структур-семантик тамойил.

### - Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Замонавий лексикография, шунингдек терминография ҳам ривожланишнинг янги босқичини бошидан кечирмоқда. Компьютер технологияларини оптималлаштириш амалий лингвистиканинг компьютер ва корпус лингвистика каби соҳаларини шакллантиришга имкон берди, бу эса луғатшуносликдаги янгиликлар учун туртки ва мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди. Longman, McMillan, Cambridge, Oxford, Collins каби етакчи нашриёт уйлари корпусга асосланган луғатларини қайта чоп этдилар ва кўплаб нашрларнинг электрон версияларини яратдилар. Электрон луғат замонавий лексикографиянинг диққат марказидаги масалалардан бирига айланди.

Замонавий юқори технологиялар дунёсида терминологик луғатлар алоҳида ўрин тутди. Илмий билимларнинг моддийлаштирилган компонентлари терминологик луғатларда қайд этилади. Айнан мана шу луғатлар ва маълумотномалар илмий-техник ахборот соҳасида ишлашга асос бўлади. Илмий-техник тараққиётнинг муҳим таркибий қисми терминографиянинг динамик равишда ривожлангани бўлгани учун, замонавий тилшуносликнинг долзарб вазифаси терминологик луғатни тизимлаштириш эди. Тилшуносликка оид ишларни автоматлаштириш, биринчи навбатда, лексикографияга кириб келди. Бу тасодиф эмас, чунки “лексикография - инсон фаолиятининг энг сермазмун ва машаққатли турларидан бири. У ёки бу луғатни тўлиқ шаклда яратиш баъзан ўнлаб йиллар давомида ишлашни талаб қилади. Иложи бўлса, ҳар хил сўз бирикмаларини, катта ҳажмли индексларни чиқаришни машинага ўтказиш мақсадга мувофиқроқ бўлиши аниқ бўлди; биринчи навбатда, компьютер ёрдамида частота ва тесқари луғатлар яратила бошланди” [8].

Электрон луғатларнинг макроструктураси анъанавий босма табоқдаги луғатларники билан деярли бир хил бўлиб, 1) кириш сўз; 2) фойдаланиш қодалари; 3) қисқартмалар рўйхати; 4) корпус; 5) иловалардан иборат бўлади [9].

Аммо босма луғатлар бу блокларни юқоридаги сингари тартибланиш назарда тутса, электрон луғатда гиперматнли қурилма туфайли уларнинг ҳар бирини фойдаланувчи хоҳишига қараб хоҳлаган тартибда мослаштириб олиши мумкин.

Электрон луғатнинг микроструктураси ўзининг “қоғоз” аналогининг тузилмавий кўринишини тағин такрорлайди, бироқ электрон луғат тузилишида гиперматн конунларига бўйсунилади. Луғат матни элементлар орасидаги иерархик алоқаларга эга бўлган аниқ мантикий тузилишга эга [9].

Шундай қилиб, электрон луғат яратувчилари фойдаланувчиларга керакли маълумотларни осонгина ва тез олишларига имкон берадиган кўплаб изоҳли ва таржима матнларни тақдим этишлари мумкин.

Компьютер технологияларининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланилиб, электрон луғатнинг ихчамлиги ва мустаҳкамлигига эришилиш мумкин. Терминларни, бошқа луғат қатламларидан фаркли ўларок, ҳеч иккиланмай автоматизациялаш мумкин, чунки улар аниқ турларга бўлинган ва семантик чегараси конкретлашган, машина таржимасида муаммоларни келтириб чиқармайдиган гуруҳларини ташкил қилади. Буларнинг барчаси ушбу турдаги атамаларнинг лексикографик тавсифидан маълум бир моделни олдиндан белгилаш имконини беради. Шунинг учун ўсимлик номлари луғати бошқа луғатларнинг хусусиятларини ҳам бирлаштиради, хусусан, соҳага оид терминологик (мас., ботаника терминологияси тизимининг бирликлари изоҳланади), изоҳли (турларнинг морфологик тавсифи, инглиз ва латин номларининг талаффуз вариантлари бериб ўтилади),

таржима (киритмаларнинг таржималари ҳам берилиши мумкин); этимологик (этимологик маълумотлар), энциклопедик (гуллаш даври, географик ва умумий фойдаланиш соҳалари тўғрисидаги маълумотлар, эслатмалар, иллюстрациялар ҳам келтириб ўтилиши мумкин), ва, албатта, электрон (луғат рақамли форматда тақдим этилади) форматда тақдим этилади [9].

**Лексик бирликлар орасидаги парадигматик муносабатларни аниқлаш ҳам мунозарали жараёндир (масалан, дублет, полисемия масалалари).** Сўзларнинг махсус атамашунослик соҳасига тегишлилиги нуқтаи назаридан луғат ва глоссарийлар, шунингдек, илмий адабиётларнинг қанчалик объективлиги, ўсимликшунослик матнларида ишлатилиш даражаси, уларнинг сифат ва сон параметрлари қандайлиги—буларнинг ҳаммасини аниқлаш лозим.

Маълумки, муайян тагтизимнинг луғат таркибини – семантик майдонни аниқлаш унинг таркибини ташкил қилувчи бирликлар мазмуни асосида олиб борилиши керак: "... сўзларнинг гуруҳлар бўйича қурилиши улар ичида амал қилган белгиларнинг таркиби билан аниқланади, иккинчи томондан эса, бу белгилар қандайдир даражада сўзларни гуруҳларга киришини шарт қилиб қўяди" [10]. Ҳуналиётган инглизча атамалар гуруҳи учун "ўсимлик ва унинг қисмлари" шундай умумий семантик белги ҳисобланади.

Терминологик белгиларнинг семантик майдонларини ўрганишнинг қийинчилиги энг аввало шундан иборатки, бундай майдонлар илмий тушунчаларнинг ҳозирги табиатшунослик фанларидаги сертармоқ илмий тушунчаларини акс эттириб, одатда кўпинча ўнлаб ва ҳатто юз минглаб атамалардан таркиб топган таркибига кўра ғоят кўп сонли бўлади. Фаннинг ҳозирги ҳолати билан талаб қилинадиган теранликда бундай кўп сонни тадқиқ қилиш амалий жиҳатдан мумкин бўлмай қолади. Шу боисдан семантик майдонни тадқиқ қилувчилар кўпинча (фақат операцион мақсадларда) уларни анча кичик гуруҳларга – лексик – семантик гуруҳларга, синонимик қаторларга ва ҳ.к. бўладилар. Бу микроузимларнинг ички ўзаро боғланишларини аниқлаш кейинчалик бутун семантик майдон миқёсида келажакда келадиган умумлаштириш имконини беради.

Семантик майдоннинг компонентлари иерархиясида уни иккита асосий қисмга – марказ ва периферияга бўлинишидир. Семантик майдоннинг марказий қисмига (ядросига) қирувчи сўзлар энг кўп муҳим тафовутли (дифференциал) белгиларга эга [11]. Бундан ташқари, улар одатда ўз морфологик таркибига биноан соддадир, кенг бирга қўшила олиш хусусиятига эга, асосан мазкур тилнинг азалги (ўзлаштирилмаган) луғатига тегишли, улкан коммуникатив аҳамиятга эга ва ниҳоят, улар етарли даражадаги тушунчаларни ифода этади, уларда мазкур майдоннинг перифериялари атамалари хилма-хил оттенкаларни фарқлайдилар. Семантик майдонни ёки унинг ядросини ажратиш кўрсатиш ҳам назарий жиҳатдан (бунда энг муҳим семантик белгиларга эга бўлган бирликлар кўриб чиқилаётганлиги сабабли), ҳам амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир: у ёки бу илмий терминологияни ўрганиш, агар у унинг марказий қисмини асосли тарзда марказдан узоқдаги, лексиканинг периферия участкалари томон борадиган бўлса, анча оқилона тузилган бўлиши мумкин.

**- Ҳулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations).** Инглиз тили ўсимликшунослик терминологияси луғатлари бир неча ўн минг атамаларни ўз ичига олади. Агар у ички иерархик боғланишлар бўйича бўлинмаса ва биринча навбатда бу атамалар доирасида марказий, ядровий қисм ажратилмасан, семантик белгиларига кўра энг муҳим сўзлар танланмаса, бундай мураккаб тизимни эгаллаш мумкин эмас.

Лингвистик адабиётларда кўп марта таъкидланганидек, терминология асосан от категориясига оид характерга эга, бу унинг ҳодисани ёки объектни аташдаги биринчи галдаги вазифаси билан изоҳланади. Бирок, ўсимликлар морфологияси алоқадор бўлган тушунчалар нафақат ўсимликлар ва уларнинг қисмларини умумлашган номларидан иборат бўлиб қолмай, балки уларнинг тизимлашуви род-қўриниш принциплари асосида амалга ошириладиган сифатий характеристикасидан ҳам иборатдир. Табиатшуносларнинг сифатларнинг айрим гуруҳини терминологик вазифада қўллашлари шу билан изоҳланади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Блинова О.И. «Словарь фитонимов Среднего Приобья» как источник диалектной мотивологии // Вестн. Том. гос. ун-та. Филология. – 2008. – №2(3). – С. 14–23.
2. Markina E. I., Cruzate M. R. Z. The main approaches to the minimization of vocabulary in Russian and European learning lexicography // Polylinguality and Transcultural Practices. – 2011. – №. 3. – С. 77-84.
3. Муравьев Н. А., Ольшевская М. Ю. Подходы к составлению лексических минимумов в России и за рубежом: проблемы и перспективы // Вестник Новосибирского государственного университета. Серия: Лингвистика и межкультурная коммуникация. – 2019. – Т. 17. – №. 1.
4. Грузинская И. А. К вопросу о методике понимания текста без перевода // Иностранные языки в школе. – 1967. – №. 6. – С. 16.
5. Салистра И. Д. К проблеме разграничения и сочетания программируемых и непрограммируемых учебных действий по иностранному языку // Методические записки по вопросам преподавания иностранных языков в вузе. – 1970. – №. 6. – С. 55-84.
6. Бухбиндер В. А. (ред.). Очерки методики обучения устной речи на иностранных языках. – Вища школа, 1980.
7. Динабург И. Ф. Анализ немецкой медицинской терминологии // Вопросы филологии и методики преподавания иностранных языков. – 1960. – С. 33-51.
8. Беляева Л. Н. Лексикографический потенциал параллельного корпуса текстов // Международная конференция "Корпусная лингвистика-2004". Санкт-Петербург. – 2004. – С. 12-14.
9. Сивакова Н. А. Лексикографическое описание русских и английских фитонимов в электронном глоссарии : дис. – Тюмень, 2004. – С.178
10. Кузнецов Ю. А. Лексико-семантическое поле смеха как фрагмент русской языковой картины мира // СПб., -2005. – С.71
11. Рубцов И. Н. Семантические поля как способ реализации языковых картин мира // Известия Российского государственного педагогического университета им. АИ Герцена. – 2008. – №. 60. – С.46-52



**NIGORA UMAROVA,**  
*O‘zDJTU, Ingliz tili birinchi fakulteti*  
*Ingliz tili nazariy aspektlari № kafedrasida o‘qituvchisi*  
*E-mail: nirmazarova2991@gmail.com*

*O‘zDJTU Ingliz tili nazariy aspektlari № kafedrasida katta o‘qituvchisi Samiyeva Sayyora Ne‘matovna taqrizi asosida*

## IDIOMATIK QO‘SHMA SO‘ZLARINING IDIOMATIK VA MOTIVATSIYALASHGANLIK DARAJALARINI ANIQLASH TAHLILI

Аннотация

Til ijtimoiy hodisa bo‘lib, insonlar faoliyati natijasida uning lug‘aviy tarkibi muntazam o‘zgarib, yangilanib boradi. Shu bilan bir qatorda lug‘at tarkibida mavjud bo‘lgan hamda yangi yasalganligi bois lug‘at tarkibiga hali kiritilmagan idiomatik qo‘shma so‘zlarning idiomatiklik va motivatsiyalashganlik darajalarini aniqlash tahlili amalga oshirilishi muhim ahamiyatga ega. Qo‘shma so‘zlarning idiomatiklik darajasi ularning komponentlari taqdim etayotgan asl ma‘nosidan keskin farq qiladi. Qo‘shma so‘zlarning idiomatiklik darajasi qanchalik yuqori bo‘lsa uning motivatsiyalashganlik darajasi shuncha past bo‘ladi.

**Kalit so‘zlar:** Qo‘shma so‘zlar, idiomatik qo‘shma so‘zlar, o‘xshashlik, farq, o‘zaro munosabat, so‘z birikmasi, tuzilish, ma‘no, idiomatiklik, motivatsiyalashganlik darajasi.

## АНАЛИЗ ИДИОМАТИЧЕСКОГО И МОТИВАЦИОННОГО УРОВНЕЙ ИДИОМАТИЧЕСКИХ СОСТАВНЫХ СЛОВ

Аннотация

Язык – это социальное явление, и в результате деятельности человека его лексическая структура постоянно меняется и обновляется. Также важно выполнить анализ для определения уровней идиоматики и мотивации идиоматических составных слов, которые присутствуют в словаре и еще не включены в словарь из-за их новой конструкции. Уровень идиоматики составных слов резко отличается от исходного значения, обеспечиваемого их составляющими. Чем выше идиоматический уровень сложного слова, тем ниже его мотивация.

**Ключевые слова:** сложнопроизводные слова, идентичность, различия, соотношение, оппозиция, словосочитание, структура, значение, уровней идиоматики, уровень мотивации.

## ANALYSIS OF IDIOMATIC AND MOTIVATIONAL LEVELS OF IDIOMATIC COMPOUND WORDS

Abstract

As language is a social phenomenon, its lexical structure is constantly changing and updating in the result of human activity. It is also important to perform an analysis to determine the levels of idiomaticity and motivation of idiomatic compound words that exist in the dictionary and that have not yet been included in the dictionary. The level of idiomaticity of compounds differs from the original meaning provided by their components. The higher the idiomatic level of compound word, the lower its motivation. The article deals with idiomatic compounds and the formation of new idiomatic compound words by means of language units.

**Key words:** Compounds, idiomatic compound word, motivated compounds, blending, idiomaticity, semantic integrity, meaning, language units, structure, difference.

Qo‘shma so‘zlarning tilshunoslikda tutgan o‘rni beqiyos bo‘lgani kabi idiomatik qo‘shma so‘zlar ham o‘ziga hos vazifani bajaradi. Idiomatik qo‘shma so‘zlar ikki va undan ortiq komponentlarning yeg‘indisidan tashkil topgan bo‘lib, lug‘at tarkibini boyitishga ulkan hissa qo‘shadi. Hozirgi kunga kelib, insonlar ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda yangi hosil bo‘lgan idiomatik qo‘shma so‘zlar lug‘at tarkibiga qo‘shilib bormoqda.

*Clam-bake – an outdoor party; especially: a seashore outing where food is usually cooked on heated rocks covered by seaweed. Clam-bake – bu so‘z ochiq joyda o‘tkaziladigan bazm degan ma‘noni anglatib, orfografik mezon orqali strukturaviy yaxlitlikka ega bo‘lgan idiomatik qo‘shma so‘z hisoblanadi. Uning idiomatiklik darajasi to‘liq (complete idiomatic degree), chunki ushbu so‘zni yasalishida ishtrok etgan clam va bake so‘zlarining hech biri unga berilgan ta‘rifda qatnashmagan, va bu qo‘shma so‘zning ma‘nosi uning komponentlari o‘rtasidagi semantik munosabat orqali ifodalangani.*

*Sweetheart – a person you love very much, used to address someone you love. Sweetheart – suyuqli inson, yor degan ma‘nosini anglatadi. Bu so‘zning ham idiomatiklik darajasi yuqori, bunga sabab esa komponentlari o‘zi anglatgan*

alohida ma‘nosi orqali biz noma‘lum bo‘lgan tushunchaga ega bo‘lamiz. Bundan tashqari, bu so‘zning na birinchi va na ikkinchi komponenti *Sweetheart* idiomatik qo‘shma so‘ziga berilgan ta‘rifda ishtrok etmagan. Semantik va struktural yaxlitliklarga ega bo‘lgan ushbu qo‘shma so‘zning birinchi komponenti metafora orqali ifodalangan. Bu yerda *Sweet* so‘zi yorni suyuqligi, yoqimli bo‘lgan xususiyatlari, shirinlik ega bo‘lgan “shirin” ta‘mga o‘xshatilmog‘da. Ikkinchi komponentda esa metonimik o‘zgarish sodir bo‘lgan. Bunda bir qism ya‘ni *heart* - yurak orqali bir butun ya‘ni odam anqrog‘i yor ifodalangan.

*Underworld – the world of crime and criminals.* Ushbu so‘z idiomatik qo‘shma so‘z bo‘lib, jinoyat olami ma‘nosini ifodalaydi. *Underworld* so‘zining idiomatiklik darajasi to‘liq ya‘ni unga berilgan ta‘rifga e‘tibor qaratsak, garchi ma‘noni ifodalash uchun ikkinchi komponent *world* so‘zi ishtrok etgan bo‘lsada, jinoyatning barcha ko‘rinishlarini va undagi ishtrokchilarni bir olamga o‘xshatilgan, va bu o‘z navbatida metafora yordamida ifodalaniish hisoblanadi. Birinchi komponent *under*-tag, ost esa metaforik o‘zgarishga uchragan, ya‘ni bu yerda jinoyatning yomon hamda yashirin amalga oshirilish xususiyatiga o‘xshatish kuzatiladi. Ushbu idiomatik qo‘shma so‘z struktural va semantik yaxlitliklarga ega.

*Brain-drain – the departure of educated or professional people from one country, economic sector, or field for another usually for better pay or living conditions.* *Brain-drain* – olimlarni boshqa mamlakatga ko'chib ketishi. Ushbu so'z to'liq idiomatik darajaga ega bo'lib, semantik yaxlitlik orqali ifodalanadi. *Brain-drain* idiomatik qo'shma so'zida ham metaforik ham metonimik o'zgarish yuz bergan. Birinchi komponent bo'lgan *brain* so'zi olimlarni boshqa insonlardan farq qiluvchi xususiyati yoki bir qismi orqali ularni o'zi ya'ni bir butun inson ifodalangan, bu metonimiya. Ikkinchi komponent *drain* ya'ni oqib ketish harakati olimlar va nodir mutaxassislar boshqa mamlakatga go'yoki oqib ketayotgandek ketib qolishiga o'xshatilgan – bu metafra.

*Watchman – a person whose job is to watch and guard property at night or when the owners are away.* Tungi qorovul ma'nosini anglatgan ushbu qo'shma so'z qisman motivatsiyalashganlik darajasiga ega. Ushbu so'zni motivatsiyalashgan qo'shma so'z deb sanashimizga quyidagi sabablarni yetarli deb topdik. *Watchman* so'zi ifodalangan ma'noda birinchi komponent *watch* hamda ikkinchi komponent *man* so'zlari bevosita ishtrok etgan. Bundan tashqari komponentlari anglatgan alohida ma'nolari orqali ham ushbu so'zning ma'nosini hech bir qiyinchiliksiz anglash mumkin. *Watchman* qo'shma so'zi semantik hamda struktural yaxlitliklarga egadir.

*Chatter-box – one who engages in much idle talk.* Sergap, ko'p gapiradigan odam ma'nosida ifodalangan ushbu qo'shma so'z qisman (partial) idiomatiklik darajasiga ega. *Chatter-box* idiomatik qo'shma so'z orfografik mezon va struktural-semantik yaxlitlikda namoyon bo'ladi. Bu qo'shma so'zning birinchi komponenti *chatter* – bekorchi gap, vaysamoq kabi ma'nolar *Chatter-box* so'ziga berilgan ta'rifda "idle talk" yordamida ifodalanadi. Ikkinchi komponent *box* esa metaforik o'zgarishga uchragan. Ya'ni bu yerda inson o'zida safсата, bekorchi gaplarni mujassamlashtirgan konteyner sifatida "box" qutiga o'xshatilgan.

*Eye-catcher – something that arrests the eye.* Ushbu qo'shma so'z ko'zni qamashtiruvchi yorug' manzara degan ma'noni anglatadi, va u qisman idiomatiklik darajasiga ega. *Eye-catcher* so'zining qisman idiomatik ekanligi uning ta'rifida *eye* so'zi bevosita ishtrok etadi va to'g'ridan-to'g'ri o'z ma'nosida namoyon bo'ladi. Bu so'zning ikkinchi komponenti *catcher* derivatsion so'z bo'lib, uning izohidagi manzara so'zi harakat bajaruvchisi bo'lib, personifikatsiyaga uchragan.

*Home-body – a person who likes to stay home* (uyda qolishni ma'qul ko'ruvchi inson). Bu so'z motivatsiyalashgan qo'shma so'z bo'lib, uning motivatsiyalashganlik darajasi yuqori. Bunga sabab esa ushbu so'z anglatayotgan ma'no orqali uning ikkala komponenti ham bevosita namoyon bo'ladi. *Home-body* qo'shma so'zining ikkinchi komponenti metonimik hodisaga ega, ya'ni bunda tana orqali butun bir inson ifodalanmoqda. Yozilishi tire bilan amalga oshirilgan ushbu qo'shma so'z orfografik mezonga mansub, va u komponentlar o'rtasidagi semantik va struktural munosabatlarga ega.

*Head-scratcher – puzzle, mystery.* Ushbu so'z idiomatik qo'shma so'z bo'lib, jumboq, topishmoq degan ma'noni anglatadi. Undagi idiomatiklik daraja juda yuqori, buning asosiy sababi esa *head-scratcher* so'zining komponentlar o'rtasidagi semantik munosabatidir. Birinchi va ikkinchi komponentlar o'zaro birlashib, faqat yaxlit holatdagina bir biriga o'tkazgan ta'siri natijasida va birining vazifasini ikkinchisi to'ldirib kelgan holatida mana shunday ma'noni bizga taqdim etayapti. Bunda shubhasiz metaforik o'zgarish yuz bergan, ya'ni biron bir topishmoq yoki jumboq berilganda insonlarni o'ylantirib qo'yadi va shu vaqt behtiyor boshni qashlash harakati paydo bo'ladi, va bu so'z aynan bu yerda shu xarakterga o'xshatish orqali ifodalangan. Bundan

tashqari *head-scratcher* so'zida orfografik mezonni kuzatishimiz mumkin va u struktural-semantik yaxlitlik orqali bir butun ma'no ega.

*Green fingers – an unusual ability to make plants grow.* *Green fingers* – o'simliklarni o'stirishga bo'lgan ajoyib qobiliyat degan ma'noni anglatib, to'liq idiomatiklik darajasiga ega bo'lgan qo'shma so'z hisoblanadi. *Green fingers* qo'shma so'zining idiomatiklik darajasining yuqoriligiga asosiy sabab birinchi komponent *green* so'zida bir vaqtning o'zida ham metafra ham metanimiya orqali o'zgarish sodir bo'lgan. Ya'ni metafrani olsak, unda jamiyki o'simliklar ega bo'lgan sifat ya'ni yashillik yashil rangga o'xshatilmoqda. Shu bulan birga, metonimiya ya'ni bir qism *green* o'simliklarning bir xususiyati orqali bir butun o'simlik ifodalanmoqda. *Green fingers* so'zining ikkinchi komponenti *fingers* ga e'tiborimizni qaratsak, bu yerda ham metonimik o'zgarishni kuzatishimiz mumkin. Unda insonlar ega bo'lgan qobiliyat ularning barmoqlari orqali ifodalanyapti. Bundan tashqari *Green fingers* qo'shma so'zini so'z birikmasidan farqlash uchun fonetik mezon yordamga keladi va ushbu so'z alohida bo'lgan yaxlit urg'uga egadir. Shuni ham ta'kidlab o'tish kerakki, *Green fingers* idiomatik qo'shma so'zi semantik yaxlitlikka ega.

*Short-gun marriage – an enforced or hurried wedding esp. because the bride is pregnant.* Ushbu so'z kelin xomiladorligi sabab shoshilinch o'tkazilgan to'y degan ma'noni anglatadi. *Short-gun* so'zining o'zi alohida qo'shma so'z bo'lib, u *marriage* so'ziga determinant vazifasini bajaradi. *Short-gun marriage* qo'shma so'zi ham qisman idiomatiklik ham qisman motivatsiyalashganlik darajalariga ega. Bu so'z kontekstual ma'no ega, ya'ni hayotda kutilmaganda homiladorligi sabab shoshilinch to'y o'tkazish vaziyati bo'lgan, va huddi ana shu vaqtda metafra yo'li bilan "Short-gun" ga o'xshatilgan, natijada esa mana shunday idiomatik qo'shma so'zlar vujudga kelgan. *Short-gun marriage* idiomatik qo'shma so'zi struktural-semantik yaxlitlik orqali birlashtirilgan.

*Brain-child – a product of one's creative imagination.* *Brain-child* – biror kimsaning aqliy faoliyati mahsuli degan ma'noni anglatadi. Shubhasiz bu idiomatik qo'shma so'z bo'lib, to'liq idiomatiklik darajasiga ega. Ikki komponentdan tashkil topgan *brain-child* idiomatik qo'shma so'zining komponentlari o'rtasidagi o'zaro semantik munosabati orqali uning idiomatiklik darajasi juda yuqori. Ushbu so'zning ikkinchi komponenti *child* orqali *a product* – mahsulot ifodalanyapti va bu qanday mahsulot ekanligi birinchi komponent orqali aniqlik kiritilyapti, ya'ni *brain* – miyya so'zidan miyya faoliyati ekanligini tushunib olish mumkin. *Brain-child* idiomatik qo'shma so'zi orfografik mezon orqali ifodalanga va u struktural-semantik yaxlitliklarga ega.

Biz yuqorida avvaldan mavjud bo'lgan idiomatik qo'shma so'zlarni tahlil qildik, va bundan tashqari lug'at tarkibiga kirishga ulgurmay qolgan yangi paydo bo'lgan qo'shma so'zlar ham oz emas. Ushbu qo'shma so'zlar quyida tahlil etiladi.

*Hydrolife – pure water comes from mountains.* *Hydrolife* – tog'lardan tushib keluvchi toza ichimlik suvi degan ma'nolarni anglatadi. Ushbu so'z semantik hamda struktural yaxlitliklarga ega bo'lgan qo'shma so'z hisoblanadi. *Hydrolife* idiomatik qo'shma so'zi to'liq motivatsiyalashganlik darajasiga ega. Ushbu qo'shma so'zning birinchi komponenti *hydro* grek-lotin elementi bo'lib, tog'dan tushib keluvchi suyuqlik ma'nosini anglatadi. Ikkinchi komponent *life* – inson tiriklik vaqti davri hisoblanadi.

*Moneygarm – transferring money to a particular address.* Ushbu idiomatik qo'shma so'z chatishtirish (blending) yo'li bilan yasalgan yangi so'zlardan biri hisoblanadi. Undagi ikkinchi komponent *gram* xabar yetkazish degan ma'noni anglatuvchi *telegram* so'zining bir qismidan

olingan. *Moneygram* so'zi qisman motivatsiyalashganlik darajasiga ega, bunga sabab esa komponentlardan biri uning izohida bevosita ishtirok etmoqda. Ushbu idiomatik qo'shma so'zning komponentlari o'rtasida struktural-semantik munosabatlar mavjud va ular umumiy yaxlitlikka ega.

*Doctor service – the medical centre where the contribution to the welfare of people are offered.* Ushbu idiomatik qo'shma so'z qisman idiomatiklik darajasiga ega. *Doctor service* idiomatik qo'shma so'zining birinchi komponentida bir vaqtning o'zida ikki ma'no mujassamlashtirilgan, jumladan: birinchi ma'no – kasal yoki yaralangan bemorlarni davolaydigan va ularga yordam beruvchi inson; navbatdagi esa – shifokorlar ishlaydigan joy degan ma'noni ifodalaydi. *Doctor* so'zining ma'nosi metonimik o'zgarishga uchragan, ya'ni bir shifokor orqali barcha boshqa shifokorlar ishlaydigan joy, muayyan tibbiyot muassasasi namoyon bo'lgan. Bu idiomatik qo'shma so'zdagi komponentlar semantik yaxlitlikda birlashadi.

*Paynet – payment by internet.* *Paynet* so'zi idiomatik qo'shma so'z bo'lib, u chatishtirish (blending) yo'li orqali yasalgan. Birinchi komponenti *pay payment* – to'lov so'zidan olingan, ikkinchi komponent *net* esa *internet* so'zining bir qismi hisoblanadi. Qizig'i shundaki, qisman idiomatiklik darajasiga ega bo'lgan ushbu so'zning izohi ular tashkil topgan so'zning aynan o'zi orqali ifodalangan. Shunday ekan, bunda nomenatorning yutug'i katta va uning mahorati yuksak darajada deb ayta olamiz. *Paynet* idiomatik qo'shma so'zi ham struktural ham semantik yaxlitliklarga ega.

*Megaplanet – very large trade and entertainment centre.* *Megaplanet* to'liq idiomatiklik darajasiga ega bo'lgan idiomatik qo'shma so'z hisoblanadi. Ushu so'zning idiomatiklik darajasining yuqoriligini sabablaridan biri unga berilgan izohda komponentlaridan birontasi ham ishtirok etmagan. Bundan tashqari, *Megaplanet* so'zining komponentlari o'rtasida semantik munosabat mavjud va ularning ikkisi ham metaforik o'zgarishga uchragan. Birinchi komponent *mega* juda katta, yuqori darajadagi, juda mashhur degan ma'nolarini anglatib, uning ushbu xususiyatlari savdo markazining xususiyatlariga o'xshatilgan. O'z navbatida ikkinchi komponent *planet* ham savdo markazini bir sayyoraga o'xshatilgan. Ushbu so'zda struktural-semantik yaxlitliklar mujassamlashtirilgan.

*Multimafe – a café where various delicious meal is prepared.* Bu o'zida struktural-semantik yaxlitliklarni mujassamlashtirgan idiomatik qo'shma so'z hisoblanadi. Unda juda yuqori idiomatiklik darajasi mavjud. *Multimafe* idiomatik qo'shma so'zining ikkinchi komponenti *mafe* so'zining ma'nosi metonimik o'zgarishga uchragan. Ya'ni, "mafe" nomli g'arbiy Afrikada juda mashhur bo'lgan taom orqali butun bir restoran va undagi oshpaz va boshqalar namoyon bo'ladi.

*Goodzone – an office in which deals with delivering and supplying goods.* *Goodzone* idiomatik qo'shma so'z

bo'lib, u qisman idiomatiklik darajasiga ega. Ushbu qo'shma so'z qisman chatishtirish yo'li bilan yasalgan. Bunda birinchi komponent *good goods* so'zidan olingan. Ikkinchi komponent *zone* so'zi idiora so'zini ifodalab kelgan. *Goodzone* idiomatik qo'shma so'zining komponentlari o'rtasida struktural-semantik munosabatlar mavjud va ular umumiy yaxlitlikka ega.

*Avtotest – auto training centre for would be drivers.* Ushbu so'z bo'lajak xaydovchilarga avtomobil boshqarishni o'rgatuvchi muassasa ma'nosida kelib, u qisman motivatsiyalashganlik darajasiga ega bo'lgan o'zbek tili qo'shma so'zi sanaladi. *Avtotest* idiomatik qo'shma so'zining komponentlari struktural-semantik yaxlitliklar orqali birlashtirilgan. Bunda metonimik ma'no o'zgarishi yuzaga kelgan, ya'ni birgina *avtomobil* so'zi orqali butun bir o'quv muassasasi va undagi o'quvchi va o'qituvchilar hamda avtomobilning o'zi ham ifodalangan.

*Sog'lom qadam – a shop where shoes for the children with the feet problem are sold.* *Sog'lom qadam* o'zbek tili idiomatik qo'shma so'zi bo'lib, unda to'liq idiomatiklik darajasi mavjud. Bunda idiomatiklik darajasi qanchalik yuqori bo'lsa, uning motivatsiyalashganlik darajasi shunchalik past bo'ladi. Ushbu idiomatik qo'shma so'zning komponentlari o'rtasida semantik munosabat mavjud. Birinchi komponent *sog'lom* so'zi oyog'ida *sog'lig'i* bilan muammosi bo'lgan bolalarga motivatsiya beradi. Ikkinchi komponent *qadam* so'zining ma'nosi esa metonimik o'zgarishga uchragan. Maxsus da'volanishga muhtoj bo'lgan bolalarning oyoqlari ularning qadami orqali ifodalangan. Bu qo'shma so'zni erkin so'z birikmasidan farqlash uchun fonetik mezondan foydalanamiz. *Sog'lom qadam* idiomatik qo'shma so'zi struktural-semantik yaxlitliklarga ega.

*Brand room – a shop where exclusive clothes are sold.* *Brand room* yangi yasalgan idiomatik qo'shma so'z bo'lib, maxsus qimmatbaho liboslar do'koni ma'nosini anglatadi. Ushbu so'zning idiomatiklik darajasi juda yuqori, zero unga berilgan izohda komponentlarining birontasidan ham foydalanmagan. *Brand room* idiomatik qo'shma so'zini so'z birimasidan farqlashda fonetik mezondan foydalaniladi. Birinchi komponent *brand* so'zining ma'nosi metonimik o'zgarishga uchragan, ya'ni barcha maxsus, qimmatbaho kiyimlar mashhur nomga ega bo'lgan kompaniya ma'nosida ifodalangan. Ikkinchi komponent *room*-xona ma'nosida esa do'kon nazarda tutilgan, va bu esa ma'noning matforik o'zgarishidir. *Brand room* qo'shma so'zining komponentlari o'rtasida semantik munosabat mavjud. Bunda ushbu so'zning asl mohiyatini anglamagan inson "Brand room"ni maxsus qimmatbaxo kiyimlar ishlab chiqaruvchi korxonada tushunishi ham mumkin, zero ikki komponent o'rtasida yashirin ma'no mavjud, bu "ishlab chiqariladigan" emas balki "sotiladigan" degan ma'nodir.

#### ADABIYOTLAR

1. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка, - М.: высшая школа, 1973
2. Смирницкий А. И. Лексикология английского языка. – М.: Издательство литературы на иностранных языках, 1956.
3. R.S. Ginzburg, S.S. Khidakel, G.Y. Knyazeva, A.A. Sankin – A course in Modern English Lexicology. -M.:1968
4. Мешков О.Д. Словообразование современного английского языка, - М.1976
5. Амосова Н.Н. – Этимологические основы словарного состава современного английского языка. М., 1956.
6. Ахеро А.А. – Сложные прилагательные в современном английском языке, Автореф. Канд. Дисс. Рига, 1958
7. Арутюнова Н.Д. – Сложные имена существительные и способы их образования в современном испанском языке. Канд. Дисс. М., 1953
8. Ахманова О.С., А.И. Смирницкий – Образования типа stone wall, speech sound в английском языке, 1952
9. Банкевич Л.В. – Способы образования сложных глаголов в современном английском языке. 1959
10. Болховитинов В.В. – Семантика образований, состоящих из двух основ и суффикса – в современном английском языке. Канд. Дисс. Л., 1967



УДК: 811.512.133 (043.3)

Azamat URALOV,  
Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori  
Azamaturalov06@gmail.com

Filologiya fanlari doktori, professor T.Mirzaqulov taqrizi aosida

### TERM OF ASYMMETRY AND ITS INTERPRETATIONS

Annotation

The article is directed to explain the meaning of the term asymmetry, its origin and usage. The article includes also theoretical information about "asymmetry", its relationship between units and content. There is shown some illustrated examples. Besides, the article is included opinions and theoretical views of linguistic scholars. There is shown the relationship between nucleus and periphery and given some examples for such kind of units: kir, bosh, boshla, boshliq, -di, edi, emish, -ib chiq-, -ib ko'r. It has been proven that certain units of language in each epoch form their own disparities in form and content.

**Key words:** asymmetry, symmetry, diachronics, form, content, synonymy, homonymy, lexicon, phonemes, morphemes, syntactic units, semantic syntax, linguistic sign, center (core) and periphery, expressive and expressive, fusion, word derivation, pattern of phrases

### СРОК АСИММЕТРИИ И ЕЕ ТОЛКОВАНИЯ

Аннотации

В статье рассматривается значение термина «асимметрия», его происхождение и использование, а также теоретическая информация, связанная с ним. Также в статье таятся примеры связей между единицами определенной формы и их содержания. В статье рассматриваются теоретические взгляды и мнения ученых лингвистов. Кроме того, на примерах проиллюстрирована взаимосвязь ядра и периферии. В качестве примеров приведены такие единицы как kir, bosh, boshla, boshliq, -di, edi, emish, -ib chiq-, -ib ko'r. Доказано, что определенные единицы языка в каждую эпоху формируют свои собственные различия по форме и содержанию.

**Ключевые слова:** асимметрия, симметрия, диахроника, форма, содержание, синонимия, омонимия, лексика, фонемы, морфемы, синтаксические единицы, семантический синтаксис, языковой знак, центр (ядро) и периферия, экспрессивно-выразительное, слияние, словообразование, паттерн фраз.

### NOMUTANOSIBLIK ATAMASI VA UNING TALQINLARI

Annotatsiya

Maqolada nomutanosiblik termini uning ma'nolari, kelib chiqishi hamda ishlatilishi, u bilan bog'liq bo'lgan nazariy ma'lumotlar haqida fikr yuritiladi. Ma'lum shaklga va mazmunga ega bo'lgan birliklar o'rtasidagi munosabatlar misollar asosida yoritilgan. Yetuk olimlarning nazariy qarashlariga asoslanib fikrlar bildirilgan. Yadro va periferiyaning bir-biriga munosabati ko'rsatilib berilgan. Kir, bosh, boshla, boshliq, -di, edi, emish, -ib chiq-, -ib ko'r singari birliklar misol tariqasida ko'rsatilgan. Tildagi ayrim birliklar har bir davrda shakl va mazmun jihatidan o'ziga xos nomutanosibliklarni shakllantiraverishi isborlab berilgan.

**Kalit so'zlar:** nomutanosiblik, simmetriya, diaxronika, shakl, mazmun, sinonimiya, omonimiya, leksik, fonemalar, morfemalar, sintaktik birliklar, semantik sintaksis, lisoniy belgi, markaz (yadro) va periferiya, ifodalanuvchi va ifodalovchi, fuziya, so'z yasalishi (derivatsiya), so'z birikmalari qolipi

**Kirish.** Nomutanosiblik termini qadimgi yunon tilida "asimetriya" (ἀσῶμετρία – "nomutanosiblik", μέτρη – "o'lchov qilaman") – simmetriyaga mos emas, simmetriyaning buzilishi yoki yo'qligi ekanligi ma'lum. Tilda esa tabiiy tilning tuzilishi va ishlatilishining asosiy xususiyatlaridan birini ko'rsatuvchi, til birliklari orasidagi munosabat – tuzilishi va ishlatilishidagi tartib, qonuniyat hamda bir xillikdan og'ish tushuniladi.

Har bir terminning o'ziga xosligi bo'lgani kabi bu terminning ham mohiyati hajm yoki ko'rinishga nisbatan qo'llangan (geometrik shakllar). Diachronika shuni isbotlamodaki, nomutanosiblik nafaqat shaklga balki mazmunga ham ta'sir ko'rsatadi. Chunki, dastlab shakl(rasm)ga tegishli bo'lgan nomutanosiblik keyinchalik raqamlarga, undan keyin fonlar va semalarga o'z hukmini o'tkazib, hayot davomida shakllanib ongda ko'rinishga ega bo'ladi. Shu sababli bu atama ko'pincha vizual ob'ektlarga nisbatan va tasviriy san'atda qo'llaniladi. Badiiy ijodda esa asimetriya shakllanishning, yoki kompozitsiyaning muhim vositalaridan biri bo'lsa, tilda esa ma'lum shakl va ma'no o'rtasidagi aloqada ko'rinishi mumkin. Shu sababli biz nomutanosiblikni vertual

va vizual olamda tushunamiz. Shunday ekan til belgisining ikki tomonlama mohiyati – belgili va belgi orasidagi nomutanosiblik xususiyati bilan tavsiflanishi lozim.

**Mavzuga oid adabiyotlar tahlili (Literature review).** O'zbek tilshunosligida birinchi bo'lib gapda shakl va mazmun munosabati, ular orasidagi asimmetrik dualizm hodisasini keng qamrovda, chuqur ilmiy saviyada belgilab bergan olim prof. N.M. Mahmudovdir. Olim ayni shu mavzuga bag'ishlagan doktorlik dissertatsiyasida gapning nafaqat formal, balki mazmun tomoniga ham e'tiborning kuchayganligini qayd etib, sintaktik nazariyada sintaktik birliklarning barcha formal – semantik xususiyatlarini hisobga oluvchi yangi yo'nalish – semantik sintaksis paydo bo'lganligini ko'rsatadi [1. 6].

Mutanosiblik yoki nomutanosiblik, avvalo, inson ongida shakllanadi. Shu jihati bilan mantiq fani bilan chambarchas bog'lanadi. Ongda shakllangan tushuncha ma'lum bir shakl bilan ifodalanadi. Lisoniy belgi va uning ma'nosi lingvistik birlikning nomutanosibligiga bog'liq. Shu sababli ham til belgilari ongda turli shakllar hamda ma'nolarda gavdalanadi. Bu esa turli nomutanosibliklarni shakllantiradi.

Ma'lum shaklga va mazmunga ega bo'lgan birliklar o'rtasidagi munosabatlarning nomutanosibligi ko'p hollarda kuzatiladi. Bunda mohiyat yetakchi o'rinda turadi. Mohiyatdan uzoqlashgan yoki uzilgan semantik birlik asl mohiyatga nisbatan nomutanosibdir. Chunonchi, *bosh(kalla)* so'zi. Boshlanish qismi – gavgada nisbatan boshlanish, hayotga nisbatan boshlanish, so'zga nisbatan boshlanish...

Insonning boshi (tana a'zosi, kalla), boshi joyida (kallasi bor), boshli yoki boshsiz, boshqa (boshi birga bo'l(ma)gan), boshboshdoq (boshlari va fiklari turlicha), boshchi, boshliq (ma'lum jamoaning boshida turadigan, boshqaradigan), boshla, boshlash, boshlanish (ma'lum faoliyatni boshidan yuritish, ya'ni boshlash), boshqar, boshqaruv (boshlarni nazorat qilish, boshlarni birlashtirib bir faoliyatga yo'naltirish); ishning boshi (boshlash uchun asos), so'zboshi(g'oyani asoslash uchun fikrning boshlanish qismi), yurtboshi(yurtdagi odamlarni boshqarish uchun saylangan shaxs), boshpana(boshni saqlash uchun mo'ljallangan pana joy, uy)... Bu qator misollar shuni ko'rsatadiki, bosh so'zining o'ziga xos semantik maydoni kengayib borgan hamda turli nomutanosibliklarga uchragan. Bu holatni professor Sh.Rahmatullayev "O'zbek tili omonimlarining izohli lug'ati" kitobida quyidagicha beradi:

**"Bosh I ot.**

- 1.Organizmning bo'yindan yuqori qismi, kalla. *Boshini olmoq...*
2. Miya. *Boshi og'riyapti...*
- 3.Aql-idrok, fikrlash qobiliyati. *Boshini aylantirmoq...*
- 4.Rahbar, boshliq. *Jo'raboshi, ishboshi, mingboshi*(eski)...

**Bosh II sifat.**

1. Eng oldingi, birinchi. *Bosh bola, bosh kelishik...*
2. Rahbarlik qiluvchi, boshchilik qiluvchi. *Bosh vrach, bosh agronom...*

**Boshla I fe'l.** biror ish-harakatni ijro etishga kirishmoq. *Ashulani men boshlayman...*

**Boshla II fe'l.** Etikdo'zlik termini. *Etigimni boshlab bersangiz, boshlig'i urinib qoldi...*

**Boshla III ko'makchi fe'l.** *Kela boshlamoq...*

**Boshliq I ot.** Kosibchilik termini. *Etigimga yangi boshliq solib bersangiz...*

**Boshliq II ot.** Bosh bo'luvchi, rahbar, ishboshi. *Idora boshlig'i...*[2. 34-35]

Misollardan ko'rinib turibdiki, nomutanosiblikning paydo bo'lishi asl mohiyatdan yiroqlashmagan. Dastlab bir tuchunchadan hosil bo'lgan hosila diaxron holatdan sinxron holatga o'tishi natijasida ma'no ayrilishi sodir bo'lib, ma'no mustaqilligiga uchragan va antonimlikni shakllantirgan. Bu qarama-qarshilik shakl va ma'no o'rtasida sodir bo'ladi.

Shakl sathining birliklari va ma'no sathining birliklari o'rtasidagi munosabatda nomutanosiblik masalasini S. Karsevskiy asarlarida uchraydi. Olim bu munosabatni asoslar ekan lisoniy belgining assimetrik dualizmi g'oyasini, g'oyaning mohiyatini ifoda etadi: lisoniy birlikning ikkala tomoni ham (belgi va belgi bilan belgilanadi), ya'ni, ular orasidagi munosabatlarni muqarrar ravishda buziladi. Bu shuni anglatadiki, so'zning tovush ko'rinishi asta-sekin va sekin o'zgaradi. Shuningdek, asta-sekin, garchi juda tezroq bo'lsa ham, so'zning mazmuni o'zgaradi. Bu asl moslik yoki simmetriya asta-sekin buzilib, assimetriya paydo bo'lishiga olib keladi. Bu lisoniy belgini universal aloqa vositasiga aylantiradi[3. 85].

Demak, simmetriya holati muqum bo'lmasdan u sekinlik bilan assimetriya(nomutanosiblik) holatiga o'tadi. Shakldagi bunday o'zgarish bir vaqtning o'zida sodir bo'lmaydi.

Boshqa til sathlarida bo'lgani kabi morfemik sath birliklarida ham shakl va mazmunning murakkab munosabati mavjud. Shu bois morfemik sathda irratsionallik (F.de

Sossyur) yoki assimetriya (S.O.Karsevskiy)ning turli ko'rinishlari kuzatiladi: "Agar til mexanizmi to'la ratsional bo'lganda edi, uni "narsa o'zida" kabi o'rganish mumkin bo'lar edi"[4. 165]. Albatta, tilning mohiyati har qanday qolip, andaza va qoidaga nisbatan boy va ko'p qirralidir. Har qanday qoida va umumlashmalar eng tipik bog'lanishlarni aks ettiradi. Ana shunday bog'lanishlar til sistemasida amal qiluvchi, o'z qonuniy asosiga ega bo'lgan assimetrik dualizm jarayoni bilan izohlanadi.

Ma'lumki, assimetriyaning uch ko'rinishi farqlanadi: a) sistema assimetriyasi; b) struktura assimetriyasi; v) funktsiya assimetriyasi[5. 25]. (Bu hususda ishning keyingi qismlarida to'xtalamiz.)

**Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology).**

Tilda mavjud sinonimiya va omonimiya o'rtasidagi bog'liqlik haqida mulohaza yuritish, ikkinchisini, aslida, belgi va ma'no dialektikasini, ifoda va mazmunini, mantiq va psixologiyasini belgilaydigan semiotik faoliyatning asosiy tamoyillaridan birini shakllantirishga olib keldi. Bu jarayon tilda mavjud bo'lgan sinxronlik va diaxroniya tamoyillari sabab yuzaga chiqadi. Shakl tushunchasi ifodalangan mazmuni, mantiqni ichki va tashqi omili sababli yangi bosqichga olib chiqadi. Yangi paydo bo'lgan tushuncha ma'lum vaqt oralig'ida bir belgi asosida qayta shakllanadi. Shu jihatdan ma'noga ega bo'lgan yangi birlik ikki qutb o'rtasida harakatlanadi. Ularning umumiy va o'ziga xos (individual) belgilari aniqlikni yoki mavhumlikni ifodalashi mumkin. Bu jarayon insonlar ko'z oldida sodir etilmaganligi uchun sezilmaydi. Ammo o'rganishlar natijasida aniqlanadi. Yangi shaklga ega bo'lgan birlik, asl mohiyatdan vaqtincha bo'lsa-da yiroqlashmay turadi. Aloqalar batamom uzilib ketsa, omonimlik yoki sinonimlik, ayrim hollarda ko'p ma'noqlikni keltirib chiqaradi. Bu holat dastlab anglashilgan tushunchaga qay darajada aloqadorligi bilan o'lchanadi.

Birinchi galda, tilning asosiy vazifasi – lingvistik jamiyatning hamma a'zolari orasida aloqa vositasi bo'lib xizmat qilish, boshqa tomondan esa, ushbu jamoatning har bir vakili uchun o'zini ifoda etish vositasi sifatida xizmat qilishidir. Til qanchalik ijtimoiylashmasin, u aqliy hayotimizning shakllari, individual ijtimoiy tushunchaga aylantirilishi mumkin emas. Shu jihatdan tilning shakliy ko'rinishi bo'lgani kabi semiologik qadriyatlar, albatta, virtual bo'ladi va shuning uchun ham tushinish darajasi umumiy bo'ladi. Shuning uchun til shaxs va shaxslarning o'zlar aloqalarida mustaqil bo'lib qoladi. Bunda til belgilari har doim yangi, aniq vaziyatga taalluqli bo'lishi kerak. Chunki nutq jarayonida hosil bo'lgan semiotika boshqa nutq uchun begona bo'lishi mumkin.

Til birliklari turlicha. Agar birliklar harakatsiz bo'lsa va ularning har biri faqat bitta vazifani bajaradigan bo'lsa, til shunchaki belgilar to'plamiga aylanardi. Ammo birliklari shunchalik harakatchan bo'ladiki, ular muayyan vaziyatlardan tashqarida hech narsani anglatmaydigan darajada tilni tasavvur qilish ham mumkin emas. Bundan kelib chiqadiki, lingvistik belgining xarakteri bir vaqtning o'zida doimiy va harakatchan bo'lishi kerak. Muayyan vaziyatga moslashishga chaqirilgan belgi faqat qisman o'zgarishi mumkin va boshqa qismining harakatsizligi tufayli belgi o'zi bilan bir xil bo'lib qolishi kerak. Bu holatda ham nomutanosib birliklar vujudga kela boshlaydi.

Aytaylik, morfemalarda asta-sekin, semantik "qamrab olish" hududi miqdoriy jihatdan sifatgacha kengayib boradi, belgilangan aqliy tasvirlar insoniyatning o'sib borayotgan tajribasi tufayli doimiy ravishda boyib boradi hamda rivojlanadi, natijada til tizimida doimiy siljishlar sodir bo'ladi.

Morfemik tahlil orqali tilning bir so'z birligiga morfema qo'shish, boshqa bir so'zning morfemasi bilan ko'pincha mos kelmasligini ko'rsatadi va bu ikki so'zning morfemalari orasidagi sintagmatik munosabatlarning o'rganib

chiqish lozim. Ayrim adabiyotlarda bu holatni so'z valentligi deb ham nomlaydi. Shu jihatdan morfemalar hamma so'zlarga ham qo'shilib ketavermaydi. Morfemalarning birikish holati bilan bog'liq nomutanosibliklar tilimizda ko'p uchraydi. O'zbek tilining morfologik birliklarda qoliplashish ustunlik qilsa, sintaktik birliklarda bu jarayon ancha erkin hisoblanadi. Biroq, nomutanosiblik holatini nafaqat morfemalar darajasida, balki sintaktik birliklar darajasida ham topish mumkin.

Nomutanosiblik ikki hodisada namoyon bo'lishi ilmiy adabiyotlarda isbotlangan: markaz (yadro) va periferiya o'rtasidagi tafavutda va belgilanuvchi bilan belgi o'rtasidagi farqlanishda.

Umuman olganda, nomutanosiblik tushunchasi va u bilan bog'liq nazariy qarashlar ilm-fanda turlicha talqin qilingan. Bu atama tabiiy til – inson tiliga nisbatan qo'llanila boshlagach, tildagi eng bosh xususiyatlardan biri – tabiiy tilning tuzilishi va amal qilishida umumiy tartib, muntazamlik, bir xillikdan chekinish, uzoqlashish ma'nosi bilan ishlatila boshlagan. Umumiy tilshunoslikda bu atama ikki holat uchun ishlatiladi:

1) til sistemasida markaz(yadro) va periferiya o'rtasidagi munosabatni ko'rsatish, o'zaro aloqadorliklarni aniqlash uchun;

2) til belgilarida ifodalanuvchi va ifodalovchi tomonlarining o'rtasidagi bog'lanishning uzoqlashuvi, umumiy holatdagi nomutanosiblikni ko'rsatish uchun[6. 47].

Yadro va periferiya o'rtasida har doim farq bo'lib turadi. Ular turli jihatlarda namoyon bo'ladigan universal xodisadir. Tilning tuzilishi jihatidan yadro asosiy fonemalar bo'lib, fuziya (fleksiya), so'z yasalishi (derivatsiya), so'z birikmalari qolipi til ravnaqining ma'lum tarixiy davrida eng faol hisoblanadi. Shu jihatidan yadro har qanday til uchun baza bo'lib xizmat qiladi. (Periferiya esa naqshlardan chetga chiqishdir.) Shakl va semantik jihatdan markaz – ma'lum bir guruhga xos bo'lgan shakllar va ma'nolardan iborat bo'lsa, periferiya – ma'lum bir toifadagi va boshqalar o'rtasidagi oraliq shakllar va ma'nolarda namoyon bo'ladi.

Ayaylik, fe'l shakllari orasida har qanday shaxsiy shakl markazga tegishli bo'lsa, barcha shaxssiz shakllar periferik jihatni ko'rsatadi, chunki ular fe'lning xususiyatlarini va boshqa nutq qismlarini birlashtiradi. Buni ismlarda ham ko'rish mumkin. Ismlar uchun yadro umumiy ismlar tomonidan hosil qilinadi, aniq va mavhum ismlar atrofga tegishli. Demak, bu jihat periferik belgini ko'rsatadi.

Ko'pgina tillarda oddiy ikki qismli jumla markaziy o'rinni egallaydi. Vazifaviy jihatdan markaz shakllardan foydalaniladi, shu tufayli periferiya kamroq bo'ladi. Kuzatishlar natijasida aytish mumkinki, ijtimoiy tilshunoslik nuqtayi nazaridan periferiya faqat jamiyatning bir qismi uchun, muloqot uchun xos bo'lgan elementlardir. Shuning uchun periferiya markazdan yiroqlashmaydi hamda markazsiz harakatlanishi mumkin emas. Tilni rivojlantirish jarayonida ayrim elementlar markazdan atrofga yoyilishi (o'tishi) va aksincha, markazga tortilishi (o'tishi) mumkin. Buni sezish uchun maxsus tadqiqotlar olib borilishi lozim.

**Tahlil va natijalar (Analysis and results).** Ma'lum bir ma'noning yetarli darajada shakllanmaganligi, yoki o'rmini bosuvchi boshqa bir shaklning mavjudligi tufayli turli nomutanosibliklar yuzaga chiqadi. Bunda ma'no ifodalovchi shakl ikki xil ko'rinishga ega bo'lishi mumkin. Bu ma'nolar tekis yoki notekis rivojlanadi. Ayrim fe'llarning shakllanishi va ma'no ifodalashida kuzatilgan nomutanosibliklarni sema jihatidan farqlash bir oz qiyinchilik tug'diradi. Ammo ishlatilishi har doim bir xil bo'laveradi. Ayaylik, to'liqsiz fe'l bilan shakllangan o'tgan zamonni ifodalash, o'tgan zamon affiksi *-di* ga nisbatan ma'no farqlaydi. Garchi, shakllardan farqlanib, ma'nolari bir holatda turgan bo'lsa-da, semalari maydoni biroz tafavut qiladi. Shu jihati bilan nafaqat shakl va yadro, balki ma'niviy periferiyani ham kuzatish mumkin.

Chunonchi, *borgan+di* – *borgan edi*. Shakl jihatidan zamonning ifodalanishi ikki xil. Mazmun ifodalashida ham semaviy tafavut seziladi: *borgandi* – yaqin orada, tezda; *borgan edi* – ancha oldin (uzoq muddat avval), sekinlik ehtimoli mavjud. *Borgan+mish* – borganlik ehtimoli yaqin, bormagan bo'lishi ham mumkin; *borgan emish* – borganlik ehtimoli uzoq, borganligi (bormaganligi) aniq. Misollardan anglashilmoqdaki, semalar maydoni garchi bir ma'no ifodalashga xizmat qilayotgan bo'lsa-da, to'liqsiz fe'lning ma'no semasida kuchaytirish alomati seziladi. Bu jihat yadrogga nusbatan periferiya sema maydonining nomutanosibligini ko'rsatadi.

Bunday nomutanosibliklarni analitik shakllarda ham kuzatish mumkin: *o'qib chiqdi* – *o'qidi* birliklarida farq qiluvchi *-ib chiq-* analitik shakli *o'qidi* fe'lga nisbatan ma'no kengligini shakllantirishga xizmat qilyapti. Analitik shakl nafaqat shakl jihatdan balki mazmun jihatidan ham fe'lni boyitmoqda. Aslini olib qaraganda, fe'llardagi yadroviiy sema maydoni analitik shakllar bilan boyiydi. *Ayt(ib ko'r)di* – *aytdi*. Aytid shaklida harakat bir martalik va unga natija muhimligi shartmas. *Aytib ko'r'di* shaklida esa javob kutish ehtimoli yuqori, qaytish reaksiyasi tekshirilmoqda. Umuman olganda, murakkab shakllarni (yetakchi) fe'lga qo'shilib kelishi fe'llarning sema maydonini kengayishiga olib keladi hamda harakatning ifodalanishi yanada aniqlashadi: *aytdi* shaklida harakat umumiy, *aytib ko'r'di* shaklida harakat aniq vaziyatga yo'nalgan va natijasi kutilmoqda. (Bu hususida ishimizning keyingi qismlarida to'xtalamiz.)

Tilning markaziy birliklaridan biri bu so'z hisoblanadi. So'z haqida fikr yuritilganda, avvalambor, uning ikki tomoni: shakl va mazmunini ko'rib chiqish maqsadga muvofiqdir. So'z va uning tarkibini o'rganish o'ta murakkab hodisa ekanligi adabiyotlarda ko'p bor aytilgan. So'zning shakl tomoni, til tizimidagi o'rni, o'ziga xos qurilishi: tovush, bo'g'in va morfem tuzilishi uning bir jihati belgilasa, ikkinchi tomondan mazmun-ma'no ifodalashi (o'z ma'nosi, ko'chma ma'nosi, grammatik ma'nosi) muhim xususiyatga ega.

Shakl va mazmun masalasi tilshunoslikda nomutanosiblik atamasi bilan bevosita bog'liq. Binobarin, so'zning morfem tarkibiga xos birliklarning o'zgarishi ham so'z ma'nosining o'zgarishiga sabab bo'luvchi omillardan biri sanaladi. So'zning ma'nosi o'zgarishi bilan yangi shakllar paydo bo'ladi. Yoki aksincha, yangi shakllarning paydo bo'lishi bilan so'zga yangi ma'nolar bera boshlaydi.

So'z tarkibidagi o'zgarishlar uchun leksemaning morfemaga yoki morfemaning fonemaga ko'rsatadigan ta'sirlari muhim omildir. So'z tarkibidagi birinchi qismning ikkinchi qismga o'tishi yoki ikkinchi qismning birinchi qismga o'tishi; birinchi qismning ikkinchi qismga ta'siri yoki ikkinchi qismning birinchi qismga ta'siri; vaqtlar o'tishi bilan (diaxron jihatdan) so'z tarkibining o'zgarishi yoki bir xillashuvi; xuddi shu so'zga o'xshash yoki aynan bir xil birlikning paydo bo'lishi so'z tarkibida turli ko'rinishdagi nomutanosibliklarning vujudga kelishiga sababchi bo'ladi.

**Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations).** Til tizimidagi bunday birliklarning vujudga kelishi, o'z-o'zidan ko'p ma'nolilik, shakldoshlik, zid ma'nolilikni keltirib chiqaradi. Bunday tushunchalarning vujudga kelishi tilning tarixiy ildizlari bilan bog'lansa-da, bugungi kun nuqtayi nazardan ham yangi birliklarning paydo bo'lishi tabiiy holat.

Til tizimida asosiy va markaziy mavqeda bo'lgan shakl nutqiy laha va nutqiy vaziyatlarda doim harakatda, o'zgarishda bo'ladi. Tilda belgi-ishoralarning nutq lahasi va vaziyati bilan bog'liq bunday harakati va o'zgarishi til taraqqiyotini belgilashda muhim ichki omillardan biri sanaladi. Shunday ekan vaqt shakl va mazmunning hamisha qismi bo'lib qolaveradi. Boshqacharoq aytganda, har bir

davrda shakl va mazmun o'ziga xos nomutanosibliklarni shakllantiraveradi.

#### ADABIYOTLAR

1. Махмудов Н.М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка-автор реф.докт.дис. –Т.; 1984.
2. Rahmatullayev Sh. O'zbek tili omonimlarining izohli lug'ati. – Т.: O'qituvchi, 1984.
3. Карцевский С. Об асимметричном дуализме лингвистического знака. –В кн.:Звегинцев В.А. История Языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях, ч. II, – М., 1965.
4. Соссюр Ф.де. Курс общей лингвистики. – Труды по языкознанию. – М., 1977.
5. Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка морфология. – М., 1986.
6. Большой энциклопедический словарь. Языкознание. – М.; 2000.
7. Mahmudov N.M. Biobibliografiya (so'z boshi mualliflari A.Nurmonov, A.Umarov). – Т.; 2010.
8. Сравнительно-историческое изучение языков разных семей. – М.; 1982.
9. Общее языкознание. Внутренняя структура языка. – М.; 1972.
10. Богородицкий В.А. Введение в татарское языкознание. – Казань, 1953.
11. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М.; 1955.
12. Qo'chqortoyev I.Q. So'z ma'nosi va uning valentligi. –Т.; 1977.



УДК: 821.161.1.0

**Феруза ХАБИБУЛЛАЕВА,**

*старший преподаватель кафедры русского языка и литературы,*

*доктор философии по филологическим наукам (PhD) Андижанского государственного университета*

*e-mail: feruza0902@mail.ru*

*На основании рецензии доктора философии по филологическим наукам (PhD) Андижанского государственного университета Попова Д.В.*

### HIDDEN LAYERS OF THE HERO'S INNER WORLD IN LITERARY TRANSLATION

Abstract

On the basis of the two Russian translations of the novel by A.Kadyri "The past few days" the problem of reconstruction of national character.

**Key words:** original, adequate translation, language picture of the world, national character, national spirit, mentality.

### СКРЫТЫЕ ПЛАСТЫ ВНУТРЕННЕГО МИРА ГЕРОЯ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ

Аннотация

В статье на основе переводов на русский язык романа А.Кадыри "Минувшие дни" рассматривается проблема воссоздания национального характера. Показано, что воссоздание характера зависит от принципов перевода и еще больше от мастерства переводчика.

**Ключевые слова:** оригинал, адекватный перевод, характер, национальный колорит, национальный дух, менталитет.

### BADIIY TARJIMADA QAHRAMON ICHKI DUNYOSINING YASHIRIN QATLAMLARI

Annotasiya

A. Qodiriyning "O'tgan kunlar" romanining rus tiliga tarjimalariga asoslangan maqolada milliy xarakterni qayta tiklash muammosi ko'rib chiqilgan. Ko'rinib turibdiki, fe'l -atvorni qayta tiklash tarjima tamoyillariga va undan ham ko'proq tarjimoning mahoratiga bog'liq.

**Kalit so'zlar:** original, adekvat tarjima, xarakter, milliy lazzat, milliy ruh, mentalitet.

Характер в произведении воплощает в себе содержание и определяет форму. Характер – инструмент художественного познания. «Он и содержание, он и форма» [1,321]

М.Бахтин писал, что в художественном произведении «...с самого начала активность автора движется по существенным границам его (героя): все воспринимается как момент характеристики героя, несет характерологическую функцию, все сводится и служит ответу на вопрос: кто он» [2,151].

Художественный психологизм – одно из важнейших составляющих реалистического характера благодаря чему у читателя создаётся полноценное представление о персонаже. Ибо, человек устроен так, что его внутренние действия воплощаются во внешние и, наоборот, внешнее является важнейшим фактором его внутренних движений. Многообразие средств изображения внутреннего мира персонажа, с одной стороны, и различия в художественной традиции, менталитете, образе жизни и т.п. с другой, создают определенные трудности в воссоздании внутреннего мира персонажа в переводе. Художественное произведение – речевое высказывание, обращенное к конкретному читателю (имплицитному) – носителю языка данного текста, представителю определенной нации, культуры, вероисповедания и т.п. Поэтому писатель может рассчитывать на то, что его читатель может прочесть между строк, почувствовать все опущенное так же полно, как это представляет себе сам автор. Первичная задача переводчика заключается в максимальном приближении своего восприятия переводимого произведения с восприятием этого же текста имплицитным читателем. А это очень сложная, почти невыполнимая задача, так как

для этого необходимо знать культуру, язык, обычаи, вероисповедание и т.п. на уровне «имплицитного» читателя. Следовательно, полностью адекватного перевода не может быть в принципе, но каждый переводчик должен стремиться к этому. Однако, на практике переводчики довольствуются передачей того, что непосредственно отражено в тексте, а все то, что находится за текстом остается вне поле их зрения. В результате перевод не может отразить все оттенки красок, которые с легкостью нанесла рука художника, доверившегося своему читателю.

Характер выражается во внутреннем психологическом состоянии, в образе мышления, в манере говорить, держать себя. То есть характер воплощает в своей индивидуальности духовно-нравственные качества, эстетические и этические взгляды определенного народа, что отражается в речи, поступках, психологических состояниях, портрете, пейзаже и т.д.

Выбрав характер, художник оказывается зависимым от него. Атабек в романе А.Кадыри «Минувшие дни» («Ўткан кунлар») предстает личностью в максимальной мере воплощающей в себе все характерные черты общественного сознания своего времени. При описании внешности героя автор очень тонко дает понять читателю свое отношение к нему. Герой наделен такими чертами, как мужественность, мудрость, исключительная сила воли, аналитический ум.

Стремление самостоятельно осмыслить действительность, дойти до самых корней, разобраться в сложной жизненной диалектике, не удовлетворяясь приблизительными решениями и подвергая все сомнению – эта особенность духовной атмосферы вызвала к жизни

особый принцип подхода человека к окружающему миру – аналитичность.

Для романа характерен аналитический психологизм, то есть любое внутреннее состояние разлагается на составляющие, разбирается в подробностях. Психологический анализ строится как обнаружение скрытых пластов внутреннего мира, тех душевных движений, которые не лежат на поверхности, неясны с первого взгляда. Часто это анализ того, что скрывается за тем или иным действием или поступком героя. И важно то, что анализирует всё это преимущественно он сам. Характер Атабека раскрывается и с помощью поступков, описания внешности, обстановки, передачи жестов, деталей быта. Это и понятно – Атабека отличает склонность к анализу всего происходящего вокруг, желание разобраться во всем, он умен, наблюдателен. Самоанализ Атабека всегда очень смел. Постоянно он задает себе вопросы. И как бы он на них ни отвечал, важно то, что он размышляет, не равнодушен к своим действиям и к окружающему миру, сомневается, перебирает разные варианты. А это делает психологизм глубоким, всесторонним. Кадыри сосредоточил художественное внимание не на внешних, сюжетных, а на внутренних, психологических мотивировках человеческого поведения.

В романе ведущим способом психологического анализа выступает самоанализ героя. Атабек вообще сдержан, предпочитает не обнаруживать душевных движений. По-настоящему загадочно соотношение внешнего и внутреннего в нем. По складу натуры он умеет владеть собой, держать себя в руках.

Кадыри не дает подробной биографии героя. Исключительность Атабека в романе не мотивирована. Художник ограничился отдельными характеристиками героя, свидетельствующими о его незаурядной личности.

Знакомясь с романом в переводах на русский язык, мы нередко становились свидетелями неудачного выбора эквивалентов некоторым словам, в частности, в передаче тонкостей национального характера героя. Добиться адекватности перевода оригиналу – задача трудновыполнимая. Для адекватного воспроизведения текста необходимо добиться эффекта оригинальности перевода. То есть читатель должен почувствовать силу литературного таланта автора оригинала. И, читая перевод, он не должен чувствовать, что это не оригинал.

Ограничимся рассмотрением мастерства писателя в раскрытии характера Атабека и его воссоздание в переводе на примере одного эпизода.

Как отважно держался Атабек, когда арестовали его и Мирзакарима-кутидора (тесть) по навету Хамида, который оклеветал их «Лицо Атабека выражало лишь недоумение, однако кутидор был испуган и очень бледен... Он разговаривал с кушбеги как с обыкновенным человеком, а кутидора бросали в жар и холод не слова Атабека, а его улыбка...»

Атабек ведет себя на допросе кушбеги мудро и дипломатично. Автор изображает Атабека как обладателя высокого умственного уровня: «Мен сизнинг киличингиз остида ўлимдан кўрқиб ёки сизга хушомад учун сўзламай ҳукумат кишиларимиз орасида тушунадирган бир одам бўлганлигингиз важдан отамнинг ҳам ўзимнинг қандай

фикр ва маслак кишиси эканлигимизни айтиб ўтмақчи бўламан...» [3,75]

«- Я не боюсь казни и вовсе не собираюсь лстить вам... мы (отец Юсуфбек-хаджи и Атабек) не держим сторону ни кипчаков, ни наших сородичей. Мы считаем, что нельзя отдавать предпочтение ни тем, ни другим: в делах управления обе стороны действуют не хуже и не лучше» [4,84.]

В переводах, в целом, нашло отражение богатство арсенала характерологии Кадыри, но и допущены искажения в передаче тонкостей национального характера, тонкостей языка автора. Имеются пропуски, несколько снижающие остроту данного эпизода романа. В переводе мы не чувствуем те характерные черты Атабека, которые есть в оригинале. Выбранный вариант перевода вносит неясность, так как появляются две возможности интерпретации предложения: «Я не боюсь казни и вовсе не собираюсь лстить вам»: 1) Атабек в данный момент действует подобно послу, которому гарантирована жизнь (как гласит узбекская пословица «Элчига ўлим йўк»), и потому он видит свою задачу в том, чтобы поставить в известность Кушбеги о произошедшем, но ни в коем случае не оправдываться; 2) Атабек – человек мужественный и справедливый, который ни при каких обстоятельствах не льстит и говорит только правду, однако, лишенный здравого смысла, не способный трезво оценивать ситуацию, лишенный качеств дипломата. Оба эти варианта интерпретаций перевода не соответствуют оригиналу. Переводчики не смогли в данном эпизоде передать как всю сложность и тревожность ситуации, глубину и тонкость восприятия её Атабеком, так и своеобразное видение, ощущения, стиль автора, показать те качества, которыми он наделил своего героя.

Этот недочет, на наш взгляд, объясняется тем, что при переводе данного предложения изменена его семантическая структура, что в корне меняет смысл и интонацию высказывания Атабека в этой чрезвычайной ситуации. Тогда как в оригинале выражение Атабека искусно отточено, оно в меру отражает в себе как достоинство, так и тонкую дипломатичность. Для достижения адекватности его перевода необходимо, на наш взгляд, четко представить себе смысловую структуру высказывания, алгоритм его построения. В оригинале смысловая структура высказывания такова:

- 1) не из-за страха смерти перед Вашим мечом,
- 2) и не из-за лести в угоду Вам,
- 3) а исключительно потому, что являетесь Вы толковым среди наших власть имущих мужей,
- 4) хочу известить Вас о том, людьми каких взглядов и идей являемся я и мой отец.

В романе глубоко раскрыт характер Атабека, который наделен острым пронзительным умом и храбростью. Следует отметить, что переводчиками в целом верно воссоздано мастерство Кадыри в раскрытии характера героя. Однако, тонкости характера, проявляющиеся в подобных, рассмотренному выше сюжетных ситуациях, в большинстве случаев остаются, к сожалению, не раскрытыми. А это значит, что над переводом «Минувших дней» – энциклопедии узбекской жизни – переводчикам еще трудиться и трудиться.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Бочаров С.Г. Характеры и обстоятельства // Теория литературы. Образ, метод, характер. – М., 1962.
2. Бахтин М. Эстетика словесного творчества. – М., 1979
3. Абдулла Кадыри. Минувшие дни. – Т.: Изд-во лит. и искусства, 1984.
4. Абдулла Кадыри. Минувшие дни. – Т.: Шарк. – 2009.
5. Абдулла Кодирий. Ўтган кунлар. – Т: Шарк. – 2014.
6. Курунов Д.Х., Хабибуллаева Ф.К. «Ўтган кунлар» таржимаси: тахлил ва тавсиялар. Адабий-бадий, ижтимоий-публицистик журнал «Жахон адабиёти», 2018. - №7– С.163-171



**Фотима ХАСАНОВА,**  
Андижон давлат университети  
Факультетлараро чет тиллари кафедраси  
катта ўқитувчиси, ф.ф.ф.д (PhD),  
**Махбуба АНОРБОЕВА,**  
Андижон давлат университети  
Инглиз тили грамматикаси ва тил амалиёти  
кафедраси ўқитувчиси  
E-mail:ismoilova-fatima@mail.ru

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори, ф.ф.д. Якубов Ж. тақризи асосида

### ИНГЛИЗ ТИЛИДА ДУО НУТҚИЙ ЖАНРИНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАСНИФИ МАСАЛАСИ

Аннотация

Ушбу мақолада дуо нутқий жанрининг лингвистик хусусиятларини ўрганишда инглиз тилида Худога йўналтирилган дуонинг мазмуний тузилиши ҳақида гап боради. Унинг мазмуний тузилишида Худони мадҳ этиш, Худога ҳамду санолар айтиш, шукрона келтириш, Худонинг марҳаматини сўраш, гуноҳларига товба қилиш, миннатдорчилик билдириш кабилар ётиши белгиланади. Шунингдек, дуо таснифи ва унинг тил тизимидаги функционал хусусиятларига ҳам эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланади.

**Калит сўзлар:** дуо, Худога йўналтирилган дуо, дуо этикаси, дуонинг мазмуний тузилиши, функционал хусусият, дуо таснифи.

### LINGUISTIC FEATURES OF THE SPEECH GENRE “PRAYER” AND ITS CLASSIFICATION IN ENGLISH

Annotation

This article examines the semantic structure of prayer which directed to God in English while studying the linguistic features of the genre of prayer. Its semantic structure is defined as praising God, giving thanks to God, asking for God's blessings, repentance of sins and so on. In addition, it is emphasized that attention should be paid to the classification of prayer and its functional features in the language system.

**Key words:** prayer, prayer which directed to God, ethics of prayer, semantic structure of prayer, functional feature, classification of prayer.

### ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РЕЧЕВОГО ЖАНРА «МОЛИТВА» И ЕГО КЛАССИФИКАЦИЯ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

Аннотация

В данной статье исследуется смысловая структура молитвы, обращенной к Богу на английском языке, при изучении лингвистических особенностей жанра молитвы. Его семантическая структура определяется как восхваление Бога, благодарение Богу, просьба о Божьих благословениях, покаяние в грехах и так далее. Также подчеркивается, что следует обратить внимание на классификацию молитвы и ее функциональные особенности в языковой системе.

**Ключевые слова:** молитва, молитва обращенная к Богу, этика молитвы, смысловая структура молитвы, функциональный признак, классификация молитв.

**Кирриш.** Ўтган асрнинг 50 йилларидан тадқиқотчилар эътиборининг нутқдаги жанрларга қаратилиши ва нутқий жанрларни ўрганишга бўлган қизиқиши [1,2,3,5,7,8,11] ҳар бир тил тизимидаги алоҳида нутқий жанрларнинг миллий маданий хусусиятлари, мазмуний ва шаклий тузилиши, композицияси, услубини ўрганиш имконини берди. Дуо нутқий жанри орқали ислом динига эътиқод қилувчи ўзбек халқи Худога илтижо қилиб, ўзи ёки бошқалар учун яхши тилак тилаш, маросимларда фотиҳа ўқиш, инсон соғлиги ва ҳаёти учун салбий натижалар берувчи матн ёки кишиларнинг бир-бирларига тилайдиган яхши ният каби [10, 665], христиан динига эътиқод қилувчи инглиз халқи эса Худога сажда қилиш, ҳамд айтиш, улуғлаш, гуноҳларига тавба қилиш, нажот истаб, имдод (имконият) сўраш, бирор ишни бажариш олдидан ёки якунида Худодан ишига ривож тилаш ёки бажарилиб бўлинган иш учун шукрона келтириш [4, 806] каби бир қатор нутқий максадларни ифодалайди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Рус тилшунослигида дуо нутқий жанри

масаласи билан боғлиқ бир қатор илмий ишлар мавжуд [9;6]. Ушбу мавзу юзасидан рус тилшунослигида ҳам ҳозиргача баъзи масалалар ҳали ўз ечимини топганича йўқ. Бу масалалар қаторига дуо нутқий жанри монологик нутққа тегишлими ёки диалогик нутққа кабидаги баҳсни киритиш мумкин. Рус олими Т.В. Бердникова дуо нутқий жанрини диалогик нутққа тегишли эканлигини таъкидлаб, дуо мазмунини сўзловчининг Худо билан гаплашиши, суҳбати, деб баҳолайди. Худонинг унга жавоби эса вербал бўлмайди [6, 17]. Шуни айтиш керакки, ҳозирги кунга қадар инглиз ва ўзбек тилларида дуо нутқий жанрини қиссий ўрганишга бағишланган алоҳида илмий ишлар мавжуд эмас.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Инглиз ва ўзбек тиллари тизимидаги мавжуд дуоларни ўрганиш, албатта, унинг тил тизимидаги мавжуд шакллари ўзига хосликларини ўрганиш билан бошланади. Дуо нутқий жанри таснифида тилнинг иштирокига кўра ички ва ташқи нутқ орқали дуолар, адресат муносабатларига кўра Худога, муқаддас

шахсларга йўналтирилган дуолар (Худо (намоз), азиз авлиёлар, Хизр бува кабилар), марҳумларга йўналтирилган (ота-она ёки қариндошлар), хайрли ишларга йўналтирилган: лавозим, ютук, камчилик (ривож дуо), тўй, бирор нарса (уй, машина) сотиш (Хизр бозорини берсин каби) сотиб олиш, мусофир дуоси кабилар, дуо адресанти ва уларнинг турлари (азиз саналган инсонлар: мулла, қори, ота она, ака, опа, ногиронлар), ижобий (барака, ривож, яхши, эзгу тилак билдириш) ва салбий (қарғиш, афсун, сеҳр-жоду каби) дуолар, дуолар мазмунига кўра мактов (ҳамд-санолар айтиш, улуғлаш каби), шукрона келтириш, товба қилиш (гуноҳларини кечиретиши сўраш каби), ёрдам сўраб илтижо қилиш, бошидан ўтказган ишларни таҳлил қилиш, сўзлаб бериш, хикоя қилиш, структур тузилиши бўйича оддий ва мураккаб дуолар, ҳажми бўйича қисқа ва узун дуолар, ўқилиш жойи бўйича уй ва жамоат ичида ўқиладиган дуолар, ўқиш вақти бўйича бомдод, шом, эрталабки, кечки каби турларга ажратиб ўрганиш мумкин.

#### Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Тўплаб ўрганилган инглиз тилидаги материаллар мазмуни шуни кўрсатадики, инглиз халқи учун дуоларнинг энг олийси бу Худога қилинган дуодир. Инглиз халқи учун Худога қилинган дуо бу-

- кишилар томонидан қилинувчи илтижоларнинг энг олийси, энг олий илтижо;
- инсонларнинг Худо билан дўстлашиш, руҳий боғланиш, гаплашиш имконияти;
- кишини Худога яқинлаштириш имконияти;
- инсонларнинг Худо билан ўзаро муносабатларининг мавжудлиги;
- инсонларнинг Худога ўз юрагини очишга, дардларини тўқиб солишга ва билиб-билмай қилган гуноҳларини кечиретишига умид;
- Худога шукрона келтириш ва миннатдорчилик ифода қилиш имконияти;
- ҳар ишда нажот берувчи Худога илтижо қилиш имконияти;
- инсонни христианга айлантирувчи восита ва Худога тегишлилик кабилар демакдир.

Христиан кишиси учун Худога йўналтирилган дуо пайтида Худонинг мақоми куйидагича тасвирланади:

- инсоннинг илтижо қилиб сўраган ҳамма нарсани ўзгартиришга қодир;
- қалбларни ўзгартирувчи, қалбларни вояга етказувчи ва улғайтирувчи;
- ўй-хаёлларни эшитувчи ва кўрувчи;
- инсонларни тинч осойишта ҳаёт кечиритилари учун ёрдам кўрсатувчи;
- инсонлар билан дўст сифатида гаплашувчи;
- товбаларни қабул қилувчи, гуноҳларни авф этувчи;
- азият чекканлар, камбағаллар, касаллар кабиларга ёрдам кўрсатувчи вауларга яна бир имконият тақдим қилувчи;
- ўзига сажда қилган инсонларни хизматкор сифатида эмас, балки ўз дўсти сифатида қаровчи кабилар.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Христиан динида Худога йўналтирилган дуо этикаси куйидагиларни талаб қилади:

1) Худо билан гаплашиш пайтида ўзига қулай тарзда жойлашиши муҳимдир. Худо билан гаплашиш учун тинч жойни танлаш керак. Диний таълимотларга кўра, инсонларнинг ўз хонасига кириб, эшикларни ёпиб, Худога товба, яъни илтижо қилишлари тўғри, деб ҳисобланади;

2) Тайёр диний калималардан иборат махсус диний матнлардан ўқиш керак;

3) Худо билан гаплашганда инсон юрагини Худога очиши лозим;

4) Худо ўй ҳаёллар ва ҳиссиётлар орқали гаплашади,

у ҳиссиётлар ва ўй ҳаёллар орқали эшитиб ёрдам беради, шунинг учун оҳиста дуо қилиш ҳам мумкин. Дуолар, тавбалар паст ёки баланд овозда бўлишидан қатъий назар ҳар иккала ҳолатда ҳам Худо эшитади;

5) Худога дуо орқали илтижо қилаётганда талаб маъносида эмас, ёрдам сўраш маъносида мурожаат, илтижо қилиш зарур кабилар.

Христиан этиқоидида инсонлар дуо орқали Худога ўз ишонч-этиқоиди, Худога бўлган меҳр-муҳаббатини, севгисини билдиради. Исонни тан олиш ҳам Худони севишга тенглаштирилади ва бу орқали Худо барча болаларини бирга яшаб, ортга қайтишларини ҳохлаши ифодаланади. Худо христиан кишиларини ўз фарзандларидек қабул қилганликлари сабабли ҳам дуоларда христиан кишиларидан бир-бирларини асраш, бир оила аъзолари сифатида бирлаштиришлари сўралади. Бунда Худо номи остида кишиларнинг бирлашиши ва ўша бирлашув (дўстлик, биродарлик, қавм-қариндошлик, севги, оила кабилар) муносабатларида Худонинг мавжудлиги катта аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам бу халқ диний қарашларида севги, оила, дўстлик, биродарлик, қавм-қариндошлик каби тушунчалар Худонинг инояти, марҳамати деб қабул қилинади. Шуни айтиш керакки, Христиан диний таълимотларида Худонинг инсонлар билан гаплашиши нафақат дуо орқали, балки, кишиларнинг ҳар хил тоифадаги инсонлар билан учрашуви, дин кишилари, умр йўлдоши, фарзандлари, дўстлари ва душманлари орқали ҳам бўлади, деган ғоялар олға сурилади. Бунда Худо билан гаплашиш кишиларнинг бошқа кишилар билан ўзаро муносабати асосида шаклланади, деган ғояларда шахсий муносабатлар тушунчаси мавжуд бўлиб, шахсий муносабатлар дейилганда, инсонлар ўртасида эмоционал ҳиссиётлар ва ўзаро таъсир давомида шаклланидиган яқин алоқаларга боғлиқ муносабатлар тушунлади. Бундай муносабатлар кишиларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишлик асосида шаклланади ва мустаҳкамланади. Бундан ташқари соғлом муносабатлар тушунчаси ҳам мавжудки, улар кишиларни бир-бирларига баланд гапиришида, хақиқатни юзига гапиришларида, бир-бирларини ҳурмат қилишларида, қўллаб қувватлашларида, бир-бирига тегишли шахсий нарсаларни ҳурмат қилишлари кабиларда кўринади.

Худога йўналтирилган дуо нутқий жанри мазмуний тузилишини ташкил қилишда куйидагиларга аҳамият бериш муҳимдир:

1.Худога мадҳ, ҳамду санолар айтиш ва шукрона келтириш (Prayer of Adoration/Blessing);

2.инсоннинг ўзига керакли нарсада Худонинг марҳаматини ёки иноятини сураш (Prayer of Supplication/Petition/Intercession);

3.инсоннинг шу кунга қадар қилган гуноҳларига тавба қилиш (Prayer of Contrition/Repentance);

4.Худога миннатдорчилик (Prayer of Thank-giving/Gratitude) айтиб, *Омин (Amen)* сўзи билан якунлаш каби.

Дуонинг бу қисмлари баъзан умумий тарзда, баъзан яқка ҳолатларда, баъзан аралаш тарзда ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, қисмларнинг яқка ҳолда қилиши шукроналик ва миннатдорчилик ифодаси сифатида овқатланишдан аввал Христианлар айтишлари лозим бўлган бир қатор куйидаги дуо мазмунли диний сўзларда учрайди:

1. Bless us, Oh Lord, ...

2. May all be fed. ...

3. Loving God, bless all those gathered here today. ...

4. *For food in a world where many walk in hunger; ...*  
 5. *In a world where so many are hungry, ...*  
 6. *Bless us, O God. ...*  
 7. *May this food restore our strength, giving new energy to tired limbs, new thoughts to weary minds.*  
 8. *God is good, God is great. Let us thank Him for our food. By his hands we are fed. Give us Lord our daily bread.*  
 9. *Giving Thanks. For food in a world where many walk in hunger; ...*  
 10. *Humble Hearts. In a world where so many are hungry, ...*  
 11. *Bless our Food. Bless us, O God. ...*  
 12. *Bless this Food. Blessed are you, Lord our God, ...*  
 13. *May we eat Well. Blessed are you, Lord God, king of the universe: ...*  
 14. *Praise be to You. Loving Father, ...*  
 15. *We are Grateful. ... and so on.*

Ўзбек тилида ҳам бундай шукроналик гаплари мавжуд бўлиб, *Худога шукур, берган ньёматларингга, кўрсатган яхши кунларингга шукур* кабилардир.

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations):** Хуллас, дуо нуткий жанрининг лингвистик хусусиятларини ўрганишда асосий эътиборни нафақат дуо турлари, таснифи, лингвистик вербал ва новербал воситаларнинг мазмуний тузилиши кабиларга, балки дуонинг тил тизимидаги функционал хусусиятларига ҳам эътибор қаратиш зарур. Масалан, куйида дуо тиланчи нуткида пул сўраш мазмунида қўлланилган: *Худойим хайру-эҳсонингизни қабул қилсин (сўзлашувдан)*. Агар бу жумла пул бергандан сунг айтилса, ҳақиқий маънодаги дуони англатади. Лекин пул берилмай туриб айтилса, сўзловчи нуткида пул сураш мазмунида ишлатилади. *Аллоҳ ажрингни улуг қилсин, сабрингни гўзал қилсин* кабилидаги дуо алоҳида шахсга йўналтирилганда бирор ишни бажаришда яхши ният, яхши тилак тилаш маъносини, ўлим маросимида эса мотам тутилаётган хонадон сохибларига таъзия билдириш маъносига қўлланилади. Дуо нуткий жанрининг бу каби лингвистик хусусиятлари келажакда дуо нуткий жанри юзасидан чуқур тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Bawarshi A.S. and Reiff M. J. Genre. An Introduction to History, Theory, Research and Pedagogy. – USA, 2010. – P. 263.
2. Coe R.M. and Freedman A. Genre theory: Australian and North American approaches, Book Chapter, – P. 41-107 / Theorizing composition. A critical sourcebook of theory and scholarship in contemporary composition studies. ed. M.L. Kennedy Greenwood, 1998, – P. 424.
3. Flowerdew J. Discourse in English language Education. First Edition. – USA, 2013. – P. 138.
4. Hornby A.S. Oxford Advanced Learner's Dictionary of Current English. Seventh Edition. – Oxford University Press. 2005, – P. 1044.
5. Бахтин М.М. Проблема речевых жанров // М.М.Бахтин. Литературно-критические статьи. – Москва, 1986, – С. 428-472.
6. Бердникова Т.В. Диалогизм жанра молитвы в структуре лирического стихотворения. [sarteorlingv.narod.ru/Articles/dialogizm\\_molitvy.html](http://sarteorlingv.narod.ru/Articles/dialogizm_molitvy.html).
7. Воробьева Н.В. О понятии “Жанр” в современной лингвистике // Вестник Московского государственного лингвистического университета. – М., 2013. – С. 126-135.
8. Дементьев В.В. Теория речевых жанров. (Коммуникативные стратегии культуры). – М, 2010. – С. 597.
9. Мишланов В.А, Салимовский В.А. Диалогичность церковно-религиозных текстов российская и зарубежная филология Вып. 6(12), Пермь, 2010.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. 2-жилд. – Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 256 бет.
11. Федосюк М.Ю. Нерешенные вопросы теории речевых жанров // Вопросы языкознания. №5. – Москва, 1997. – С. 102–120.



УДК: 82-1/29.

Диѐра ХОЛМИРЗАЕВА,

магистрант II курса отделения русского языка и литературы Андижанского государственного университета

E-mail: kholmirzaeva91@gmail.ru

На основании рецензии доктора философии по филологическим наукам (PhD) Андижанского государственного университета Хабибуллаевой Ф.К.

### REFLECTING THE FEATURES OF TIME IN COMEDY

Abstract

The article examines the features of time and their reflection in the comedy by A.S. Griboyedov "Woe from Wit".

**Key words:** realism, advanced times, the Decembrists, storyline, "the past century", "present century"

### ОТРАЖЕНИЕ ОСОБЕННОСТЕЙ ВРЕМЕНИ В КОМЕДИИ

Аннотация

В статье рассмотрены особенности времени и их отражение в комедии А.С.Грибоедова «Горе от ума».

**Ключевые слова:** реализм, передовое время, декабристы, сюжетная линия, «век минувший», «век нынешний»

### VAQTNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARINI KOMEDIYADA AKS ETTIRISH

Annotatsiya

Maqolada A.S. Griboedovning komediyasida vaqtning xususiyatlari va ularning aksi o'rganilgan.

**Kalit so'zlar:** realizm, ilg'or davr, dekabristlar, hikoya chizig'i, "o'tgan asr", "hozirgi asr"

Сосредоточенность нашего внимания на особенностях времени и их отражении в комедии Грибоедова не является случайной. Ведь в основе произведения лежит конфликт времени – «века нынешнего» с «веком минувшим», нового со старым, олицетворяющих передовое и реакционное. В «Горе от ума» отразились существенные стороны первой четверти XIX века.

В выборе жизненного материала проявился, прежде всего, реализм Грибоедова. Конфликт нового со старым, передового с реакционным он осмыслил не в отечественной или аллегорической форме, как это было характерно для классицистов и романтиков, а в подлинных «формах жизни». Художник перенес в комедию характерные черты общественных и бытовых явлений. Комедия насыщена многочисленными намеками на современность. Они глубоко ограничены для нее, характеризуют ее конкретный историзм в изображении действительности.

События современности как злободневные вопросы являются предметом горячих обсуждений действующих лиц комедии. Отразились в комедии в основном события послевоенные (1812). Фамусов восторженно говорит о послевоенной Москве.

Фамусов

... едва

Другая същется столица, как Москва.

Скалозуб

По моему суждению,

Пожар способствовал ей много

к украшенью.

После Отечественной войны 1812 года Москва, сожженная французами, быстро застраивалась новыми зданиями.

Фамусов

Не поминайте нам, уж мало ли крехтят!

С тех пор дороги, тротуары,

Дома и все на новый лад.

Чацкий

Дома новы, но предрассудки стары,

Порадуйтесь, не истребят

Ни годы их, ни моды, ни пожары.

Делаются в комедии намеки на реакционную политику в вопросах просвещения, проводимую Ученым Комитетом, созданным правительством в 1817 году. Этот Комитет и имелся в виду, когда Чацкий упоминал Комитет, который стал требовать, чтобы «грамоте никто не знал и не учился».

Причиной всех бед, по мнению фамусовского общества, является ученье.

В 21-ом явлении 3-его действия Фамусов и его гости бурно обсуждают причину «сумасшествия» Чацкого.

Хлѐстова

Чай, пил не по летам

Княгиня

О! верно...

Графиня внучка

Без сомненья.

Хлѐстова

Шампанское стаканами тянул.

Наталья Дмитриевна

Бутылками-с, и пребольшими.

Загорецкий (с жаром)

Нет-с, бочками сороковыми.

Фамусов

Ну вот! великая беда,

Что выпьет лишнее мужчина!

Ученье – вот чума, ученье – вот причина,

Что нынче пуше, чем когда,

Безумных развелось людей, и дел, и мнений.

Хлѐстова

И впрямь с ума сойдешь от этих, от одних

От пансионов, школ, лицеев, как бишь их,

Да от ланкартачных взаимных обучений.

«Ланкартачный» – искаженное слово

«ланкастерский». Оно произошло от фамилии педагога Ланкастера, который принял систему в том, что наиболее

успевающие ученики помогали учителю обучать отстающих. В 1819 году в Петербурге было основано общество для проведения этого метода обучения. Пропагандистами ланкастерской системы были многие декабристы. Это новшество нашло отражение в репликах персонажей комедии. Княгиня Тугоуховская по-своему поддерживает только что названный разговор и обвиняет профессоров Петербургского педагогического института.

Княгиня

Нет, в Петербурге институт  
Пе-да-го-гический, так, кажется, зовут;  
Там упражняются в расколах и в безверье  
Профессоры!! – у них учились наш родня,  
И вышел! Хоть сейчас в аптеку, в подмастерье.  
От женщин бегают, и даже от меня!  
Чинов не хочет знать! Он химик, он ботаник,  
Князь Федор, мой племянник.

В 1821 году профессор Петербургского педагогического института Галичу и Арсеньеву было предъявлено обвинение, будто они в своих лекциях отвергают «истины христианства» и «призывают к покушению на законную власть». Хотя обвинение не было доказано, этим профессорам запретили преподавать в институте. В свое время это дело произвело большой шум и часто приводилось реакционерами как доказательство опасности высшего образования. О том же свидетельствуют выражения Тугоуховской о «расколах и безверии», ее ирония над «химиками» и «ботаниками».

Отечественная война 1812 года, пожар Москвы, разгром Наполеона, возвращение русской армии из заграничных походов, послевоенные изменения в Москве, новшества в области просвещения... Отзвуки этих и других событий наполняют страницы «Горе от ума». В комедии показано, что столкновение «века нынешнего» с «веком минувшим» были выражением борьбы двух политических лагерей, сложившихся в русском обществе после Отечественной войны, – лагеря феодальной реакции, защитников крепостной старины в лице Фамусова, Скалозуба и других, и лагеря передовой дворянской молодежи в лице Чацкого.

Столкновение прогрессивных сил с феодально-крепостнической реакцией являлось фактом не только русской, но и западноевропейской действительности того времени, отражение социально-политической борьбы в России и в ряде стран Западной Европы. М.В. Нечкина писала: «Общественные лагеря, столкнувшиеся в пьесе Грибоедова, были всемирно-историческим явлением. Они создавались к моменту революционной ситуации и в Италии, и в Испании, и в Португалии, и в Греции, и в Пруссии, и в других европейских странах. Всюду они принимали своеобразные формы... Выражаясь образно, Чацкий в Италии был бы карбонарием, в Испании – эксальтадо, в Германии – студентом» [2,232-233]. Самим фамусовским обществом Чацкий воспринимался в свете всего европейского освободительного движения. В начале 20-х годов XIX века активизировалось движение итальянских патриотов-карбонариев (угольщиков). Движение это воспринималось как движение революционное, что пугало верх общества.

Достаточно вспомнить отрывок из второго явления второго действия. Чацкий в доме Фамусова. Фамусов с благоговением вспоминает своего дядю Максима Петровича, который, по его мнению, является образцом для подражания. И советует он Чацкому брать пример с таких людей. Вельможа при дворе Екатерины, Максим Петрович был человеком гордым и надменным («Сурьезный взгляд, надменный нрав»). Однако «когда же надо подслужиться, и он сгибался вперегиб», Фамусов

восторгается тем, как покойный дядя сумел использовать себе во благо даже конфуз, случившийся с ним при дворе, на приеме у императрицы Екатерины II

«Упал, да так, что чуть затылка не прошиб;  
Старик захохал, голос хриплый;  
Был высочайше пожалован улыбкой;  
Изволили смеяться; как же он?  
Привстал, оправился, хотел отдать поклон,  
Упал вдругорядь – уж нарочно,  
А хохот пуще, он и в третий так же точно.  
А? как по-вашему? по-нашему смышлен.  
Упал он больно, встал здорово.  
Зато, бывало, в вист кто чаще приглашен?  
Кто слышит при дворе приветливое слово?  
Максим Петрович! Кто перед всеми знал почет  
Максим Петрович! Шутка!  
В чины выводит кто и пенсии дает?  
Максим Петрович. Да!»

(Разыграв шута, дядя приобрел благосклонность императрицы и стал уважаемым человеком при дворе).

Именно за этими словами Фамусова Чацкий впервые противопоставил два века, назвав «век минувший» «веком покорности и страха». Тогда последовало гневное восклицание Фамусова «Ах! Боже мой! Он карбонари!... Опасный человек!» Оно отражает толки московских бар об этом движении в Италии.

Все эти события 10-20-х годов являются предметом горячих обсуждений действующих лиц комедии. Так «Горе от ума» отразило накаленную атмосферу в дворянском обществе накануне декабристского восстания 1825 года. Большинство дворян испытывает тревогу за благополучие, обнаруживает злобную ненависть к вольнодумцам. А вольнодумцы, несмотря на численный перевес противников, бросают вызов их отсталости, невежеству.

В комедии две «сюжетные» линии. Одна связана с любовной интригой. В дом Фамусова Чацкого привела любовь к Софье. За три года отсутствия Чацкого многое изменилось. Софья, с детства связанная с Чацким любовным чувством, встречает его холодно: она влюблена в Молчалина. Чацкий с жаром старается объяснить ей ее страшное заблуждение... Все свидетельствует, о том, что Софья на многое смотрит глазами Молчалина. Она становится в ряды гонителей Чацкого, первой распространяет о его сумасшествии. Но Софья жестоко наказана. Она становится свидетельницей объяснения Молчалина в любви служанке Лизе: до сих пор он играл роль любовника в угодность дочери своего хозяина.

Более широкой является в комедии социальная интрига. Ее «сюжетной» линией называем условно, неслучайно слово взято в кавычки. Социальная интрига – это словесная борьба двух противостоящих друг другу лагеря – «века нынешнего» и «века минувшего». По словам исследовательницы, «Горе от ума» И. Медведевой, в комедии «ничего не происходит четырежды» [1,7] (имеется в виду событийное начало – Х.Д.).

Социальная интрига обрамляет и любовную сюжетную линию, выдвигается на первый план. Чацкий своими язвительными замечаниями, «гонениями на Москву» вызывает недовольство представителей «века минувшего». И противоположная сторона не скупится на оценки, она быстро узнает, каким врагом для нее является «век нынешний» (в лице Чацкого). Каждое новое лицо становится во враждебную позицию к Чацкому.

На первом плане – барская Москва. Но в разговорах, репликах персонажей возникает и облик столичного Петербурга, и саратовская глушь, где живет

тетя Софьи, и «необозримые равнины», широкие просторы России, которые представляются воображению Чацкого.

Таким образом, в комедии «Горе от ума» А.С. Грибоедов ярко отразил существенные стороны действитель-

ности своего времени в ее широких исторических связях. В пьесе точно указаны основные этапы освободительного движения на Западе – просветительство XVIII века, якобинская диктатура 1792-1794 годов и революционное движение 20-х годов.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Медведева И. Горе от ума А.С.Грибоедова. – М., 1974.
2. Нечкина М.В. А.С.Грибоедов и декабристы. М., 1951.
3. Khabibullaeva, F. K. (2020), —The hermeneutic approach to text analysis in the process of literary translation (on the example of Russian translations of the novel by A. Qodiriy —Bygone Days), *Research Result. Social Studies and Humanities*, 6 (3), 16-27, DOI: 10.18413/2408-932X-2020-6-3-0-2



*Elyor XONNAZAROV,*  
*Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti tayanch doktoranti*  
*E-mail: xonnazarov90@mail.ru*

*TDYU dotsenti, filologiya fanlari nomzodi G.Y. Gulyamova taqrizi asosida*

## THE STUDY OF THE CATEGORY OF TENSE IN WORLD LINGUISTICS

Abstract

Scientists have been interested in the problem of the reflection of real time in language since ancient times. Early research was conducted in close connection with philosophy and logic. After linguistics was formed as an independent science, many general aspects were identified in the expression of the tense category in the languages of the world. Further research of this category was carried out based on the goals and tasks of priority trends in linguistics in different periods. There is a tradition in world linguistics that grammatical, lexical, syntactic means denoting the meaning of time are studied as a temporal category. Therefore, time is studied together with the aspect in many researches. The main views of various scientists who have studied the category of tense are explained in the article.

**Key words:** category of tense, forms of tense, meaning of tense, past tense, present tense, future tense, the moment of speech, point of event, point of reference, modeling.

## ИССЛЕДОВАНИЕ КАТЕГОРИИ ВРЕМЕНИ В МИРОВОЙ ЛИНГВИСТИКЕ

Аннотация

Вопросом отражения реального времени в языке ученые интересовались с древних времен. Ранние исследования проводились в тесной связи с философией и логикой. После того как лингвистика сформировалась как самостоятельная наука, было выявлено много общих аспектов в выражении категории времени в языках мира. Дальнейшее исследование данной категории проводилось исходя из целей и задач приоритетных направлений в лингвистике в разные периоды. В мировой лингвистике существует традиция, согласно которой грамматические, лексические, синтаксические средства, обозначающие значение времени, изучаются как временная категория. Поэтому во многих исследованиях время изучается вместе с аспектом. В статье объясняются основные взгляды различных ученых, исследовавших категорию времени.

**Ключевые слова:** категория времени, формы времени, значение времени, прошедшее время, настоящее время, будущее время, момент речи, точка события, точка отсчета, моделирование.

## JAHON TILSHUNOSLIGIDA ZAMON KATEGORIYASINING O'RGANILISHI

Аннотация

Real vaqtning tilda aks etishi masalasi bilan qadimgi davrlardan olimlar qiziqib kelishgan. Dastlabki tadqiqotlar falsafa va mantiq fanlariga uzviy bog'liqlikda amalga oshirilgan. Tilshunoslik mustaqil fan sifatida shakllanganidan so'ng dunyo tillarida zamon kategoriyasining ifodalanishidagi ko'plab umumiy jihatlar aniqlandi. Mazkur kategoriyaning keyingi tadqiqi turli davrlarda tilshunoslikda ustuvor bo'lgan yo'nalishlarning maqsad va vazifalaridan kelib chiqqan holda amalga oshirildi.

Jahon tilshunosligida zamon ma'nosini anglatadigan grammatik, leksik, sintaktik til vositalari bir butunlikda temporal kategoriya sifatida o'rganilishi an'anaga aylangan. Shu sababli ko'p tadqiqotlarda zamon aspekt bilan birgalikda o'rganiladi. Maqolada zamon kategoriyasini tadqiq qilgan turli olimlarning asosiy qarashlari izohlanadi.

**Kalit so'zlar:** zamon kategoriyasi, zamon shakllari, zamon ma'nosi, o'tgan zamon, hozirgi zamon, kelasi zamon, nutq momenti, hodisa nuqtasi, ishora nuqtasi, modellashirish.

Zamon masalasi keng qamrovliligi bois turli fan sohasi vakillari tomonidan o'rganilgan. Mazkur kategoriyaning o'rganilishi dastlab falsafiy qarashlar bilan aloqador bo'lgan. Jumladan, falsafada borliqning ajralmas atributi sifatida qaraladigan zamon (vaqt) universaliyasi qadimgi davrlardan faylasuflar e'tiborini tortgan. Antik davr faylasuflari zamonning realligi yoki real emasligi to'g'risida bahs qilganlar. Geraklit "Ayni bir daryoga ikki marta tushib bo'lmaydi", deya vaqtning real mavjudligini ta'kidlasa, Parmenid uni inkor etib "O'tmish ham yo'q, kelajak ham yo'q, hamma narsa hozirda" deb hisoblaydi [1].

Sharq mutafakkirlaridan Abu Nasr Farobiy idealistik yondashuv asosida Alloh hamma narsaning yaratuvchisi ekanligini, zamonning cheksizligini e'tirof etadi [2]. Abu Ali ibn Sino materiyani formasiz, harakatni vaqtsiz tasavvur qilib bo'lmaydi degan fikrni bildiradi va sharqda birinchi bo'lib vaqtning harakat bilan, harakatdagi materiya bilan chambarchas aloqasini ko'rsatadi [3].

Tabiiyki, dastlab falsafada, keyinchalik tabiiy fanlarda o'rganilgan zamon kategoriyasining til materialida qanday ifoda topishi masalasi qadimgi davrlardan tilshunoslik fanida ham bu masalaning tadqiqiga sabab bo'lgan. Tilshunoslikda zamon nutq momenti bilan aloqadorlikda tekshiriladi. Zamon kategoriyasi lingvistik universalialardan hisoblangani bois tadqiqotlarda umumiy jihatlar ko'p uchraydi va asosan uch zamon shakli haqida gap boradi. Biroq tilshunoslikda turli yondashuvlarning shakllanishi mazkur kategoriyaning ham har xil yo'nalishlarda o'rganilishiga sabab bo'lgan. Shuningdek, ayrim tilshunoslik maktablarida bu uch zamon ichki turlarga bo'linganligini, ayrimlarida esa ularning umumlashtirilganligini kuzatish mumkin.

Tilshunoslik fani beshigi sifatida tan olinadigan qadimgi hind tilshunosligida fe'l so'z turkumining morfologik kategoriyalari ancha mukammal ishlangan edi. Hind grammatikachilari fe'lning uch zamonga birlashadigan yetti xil zamon zamon shaklini ajratganlar [4]. Jumladan, o'tgan zamonning tugallangan, tugallanmagan hamda uzoq o'tgan

zamon turlari, hozirgi zamon, kelasi zamon, odatdagi kelasi zamon, shart fe'li shaklidagi kelasi zamon turlari farqlangan. Qadimgi yunon tilshunosligida esa tilshunoslikning falsafiy davrida Pratarog tomonidan, tilshunoslikning grammatik davrida Dionisiy tomonidan fe'l zamonlarining o'tgan, hozirgi va kelasi zamon turlari ajratilgan.

O'rta asrlar arab tilshunosligi an'analari ta'sirida yozilgan, turkiy tillar grammatikasi haqida keng ma'lumot beruvchi asarlardan biri "At -tuhfatuz zakiyatu fil lug'atit turkiya" bo'lib, u XIV asrga oid deb taxmin qilinadi. Asarda fe'llarning uch (o'tgan, hozirgi, kelasi) zamoni haqida aytiladi [5]. Ushbu asar turkiy tillar morfologiyasi, xususan, zamon kategoriyasi haqida ilk tizimli ma'lumot bergan asar ekanligi bilan alohida qiymat kasb etadi.

Yevropa uyg'onish davri tilshunosligining dastlabki davrlarida klassik filologiya g'oyalari rivojlantirildi va bu asosda nemis, fransuz, ingliz, venger, chex, polyak, slavyan va boshqa tillarning grammatikalari yuzaga keldi. Tilga mantiq qoidalari asosida yondashish kuchaydi, bu esa tilning mantiqqa bo'ysundirilishiga olib keldi. Bu davrda barcha tillar bir mantiqiy asosga ega ekanligi va shu sababli ularning barchasi uchun umumiy bo'lgan grammatika yaratish kerakligi g'oyasi ilgari surildi. Buning natijasi o'laroq 1660-yilda Parijdagi Por-Royal monastirining rohib olimlari Anton Arno va Klod Lanslolar tomonidan yunon, yahudiy, lotin va fransuz tili materiallari asosida "Umumiy ratsional grammatika" yozildi. Ushbu grammatika zamon kategoriyasiga ham asarning umumiy yaratilish g'oyasidan kelib chiqqan holda yondashadi. Asarning XV bobi fe'l zamonlariga bag'ishlanib, mualliflar fe'lning uch oddiy va uch murakkab zamoni haqida fikr yuritadilar [6]. Fe'lning oddiy (o'tgan, hozirgi, kelasi) zamonlariga misollar beriladi. O'tgan zamon yaqinda va oldinroq bo'lgan harakatni ifodalashi mumkinligini, shundan kelib chiqib uning aniq va noaniq (define, undefine) turlari borligi qayd etiladi. Nutq momentidan o'tmishga qarab bir kungacha bo'lgan muddatda aniq zamon, undan uzoq muddat uchun noaniq zamon qo'llanilishi belgilanadi va quyidagi misol bilan asoslanadi:

J'ai ecrit ce matin (Bugun ertalab yozdim) – aniq o'tgan zamon (define)

J'ecrives heir (Kecha yozgandim) – noaniq o'tgan zamon (undefine).

Bunda aniq zamon o'rnida noaniq zamon (j'ecrives ce matin) qo'llana olmasligi, italyan va ispan tilida bu ma'nolar aralash ham qo'llangani holda fransuz tilida ularni almashtirish mumkin emasligi qayd etiladi. Mualliflar o'tgan zamon yuzasidan bildirgan ushbu fikrlar kelasi zamon uchun ham umumiylikka ega. Chunki kelasi zamonda yaqin muddatda (aytaylik, shu kunning o'zida) bajarilishi aniq bo'lgan harakat va umuman kelasi zamonda qachondir bajarilishi kutilayotgan harakatni ajratish mumkin.

Asarda murakkab zamonlar deganda qo'shma gaplar tarkibidagi ikki ish-harakatning bir-biriga munosabatidan kelib chiqadigan zamon ma'nosi tushuniladi.

"Umumiy ratsional grammatika" asari tilga nisbatan mantiq qoidalari ustuvorligidan kelib chiqib yozilgani, ayni bir mazmunning turli tillarda turli vositalar bilan ifodalanishi mumkinligini hisobga olmagan uchun tanqidga uchragan bo'lsa-da, zamon kategoriyasi talqinida ko'pgina tillar uchun umumiy bo'lgan jihatlarni tizimlashtirib bera olgan. Aytish mumkinki, zamonning lingvistik universalisiya ekanligi nazariy jihatdan asoslangan.

Zamon kategoriyasi tadqiqi tarixida M.Lomonosovning "Rus tili grammatikasi" asari (1755) ham alohida ahamiyatga ega, unda muallif har bir til grammatikasida fe'llarda uch asosiy, ya'ni o'tgan, hozirgi va kelasi zamonning ajratilishi me'yoriy holat ekanligini va bu ko'p tillarga xosligini ta'kidlaydi [7]. Ushbu tadqiqot rus tilshunosligida

zamon kategoriyasining ilk tizimli tadqiqi ekanligi bilan xarakterlidir.

Qiyosiy-tarixiy metodning asoschilaridan biri Frans Bopp sanskrit tilining fe'llaridagi qo'shimchalarni lotin, yunon va german tillariga qiyoslab Hind-Yevropa tillaridagi grammatik sistemalararo o'xshashliklarni ham aniqlashga muvaffaq bo'ladi. V.Gumboldt fe'l zo'z turkumi yuzasidan tadqiqotida F.Boppning mazkur ishini e'tirof etgani holda flektiv va agglutinativ tillarda fe'l asosiga zamon shakllarining qo'shilishidagi umumiy va farqli jihatlari haqida ma'lumot beradi [8]. Bu kabi qiyosiy-tarixiy yondashuvlar tilshunoslikning mustaqil fan sifatida shakllanishi uchun asos bo'ldi va zamon kategoriyasining keyingi tadqiqi tilshunoslikdagi turli maktab va yo'nalishlarning maqsad va vazifalariga bog'liq holda amalga oshirildi.

Zamon kategoriyasining jahon tilshunosligidagi tadqiqini o'rganish obyektiga ko'ra quyidagi yo'nalishlarga ajratish mumkin:

**1. Zamon fe'lning grammatik kategoriyasi sifatida o'rganilgan ishlar.** H.Reichenbach, H.Veinrich, Z.Vendler, A.V.Bondarko, N.Hornstein, J.Allen, K.Man-kam Yip, I.V.Kormushin, B.Komri, V.Kornevaya, A.O.Kozmin, A.A.Ziyavudinova kabi olimlarning ishlarida zamon fe'lning grammatik kategoriyalaridan biri sifatida tadqiq etilgan.



**2. Zamon ma'nosini anglatuvchi birliklarning leksik-semantik tadqiqiga oid ishlar.** I.G.Koshevaeva, M.V.Muryanov, N.A.Potayenko, Y.S.Yakovleva, Y.V.Bandarenko kabilarning tadqiqotlarida vaqt ma'nosini anglatuvchi lug'aviy birliklar, ularning semantikasi, matn tarkibida voqelanishidagi o'ziga xosliklar tahlil qilinadi.

**3. Zamon kompleks tarzda ham grammatik, ham leksik-semantik jihatdan tadqiq qilingan ishlar.** L.Lyubinskaya, Y.Karaulov, B.Ardentyev, M.Makovskiy, M.V.Martinov, Y.Tarasov, K.Volfgang, I.Mani, J.Pustejovskiy, R.Gaizauskas, A.Chandekar, K.Grisot kabilarning tadqiqotlarida umumiy ong kategoriyasi bo'lgan zamonning tilda aks etishi, zamonning aspektual xoslanishi, kognitiv o'rganilishi kabi masalalar yoritilgan. Birinchi yo'nalishdan farqli o'laroq bu tadqiqotlarda zamon fe'lning grammatik kategoriyasiga emas, balki umumiy til kategoriyasi sifatida olib qaraladi. Uning mohiyatini belgilashda til sathlari hamkorligiga tayaniladi.

Jahon tilshunosligida Hans Reichenbachga qadar ham zamonning turlarini belgilashda nutq momentini tayanch nuqta sifatida olish, zamon shakllari ifodalaydigan xilma-xil ma'nolar, ba'zi zamon shakllarining bir-biriga mazmunan juda yaqinligi haqida mulohazalar bildirilgan edi. Biroq H.Reichenbach ilk marta zamon chizig'ida uch nuqta mavjudligi, bu nuqtalarning joylashuv ketma-ketligiga ko'ra turli zamon ma'nolari ifodalanishini tushuntirib berdi [9]. U o'zigacha bo'lgan grammatikaga oid kitoblardagi bir-biriga yaqin zamonlar (masalan, simple past va present perfect) ma'nosini tushuntirishdagi muammolarni aynan mana shu nutqning uch nuqtasini farqlamaslik natijasi deb biladi. Olim uch nuqta sifatida quyidagilarni ko'rsatadi:

1. Nutq nuqtasi (Point of speech – S).
2. Voqea-hodisa nuqtasi (Point of event – E).
3. Ishora nuqtasi (Point of reference – R).

Bunda nutq vaqti real hozirgi zamondagi axborotning uzatilayotgan vaqtini ifoda etsa, voqea-hodisa vaqti shu uzatilayotgan axborot tarkibidagi voqea-hodisa yoki holatning yuz bergan nuqtasini, ishora vaqti esa voqea-hodisa vaqtning nuqtasini aniqlashtirish uchun nazarda tutilayotgan vaqt nuqtasini anglatadi. Ushbu nuqtalarning vaqt chizig'ida berilishida ikki xil: oldin-keyin va bir momentda joylashuv holatlari ajratiladi. Masalan, oddiy o'tgan zamon (simple past) va tugallangan o'tgan zamon (past perfect) ma'nosini zamon chizig'ida quyidagicha beradi:



H.Reichenbachning ushbu sxemalarini misol orqali tushuntiramiz:

1. Ahmad kelganda u ketgan edi (misol maqola muallifiga tegishli). 1-chizmada uch nuqta quyidagicha ko'rinadi: 1) nutqiy faoliyat amalga oshayotgan hozirgi vaqt, ya'ni bu gapning talaffuz etilayotgan yoki yozilayotgan momenti; 2) Ahmadning kelgan vaqti. Bu ishora vaqt bo'lib, nutq vaqtiga nisbatan yaqinroq joylashgan. 3) uning ketgan vaqti, bu asosiy hodisa vaqti bo'lib, Ahmadning kelishidan ham oldin yuz bergan.

2. U ishini tugatdi (misol maqola muallifiga tegishli). Ingliz tilida oddiy o'tgan zamon (simple past) deb baholanadigan bu misolda ham nutq vaqtini gap talaffuz etilgan yoki yozilgan hozirgi zamonni anglatsa, hodisa vaqti va ishora vaqt bir momentga to'g'ri kelgan va u nutq vaqtdan oldin o'tib bo'lgan (2-chizma).

Reichenbach boshqa zamon shakllarini ham shu kabi uch nuqta sxemasi orqali tushuntiradi. Barcha zamon shakllarida bu nuqtalarni ko'radi, ularning ketma-ketlikda joylashuvi va bir momentda o'rinishiga qarab turli zamon ma'nolarini farqlaydi. Zamon ma'nolarining tizimlashtirilganligi, chegaralari belgilab berilganligi bilan uning fikrlari muhim ahamiyatga ega bo'ldi. H.Reichenbachning bu yondashuvi o'z davrida zamon kategoriyasi o'rganilishidagi katta yangilik bo'ldi va undan keyingi juda ko'p tadqiqotchilar bu tizimga tayandilar, uni rivojlantirdilar.

Ingliz va rus tilshunosligida zamon kategoriyasiga bag'ishlangan aksariyat ishlarda zamon aspekt bilan birgalikda o'rganiladi. Bunda grammatik aspekt deganda fe'l lug'aviy ma'nosidagi ma'lum bir semalarning uning zamonda qo'llanilishiga ta'siri tushuniladi. Davomiylik (progressive), tugallanganlik, natijaviylik (perfect) kabilar aspektual tasnif mezonlari sifatida qaraladi. Zamoni aspektga bog'lab o'rgangan olimlardan biri Z.Vendler fe'llarning zamonga munosabat jihatdan o'ziga xos ma'noviy farqlarga ega ekanligini aniqladi va ularni tasnifladi [10]. Keyinroq E.Bach, D.Dovti, M.Moens va M.Stedman kabi olimlar tomonidan ham zamon ifodalashda o'ziga xosligiga ko'ra fe'llarning aspektual kategoriyalari o'rganildi. Ushbu tadqiqotlarda zamon kategoriyasining aspekt bilan birga o'rganilishi orqali hamma fe'l ham barcha zamon shakllarini birdek qabul qila olmasligi bilan bog'liq jarayonlar tushuntiriladi.

Rus tilshunosi A.Bondarko zamon ma'nosini morfologik, leksik, sintaktik til vositalari orqali ifodalash mumkinligini e'tiborga olib, uni funksional-semantik kategoriya deb baholaydi. Bu kategoriya maydon xususiyatiga ega bo'lib, uning markazi – yadrosini fe'lning grammatik zamon kategoriyasi tashkil qiladi. Fe'lning mayl kategoriyasi, zamon mazmunini anglatuvchi leksik birliklar esa yadro atrofidagi periferiyani tashkil qiladi. Ularni o'zaro

bog'liqlikda o'rganish masala mohiyatini kengroq ochilishiga sabab bo'ladi [11].

N.Hornstein zamon nazariyasi haqida yozgan maqolasida [12] H.Reichenbachning "SRE" strukturasi tayanadi. H.Reichenbachga qo'shimcha ravishda u zamon shakllarining payt ravishlari bilan bog'lanish imkoniyatlarini tizimlashtiradi. Shuningdek, N.Hornstein zamonlarning bir-biri bilan birikuvini, ular o'rtasidagi assotsiativ va chiziqli munosabat haqida ma'lumot beradi, ularni modellashtiradi.

J.Allen muayyan vaqt birligi ichida yuzaga keluvchi harakat va holatlarning zamon nuqtayi nazaridan bir-biriga mantiqiy munosabatini o'rganadi [13]. Bu munosabatlar ikki yoki undan ortiq harakatning vaqtda to'la yoki qisman mos bo'lishi yoki mos bo'lmasligiga asoslanadi: ikki harakatning bir vaqtda sodir bo'lishi, bir harakat davomida ikkinchi harakatning amalga oshishi, bir harakat boshlanganda ikkinchisining tugashi kabi holatlar qoliplashtiriladi.

Oltoy tillaridagi fe'l zamonlarini maxsus o'rgangan I.Kormushin tizimda mutlaq va nisbiy zamonlarni ajratadi. Olimning fikricha, o'tgan, hozirgi, kelasi zamonlar mutlaq zamonlar bo'lib, ularning bir-biri bilan munosabatidan nisbiy zamonlar kelib chiqadi. Jumladan, mutlaq o'tgan zamondan uch nisbiy zamon hosil bo'ladi: o'tgan zamonga nisbatan o'tgan zamon, o'tgan zamonga nisbatan hozirgi zamon, o'tgan zamonga nisbatan kelasi zamon. Xuddi shu tartibda hozirgi va kelasi mutlaq zamonlardan ham uchta nisbiy zamon hosil bo'ladi. Shunday qilib, u oltoy tillari uchun uch mutlaq va to'qqizta nisbiy – jami o'n ikkita zamondan iborat tizimni tavsiya etadi [14]. Bizningcha, I.Kormushinning mazkur yondashuvi garchi tizimlilikka asoslanmas-da, barcha oltoy tillari uchun to'liq tatbiq etib bo'lmaganligi bois keng ommalashmagan.

Tilshunoslikda antroposentrik nazariyaning asoslanishi bilan zamon kategoriyasini o'rganishda kognitiv yondashuv ustunlik qila boshladi. Bunda zamon konsept sifatida qaralib, inson tafakkurida vaqtning qanday aks etishi muammosiga e'tibor qaratildi. Zamonning kognitiv modellari ishlab chiqildi. Bu borada Y.Kubryakova, Y.Petrukhina, M.Yip kabi olimlarning xizmatlari katta bo'ldi.

Umuman olganda, jahon tilshunosligidagi ko'pgina tadqiqotlarda zamonning real vaqtini tilda voqelantirishga xizmat qiluvchi grammatik, leksik, sintaktik vositalar bir butunligida yaxlit temporal kategoriya sifatida o'rganilishi grammatik zamonning mohiyatini yanada aniqroq ochilishiga sabab bo'lgan. O'z navbatida, ko'pchilik tadqiqotchilar tomonidan bu temporal maydonda fe'lning grammatik zamon shakllari markaziy o'rinni egallashi ta'kidlangan. Bugungi kunda mazkur kategoriyani tilshunoslikning hamkor sohalar psixolingvistika, neyrolingvistika, korpus lingvistikasi, lingvokulturologiya kabi fanlar nuqtayi nazaridan o'rganishga katta ahamiyat berilmoqda.

#### ADABIYOTLAR

1. Подольный Р.Г. Освоение времени. – М.: Политиздат, 1989. – С. 11.
2. Хайруллаев М. Фаробий ва унинг фалсафий рисоалари. – Т., 1963. – Б. 65.
3. Ҳақимова М.К. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари: филол.фанлари ном. дисс.. – Фарғона, 2004. – Б. 10.
4. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Fan va texnologiya markazi, 2010. – Б. 12.

5. А.Нурмонов. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 67.
6. Арно А., Лансло К. Грамматика общая и рациональная Пор-Рояля. -Общ. ред и вступ. ст. Ю.С.Степанова. – Москва: Прогресс, 1990. – С. 160-164.
7. Ломоносов М. Российская грамматика. – Санк-Петербург, 1755. – С.33.
8. Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – Москва: Прогресс, 1984. – С.199-213.
9. Reichenbach H. Elements of Symbolic Logic. (The Tenses of Verbs). - New York: The Macmillan Company, 1947. – P. 287–298.
10. Vendler Z. Linguistics in philosophy. (Verbs and times). – New-York: Cornell university press, 1967. – P. 97-121.
11. Бондарко А. Грамматическая категория и контекст. – Ленинград: Наука, 1971. – С. 35-45.
12. Hornstein N. Towards a theory of tense//Linguistic Inquiry. – 1977. – № 3. – P.521–557.
13. Allen J. Towards a general theory of action and time// Artificial intellegence. – 1984. – № 2. – P. 123–154.
14. Кормушин И. Система времен глагола в алтайских языках. – М.: Наука, 1984. - С. 6-7.



UDK: 81-42

*Xusniddin XAITOV,*  
*Halima Xudoyberdiyeva ijod maktabi o'qituvchisi, mustaqil tadqiqotchi*  
*E-mail: Husniddinhayit1989@gmail.com*

*GulDU dotsenti f.f.n J.Abdullayev taqrizi asosida*

## STATE OF DIALECTIC WORDS IN UZBEK LANGUAGE

Abstract

This article presents a scientific-theoretical and theoretical analysis of the views on the status of dialectal words in Uzbek dialectology, its features, a new approach to the issue of today's description in the field of dialectology. Based on the description of the dialectal word in Uzbek dialectology, the study of samples of works of folklore, the solution of the problem of compiling dictionaries on the basis of research.

**Key words:** Uzbek dialectology, dialectal word status, dialectal consciousness, folk consciousness, scientific literature, fiction, phonetic features, grammatical features, lexical features, local-territorial imagination.

## СОСТОЯНИЕ ДИАЛЕКТИЧЕСКИХ СЛОВ НА УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Аннотация

В статье дается научно-теоретический и теоретический анализ взглядов на статус диалектных слов в узбекской диалектологии, их особенности, новый подход к проблеме сегодняшнего описания в области диалектологии.

На основе описания диалектного слова, в узбекской диалектологии изучения образцов произведений фольклора, решения проблемы составления словарей на основе исследования.

**Ключевые слова:** Узбекская диалектология, диалектный статус слова, диалектное сознание, народное сознание, научная литература, художественная литература, фонетические особенности, грамматические особенности, лексические особенности, местно-территориальное воображение.

## O'ZBEK SHEVASHUNOSLIGI SOHASIDA DIALEKTAL SO'Z MAQOMI MASALASI

Аннотация

Mazkur maqolada "O'zbek shevashunosligi"da dialektal so'z maqomi, uning xususiyatlari, dialektologiya sohasida bugungi tavsifi masalasiga oid yangicha yondashuvdagi fikr-mulohazalar ilmiy-nazariy va nazariy tahlili keltirilgan.

O'zbek dialektologiyasi tarkibida mavjud bo'lgan dialektal so'zning tavsifidan kelib chiqib xalq og'zaki ijodiga oid asar namunalari o'rganish, tadqiq qilish asosida lug'atlarni tuzish muammolarini hal etish masalasiga munosabat bildirilgan.

**Kalit so'zlar:** o'zbek shevashunosligi, dialektal so'z maqomi, dialektal ong, xalq ongi, ilmiy adabiyot, badiiy adabiyot, fonetik xususiyat, grammatik xususiyat, leksik xususiyat, mahalliy-hududiy tasavvur.

**Kirish.** XX-XXI asrlarga kelib, ilm-fanning har bir sohasida izchil tadqiqotlarni amalga oshirish imkoniyati kengaydi. Har bir sohaga kirib borayotgan innovatsiya talablari ilm-fan sohasining kengayishini taqozo etadi.

O'zbek tilshunosligida o'zbek dialektologiyasi nomli alohida soha bugungi yoxud kechagi hodisa emas, balki ming-ming yillik tarixga ega bo'lgan o'zbek xalq tarixiga chamcharchas bog'liq (Til, albatta.) ijtimoiy hodisaning o'ziga xos ramziy va hayotiy ifodasidir. Sababi til(lar), u (lar)ning ko'rinishi bo'lgan sheva, lahja va dialektlar ham ijtimoiy hodisalarning zaminida yuzaga kelganligi tabiiy jarayon (odamlarning o'zaro hamkorlik muloqoti avval ishorali tilni, so'ngra esa nutq tovushli tilni shakllanishiga asos bo'lgan). Shu o'rinda alohida ta'kidlab o'tishni lozim bilamiz, O'rta Osiyo zaminida turli asrlarda yaratilgan lug'atlar mavjudki, "Devonu lug'atit turk" va u kabi boshqa lug'atlar ham tarixiy dialektologiyaning mahsuli bo'lgani singari ularning dialektal lug'atlar hisoblanishi asosli sanaladi. Chunki ularda yaratilgan davridagi dialektal xususiyatlar ma'lum miqdorda qayd etilganligi tabiiy.

O'zbek tilshunosligi sohasida ham ana shunday talablarni bajarish, sho'rolar mafkurasi doirasida qolib, o'rganilmagan shevalar tadqiqiga oid mavzularni o'rganish ehtiyoji tug'ildi. O'zbek tilshunosligining tarkibiy qismi sanalgan shevashunosligimizni rivojlantirish, taqozo etayotgan ustuvor vazifalarni bajarish, bu sohada qilinishi lozim bo'lgan, lekin sho'ro mafkurasi ta'sirida amalga oshirilmagan bir

qancha mavzulardagi ilmiy ishlarini amalga oshirish bu sohaning dolzarb vazifalaridan biri bo'lib turibdi.

- **Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review).** Har bir sohaning muayyan termin va tushunchalar majmui ilmiy fikrlash, ilmiy tadqiqot olib borishning asosiy qismini belgilaydi. Bu fikr o'zbek shevashunosligiga ham tegishli. Shevashunoslik, ya'ni dialektologiya sheva va lahjalarni o'rganuvchi soha sifatida shakllangan. "Dialektologiya so'zi yunon tilidan olingan bo'lib, shevalar, dialektlar va lahjalar to'g'risidagi bilim degan ma'noni bildiradi. O'zbek dialektologiyasi o'zbek shevalarining fonetik, leksik va grammatik xususiyatlarini, uning shakllanish va tarqalish chegaralarini hamda shevalarning faoliyatda bo'lishi bilan bog'liq masalalarni o'rganadi". [ 4, 3]

Demak, shevashunoslik sohasidagi tadqiqot davomida har bir zaruriy atamani yoxud so'zni to'g'ri, o'rinli qo'llanilishi sohaning kengroq o'rganilishida muhim. Bugun o'zbek shevashunosligida dolzarb bo'lib turgan masalalardan biri dialektal so'z maqomi. Shevashunoslikka oid aksariyat manbalarda bu terminga umumiy tarzda to'xtalib, o'tib ketilgan. Ya'ni adabiy tilimizdagi so'z bilan taqqoslanib, farqli jihatlaridan misollar keltirilib, sheva(lar)ga oid so'z deb baholangan. Biroq shevaga xos so'z tushunchasi to'liq tavsiflanib, uning alohida belgilari, jihatlarini to'liq asoslanmaganligi, biryozlama qarashda baholanganligi ayni vaqtda dialektal leksikografik samaradorligini cheklab turibdi. "O'zbek dialektal leksikografiyasi bir asrdan ortiqroq tarixga

ega bo'lsa ham bu borada hanuzgacha maqtashga arzigulik yirik ishlar qilinmagan. [1, 3]

O'zbek dialektal leksikografiyasi bir asrlik tarixga ega degan fikr sho'ro davrida uning mafkurasini tinchlantirish uchun aytilgan. Aslida uning tarixiy taraqqiyoti bir necha asrga borib taqalashi asosli holdir. Bu haqida shu maqolaning boshlanishida to'xtalangan.

O'zbek dialektologiyasi hamda o'zbek dialektal leksikografiyasi bir-biriga uzviy bog'liq sohalardan bo'lib, Ahmad Ishayevning bu fikri XX asarning 90-yillarida ilgari surilgan. Biroq bu olimning kitobida dialektal so'z maqomi masalasi dolzarb muammo sifatida ko'tarilganiga ham ancha vaqt o'tdi. Haqiqatan ham dialektal leksikografiyaga oid bu mulohaza o'rinli aytilgan. Bu muammo hanuzgacha hal etilmaganligi uchun ham dialektal so'z maqomi masalasida aniq to'xtam yo'q.

Shevashunos olim A.Ishayevning sohaning dolzarb muammosi sifatida aytgan yuqoridagi fikr-mulohazalari va bugun fanning taqozo etayotgan muhim jihatlardan biri ham dialektal so'z maqomining nazariy va amaliy jihatlari o'z qonuniyatlarini qat'iy ishlab chiqishi asosida sohaga yondashuv bo'lsagina fanning buguni va kelajagi uchun muhim vazifalar bajarishga erishish mumkinligini ko'rsatib turibdi.

**- Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology).** Manbalarga diqqat bilan e'tibor beradigan bo'lsak, shu kungacha qilingan tadqiqot ishlarida, yaratilgan darslik, monografiya va qo'llanmalarda dialektga, shevaga xos so'zga faqat birlamchi munosabat mavjudligini ko'rdik. Ammo dialektal so'z maqomi nima degan savolga o'rinli javob yo'q. Hatto, dialektologiya sohasida katta tajriba to'plagan, dolzarb masalalar haqida ilmiy fikrlarini ilgari surgan, o'z monografiyasida dialektal so'zlarni farqlash kerakligini qayd etgan olim A. Ishayev o'z fikrlarini shunday bayon qiladi: "Adabiy tilga oid lug'atlarda ba'zi bosh so'zlardan keyin qo'yilgan *dial.* shartli qisqartmasi o'sha so'zning dialektlarga, mahalliy shevalarga xos dialektal so'z – dialektizm ekanligidan dalolat beradi". [1, 12] Hozir nashr qilingan, aniqrog'i, 2006-yilda nashr etilgan "O'zbek tilining izohli lug'ati"da (*5 ta jildga qarang*) ham bu holat kuzatiladi. [3] Ushbu lug'atda sakson uch mingga yaqin so'z bo'lib, shundan 500 ga yaqini *dial.* Belgisi qo'yilgan, ya'ni ular dialektal so'zlardir. Bu kam, biroq besh tomli bu lug'atning matnida shuncha miqdorda sheva so'zlarining berilishining o'zi yaxshi ishning boshlanishidir. Lug'atlarga ham aynan shevaga oid so'zlar kiritilib, izoh berib ketilgan. Bu boshqalarning nazarida faqat sof dialektal so'z mavjud bor degan tasavvurni uyg'otgan bo'lishi mumkin, lekin aslida bunday emas.

Tilshunos olim S.Ashirboyev darsligida esa dialektizm yoki dialektal so'z maqomi xususida to'liq bo'lmagan tavsifni keltirib o'tganligini ko'rish mumkin: "Badiiy adabiyotda shevaga oid fonetik, grammatik, leksik, xususiyatlarning aks etishi dialektizm deyiladi. Bunda shevadagi qaysi yarusning aks ettirilishiga qarab dialektizmlar ham leksik dialektizm, fonetik dialektizm, va morfologik hamda sintaktik-stilistik dialektizm turlariga ega bo'ladi". [4, 88] Shuningdek, quyidagi misollarni keltirgan:

**"Fonetik dialektizm** badiiy asarda muayyan shevaga oid fonetik xususiyatlarning aks etishidir. Rozi bo'ldi, palakat ("Qo'nalg'a"), galdi ("Xorazm"). Bormasangiz bo'miydi ("Qo'nalg'a"). ...zeykash (zaxkash) tomonga enib... ("Qo'nalg'a"). Ishni bildirmasdan xufya bitirsa bo'lardi, man bo'laman, man bo'laman, deb ketrildi. ("Oltin viodiydan shabadalar")". [4, 89] Ushbu fonetik dialektizmlar sharhi hamda keltirilgan misollarda noaniqlik mavjud. Fonetik dialektizm tushunchasi xususiyati to'liq ochib berilmagan. Bizningcha, fonetik dialektizmlar adabiy til me'yoridagi so'z tarkibida fonetik hodisalar vositasida hosil bo'ladigan

dialektal birliklardir, degan izoh bilan to'ldirilishi lozim. Masalan, "O'zbek tilining izohli lug'ati"da "falokat" so'ziga ikki xil izoh berilgan. 1. Odamlar ixtiyorida tashqari yuz beradigan ko'ngilsiz hodisa, baxtsizlik; ofat; balo. 2. So'k. yaramas, badbaxt. [3, 293] Bu so'zning boshidagi [f] tovushi [p] tarzda hamda ikkinchi bo'g'indagi [o] tovushining [a] tarzda talaffuz etilishi, ya'ni palakat fonetik dialektizmning xususiyatini aniqlashtirgan. Darslikdagi nazariy ma'lumotni asoslashda keltirilgan mashqda [o] tovushining [a] tarzda talaffuz etilishi alohida ko'rsatilmagan.

Keyingi misol "galdi" dialektizmidagi asosi adabiy til varianti *kel* so'zida faqat birgina tovush fonetik dialektizmga tayanib deb ko'rsatilish to'g'ri emas. Negaki [e] tovushining [a] ga o'tishini ham inobatga olish zarur.

**"Leksik dialektizm** shevaga oid so'zlarning badiiy asarlarda qo'llanishidir. Masalan, **darpanmangla** (bezovtalangmanglar) (Xorazm), ...**kelinbiyning** (kelinoyi) biror marta noroziligini eshitgan emasman ("Qo'nalg'a"). Toshkentdagi **axtiqlarini** (nevaralarini) o'zlari Urganchga kelganlaridayam ko'raveramiz ("Qo'nalg'a"). Olim badiiy asarlardan keltirilgan leksik dialektizmlarni izohlar ekan, shevaga oid so'zlarning badiiy asarlarda qo'llanishi ekanligini aytadi. Bizningcha, sof dialektizm atamasi leksik dialektizmi ifodalaydi. Bunda biror shevaga oid so'z boshqa biror shevaga yoxud adabiy tildagi variantiga qiyoslanadi. Mazmun jihatdan bir tushunchani ifodalab, shevalarda turlicha nomlanib kelishi sof dialektizm, ya'ni leksik dialektizmi yuzaga keltiradi. [4, 89-90]

**"Morfologik dialektizm** badiiy asarda shevaga xos morfologik elementlarning qo'llanishidir. Masalan, **shatta** (shu yerda, "Qora ko'zlar"). **Dim** (juda) gech galdingiz ("Xorazm"). Qarindoshim bilan bir maishat qilali "Qo'nalg'a". [4, 90]

Morfologik dialektizmga misol sifatida keltirilgan gap tarkibidagi **dim** dialektizmi adabiy tilda **juda** ma'nosini ifodalaydi. Ham morfologik dialektizm, ham leksik dialektizm xususiyatiga ega.

**"Sintaktik-stilistik dialektizmlar** gap qurilishida shevaga xoslikda ko'rinadi. Shukur, odamga o'xshab **so'zlab bilar** ekansiz ("Qo'nalg'a"). **Alni na**, o'n marta yuvamilar ("Qo'nalg'a"). Sintaktik-stilistik dialektizmlarni morfologik, fonetik dialektizmlar shakllantiradi. [4, 90]

Ko'rinib turibdiki, bu tavsif ham mukammal emas. Bizningcha, dialektal so'z maqomining belgilanilishi sof dialektal so'zdan boshqa turlari ham borligi, ularning turlariga aniqlik kiritish, tasniflash orqali soha yutuqlarini qo'lga kiritilishida, fanning buguni va kelajagi uchun muhim bo'lgan tadqiqotlarni amalga oshirilishiga erishish mumkin.

Dialektal so'z maqomi o'zbek dialektologiyasi sohasining eng asosiy tushunchalaridan biri bo'lib, dialektal birlik sifatida nutqiy ko'rinishida mahalliy-hududiy tasavvur uyg'otadigan, dialektal ma'noga ega so'z(lar) nazarda tutiladi, deb aytish mumkin. Odatda, adabiy til bilan yonma-yon yurgan shevalarning dialektal birlik sifatida nutqiy ko'rinishi borligi, mahalliy-hududiy tasavvur uyg'otishi, dialektal ma'no kasb etishi e'tibordan chetda qolib kelavergan. Shuning uchun ham dialektal so'z maqomi haqidagi fikr-mulohazalar asosiy muammolardan biri sifatida yuzaga chiqmagan.

Faqat o'zbek shevashunosligi metodologiyasi bilan bir muncha shug'ullangan tilshunos olim T.Enazarovning dialektal so'z maqomiga oid bo'lgan fikrlari "Dialektologiya metodologiyasi" nomli monografiyasida borligini ko'rish mumkin: "Dialektal so'z maqomi esa bu – o'ziga o'xshagan boshqa so'zlar ichidagi, ham adabiy tildagi so'zlarga nisbatan dialektal ma'nolari bilan ma'no munosabatlari strategiyasidagi betakroy mavqei nazarda tutiladi." [5, 25] Berilayotgan dialektal so'z maqomining izohini inobatga olgan holda yana bir fikrni aytish mumkinki, dialektologiya sohasining uzviy manbasi bo'lgan xalq og'zaki ijodi namunalarini o'rganish,

dialektal matn sifatida dostonlar matnini tahlil qilish bu boradagi fikrlarimizning o'rinli ekanligini mutlaq tasdiqlaydi. Negaki, "Alpomish" dostoni dialektal matnlarning ishonchli manbalaridan biri bo'lsa, ularning tahlili dialektal so'z maqomiga bo'lgan keng qamrovli munosabatni shakllantiradi. Bu haqida T.Enazarov shunday ma'lumot beradi: "Dialektologik matnlar va so'zliklarda nafaqat sheva so'zlari, shular bilan birga xalq ongi-yu dili va tilidagi ma'naviyat, ma'rifaty madaniyatga tegishli bilim, malaka hamda tajribalar o'z ifodasini topgan". [5, 31]. Mana bunday fikrdan keyin endi bemalol dialektal so'z maqomi haqida fikr yuritish mumkin. Xalqning ongi-yu dili va tilidagi ma'naviyat, ma'rifaty madaniyatga tegishli bilim, malaka, tajribalar esa og'zaki ijod namunalari, xususan, milliy eposimiz "Alpomish" dostonining deyarli har bir sahifasida uchraydi. Qipchoq lahjasi shevalariga mansub bo'lgan hamda "Alpomish" va "Go'ro'g'li" turkumiga kiruvchi epik asarlar majmui, amalga oshirilgan keyingi ilmiy tadqiqotlardan ma'lum bo'lishicha, asosan o'zbek milliy tilining yirik komponentini tashkil etuvchi qipchoq dialektlarining vakillari tomonidan yaratilgan". [7, 132]

Dialektal so'zlarni yuqorida keltirib o'tganimizdek sohaga yondashuv bo'lsa, shu asosida doston matnini o'rganish, tarkibidan dialektal so'zlarni to'liq aniqlab, lug'atlar ishlab chiqilsa, yarim asrdan buyon to'xtab qolgan amaliy ishlarga qadam tashlangan bo'lardi. Shevashunoslikning tayyor yozma manbasi sifatida dialektal so'zlarga ilmiy baho berishda xalq og'zaki ijodidan foydalanish zaruriyatiga hamon ehtiyoj sezilmoqda. "Dialektologiya bilan folklor o'rtasida yaqin aloqa mavjud. Folklorist xalq og'zaki ijod materiallarini to'plab, o'rganib, dialektolog ixtiyoriga qimmatbaho til materiallarini beradi". [7, 133] Dialektal so'z doston matnining deyarli asosi qismini tashkil qiladi. Bu shuni ko'rsatadiki, dialektal so'z maqomi xususida yuqorida keltirgan tavsifimiz birinchidan ilmiy jihatdan to'g'ri. Ikkinchidan, folklor asarlari tarkibida yashab kelayotgan dialektal so'zlar folklor tushunchasining o'zi yo'q degan xulosani beradi.

Shu yerda "O'zbek dialektologiyasi" fani bir necha sohalariga bo'linib o'rganilayotganligini e'tiborga olish kerak. Masalan, "Folklor dialektologiyasi" nomli yangi sohaning termin va tahlillaridan dialektologiyaga oid ilmiy tadqiqotlar foydalanish maqsadga muvofiq. Shuning uchun ham "asar badiiyligi bilan bog'liq barcha sheva xususiyatlar saqlab qolindi" [6, 10].

**Tahlil va natijalar (Analysis and results).** Shu o'rinda, mazkur maqolamizning asosiy muammosi bo'lgan dialektal so'z maqomini oydinlashtirish uchun "Alpomish" dostoni matnida qo'llangan quyidagi dialektizmlarni yuqorida aytib o'tilgan fikrlarimizga dalillar deb bilamiz:

Ushbu doston matnida quyidagi gapda sof dialektal so'z keltirilgan:

*Bola kunda tutadigan quyonchiq kasalim bor edi, shul shu vaqt tutib qoldi, – dedi.* [102]

Quyunchiq deganda tutqanoq kasali nazarda tutiladi. Doston izohiga bag'ishlangan lug'atda bu dialektal birlik keltirilmagan. "O'zbek tilining izohli lug'ati" da: "Tutqanoq

to'satdan tutib qoladi bunda kishi bunda kishi o'zini otib akashak bo'lib bedavo asab kasalligi; quyunchiq, epilepsiya" deya izohlangan. N.Nazarovning "Laqaylar: ba'zi so'zlar va iboralarning dialektologik mazmuni" monografiyasida ham "quyonchiq, qoyanchiq – oyoq kasalligi"dir.

Yana aytib o'tilganidek, asar matnida ko'plab leksik-derivatsion dialektal so'zlarni uchratish mumkin.

*Qorajonni menga ulgu qilasan,*

*O'zing ayyor, bir imonsiz, o'lasan,*

*Nosoqi so'z bunda aytib turasan,*

*Bu mazgilda, kashmir, nima qilasan?! [2, 44]*

Nosoqi leksik-derivatsion dialektal so'z ko'chma ma'noda ishlatilgan. Nosoq – no- old qo'shimchasiga sog' asosi qo'shilishidan hosil bo'lgan. Shunga o'xshash tushuncha "Zomin til qomusi"da ham uchraydi: "Nasaq. Isnod, uyatga qolish. Sening qizinding nasag'i mag'anam tiyadi". "Alpomish dostonining izohli lug'ati"da "Nosoq – nosog', gunohkor, aqli kam, aqli noqisga ma'nosida. Mehmon bo'ldim sendayg'achchoq nosoqqa.". Ko'rinib turibdiki, dostonan olingan keyingi gapda nosoq otlashib ketgan holatda kelgan.

Matnida uchragan har bir dialektal birlikning izohi muhim. Asardagi dialektal birliklarning biror turidan voz kechib bo'lmaydi. Har birining o'z o'rnini bor. Xalq shevalarining tabiiy holati saqlanishini ham ayana har bir dialektal so'z ta'minlaydi.

*Bilgin, Ko'kamanning ko'ngli qabardi.* [2, 52]

Ko'ngli qabardi – frazeologik dialektizm bo'lib, dostonga xos birlik deyish mumkin. Qabardi – qavardi. Bu so'z qo'lga nisbatan qo'llaniladi. Ya'ni qo'l bilan ish qilish natijasida qavarish yuz beradi. Ana shu holat ko'ngilda yuz berayotganligini ifodalash uchun frazeologik dialektizmga murojaat etilgan.

Matn tarkibidagi har bir birlik izohlanishiga ehtiyoj bor. Jumladan, leksik-morfologik dialektizmlar ham bir talay uchraydiki, bu ham dostonni dialektal matn xususiyatining ta'minlanishida ahamiyatlidir, albatta.

*Ko'ngili buzilib, mo'ngliq jiladi,*

*O'n ming uyli elat ko'chib boradi.* [2, 165]

Mo'ngliq dialektal birligi mungli ko'rinishida qo'llaniladi, ya'ni g'amli degan ma'noni ifodalaydi. Doston ba'zi o'rinlarida mungliq tarzida ham uchraydi. Qo'shimchada [q] tovushi ortani uchun leksik-morfologik dialektal so'z nuqtayi nazardan sharhladik.

Leksik-fonetik dialektal so'zlar ham doston matnida juda ko'p uchraydiki, dialektal ma'no anglatishi bilan birgalikda obrazlarning dialektal koloritini tabiiy ifodalaganligiga guvoh bo'lamiz.

*"Saman sariga tush, yo olapocha to'riga tush, shapaqning zo'riga tush", –*

*deb qo'riqni soldi, yollari eshilgan ipakday bir chipor oting bo'yniga tushdi.* [2,77]

Ushbu gapda sari dialektal so'zining tarkibidagi [q] undoshi tovush tushishi fonetik hodisasiga uchragan. Sariq so'zi sifat so'z turkumiga mansub bo'lib, bu holat hozir ham qipchoq sheva vakillarida o'zgarmagan. "Sari – sariq. Sharqiy grupp qipchoq shevalarida sariq so'zining ham bir nechta ma'nolari bor. Avvalo, u ham asosan rangni bildiradi" .

Doston matnidagi shevaga oid so'zlar jadvalga joylashtirilganda ularning turlari bir-biridan farqlanishi yanada seziladi:

T	Shevaga oid so'zlar	Adabiy shakli	Dialektizm turi
1	Quyunchiq	Tutqanoq	Sof dialektal so'z
2	Nosoqi	Nosog'	Leksik-derivatsion dialektal so'z
3	Ko'ngli qabardi	Ruhiiy charchadi	Frazeologik dialektizm
4	Mo'ngliq	Mungli, g'amli	Leksik-morfologik dialektal so'z

**Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations).** Bu dialektal ahamiyatga ega bo'lgan misollar adabiy tilimizda qo'llanmaydiki, shu tufayli ular dialektal so'z maqomini oydinlashtirishda dalillardan biri sifatida xizmat qila oladi. Dialektal so'zlar ham adabiy tildagi badiiy adabiyotlarda qo'llanilib, dialektizm deyilsa, tarixiy manbalarda ishlatilib, tarixiy dialektal so'zlar ham deyiladi. Demak, tarixiy tadqiqotlar bu sohada ham olib borilishini lozim. [8, 71-95]

Demak, dialektal so'z maqomi tushunchasining mazmun-mohiyati atroflicha yoritish bu sohaning amalga oshirilmay qolib ketgan mavzularini, xususan, dialektal leksikografik tadqiqotlarning rivojlanishiga turtki bo'ladigan eng dolzarb masalalardan biri bo'lib, dialektal so'z maqomini mukammal yoritish, albatta, keying tadqiqotlarning ahamiyatini oshiradi.

#### ADABIYOTLAR

1. Ishayev. O'zbek dialektal leksikografiyasi. -Toshkent: Fan, 1990. 140.
2. "Alpomish" dostoni. -Toshkent: Sharq NMAK Bosh tahririyati, 2010. 400 b.
3. O'zbek tilining izohli lug'ati. Besh jild. - Toshkent: O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi, 2006.
4. S.Ashirboyev. O'zbek dialektologiyasi. -Toshkent: Navro'z, 2016. 152.
5. T.Enazarov. Dialektologiya metodologiyasi. -Toshkent: Innovatsiya ziyo, 2020. 156.
6. T.Mirazyev. Doston gultoji. "Alpomish" dostoniga yozilgan so'zboshi. -Toshkent: Sharq NMAK Bosh tahririyati, 2010. 400 b.
7. X.Doniyorov. Qipchoq dialektlarining leksikasi (Sharqiy grupp qipchoq shevalarining materiallari asosida). -Toshkent: Fan, 1979. 156.
8. Shadmanova S.B., Yuldashev M.M. Tarixiy tadqiqotlarning metodologiyasi va zamonaviy usullari. Tadqiqotlarda fanlararo yondashuv. -Toshkent: O'zbekiston, 2019. - B.71-95.



*Sabohat SHUKUROVA,*  
*Qarshi davlat Universiteti, Fakultetlararo chet tili kafedrası*

### THE CONCEPT OF HUMAN IN THE STORIES "JAVOHIR" AND "MOMO SONG"

Abstract

It is well known that almost all well-known and humanist writers of American literature have focused on the Indians, who for centuries have brutally suppressed the rights of Negroes in this vast country: George Fenimore Cooper, Mark Twain, Harriet Bicher. -Stow, Jack London. The most popular short story genre in American literature and in Uzbek literature of the XX-XXI centuries is noteworthy.

**Key words:** freedom, equality, spirituality, popular culture, the greatness of national culture, the promotion of national values, national spirit, hard work, spirituality and freedom.

### КОНЦЕПЦИЯ ЧЕЛОВЕКА В ИСТОРИЯХ «ДЖАВОХИР» И «ПЕСНЯ МОМО»

Аннотация

Хорошо известно, что почти все известные и гуманные писатели американской литературы обращали внимание на индейцев, которые веками жестоко подавляли права негров в этой огромной стране: Джордж Фенимор Купер, Марк Твен, Харриет Бичер. Джек Лондон. Обращает на себя внимание самый популярный жанр новеллы в американской и узбекской литературе XX-XXI веков.

**Ключевые слова:** свобода, равенство, духовность, массовая культура, величие национальной культуры, продвижение национальных ценностей, национального духа, трудолюбие, духовность и свобода.

### “JAVOHIR” VA “MOMO QO'SHIQ” QISSALARIDA INSON KONSEPSIYASI

Аннотация

Ma'lumki, Amerika adabiyotining deyarli barcha taniqli va insonparvar yozuvchilari bu ulkan mamlakatdagi uzoq asrlar haq-huquqi ayovsiz toptalib kelgan hindular, negrlar himoyasi haqida keskin g'oya va talablarini asarlari markaziga qo'yib kelganlar: Jorj Fenimor Kuper, Mark Tven, Garriet Bicher-Stou, Jek London. Amerika adabiyotida va XX-XXI asrlar o'zbek adabiyotida ham eng ommabop qissa janri keng taraqqiy etganligi bilan e'tiborni tortadi.

**Kalit so'zlar.** erk, tenglik, ma'naviyat, ommaviy madaniyat, milliy madaniyatni ulug'ligi, milliy qadriyatlar, milliy ruh, mehnatkash, ma'naviyat va erk targ'ibi.

Annotation

**Kirish.** Milliy istiqlol sharofati bilan yoshlarimiz uchun dunyo eshiklari keng ochildi. Prezidentimiz Sh. Mirziyoyevning jonkuyarlik va fidoyiliklari tufayli iqtidorli yoshlar jahonning nufuzli oliy o'quv yurtlarida ta'lim olishmoqda. Yurtboshimizning "...xalqimiz, avvalo, yoshlarimizning ma'naviy-ma'rifiy, badiiy-estetik talablariga javob beradigan kitobxonlarni talablariga javob beradigan kitoblarni yuksak sifat bilan chop etish, joylarga, ta'lim muassasalariga vaqtida va maqbul narxlarda yetkazish, milliy va jahon adabiyotining eng sara namunalarini tarjima qilish, farzandlarimizga bolalikdan boshlab kitob, jumladan, elektron kitob o'qish ko'nikmasini shakllantirish, jamiyatimizda mutolaa madaniyatini yuksaltirish bilan bog'liq muhim muammolarni hal etish dolzarb vazifa bo'lib qolmoqda".[1]

"...milliy va jahon adabiyotining eng sara namunalarini tarjima qilish" vazifasi tizimida ilg'or jahon adabiyoti namanalari qatorida eng rivojlangan davlatlar safidagi Amerika adabiyotidan tarjima qilinayotgan mukammal nasr va nazm namunalari ham mavjud.

**-Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review).** N.Eshonqul asarlari bir necha tadqiqotlarga asos bo'lib kelayotgan bo'lsa-da, hali G'arb yoki Amerika adabiyoti namunalari bilan bevosita qiyosan o'rganilgan emas. Holbuki, iste'dodli adib Nazar Eshonqul ijodi notakrorliklarini Jon Steynbek, Jek London, Jeyms Joys, Al'ber Kamyu, Fyodor Dostoevskiy, Lev Tolstoy, Abdulla Qodiriy, Chingiz Aytmatov kabi ulkan adiblarga xos mahorat qirralari, inson erki va ma'naviyat masalalari atrofida mushtarakliklar aspektida o'rganish mumkin. Biz bunda yuqoridagi qismlarda ham ta'kidlangani kabi, qat'iy tartib va majburiyat bilan izohlanadigan adabiy an'ana va novatorlik tizimida emas,

balki erkin adabiy parallellik, adabiy o'xshashlik modelidagi tadqiqot yo'nalishida nazardan kechirish usuliga suyanamiz. SHU ma'noda N.Eshonqulning asarlarini, jumladan, "Momoqo'shiq" qissasini Jon Steynbek badiiy mahorati kontekstida umumiy yo'riqdagi inson erki, ma'naviyat, badiiy mahorat unsurlari o'xshashligida o'rganish mumkin. Bunday usul N.Eshonqulni J.Steynbekka, uning ijod olamiga bevosita bog'lab qo'yish asosida emas, balki, avvalo, N.Eshonqul ijodining yutuqlarini, fazilatlarini yanada yaqqolroq aniqlash va ta'kidlash maqsadi bilan amalga oshiriladi, xolos. Chunonchi, D.Dyurijin, V.Jirmunskiy, A.Bushmin, M.Krapchenko, M.Qo'shjonov singari jahon komparativistika tekshirish metodiga amal qilgan namoyandalari ikki tomon ijodkorining ham tenglik va xolislik asosida o'rganish yo'lidan boranglar.

Jon Steynbekning "Sichqonlar va odamlar haqida", "Tortilya-Flet dahasi", "Ulug'vor payshanba" kabi qissalari, 1945 yili AQSHning "Vujske xouli kompaniyon" jurnalida bosilib chiqqan "Javohir" qissasi alohida ajralib turadi.

Jon Steynbekning eng mashhur va o'qimishli asarlaridan biri bo'lgan "Javohir" rivoyati qissasi ham ana shu darddoshlik g'oyasi ko'pirib turgan noyob yaratmalar qatoridagi san'at durdonasi. "Javohir" - Amerikaning ming yillardan buyon yashab kelayotgan asl yerli xalqi - mehnatkash va ezilgan hindu xalqining erkinligi masalasiga bag'ishlangan qissa.

Bu qissaning voqealariga Jon Steynbekning AQSH-Meksika chegaralaridagi joylarga, Meksika dengizi qirg'oqlariga qilgan sayohatlari, bu yerdagi oddiy insonlar bilan suhbatlari, mahalliy hindu qabilalarining vakillari hayoti,

bechora va tushkun turmush sharoitlari bilan yaqindan tanishishi natijasidagi kuzatishlari asos bo'lib xizmat qilgan.

Steynbek ijod kar'erasiga xos oddiy kishilarga g'amxo'rlik, bechora bandalar tarafida bo'lish fazilati, ma'naviyat va erk targ'ibi - "Javohir" qissasining mavzu va g'oyaviy-falsafiy ko'lamini tashkil etadi.

"Tong endigina yorishib kelayotgan mahal Kino uyqudan uyg'ondi. Samoda hali yulduzlar nur sochar, faqat osmonning sharqiy qismida ufq etagi oqarib, subhidam yaqinlashayotganidan darak berar edi. Xo'rozlar bir-birlariga gal bermay qichqirashar, sahar-mardondan izg'ishni boshlagan cho'chqalar ham ilgari ilg'amay qolgan yegulik topilib qolishidan umidvor bo'lib shox-shaba va payrahalar orasida timirskilardilar. Qamishdan tiklangan kulba devorlari ortidagi maysazorda jajji qushlar galasi chug'urlashar, qanotlarini potirlashardi.

Kino ko'zlarini ochganida dastavval yorug' to'rt-burchakni - kulbaga kirish joyini, so'ngra shiftga osilgan Koyotito orom oladigan belanchakni ko'rdi". [2;3]

Yosh hindu oilasining hayoti, ularning tong sahar-mardonda uyg'onishlari bilan asar voqeligi boshlanadi. Bu lirik-poetik usulda tasvirlangan voqelik ona tabiatning o'zidek odmi va sodda mehnatkash yosh er-xotin Kino va Xuana hamda ularning go'dak farzandi Koyotito muhitini ko'z oldimida jonlantiradi. Steynbek ijodiy uslubiga xos jozibasi talqin asarni boshdan-oxir qamrab olganligi bilan ajralib turadi. Uyqudan turgan yosh er-xotinning bir-biriga mehrli munosabatlari, tabiat so'limligi kabi yaxshi kayfiyat uyg'otadi, ularning tabiat ekzotikasidagi erkinlik kabi ozod inson ekanliklari e'tiborni tortadi.

"Kino subhidamda dengiz to'lqinlarining qirg'oqqa urilib, yengil shovullaganini eshitdi. Bu tovushni tinglash maroqli edi. Undagi musiqa og'ushiga cho'mish uchun u yana ko'zlarini yumdi. Balki uning yolg'iz o'zigina shunday qilar, balki elatdoshlarining har biri shu taxlit kuy tinglashni xush ko'rar, har qalay qadim-qadimlardan kuy elatiga mansub kishilar buyuk qo'shiq to'qishlar bo'lishgan. Nima haqda o'ylashmasin, hammasini qo'shiqqa qilganlar. Bu uzoq moziyda bo'lgan. Ammo ularning qo'shiqlari hali hanuz yashab keladi. Kino bu qo'shiqlarning barchasini yod biladi. Biroq, negadir yangi qo'shiqlardan darak yo'q. Bu har bir odamning o'z qo'shig'i yo'q, degani emas, albatta. ...Kinoning xayolida yorqin, sokin bir qo'shiq yangramoqda ediki, agarda u haqda so'zlash lozim bo'lib qolsa, Kino bu qo'shiqning nomini Oila qo'shig'i deb atagan bo'lardi." [2; 4]

**-Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology).** Qissa poetikasining samimiyati, yoqimli va maroqli uslubga egaligi uning komponentlarida, kompozision qurilishida musiqiy poetikaning hamohangligi bilan hosil bo'lgan. Oila qo'shig'i, sevgi qo'shig'i, ezgulik qo'shig'i, g'anim qo'shig'i, yovuzlik qo'shig'i va bularning kuyi har onda muhim voqelik jarayonida oxista yangrab turishi talqin etiladi. Tonggi sirlil yellar og'ushida, toza havo qo'ynida Kinoning - Oila boshlig'i o'zining shirinsuxan, hayo-iboli, tadbirli xotini, shirin chaqalog'i bilan faxrlanishi beixtiyor uning quloqlari ostida oila qo'shig'ining yangrashini paydo qiladi.

"Quyosh qamish devorlar yorig'idan taram-taram nurlari bilan mo'ralab, kulbani qizdirardi. Ana shunday nur taramlarining bir tutami Koyotito yotgan belanchak hamda shiftga cho'zilgan arg'amchi yuzasiga tushib turardi.

Arang ilg'ash mumkin bo'lgan harakat Kino va Xuananing nigohini belanchakka tortdi. Ularning har ikkisi turgan joylarida qotib qolishdi. Shift to'siniga Koyotito uzlayotgan belanchak osilgan arg'amchi bo'ylab pastga tomon chayon xuddi raqs tushayotgandek o'rmalab kelardi. Dumini gajak qilib olgan bo'lsa-da, har daqiqada u nish urib olishi mumkin edi.

Kinoning burun kataklaridan nafasi chiyillab chiqardi. Bunga barham berish uchun u beixtiyor og'zini ochdi. Shunda uning ko'zlaridagi qo'rquv o'z-o'zidan g'oyib bo'ldi, vujudiga qon yugurdi. Uning boshida endi yangi qo'shiq - Yovuzlik qo'shig'i, oilaga qayg'u keltiradigan kulfat musiqasi yangray boshladi. Qo'rqinchli, yovvoyi, palag'da ham orasida Oila qo'shig'i mungli nola bo'lib taralmoqda edi.

Chayon arqon bo'ylab belanchak sari yengil o'rmalardi. Xuana tishlari orasidan eshitar-eshitilmas qadimiy oyatni va "Bibi Maryam" duosini shivirlar edi. Ammo Kino endi tek qotib turolmaz edi. Uning vujudi kulbada sharpasiz sirg'alar - tovushsiz bir maromda surinib borardi. U kaftlari pastga qaragan qo'llarini oldga cho'zgan holda ko'zlarini chayondan uzmay ilgari lab borardi. Belanchakda yotgan Koyotito esa qiqirlab kular, chayonga qarab jajji qo'lchalarini cho'zardi." [2; 6]

"Kambag'alni tuya ustida it qopadi" naqliga oid taqdir yosh oila mamnuniyatiga zahar qo'shgandek holat vujudga kelayotgani ular ruhiyatini tamoman o'zgartirib, zaharli chayon detali paydo bo'ladi. Buni esa oila qo'shig'ini yoshirgan yovuzlik va kulfat musiqasi yuzaga keltirayotgan edi.

Chayon voqeasi asarning muhim tugunlaridan biri bo'lib, oila boshiga tushadigan kulfatlar darakchisi sanaladi. Ota-ona aytib bo'lmas xavotir va iztirob iskanjasida bo'lsa, go'dak Koyotito esa, beg'uborlik bilan chayon harakatiga qarab qiqir-qiqir kulishi hayot murakkabligi in'ikosi sanaladi.

"Kino nafas olmay turardi. U Xuana qadimiy asanni shivirlaganini va g'animona Yovuzlik qo'shig'ini eshitib turardi. Kino harakatlanishga botina olmas, chayonning birinchi bo'lib qo'zg'alishini kutardi. Chayon esa o'lim xavfi qayoqdan kelayotganini bilish uchun qo'zg'almas, taraddudlanib turardi. Otaning qo'li oldinga ohista va sekin talpinardi. Dum nish bilan yuqoriga bir silkindi. Bu daqiqada kulayotgan Koyotito arqonni tebratib yubordi, chayon birdan qulab tushdi.

Otaning qo'llari chayonni ushlab olishga talpigan bo'lsa-da, biroq chayon chetlab uchib borib, bolaning elkasiga tushdi. Unga tegar-tegmas darhol nishini sanchdi. Kino shunda chayonni tutib oldi. Bo'g'iq hayqiriq bilan uni barmoqlarida ezib, majaqladi. So'ngra uni oyoqlari ostiga uloqtirdi-da, jonholatda musht tushira ketdi. Koyotito esa og'riq zo'ridan chinqirishga tushgan edi. Ammo, Kino zararkunandani urishdan, ezig'ilashdan to'xtamasdi. Bu hol yerda faqat nam izigina qolguncha davom etdi. Kinoning tishlari g'ijirlar, ko'zlari g'azabdan yonar, quloqlari ostida esa g'anim qo'shig'i jaranglardi.

Biroq, bola endi Xuananing qo'lida edi. U chayon chaqqanidan qizara boshlagan joyni topni. Jarohatga lablarini bosib, so'rishga kirishdi. Koyotito esa chinqirgani chinqirgan edi.

Kino uning yonida tik turardi: u nima qilishini bilmas, faqat Xuanaga xalal berardi". [2; 7]

Chayon - g'anim qo'shig'ini keltirib chiqaradi. Otaning naqadar g'azab va alam bilan chayonni qayta-qayta ezig'ilab tashlashi ham, volda Xuananing chaqalog'ining chayon chaqqan joyidan so'rib, zaharni chiqarib tashlashga urinishi ham o'quvchida cheksiz hayajon va iztirob uyg'otishi tabiiy.

Xuana bolasini doktorga olib borishni aytadi. Ammo, oqsuyak doktoring hindularga shafqat qilishi, kasalini davolashi oson ish emas. Doktor chaqirsa-ku ikki dunyo bu kambag'allar kulbasiga qadam ham qo'ymaydi. Xullas, go'dakni olib doktor huzuriga yo'lga tushadilar. Hindularga xos og'zibirlik o'zaro bir-birini qo'llab-quvvatlash odaticha atrof-tevarakdagi qo'shnilar, ayrim yaqinlari ham qo'shilib, ular bilan birga borishadi. Adib shu tariqa kulbalarga tutash boyonlar shaharchasining manzarasini chizadi:

“Oldinda Xuana va Kino, ular izidan Xuan Tomas va qorning kattaligidan yo’lda chayqalib borayotgan xotini Apoloniya, so’ngra esa qo’shnilar kelishardi. O’ng va so’lda bo’lsa, mayda odimlar bilan bolakaylar yugurib borardilar. Za’far quyosh ularning ortidan nur sochar, odamlar o’z soylarini bosib, oldga ilgari edilar.

Boyonlar yashaydigan g’ishtin hovlilar ichkarisidagi salqin bog’lar, sharqiroq suvlar, turfa gulzorlar, qafasdan qushlar sayrog’i eshitilgan va ozod, boy kishilar bechora hindular kulbalaridan, ularning nochor hayotidan necha barobar baland yashashi mustamlakachilik zulmining natijasi ekanligini namoyon etadi. Faylasuf yozuvchi buni maxsus ko’rsatgan: bu bilan zo’ravon bosqinchilik manzarasi ko’z oldimizda namoyon bo’ladi.

Yozuvchi tabiiy yo’riqda ish tutib, cherkov ayvonida yashaydigan gadolarning nigohi orqali doktorga xos qalloblik, ayirmachilik, ochko’zlik illatlari haqidagi tavsifni keltiradi:

Cherkov ostonasidagi to’rt gado shaharda ro’y berayotgan barcha narsalardan xabardor edi. Ibadatga kelgan juvonlarning chehrasi ular uchun ochiq kitobdek bir gap. Syunday ayollar cherkovdan chiqishi bilanoq gadolar darhol ularning gunohlarini bilib oladilar. Shahardagi har bir g’iybatdan tortib, ko’plab katta jinoyatlargacha ularga ma’lum edi. Ular cherkovga kiraverishdagi ayvonda uxlar, o’z joylaridan ketmas, hammani, hatto sezdirmaygina kirib, cherkovdan o’z dardlariga malham izlayotgan kimsani ham ko’rib turardilar. Ular doktorni ham yaxshi bilishardi. Uning rasvoligi, shafqatsizligi, ochko’zligi, yebto’ymasligi-yu, gunohlari ham - barcha-barchasi ularga ayon edi. U qilgan barcha muvaffaqiyatsiz abortlarni gadolar bittalab sanay olishar, sadaqaga ham xasislik bilan sariq chaqalarnigina berishigacha bilardilar. Gadolar u narigi dunyoga jo’natgan kishilarni cherkovga qanday olib kirishganlarigacha ko’rishgandi. Ertalabki ibodat tugagani sababli, ishlar maromi bosilgandi. O’z yaqinlari haqida aniq xabar topishda orom bilmas bu gadolar olomonga qo’shilib, kambag’allarining chayon chaqqan bolalariga yog’ bosgan, yalqov doktor qanday munosabatda bo’lishini bilishga qiziqardilar.

Gadolar nazari - darveshlar nigohi kabi to’g’ri va mardona xarakteri bilan e’tiborli. Gadolar uchun ayon bo’lgan munofiq doktorning “rasvoligi, shafqatsizligi, ochko’zligi, yebto’ymasligi, gunohlari” boshqalar uchun ma’lum haqiqat edi. Endi uning bu kambag’alning chayon chaqqan bolasiga qanday munosabatda bo’lishi juda qiziq edi. Gadolar hatto doktorning necha begunoh bandani noto’g’ri davolab, u dunyoga ravona qilganigacha, o’zlariga arzimasi sariq chaqa sadaqa qilishigacha ham yaxshi bilardilar. Olomon doktorning uyi oldiga yetib kelarkan, ichkaridan suvning sharqirashi, qovurilgan go’shtning xush hidi dimoqqa urilardi. Bu g’oyat muhim adabiy detal - boylik-kambag’allik, to’kin turmush-bir burda nonga zor bechoralar taqdirining taqqosini ko’z oldiga keltirish vositasi sanaladi. Doktorning darichasi oldiga borishgan bo’lsa-da, bechora kishilar olomoni ichkariga krishga jur’at etmay, turib qoladi.

“Kino daricha oldida kalovlanib turib qoldi. Doktor u mansub xalq farzandi emas edi. Bu doktor qariyb to’rt asrdan beri Kinoning qabiladoshlarini kaltaklash, ochlikda saqlash, talash bilangina kifoyalanmay, yana ulardan nafratlanadigan, eshigi ostonasiga kelganda xuddi hozirgidek dovdirab qolish darajasigacha qo’rqitgan irqqa mansub edi. Kino bu irqqa mansub kishilar bilan to’qnash kelganda har gal birdan o’zini o’zga va kuchsiz sezar, nogoh yuragida qo’rquv bilan birga allaqanday g’azab ham uyg’onardi. G’azab va qo’rquv doimo yonma-yon yurardi. Kino uchun doktor bilan gaplashishdan ko’ra uni o’ldirish osonroq edi. Chunki, doktorning irqdoshlari uning millatdoshlariga til-zabonsiz hayvondek munosabatda bo’lardilar. Kino o’ng qo’lini darichaning temir halqasiga cho’zayotganida yuragida g’azab jo’shardi. Quloqlarida g’anim musiqasi jaranglab, lablari mahkam jiplashgan bo’lsa-

da, ammo chap qo’li beixtiyor shlyapasiga uzalmoqda edi. Temir halqa darichaga urilib, taraqladi”. [2; 10]

“Javohir” qissasini o’zbek tiliga mahorat bilan tarjima qilgan Amirqul Karimov “Steynbek nasrining ohanrabosi” nomli qissa oxiridagi so’ngso’zida yuqoridagi parchani keltirib, so’ngra shunday yozadi: “Kinoning ko’nglidagi dard istibdod zamonida yashagan minglab millatdoshlarimizga, jumladan, menga ham g’oyat tanishligi, yaqinligi uchun tarjima qilgandirman balki bu qissani...

Xo’sh, asarning bugungi kundagi dolzarbligi nimada?

Bugun biz istiqloq yaratgan imkoniyatlar natijasida peshona terimiz, aql-idrokimiz bilan istagancha boylik orttirish va uni o’z bilganimizcha sarflash imkoniyatiga ega bo’ldik. Kecha hadik va qo’rquv iskanjasidan chiqqan barchamiz ham boylik va sarvatni idora etish erkini bir xilda istifoda eta olayotganimiz yo’q. Kimdir jon chekib erishgan boyligini o’ylamay sarflab undan osongina judo bo’layotgan bo’lsa, boshqa ayrimlar hayot mohiyatini unutib, boylik bilan umrni ziynatlash o’rniga aslida boylikning quliga aylanib qolmoqda. Har ikki holatda ham ma’rifat, ma’naviyat inson aqlining tarozusi bo’lmas ekan, yo’ldan adashish hech gap emas ekan”. [2; 78-79]

#### **-Tahlil va natijalar (Analysis and results).**

Darhaqiqat, Steynbek ijodining mumtoz namunalari, jumladan, “Javohir” qissasida olg’a surilgan erk, tenglik, ma’naviyat haqidagi jozibador talqinlar har bir yetuk xalq kabi o’zbek xalqining ham erkinlik va odamiylik fazilatlariga haqidagi qarashlari va intilishlari bilan baqamti keladigan fazilatlardir.

O’z uyida yayrab-yashayib o’tirgancha shokolad tanovul qilib o’tirgan doktor xizmatkoriga o’zini uyda yo’q deb aytirib yuboradi. “Bir kamim qandaydir hindularni” zararkunandalarning chaqividan javolash edi. “Men mol do’xtiri emas, vrachman” deb davol beradi. Demak, u munofiqlik bilan hindularni mol o’rnida ko’radi.

Mana, Kino suv ostiga sho’ng’ib, nimalardir aralash salmoqli bir chig’anoqni olib chiqadi. Chig’anoq ichidagi xazina “dengiz olcharlog’ining tuxumicha keladigan kattakon, dunyodagi eng ulkan marvarid edi”. [2; 18]

Bu g’aroyib quvonchli xabar zumda butun shaharchaga, hindular kulbalarigacha tarqalib ulgurandi. Yozuvchi, “ulkan marvarid” voqeasi yuqori tabaqa kishilari muhitidagi ayrim ta’magir va manfaatparast kimsalarning asl basharasini - boylik oldida tiz cho’kishlarigacha tayyor munofiqliklarini ochib tashlaydi. Bular orasida ruhoniylar, olib-sotar do’kondorlar va ayniqsa, doktor alohida ajralib turadi.

“G’aroyib xabar qamish kulbalar, ko’piklanib yotgan dengiz yonidan o’tib, tosh va g’ishtin uyli shaharga yopirildi. Xabar o’z bog’ida sayr qilib yurgan ruhoniylarga yetib bordi va uning ko’zlariga o’ychanlik baxsh etib, cherkov ta’mirga muhtojligini yodiga soldi. Ruhoniylar bunday marvarid qancha turishi mumkinligini taxmin qilar ekan, Kinoning bolasini cho’qintirgan-cho’qintirmaganini, Kino va uning xotinigacha nikoh o’qiganmi-yo’qligini eslashga tirishdi. Xabar do’kon sohiblariga ham yetib keldi. Ular ham o’zlarining do’konlari taxmonlaridagi uzoq turib qolgan erkaklar kiyimlariga nazar tashladilar.

Bu xabar doktorga uning qabulida dard emas, garchi buni na doktor, na xonim tan olmayotgan bo’lsa-da, keksalik azob berayotgan ayol o’tirgan chog’da yetib keldi. Kinoning kimligi oydinlashgach, doktorning yuzidagi ifoda keskinlashdi.

- Uning bolasi - mening bemorim, - dedi doktor.

- Chayon chaqqan ekan, men uni davolayapman.

U yog’ bosgan ko’zlarini yumib, Parijni esladi. Parijda ijaraga olgan xonasi unga hashamdor, birga yashagan, yonoqlari yapaloq jazmani, garchi bu so’zlarga arzimasa-da, har holda, latofatli, ko’ngilchan qiz bo’lib tuyulib ketdi. Doktor nigohini keksa mijozidan olib, bo’shliqqa tikdi. O’zini

Parij restoranida his etdi. Soqiy unga bir shisha vino uzatmoqda edi.” [2; 19]

Do'kondorlarning tamshanishi, doktorning ham yuz-ko'zini ko'zlagan Koyotitoni “Uning bolasi - mening bemorim” deya andishasizlik bilan aytayotgan so'zlari qimmatbaho g'aroyib marvariddan umidvorlik hissi, qora nafs xuruji bilan bog'liq ta'magirlikdir, xolos. Bu - pul-u boylik oldida iymonini sotadigan kapital dunyosining irkit portreti sanaladi. Kutilmagan boylik shavqi bechora Kino-Xuananing ham orzu-umidlar olamini yoritib yuboradi. Mana, Kinoning orzulari tizimi: cherkovda tantanavor nikoh o'qitilishi, ular er-xotin tamoman top-toza, tarxi buzilmagan kiyimlarda; ov miltig'i; o'g'ilchasi maktabga boradi...

“ - Mening o'g'lim maktabga boradi, - dedi u. Qo'shnilar jimib qolishdi. Xuana chuqur nafas oldi. Xuananing Kinodan uzilmayotgan ko'zlari birdan chaqna ketdi. So'ngra go'yo shunday mo'jiza ro'y berishi mumkin yo yo'qligini tekshirmoqchiday tezda nigohini o'z qo'llarida orom olayotgan Koyotitoga qaratdi.

Kinoning yuzidan payg'ambarona nur yog'ilardi.

- Mening o'g'lim kitob varaqlab, o'qiydi. O'g'lim yozishni o'rganib, kitobdagi narsalarni tushunadi. O'g'lim raqamlarni o'rganadi va biz ozod insonlar bo'lamiz. Chunki, u hamma narsani biladigan bo'ladi. Biz ham undan hamma narsani o'rganamiz.

“Suv labiga kelshigach, to'xtab, Ko'rfazga nigoh tashlashadi. So'ngra Kino miltiqni yerga qo'yib, qo'lini qo'yniga tiqdi-da, u yerdan ulkan marvaridni oldi. Marvarid uning kaftida turardi. U endilikda rangi ochinqiragan marvaridning g'adir-budurlashgan sirtiga qaradi. Unda g'azabdan tanib bo'lmaydigan darajaga kelgan o'z qiyofasini hamda yong'in shu'lasini ko'rdi. Marvaridning sirtida hovuzga qulab tushgan kimsaning dahshatga to'la ko'zlari namoyon bo'ldi. Marvaridning yuzasida yana kichik g'orcha ichida yotgan Koyotito aks berdi. Uning jajji boshchasini o'q majaqlab ketgandi. Marvarid endi mudhish va qo'rqinchli edi: u halokatli shish singari oqishtob rangga kirgandi. Kino marvaridning nomutanosib, yovvoyi qo'shig'ini eshitdi. Kinoning barmoqlari bir oz titrab ketdi. So'ngra u ohista Xuana tarafga qayrilib marvaridni unga uzatdi. U harakatsiz tugunini orqalagan ko'yi hamon Kinoning yonida turardi. Bir daqiqagina marvaridga tikilib turgach, so'ngra Kinoning ko'zlariga boqdi-da, sekingiga shivirladi.

- Yo'q, o'zing...

Kino qulochkashlab, bor kuchi bilan marvaridni dengizga uloqtirdi. Kino va Xuana botayotgan quyosh nurlarida uning lipillab uchayotganini kuzatib turishdi. Ular yonma-yon turib, uzoqdan marvarid shaloplab suvga tushganini ko'rishdi, ular vaqt ana shu joydan ko'z uzolmay tikilib qolishdi.” [2; 75]

“Javohir” - katta boylik odamga yaxshilik va omonlik keltirmasligi ham mumkinligi haqidagi falsafiy aqida tasdig'i sifatidagi qissa ham hisoblanadi. Aks holda, shu katta foydadaromad ko'zlanayotgan g'aroyib marvarid topilmaganda, begunoh go'dak Koyotito o'lmagan bo'lishi ham mumkin edi. Asar o'z bag'rida insoniylik sifatlarini ulug'lash, boy-boyonlarga xos ikkiyuzlamachilik, foydaparastlik, manmanlik, notenglik illatlarini qattiq qoralash maqsadlarini jamuljam etgan.

Nazar Eshonqul o'zining roman, qissa va hikoyalarda sharqona ma'naviyat bilan ilg'or jahon adabiyotidagi uslubiy-poetik izlanishlar an'anasini ijodiy istifoda etayotgan yozuvchi sifatida keng kitobxonlar e'tiboriga sazovor bo'ldi. Uning “Urush odamlari”, “Tun panjaralari”, “Qora kitob”, “Momoqo'shiq” qissalari o'zbek nasrida keng rivojlangan qissa janrining yaxshi va ommabop namunalari sanaladi.

Yozuvchining ijod namunalari, jumladan, qissalari turli ilmiy tadqiqotlarning, risola va maqolalarning tekshirish ob'ekti bo'lib kelmoqda. Hatto, yosh olim Nilufar Cho'lieva

“Ijodkor mahorati va janr poetikasi” mavzuidagi nomzodlik dissertasiyasi bevosita N.Eshonqul qissalari tadqiqiga bag'ishlangan. Olima o'z ishida N.Eshonqul qalamiga mansub qissalar matnida qo'llangan ramzlarning asar kompozitsiyasiga ko'ra tasnifi, obrazlar talqini hamda adabiy ta'sir (fol'klor, mumtoz adabiyot ta'siri), asarlar mavzusi va g'oyasi kabi masalalarning aks etishida muallifning badiiy mahorati qirralarini ochib berishni maqsad qilgan”. [3; 5]

Ta'kidlash joizki, adabiyotshunos olimi o'z tadqiqotida N.Eshonqul yaratmalarining xalq og'zaki ijodi motivlariga, mumtoz adabiyotimiz an'analari, sharqona ma'naviyat, ilohiy mohiyatga ega milliylik masalalariga yaqinligini o'rinli ravishda ta'kidlab, ularni xarakterli misollar yordamida isbotlab bergan.

“Javohir” va “Momoqo'shiq” kabi ikki qissani bir-biriga hamohang qilib turadigan omillar, vositalar umumiy yo'riqda shunday shakllarda zohir bo'ladi:

- tasvirda lakonizm, lirik ko'lam, jozibadorlik, histuyg'ularning yoqlinligi;

- matnda, qahramonlar hamda hayotiy voqealar talqinida musiqa va qo'shiq ohanglarining ijrosi yoki tasavvurlaridan foydalanish;

- insoniy hurlik va milliy-ma'naviy qadriyatlarga sadoqat;

“Momoqo'shiq” qissasi, avvalo, nasriy nazmda bitilgan va insoniy go'zalliklarga, ayol ma'naviyati va qadriyatlarga sadoqat g'oyalarini kuylagan matndagi qo'shiq taassurotini beradigan lirik-poetik asar ekanligini diqqat markaziga qo'yish kerak.

Qissa totalitar tuzum davrining o'ziga xos zug'umli tizimi - majburiy mehnat kompaniyasining, ya'ni, paxta terimiga jalb etilgan hasharchilarning dalaga jalb etilish tasviri bilan boshlangan: “Butun brigada so'nggi uch kun hasharchilarga joy hozirlash bilan ovora bo'ldi: har qalay, madaniyat xodimlari, yana biron kori hol yuz bermasin, bizni madaniyatsiz, deb ketishmasin degan istihola bilan shiyponni obdon oqlashdi, yog'och kart o'mniga simto'shaklar o'rnatishdi, shiypon oldidagi o't-o'lanlarni o'rib olishdi, daraxtlarni butashdi, qip-qizil matoga nima uchun zarurligini o'zlari ham tushunmay: “Xush kelibsiz, hasharchilar”, “Oq oltinning bir misqoli ham yerda qolmasin” deb yozilgan turli shiorlar ilib qo'yishdi. Quduqlarni tozalashdi, atrofini qora qog'oz bilan o'rashib kichkina omborxonaga qurishdi - hamma ishni qunt va ishtiyoq bilan berilib bajarishdi: chunki yuqoridan bu yil shiyponga madaniyat vazirligining xodimlari kelishi mumkinligi va shunga yarasha tayyorgarlik ko'rish kerakligi haqida juda ham ehtiyotkorona xabar kelgan edi. Sunbula oyining endi ikki haftasi o'tganiga qaramay, hasharchilar bu yil erta kela boshlagandi” [4; 264].

Yozuvchining o'zi “Go'ro'g'li yoxud hayot suvi” romani kirishida aytganidek, mazkur tasvirdan ham kechagi sho'ro davrining zax hidi anqib turadi, paxta yakkahokimligining tipik qismi - katta-yu kichikni yoppasiga paxta maydonlariga jalb etish uchun barcha xo'jaliklar va qishloqlarda ancha avvaldan shunday tayyorgarlik ko'rilardi. Asarning asosiy voqeligi va g'oyaviy pafosi uchun bu tasvir tugun yoki muqaddima hisoblanadi. Hasharga chiqqan madaniyat vazirligining yuzdan ortiq xodimlari orasida bir savdoyinamo, o'ziga bir qadar bino qo'ygan yozuvchi yigit Shamsi Saloh ham bor.

“Teatrga adabiy emakdosh bo'lgan, keyingi paytlarda “yosh, iqtidorli” deb tan olina boshlagan Shamsi Saloh degan, andak kekkaygan, bu yerda dalada, ayniqsa, yaqqol ko'zga tashlanadigan uzun, jingalak soch qo'ygan, hatto shu sochidanoq iqtidorligini bilib olsa bo'ladigan bir yozuvchi ham bor edi: uni bu yerga kelishga hech kim majbur qilmagandi, u o'z xohishi bilan, e'tirof etishicha, “xalq hayotini o'rganish” uchun kelgan edi. Uning bu yerda paydo bo'lishi hali erga tegmagan ba'zi xonanda va o'yinchi

qizlarning e'tiborini birdan o'ziga tortdi: u haqda adabiy guruhlarda iliq gaplar yurardi: Moskvada o'qigan, uylanmagan..." [4; 267].

Shamsi Salohning qishloq brigadirining qo'shiqchi xotini Muazzam bilan munosabatlari asar syujeti va g'oyasining asosini tashkil etgan. Qissaning lirik ko'lami xushbichim Muazzamning jonbaxsh qo'shiqlari bilan bezanganki, uni asli qo'shiq-qissa deb ham nomlash mumkin. Shamsi Saloh Muazzam kelining qo'shiqlarida katta iste'dod egasini ko'radi. Shunchaki aylangani chiqib, shiypun yonidagi daraxtzor va undan naridagi qovun-tarvuz makoni oldida tiklangan chaylada bir juvon qo'shiq kuylab o'tirganiga duch kelishadi.

Chayla oldida jo'xori so'tasi sitib o'tirgan Muazzamning sehrli qo'shig'i "Javohir"dagi Kino va Xuananing ertalabki oilaviy tashvishlari, Xuananing non uchun xamir qorayotgan alpolda Oila qo'shig'ining yangrashi bilan bog'liq holatni eslatadi. [5; 64]

"Nayzadek yorug' nur qamish kulba devorlari tirqishidan otilib chiqqan, ostonada esa yapaloq to'rtburchak shaklida yastanib olgandi. Kechikkan ko'rshapalak nogoh pirillab o'zini ichkariga urdi. Endi Oila Qo'shig'i Kinoning ortida yangramoqda edi. Oila qo'shig'ining ohanglari Xuana nonushtaga non yopish uchun jo'xori tuyadigan yorg'ichoqqa urilib, ajib jarang taratardi.

Endilikda tong atrofini oqlikka burkab, zudlik bilan o'z hukmiga kirmoqda edi. Ko'rfaz ortidan birdaniga quyosh sho'ng'ib chiqdi. Kino ziyo sochayotgan oftobdan ko'zlarini olib qochdi. U ortida nonni shapatilayotgan kaftlar tovushini eshitdi." [2; 4].

Ikkala kartinada ham qo'shiq inson ruhiyoti va yashash tashvishlarining hamrohi madadkori hamda ma'naviy suyanchig'i sifatida aks etadi.

Har qanday adabiyot boshqalarning ta'sirisiz, mutloq mustaqil holda rivojlana olmasligini hisobga olsak, o'zaro ta'sir muammosi ham naqadar muhimligi ayon bo'ladi [6; 6].

Shamsi Saloh bu olis cho'l, olis paxta dalalari bag'rida changga botib yurgan yosh kelinchak Muazzamning taqdiriga insoniy erki toptalayotgan, beg'ubor iste'dodi hayf bo'lib kelayotgan sanam qiyofasini ko'radi. Yozuvchilik iqtidoriga isyonkorlik va haqiqatgo'ylik xarakteriga tayanib, bu go'zal kelinchakni katta shaharlarga borishga, san'at koshonalarida o'z san'atini namoyish etishiga da'vatkorlik qiladi.

Muazzam 21 yoshda, muallimlar bilim yurtini tugatgan, eri Otaqulni sovxozdan cho'ldagi brigadaga rahbar qilib yuborgach, shu chekka makonda dala ishlari bilan mashg'ul bo'lib qolgandi, orada hatto bir farzandlariyam bor edi.

Hissiyotchana, nozik did ziyoli Shamsi Salohga kelinchakning qo'shiqlariyam, uning va paxta dalalarining ham mute holda ekanligiyam qattiq iztirob bag'ishlardi. Ijodkorona haqiqatgo'ylik uning dilida borlig'idan ayollik malohati taralib turgan xushbichim go'zalning beso'naqay Otaqulga turmushga chiqqaniniyam allaqanday zo'ravonlik va majburiyat bilan bo'lgan hodisa sifatida jonlantirdi.

Qissada inson erki, totalitar tuzum tuzog'idan qutulish imkoni shunday shaklda amalga oshirilishi lozimligi uqtirilayotgandek seziladi. Shamsi Saloh Muazzamni bu bo'g'iq va tor muhitdan keng makonlarga, madaniy qiyofada yuriladigan iste'dodini baralla namoyish eta oladigan muhitga ochiqchasiga da'vat etadi.

To'g'ri, sodda va ishonuvchan Muazzam beg'uborligiga, salmoqli bir ziyolinamo yigitning kuyunib, dildoshlik qilib aytayotgan so'zlariga moyillik bildirganday bo'ladi. Chunki bu sodda go'zallik timsolasining Olloh ato etgan san'atini elga taqdim etish orzusi ham ko'nglida jilolanib turganligi ma'lum. "Har qanday badiiy asarni tahlil etganda ijodkor shaxsini unutish mumkin emas"ligidan kelib

chiqsak, har ikki yozuvchi o'z davrining ijtimoiy muammosini tasvirlashda inson konsepsiyasini asos qilib olganliklarini ko'ramiz. [7; 49]. Ta'kidlash kerakki, "Javohir"dagi Kino va Xuana adabiyotshunosligida ko'pchilik olimlarning diqqatitini tortgan. «The Grapes of Wrath» [8; 22-75]. "Travels With Steinbeck" [9; 5-82] asarlarida yozuvchi ijodi teran tadqiq etilgan. Shuningdek, P. McCartyning John Steinbeck. [10; 9-185], W. Frenchning John Steinbeck's Fiction Revisited [11; 23-71] nomli tadqiqotlarida yozuvchining xarakter yaratish mahorati chuqur tadqiq etilgan.

"Nazar Eshonqulning syujeti real voqelik asos bo'lgan yana bir asari "Momoqo'shiq" qissasidir, - deb yozadi N. Cho'lieva. - Muallif qissa syujeti ekspozitsiyasining o'zidayoq kontrast usulidan foydalanadi. Natijada matnda muhit va qahramonlar, xarakterlararo konfliktga "poydevor" yaratiladi. Qahramonlararo konflikt ularning tashqi ko'rinishi, portretlarida va, albatta, qarashlarida ham o'z ifodasini topadi. Qissa qahramon Muazzamning jo'n, ammo sharqona dunyoqarashi asarda "mashhur yozuvchi" deb ta'riflangan Shamsi Salohning balandparvoz va xudbinona fikrlariga qarama-qarshi qo'yiladi. Qissa yakunida esa, soxta, "zamonaviy va jimjimador" fikrlarining noto'g'ri, o'rinsiz ekani ayonlashgan". [3; 13-14]

To'g'ri, Shamsi Salohning san'atkor qizga g'amxo'rlik qilmoqchi bo'lgan hamdardliklari garchi biroz soxtalikka, balandparvozlikka o'xshab ko'rinsa-da, uning inson, ayniqsa, ayol erki va qadri uchun jonkuyarligi o'z ijobatiga ega.

Yozuvchi Sharq ma'naviyati, miliy qadriyatlar, san'at adabiyotda Yevropadan qolishmaydigan salohiyatimiz xususidagi teran mushohadalarini Shamsi Salohning Otaqulga aytgan so'zlari orqali talqin etgan: "Axir biz qachongacha Yevropadan o'rnak olamiz, ularni o'qib o'rganamiz, san'at, jasorat deganda ularni misol qilib ko'rsatamiz?! Xo'sh, o'zimizda nega yo'q?.. Sababi minglab Muazzamlar oila botqog'iga botib, ko'rinmay yotibdi, mana bunaqa tashvishlar ulardagi tabiat in'om etgan iste'dodlarni yeb bitiryapdi. Tug'ish, qozon-tovoq, dala ishlari, g'iybatlar, uydirmalar - qanchalik ko'p ayollarimizni qurbon qilmayapdi deysiz. Tuzukkina qobiliyati bor ayollarimiz bir bola tug'adi-yu, to'ng hammasini unutadi; keyin quyonga o'xshab har yili tug'averadi, tug'a-tug'a, azbaroyi arvohga aylanadi - johil er, qora turmush, chirqillab turgan bolalar - mana bizga Yevropaga yetib olishimizga nima to'sqinlik qilyapti?" [4; 302]

O'zbek ayolining, ayniqsa, umri paxta dalalarida o'tayotgan, qora mehnatdan boshi chiqmaydigan mushtipar ayollarning og'ir ahvoli haqidagi so'zlarda N. Eshonqulning inson erki, minnatli paxta yetishtirishning fojialari haqidagi qarashlari asarning ijtimoiy salmog'ini belgilaydi.

Qissaning bir o'rnida dala shiypnidagi yordamchi yosh-yalanglarning rok musiqalarini baland ovozda qo'yib, dikonglab, telbavor o'yin tushayotganliklari talqin etilgan. Madaniyat vazirligidek milliy madaniyatni, ulug' milliy qadriyatlarini targ'ib qilishga yo'naltirilgan tashkilotning xodimlari-ku ommaviy madaniyat tegirmoniga suv quyadigan rok musiqaga tanda qo'yishi o'rinli ravishda tanqid qilinyotganligi sezilarlidir. Shu ma'noda Muazzamning milliy ruhdagi qo'shiqlari ruhidan sof va teran milliy madaniyat tizimini yuksaltirish da'vati o'z ijobatiga ega.

"Momoqo'shiq" qissasida adib keng masshtabda bo'lmasa-da, kishilararo, fikrlararo, g'oyalararo konfliktlarni badiiy jihatdan ancha mahorat bilan talqin qila olgan.

"- Siz qiynalyapman dedingiz... qo'shiq aytish yagona orzum dedingiz... Men esa sizni o'qitish uchun hamma narsani gaplashib qo'ydim. Siz faqat borsangiz bo'ldi - qo'lingizni sovuq suvga urmaysiz, faqat ovozingizni parvarish qilish bilan mashg'ul bo'lasiz; o'qiyasiz, o'rganasiz, eng muhimi - yaxshi, bilimdon, dardi katta odamlar ichida bo'lasiz... Istiqbolingiz

o'z qo'lingizda bo'ladi... Bu yerda ovozingizdan ajralib qolishingiz mumkin. Men ko'p mulohaza qildim, - sizni qutqarishning yagona yo'li shu ekan - siz ketishingiz kerak, yaxshi, san'atni tushunadigan odamlar bilan birga bo'lishingiz kerak. Agar eringiz bu yerdan ketishni istamasa, sizning hech qanday aybingiz yo'q, siz o'z baxtingizni izlab ketgan bo'lasiz...

- Men hech qayoqqa ketmayman, - dedi Muazzam uning gaplaridan g'ashi kelgandek, kesib-kesib, - men qiyin deb o'zimni emas, barcha qishloq ayollarini nazarda tutgandim, lekin hech qachon men sizga baxtsizman deb aytmaganman. Ha, mening qo'shiqchi bo'lish yagona orzum edi, biroq nachora, men erimning izmidagi ayolman; unga bo'ysunishim kerak" [4; 308].

**-Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations).**

Yozuvchi Muazzam obrazi talqinida hayot haqiqati maromini saqlay olgan. Mabodo u sentimal ruhdagi Shamsi Saloh davatlariga, aslida uning o'ziga, chiroyli raftoriga g'oyibona mahliyo bo'lib, markazga - madaniy muhitga yo'llayotganiga bo'ysunib, shu yo'ldan ketsa, erining noroziligiga e'tibor bermay, bolasiniyam tashlab, o'sha markaz tomonga ravona bo'lganida, hayot mantig'iga, qishloqning sadoqatli va

mehnatkash ayoli ma'naviyatiga tamoman zid ish qilgan va asarning jozibali haqqoniyatiga ham putur etgan bo'ladi. "Javohir"dagi Kino bilan Xuana suyukli farzandidan judo qilgan, o'z hayotlariga ham ajal xavfini solib turgan ko'rkam va qimmatbaho marvariddan mardona voz kechganlari kabi, olis qishloqning mehnatkash va san'atkor qizi Muazzam ham suyukli eri va farzandini, dalalari va ekin-tikinlarini san'atdan kechishi mumkin bo'lgan dovrudan baland qo'yadi. "Momoqo'shiq" shu hayotiy haqqoniyligi bilan ham o'ziga xos teran qissa hisoblanadi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak "Javohir" qissasi J.Steynbek ijodining eng yorqin, eng isyonkor namunalaridan biri. Adib bu bilan F.Kuper, G.Bicher-Stou, M.Tven, J.London kabi hamkasblari qatori bechora hindular erkining va qadr-qimmatining ulkan himoyachisi sifatida katta mavqe hosil qiladi.

"Momoqo'shiq" - mahalliy xalqning Sho'ro siyosati davridagi madaniylashgan, paxta yakkahokimligining maydonida o'z erksizligini anglolmay qolgan kuchlar timsolining talqini kabi jozibali, tarixiy-lirik uslubi bilan alohidalik kasb etadi.

**ADABIYOTLAR**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Qarori. Kitob mahsulotlarini nashr etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ib qilish bo'yicha kompleks chora tadbirlar dasturi to'g'risida. "Xalq so'zi" gazetasi, 2017 yil 14 sentabr.
2. Steynbek J. Javohir. Qissa. "Ma'naviyat", Toshkent-2000, 3-bet.
3. Cho'liyeva N. ijodkor mahorati va janr poetikasi (Nazar Eshonqul qissalari misolida). Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. Qarshi-2020, 5-bet
4. Nazar Eshonqul. Momoqo'shiq. Qissa va hikoyalar. G'.G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, Toshkent-2019, 264-bet.
5. Colyman M. Why teachers treasure Steinbeck's tales. N.Y. 2002; Wyatt D. Steinbeck's light. N.Y. 2002
6. Qosimov A. Adabiyotda tipologik o'xshashliklar va o'zaro ta'sirT.: Fan, 2004.130 b.
7. G'aniyev I. taqdirimiz o'z qo'limizdami? T.: "Akademnsht", 2013.-112 b.
8. J. Critical essays on Steinbeck's «The Grapes of Wrath». Boston, 1989;
9. Harmon M. Monterey: Travels With Steinbeck. N.Y. 2002;
10. McCarty P. John Steinbeck. N.Y. 1980; French W. John Steinbeck's Fiction Revisited. N.Y. 1994;
11. Parini J. John Steinbeck. JI Biography. N.Y. 1995; Benson J.J. Looking for Steinbeck's Ghost. N.Y. 1991.



**Қобил ЭГАМНАЗАРОВ,**

Самарқанд давлат чет тиллар институти мустақил тадқиқотчиси  
[gobilegamnazarov2@gmail.com](mailto:gobilegamnazarov2@gmail.com)

### QUALIFICATIVE INDEFINITE QUANTITATIVE SYNTAXEMA OPTIONS

Annotation

Analysis of syntactic units of indefinite pronouns in the structure of English and Uzbek. The article deals with the definition of the variants of qualificative indefinite quantitative syntaxemes and to distinguish what other syntaxemes on the base of syntactical relations.

**Key words:** qualification, syntax, categorical, foreign language, quantitative, indefinite, subordinative relations.

### ВАРИАНТЫ КВАЛИФИКАТИВНЫХ ИНДЕФИНИТНЫХ КВАНТИТАТИВНЫХ СИНТАКСЕМ

Аннотация

Анализ синтаксических единиц неопределенных местоимений в структуре предложений и выявление категориальных дифференциальных синтаксико-семантических признаков на основе которых отличить индефинитные количественные синтаксем и их варианты в зависимости от позиции неопределенных местоимений в предложении.

**Ключевые слова:** кваликативность, синтаксис, категория, иностранный язык, квантитативность, неопределенность, соборднативная связь.

### КВАЛИФИКАТИВ ИНДЕФИНИТ КВАНТИТАТИВ СИНТАКСЕМА ВАРИАНТЛАРИ

Аннотация

Ноаниқ олмошли гап таркибидаги синтактик бирликларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш, категориал дифференциал синтактик-семантик белгиларни аниқлаш, улар асосида ноаниқ олмошларнинг гап таркибида тутган ўрнига қараб нокатегориал белгилардан кваликатив индефинит квантитатив синтаксема вариантларини ажратиш.

**Калит сўзлар:** кваликативлик, синтаксема, категориал, чет тили, квантитатив, индефинит, тобе компонент.

**Кириш.** Тилшунослиқда инглиз ва ўзбек тиллари тизимида ноаниқ олмошларни қиссий типологик жиҳатдан ўрганишда жиддий ютуқларга эришилган. Шу билан биргалиқда, қардош ва қардош бўлмаган тиллар тизимида ноаниқ олмошлар ифодалаган синтактик бирликларнинг гап таркибидаги тил бирликлари билан синтактик алоқаларини аниқлашда янги таҳлил усулларидан фойдаланиб, яъни компонентларга ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш эҳтиёжи мавжуд. Бу эса мавзу бўйича бажарилган тадқиқотлар қўламини янги лингвистик ёндашувлар билан бойитади.

Ноаниқ олмошли гапларни инглиз ва ўзбек тилларида чоғиштириш жараёнида гап таркибида келган синтактик бирликларни компонентларга ажратиб таҳлил қилиш, уларнинг синтактик алоқаларини аниқлаб, компонентларнинг дифференциал синтактик белгиларини ҳамда уларнинг гапдаги синтактик ўрнини аниқлаш синтагматик йўналишда қарама-қарши қўйиш ёки контраст усули орқали ажратилди. Гап таркибидаги синтактик бирликларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилишда, авваламбор, категориал дифференциал синтактик-семантик белгилар аниқланади, улар асосида ушбу бирликларнинг гап таркибида тутган ўрнига қараб нокатегориал белгилар ажратилади. Синтаксемаларни аниқлашда таҳлил қилинаётган гапдан ташқари, бошқа гапдаги бир хил синтактик ўринда келган элементларнинг функционал мақоми ҳам киёсланади. Бу ўринда профессор А.М.Мухиннинг қуйидагича фикрини келтириш мумкин: “Гап қурилмасини компонентларга ажратиб таҳлил қилиш, яъни синтактик бирликларнинг синтактик алоқаларини аниқлаш ҳамда уларнинг дифференциал синтагматик белгиларининг бир-бирдан фарқини очиб таҳлил қилиш структурал синтаксиснинг объекти ҳисобланади. Гапдаги синтактик бирликларни парадигматик йўналишда синтаксемаларга ажратиб

таҳлил қилиш эса функционал синтаксиснинг вазифасига қиради” [1;198-6.].

Гапни лингвистик тадқиқот методлар ёрдамида таҳлил қилиш қуйидаги имкониятларни яратади: биринчидан, гап таркибидаги синтактик бирликларнинг шаклий ва мазмуний хусусиятларини ўрганиш мумкин; иккинчидан, гапларни синтактик ва семантик жиҳатдан таснифлашни асослаб беради; учинчидан, гап таркибидаги элементларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш жараёнида тизимли муносабатларни синтактик қатламда ўрганишга ундайди. Чунки ҳар бир синтаксема синтактик бирликларнинг мазмунини ташкил этади, бу эса синтаксемалар парадигматик қаторини аниқлашда тадқиқотчига кенг имконият яратади; тўртинчидан, моделлаштириш ва экспериментал кузатиш методларидан фойдаланишга кенг йўл очиб беради. Шунингдек, синтаксемаларнинг систем муносабатларини ва уларнинг вариантларини ажратиш турли тизимли тилларда ноаниқ олмошли гапларни қиссий тадқиқ қилиш асосий негиз сифатида хизмат қилади.

Кваликативлик ҳам синтактик сатҳда категориал дифференциал синтактик-семантик белгилардан бири бўлиб, унинг процессуаллик ва субстанциалликдан фарқи шундаки, у субстанциянинг ёки жараённинг умумий тавсифини кўрсатади. Бу тавсиф эса кваликативлик, компаративлик, стативликни ифодалаши мумкин. Гап қурилмасида унинг лексик манбаи сифат, аъдетивлашган элементлар, сон, от каби тўпламда шаклланади. Категориал дифференциал синтактик-семантик белгилардан кваликатив ва унинг нокатегориал белгилари ҳақида қатор тадқиқотлар ўтказилган, аммо индефинит синтаксема ҳақида кваликативлик доирасида кузатилмаган.

Масалан, Н.А.Антипина *модал феъл+инфинитив* мисолида кваликативлик асосида модал кваликатив, модал статив [2; 18-6.], О.Е.Филимонова эса фақат

кваликатив квалитатив ва кваликатив стив синтаксемаларни аниқлашда “*боглама феъл+сифат*” доирасида чегараланган [3; 14 – 15-б.]. Кваликативлик категориал синтактик-семантик белгилардан бири бўлиб, у шахс ёки предметнинг у ёки бу хусусиятини кўрсатади. Квалитативлик – сифатни, квантитативлик – сонини ёки стивлик ҳолатини ифодалаши мумкин [4; 95-б.]. Айрим тилшунос олимлар дифференциал категориал субстанциал ва кваликатив белгиларни поссессив синтаксема қамровида бир-биридан фарқлашга ҳаракат қиладилар. Масалан, М.Ю.Маскин синтактик бирликларни отнинг қараткич келишик шаклида [Sg+S], ҳамда отнинг предлог “of” билан [S+of S] бириктиб келишида фарқлайди. Отлар Sg+S шаклида кваликатив поссессив синтаксемани ифодаласа, S+of S шаклида субстанциал поссессив синтаксемани ифодалайди [5; 80-б.].

**Асосий қисм.** Мақолада инглиз ва ўзбек тиллари гап таркибида ноаниқ олмошлар ифодалаган кваликатив индефинит синтаксеманинг парадигматик қатори аниқланиб, қиёсий таҳлил қилинади.

Инглиз тили гап таркибида ядро бўлмаган тобе компонент ўрнида ноаниқ олмошлардан *some* ва *any* кваликатив индефинит синтаксемасининг қуйидаги вариантлари аниқланди:

- **Кваликатив индефинит квантитатив синтаксема:**

1) *Jack poured in some water* [E.N. 129].

2) *...and I'll have them mash some potatoes with the klim* [E.N. 285].

Индефинит квантитатив синтаксемани *some* ёки *any* ифодалаганда улар саналадиган отларга тобе бўлса, кўплик шаклида берилиб, уни исботлашда *how many?*, агар саналмайдиган отлар билан келса *how much?* сўроқларини бериш орқали аниқланади:

1) *Jack poured in some water* → *how much water did Jack pour?*

2) *And I'll have them mash some potatoes with the klim* → *how many potatoes shall I have them mash with the klim?*

- **Кваликатив индефинит квантитатив аддитив т синтаксема:**

1) *He didn't want to tell any more lies* [E.N. 106].

2) *They don't make them any more* [E.N. 60].

- **Кваликатив индефинит квантитатив электив синтаксема:**

1) *Tell me some of their names* [N.H. 144].

2) *Who is your old man? Some of those society kids'll say to them* [E.N. 129].

- **Кваликатив индефинит квантитатив компаратив синтаксема:**

... *he must not turn like some snake biting itself...* [E.N. 282].

- **Кваликатив индефинит квантитатив темпорал т синтаксема:**

*Some nights too I made up streams* [E.N. 92].

Таҳлил қилинган мисоллардан маълумки, инглиз тили мисолида категориал белгилардан кваликативлик доирасида ноаниқ олмошлар индефинит квантитатив, индефинит квантитатив аддитив, индефинит квантитатив электив, индефинит квантитатив компаратив, индефинит квантитатив темпорал синтаксемалар аниқланди.

Ўзбек тили гап таркибида ноаниқ олмошлар қуйидаги кваликатив индефинит синтаксемаларни ифодалаши мумкин:

- **Кваликатив индефинит квантитатив синтаксема:**

1) *Димогини ёриб юборгудай қўланса бир хид келар* [C.A. 207].

2) *Бир қанча мўйсафидлар буни эшитиб, биздан илтимос қилдилар* [П.Қ. 256].

- **Кваликатив индефинит квантитатив аддитив синтаксема:**

1) *Бир банка асал, тиш чўтка, яна аллақанча майда-чуйдаларни олди* [Ў.Х.Н. 11].

2) *Хон тоғамиз бизга биронта ҳам навқарини ёрдамга юбормади* [П.Қ. 180].

- **Кваликатив индефинит квантитатив поссессив синтаксема:**

1) *...бу тўғрисида институтда гаплашишни негадир икковлари ҳам хохлашмасди* [Ў.Х. 105].

2) *Энгашиб бош суқиб қараган эди, қандайдир бир нарсанинг дўмпайиб турганини кўрди* [C.A. 613].

- **Кваликатив индефинит квантитатив объект синтаксема:**

*Тоҳир бир неча қадам юрди-ю, кейин ниманидир эслаб, осмонга қаради, офтоб оқиб борар эди* [П.Қ. 303].

- **Кваликатив индефинит квантитатив социатив синтаксема:**

*Бобурнинг ўзи ҳам ҳали беклари билан бирор марта ичкилик базми ўтказган эмас, фақат Қобулда Моҳимга уйлангандан кейин хушбўй чоғирлардан бир-икки марта татиб кўрган эди* [П.Қ. 384].

Ўзбек тили гап таркибида ноаниқ олмошлар тобе компонент ўрнида кваликативлик қамровида индефинит квантитатив, индефинит квантитатив аддитив, индефинит квантитатив поссессив, индефинит квантитатив объект, индефинит квантитатив социатив, индефинит темпорал квантитатив синтаксемалар аниқланди.

Кваликатив индефинит квантитатив синтаксемаларни қуйидагича жадвалда бериш мумкин:

1-жадвал

ЎД	Инглиз тили	Ўзбек тили
QlfQunInd	+	+
QlfQunadInd	+	+
QlfQunElInd	+	-
QlfQunCmpInd	+	-
QlfQunTmInd	+	+
QlfQunObInd	-	+
QlfQunScInd	-	+

Мазкур белгиларнинг изоҳи қуйидагича:

ЎД – ядро бўлмаган тобе компонент;

Qlf – кваликатив синтаксема;

Qun Ind – квантитатив индефинит;

QunAdInd – квантитатив аддитив индефинит;

QunElInd – квантитатив электив индефинит;  
 QunCmpInd – квантитатив компаратив индефинит;  
 QunTmInd – квантитатив темпорал индефинит;  
 QunPsInd – квантитатив посессив индефинит;  
 QunObInd – квантитатив объект индефинит;  
 QunScInd – квантитатив социатив индефинит;

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки ноаниқ олмошлар гап таркибида ядро бўлмаган тобе компонент ўрнида категориал дифференциал синтактик-семантик белгилардан квалификативлик доирасида инглиз тили мисолида индефинит квантитатив, индефинит квантитатив аддитив, индефинит квантитатив компаратив, индефинит квантитатив темпорал, ўзбек тили материали асосида индефинит квантитатив, индефинит квантитатив аддитив, индефинит квантитатив посессив, индефинит

квантитатив объект посессив, индефинит квантитатив социатив посессив, индефинит темпорал квантитатив вариантлари аниқланди. Қардош бўлмаган тиллар тизимида квалификатив индефинит синтаксемаларни тобе компонент ўрни келган ноаниқ олмошларнинг дистрибутив муносабатлари асосида аниқланди ва уларни исботлашда трансформация методининг турли усулларидадан фойдаланилди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Мухин А.М. Функциональный синтаксис. Функциональная лексикология. Функциональная морфология. – Санкт – Петербург: 2007. –198с.
2. Антипина Н.А. Составные синтаксические элементы “модальный глагол + инфинитив” и модальные конструкции в структуре предложений современного английского языка // Автореф. дисс... канд. филол. наук. Ленинград, 1974. – 20с.
3. Филимонова О.Е. Стаивная синтаксема в английском предложении. (На материал сочетаний связочного глагола со словами категории состояния, прилагательными и предложно-именными группами) // Автореф. дисс... канд. филол. наук. ЛГПИ им. А.И.Герцена. – Ленинград, 1978. – 24 с.
4. Усманов.У., Кучибаев А. Нулевые субстанциальные синтаксемы в позиции  $NP_1$  неполных предложений английской диалогической речи // Функция и семантика лингвистических единиц Таш.ГПИ им. Низами, Ташкент: 1983. – С. 56-61.
5. Маскин М.Ю. О разграничении квалификативных и субстанциальных посессивных синтаксем в современном английском языке // Лингвистические исследования, 1987. Функционально – семантические аспекты грамматики. – Москва: Институт языкознания. Акад. Наук СССР. 1987. – С. 59-66.

#### БАДИЙ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ВА ҚИСКАРТМАЛАРГА ИЗОХ

- П.Қ. – Pirimqul Qodirov. Yulduzli tunlar. “Abadiy barhayot asarlar” turkumi – Т. : “Navro’z”, 2019. – 576 б.
- С.А. – Саид Аҳмад. Уфқ. – Т.: “Sano-standart” нашриёти, 2019 йил. – 632 б.
- Ў.Х.– О’tkir Hoshimov. Tushda kechgan umrlar. “Abadiy barhayot asarlar” turkumi. –Т.: “Adabiyot uchqunlari”, 2018. – 256 б.
- Ў.Х.Н. - Hoshimov O’tkir. „Nur borki, soya bor” /roman/ “Abadiy barhayot asarlar” turkumi. – Т.: “Ilm-ziyo-zakovat”, 2019. – 256 б.
- Е.Н. – Ernest Hemingway. Selected stories by Ernest Hemingway. – М.: Progress Publisher, 1971. - 378 p.
- М.Е. – Jack London “Martin Eden”. –М.: Foreign Language publishing house, 1960. – 442 p.
- Н.Н. – Nick Hornby. “About a boy”. – United Kingdom. Gonllanz, 1998.-278 p.



УДК: 391.1:4:44

**Зарифа ЭШМУРОДОВА,**  
“Ипак йўли” туризм халқаро университети таянч докторанти  
Почта: [eshmurodova.zarifa@mail.ru](mailto:eshmurodova.zarifa@mail.ru)

Филология фанлари доктори (DSc) Д.Б.Ўринбаева тақризи асосида

### ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИДА КИЙИМ-КЕЧАКЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ЭТНОГРАФИЗМЛАР

Аннотация

Мазкур мақолада ўзбек халқ достони «Алпомиш» ва француз халқ достони «Роланд хақида кўшиқ» матнларининг этнографик лексикаси ўрганилган. Халқларнинг моддий ва маънавий маданиятига оид этнографизмлари, уларнинг ўз навбатида лексик ва семантик кичик гуруҳларга бўлинганлиги аниқланган. Мақолада икки халқ достонида учраган кийим-кечаклар билан боғлиқ этнографизмлар ва уларни маънолари хусусида сўз боради.

**Калит сўзлар:** шалвор, шим, чопон, елбагай, кебанак, авра тўн, астарли тўн, пахталик тўн, чакмон, обер, жанда-кулох.

### ЭТНОГРАФИЗМЫ, КАСАЮЩИЕСЯ ОДЕЖДЫ, В УЗБЕКСКИХ И ФРАНЦУЗСКИХ НАРОДНЫХ ТРАДИЦИЯХ

Аннотация

В статье исследуется этнографическая лексика узбекского народного эпоса «Алпомиш» и французского народного эпоса «Песня о Роланде». Выявлено разделение этнографизмы материальной и духовной культур народов на лексическую и семантическую подгруппы соответственно. В статье рассматриваются этнографизмы, связанные с одеждой, встречающиеся в двух народных эпосах, и их значения.

**Ключевые слова:** шалвар (шаровары), брюки, чапан, елбагай, кебанак, мужские стёганные халаты с ватной прокладкой (авра тун, астарли тун, пахталик тун), чакмон, обер, джанда-кулох (шапка-колпачок).

### ETHNOGRAPHIES RELATING TO CLOTHING IN UZBEK AND FRENCH TRADITIONS

Annotation

The article examines the ethnographic vocabulary of the Uzbek folk epic "Alpomish" and the French folk epic "Song of Roland". The division of ethnography of material and spiritual cultures of peoples into lexical and semantic subgroups, respectively, is revealed. The article deals with ethnographies related to clothing, found in two folk epics, and their meanings.

**Key words:** shalvar (wide trousers), trousers, chapan, elbagay, kebanak, men's quilted gowns with a cotton pad (avra tun, astarli tun, pakhtalik tun), chakmon, ober, janda-kulokh (cap).

**Кириш.** “Инсоният яратган бебаҳо маданият дурдоналари энг аввало ҳар қайси миллатнинг фольклор санъатида мужассам топгани ҳаммамизга яхши маълум. Турли халқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урф-одатларини ифода этадиган бахшичилик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида барчамиз учун қадридлир. Жаҳон маданий меросининг бу ўлмас асарлари бизга инсониятнинг наслу насаби, тарихий илдилари, олижаноб идеаллари бор эканини, бинобарин, турли миллат ва элат вакилларининг келажак сари интилишлари ҳам муштарак эканини англатади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Айни вақтда ҳозирги глобаллашув даврида, тижорат воситасига айланган “оммавий маданият”, шоу-бизнеснинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган мураккаб замонда ҳар қандай миллий маданиятнинг булоғи бўлган фольклор санъатига эътибор ва қизиқиш, афсуски, сусайиб бораётгани ҳам сир эмас. Ҳолбуки, фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, бу - инсониятнинг болалик кўшиғидир” [1]. Дарҳақиқат, халқ оғзаки ижоди, фольклор санъат, урф-одатлар турли халқларни бир-биридан ажратиб турувчи муҳим белгилар сирасига қиради. Жаҳон тилшунослигида миллий урф-одат ва қадриятлар, халқларнинг моддий ва маънавий маданияти, турмуш тарзи хусусида лингвомаданий ахборотни ўзида жамловчи этнографик лексикани кенг ўрганиш ва тилларнинг ноёб хазинаси бўлган этнографизмларни келажак авлодларга

етказиб бериш долзарблик касб этмоқда. Зеро, этнографизмлар умуммиллий этнографик лексика билан тарихий-генетик жиҳатдан муштараклик касб этган ҳолда ўзида моддий ва маънавий маданиятни акс эттирувчи алоҳида этномаданий мазмун ташйиди. Шу нуқтаи назардан этнографизмларнинг лексик-семантик хусусиятларини систем тарзда ўрганиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Дунё тилларидаги этнографизмларни тарихий-ижтимоий ва лингвистик асосларини тадқиқ этиш орқали муайян халқнинг фани, миллий тили, тарихи, урф-одатлари, анъаналари, маданий мероси ва ҳаётий қадриятлари хақидаги маълумотларга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан, қадимги дунё сайёҳлари ва тарихчиларининг афсона ва ривоятлар, турли урф-одат ва маросимлар хақидаги ёзма ва оғзаки ёдгорликлари фольклоршунослик учун ҳам, этнография учун ҳам муҳим манба саналади.

Фольклорни халқ маданиятининг бир қисми сифатида ўрганилганда, этнография ҳам назарда тутилган. Халқ маданиятини ўрганувчи соҳа этнография тан олинганда, фольклор унинг таркибига киритилган эди [9]. Илк бор рус фольклоршунослигида фольклорни тадқиқот объекти сифатида қараган А.Н.Пыпин «История русской этнографии» (1890-1892) асарини нашр эттирди [7]. Мазкур асарда «фольклор» термини остида «этнография» термини тушуниди. Бу ҳақда К.В.Чистов «Фольклор ва этнография» тўпламида қуйидагича ёзади: «Биз

фольклорнинг мустақил, эркин соҳа эканлигига шубҳа қилмоқчи эмасмиз. У жуда кенг ва аниқ мавзуга эга, аммо бу унга яқин бўлган «кўиниси» ва «қардоши» - этнография ва филологияга бўлган асосий муносабатини ўзгартирмайди. <...> фольклорнинг асосий хусусияти шундаки, у бир вақтнинг ўзида ҳам филология, ҳам этнография соҳаси сифатида қолаверади, чунки ҳар бир халқ ҳодисаси бир вақтнинг ўзида халқ ҳаётининг ва шу билан бирга оғзаки санъатнинг ҳақиқати бўлиши муқаррардир [4]». Шу сабабдан фольклор асарлари ранг-баранглиги, яратилиш жиҳатдан қадимийлиги, ғоявий-бадий юксаклиги жиҳатдан алоҳида ажралиб туради, унинг тил бирликлари, шу жумладан, лексик бирликлари ҳам система, структура ва меъёрнинг диалектик муносабати асосида шаклланади. Фольклор система элементларининг яхлит мажмуи сифатида ўзида этнографик лексикани ташийдди. Миллат тафаккурининг ўзига хос жиҳатларини белгилашда муҳим мезон вазифасини бажарадиган этнографик лексика замирида аждоқларимиз иктидорининг тарихий илдизлари ва тадрижий ривож мужассамлашган.

**Тадқиқот меодологияси.** Ишимизнинг таҳлил объекти сифатида танланган ўзбек халқ достони «Алломиш»[8] ва француз халқ достони «Роланд ҳақида кўшик» [12] матнларининг этнографик лексикасини ўрганганда, халқларнинг моддий ва маънавий маданиятга оид этнографикаларини, уларнинг ўз навбатида лексик ва семантик кичик гуруҳларга бўлинганлигини аниқладик:

**1. Моддий маданиятга оид этнографикалар:**

- а) кийим-кечаклар билан боғлиқ этнографикалар;
- б) хўжалик ишлари билан боғлиқ этнографикалар;
- в) қурол-аслаҳа номлари билан боғлиқ этнографикалар;
- г) ўсимлик номи билан боғлиқ этнографикалар.

**2. Маънавий маданиятга оид этнографикалар:**

- а) маросимлар ва урф-одатлар билан боғлиқ этнографикалар;
- б) халқ мусиқа асбоблари билан боғлиқ этнографикалар;
- в) мифология билан боғлиқ этнографикалар.

Мазкур мақолада кийим-кечаклар билан боғлиқ этнографикалар хусусида фикр юритмоқчимиз.

Кийим-кечаклар инсоният турмуш тарзи тараккиёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланган. Инсоният тарихидаги илк энг муҳим ихтиролардан бири кийим-бошлар ҳисобланади. Чунки инсониятни ҳайвонот олампидан унинг тафаккури қобилияти ажратиб турса, ушбу тафаккурнинг бир меваси либосдир [2]. Барча халқларнинг кийим-кечак, тақинчоқ, заргарлик буюмлари кўп асрлик тарихга эга. Ҳар бир этнографик лексика ва этник гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятли кийим-кечаклари, тақинчоқлари бўлса-да, этносларнинг тарихий тақдири, маданияти узоқ давр халқларнинг ўзаро алоқадор бўлганлигидан далолат беради. Археологик қазималар, девор ва буюмларда акс этган тасвирлар, фольклор асарларида аждоқларимизнинг ўтмишдаги кийим-кечак, тақинчоқ ва заргарлик буюмлари тўғрисида бой маълумотлар беради.

Европада Ўрта асрларда кийим-кечак жуда кўп ва хилма-хил бўлган. Улар жуда содда бўлишига қарамай, ўша кийимни кийган кишининг жамиятдаги ўрнини акс эттирган. Биз руҳонийни, роҳибни, адвокатни, зодагонларни, буржуа, деҳқонларни ... кийган костюмларидан таниймиз. Ҳукмдорлар ва аслодаларнинг кийимлари қимматбаҳо мато, мўйна ёки алоҳида ранглар орқали ажралиб турган.

**Таҳлил ва натижалар. Кийимларнинг этнографик лексикаси:** ўзбек достонида *шалвор, шим,*

*чопон, елбагай, кебанак* каби, француз достонида *қўлқоп, жилет (чакмон)* каби этнографик лексикалар қўлланган.

Ўрта Осиё халқларининг миллий кийимларига бағишланган илмий ишлар билан таниқли этнограф олимлар О.А.Сухарева, П.Н.Лобачева, М.В.Горелик, М.А.Бикжанова, Н.Содиқова кабилар шуғулланганлар.

Эркаклар кийим – бошлари: уларнинг кийими ҳам елка ва бел, устки ва ички кийимлардан иборат бўлган. Елка кийими ички кўйлак ва устидан кийиладиган кафтандан иборат. Уларнинг бичими туникасимон, шакли тўғри бўлган. Кийим гавдага сал ёпишиб турган. Узунлиги бўксасидан пастроқ ёки тиззагача эди. Узун енг тор ёки кўндаланг тахламали бўлган. Белга белбوغ боғлашарди. Бел кийими тор ёки кўндаланг тахламали иштонлардан иборат бўлган. Бош кийимлари ясси ёки конуссимон қалпоқлар, оёқ кийимлари эса юмшоқ, тепаси қайтарилган этиклар эди [7].

Устки либосга турли-туман хилдаги енгил, иссиқ (пахта солиб қавилган) чопонлар (тўнлар), мўйнадан тикилиб, газлама билан қошланган пўстинлар, чакмонлар, камзуллар, узун ёки қисқа нимчалар киради. Устки кийимлар ичида энг кўп тарқалган ва ҳозиргача етиб келган либос - тўн-чопондир. Тўн тикилишига қараб *авра тўн, астарли тўн, пахталик тўн*, деб аталган. Тўн тикилган матосига қараб *қалами тўн, банорас тўн, бекасам тўн, кимхоб тўн, сурра тўн* ва ҳоказо деб; кимга мўлжалланганлигига қараб эса *бола тўн, куёв тўн, қуда тўн* каби номлар билан аталган. Тўн-чопонлар устидан боғлаш учун *белбоғлар, чорсилар, чарм, духоба камарлар* ишлатилган. Чопонларнинг узунлиги, ранги, кенглиги ва кийиш услубига қараб ҳар жойда ҳар хил бўлган. Ҳамма даврларда ҳам либосга қараб инсонни қайси ижтимоий табакага мансублигини билиш мумкин бўлган [6]. Масалан, *То ўлганча сўйлаб қолган тил бўлсин, // Узунли-қисқали тўнинг мўл бўлсин* (А.34). *Ассалом алайкум, чўлда чўпонлар, // Устига кийгани эски чопонлар* (А.95). *Майдонда жондан кечарман, // Кафан тўнингни бичарман* (А.179). Мисоллардан кўриниб турибдики, инсоннинг яхши, бахтли куни учун «узунли-қисқали тўнинг» мўл бўлиши, тўннинг узун-қисқалиги уни қайси кунга мўлжалланганлигига, «кафан тўнингни бичарман»да айнан «ўлим» билан бўлган ҳолатга урғу бермоқда.

*Алломиш Қўлтойнинг кийимларини кийиб, елкасига жанда-жундани қўйиб, кебанакни устидан елбагай кийиб, сиртидан белини бўғиб...* (А.334). **Кебанак** - асари кигиз, авраси юнг чўпонлар чакмони. Чакмон ҳаво салқинлаган пайтда кийилган, ёмғир, қордан сақлаган [8]. Чакмоннинг бу кўриниши кўчманчи халқлар, чорвачилик билан шуғулланадиган халқларда урф бўлган. **Елбагай** – сарпойчан, бели боғланган, тунни киймай, елкага ташлаш. **Алача** - қўлда тўқилган йўл-йўл ёки жун мато; тўн.

«Роланд ҳақида кўшик» достонида эса *қўлқоп, жилет (чакмон)* каби устки кийимлар қўлланилиб, француз халқининг миллий концепт даражасида тушунилади. Ўрта асрларда рицарларнинг севги худоси, муваффақият қозонишнинг учинчи белгиси бу *қўлқоп* саналган. Ўша даврда қўлқоплар жуда машҳур бўлиб, ҳар бир киши ҳеч бўлмаса битта жуфтга эга бўлган: киролдан тортиб то деҳқонгача. Мўйнали қўлқоплар совуқдан ишончли ҳимоя вазифасини ўтаган. Қўлқоплар «ўзларининг тилларига» эга эди: Ўрта асрларда аёллар елшигичнинг тилини қандай тушунган бўлсалар, эркаклар ҳам шундай маҳорат билан қўлқоп тилини тушунишган [13]. Жумладан, кимгадир битта қўлқопни юбориш уни дуэтнографик лексика га чақирмоқчи бўлиш; қўлқопни юзига уриш - қаттиқ ҳақорат қилиш; аслида ўлимга қадар қурашиш; ўликларнинг қўлларидан қўлқоп кийилган

бўлиши керак; саломлашаётганда қўлқопни ечиб юбориш - тақдирлаш, ўз нафратингни билдириш (бу тасодифан рўй бермаслиги учун XIII аср бошидан камарга ўнг қўлқопини кистириб қўйиш одат тусига кирган; XV асрда иккала қўлқопини кистирган); уйига кираверишда одоб-ахлоқ доирасида «бошдан шаперон (бош кийим)ни, қўлларидан қўлқопларни ечиш» талаб қилинган; XI асрдан бошлаб черков остонасидан ўтаётганда қўлқопни ечмаслик можаро келтириб чиқарган; байрам охирида меҳмондўст мезбон меҳмонларга меҳрибонлик белгиси сифатида кўпинча қўлқоп совға қилган; дўстлик ва ишонч белгиси сифатида қўлқоп совға қилиш одат бўлган; қўлқопни паст табақа кишига бериб, уни вассалига айлантдириш; махсус топширик билан жўнатганда қўлқопини бериш (топширик бажарилгандан сўнг қўлқоп эгасига қайтариб берилади); қўлқопни юқори мартабали кишига топшириш (қоида тарикасида, бу маросим тиззада ўтириб, боши эгилган ҳолда ўтказилади) - ўзини вассал сифатида тақдим этиш, яъни ҳомийлик ва химояни талаб қилиш; қўлқопни ерга ташлаш - хўжайинга итоат этишдан бош тортиш, хўжайин ва вассали боғлайдиган садоқат ришталарини узиш (бу тантанали расм *défi* - «чақирув» деган махсус номни олди); йигит ва хоним рақсни бошлашдан олдин қўлларидан қўлқопларини ечиш талаб қилинган; жаноб хонимнинг қўлқопини ердан олиб, уни эгасига қайтариб бериш, бу суҳбатлашиш қабул қилинганлигини кўрсатишни аниқлаш ва бошқалар.

XV асрнинг биринчи ярмида Франция италиялик мода вакилларининг кучли таъсирига учради. Эҳтимол, бу Карл Орлеаннинг Мантуа губернаторлиги ҳақидаги даъволари билан боғлиқ эди, у амакиси Филиппо Висконтининг ўлимидан кейин меросхўр бўлмоқчи эди. Бу режалар ҳеч амалга ошмасе-да, аммо одатда италиялик княдиган юмалоқ *плащ* - *хук* (фр. *huque, hucque, heucque*) Францияга кириб келди. Тахминан 1436 йилда аста-секин *хук* ўрнига *плащ*, *палето*, *пальто* (*paletot*) кириб келди. Уни тантанали кийим, ливрей ёки ҳарбий плащ сифатида кийишди. Аввал у энгсиз бўлса, кейинчалик ён қисмидан катта қўл чиқариш учун ўйим қолдиришди, сўнгра қўнғирроққа ўхшаш энг тикадиган бўлишди. XXXV. *Il portrait un manteau dezibeline, recouvert de soie d'Alexandrie // У Искандария итаклари билан қопланган чакмон кийган эди* (Р.11). Бу иккала қирол вакилларининг учрашувидан олинган парча. Иккови ҳам ҳашамдор кийинган бўлган. Бунда айнан Ганелон кийимлари тасвири берилади.

LXVII. *L'empereur s'en retourne en France: sous son manteau. Il cache son angoisse // Қирол бақириб (хунграб) йиғлаганини ҳеч ким эшитмасин деб, чакмони остига бошини берктириб хунграб йиғлади ва Франция томон чекинди* (Р.5). CIV. *Il lui brise le heaume où luisent des escarboucles, tranche la coiffe [?] avec le cuir du crâne, tranche la face entre les yeux, le haubert blanc aux mailles menues et tout le corps jusqu'à l'enfourchure // У дубулгани синдирган пайтда қизил ёқут тош ярақлаб кетди, бошидаги чарм билан қопланган бош кийимини, юзларини, халқали тўқилган оппоқ оберини (қуйлак) ва бутун танасини шимининг тасмасигача тилиб ташлади* (Р.2). CXC. *Et les messagers se prennent par leurs manteaux, puis montent au plus haut palais // чакмонларини қўлларига олиб, баланд қаср томон кетдилар* (Р.16). CCLXXXVII. *Le roi a pris Thierry dans ses bras; des grandes peaux de son manteau de martre,*

*il lui essuie la face, puis rejette le manteau: on lui en met un autre // Қирол Тьеррини ва унинг сувсар терисидан бўлган чакмонини қўлларига олди, унинг эгидан чакмонини ечди, юзларини артди ва унга бошқа бир нарса кийдирамаз деди* (Р. 11).

Демак, шундан кўринадики, мисолларда келтирилган уст кийимларнинг келтирилишида табақаланиш кўринади. «Алпомиш» достонида *чўпонлар чопон, яхши ниятлилар тўнинг, камбағаллар кебанакни устидан елбагай*, «Роланд» достонида *қўлқоп ва асо, Искандария итаклари билан қопланган чакмон, халқали тўқилган оппоқ обер (қуйлак), сувсар терисидан бўлган чакмон* каби кийимлар шахснинг қайси мансаб, қайси табақа эгаси эканлигини кўрсатиб турган.

Шу боис, мазкур мақоланинг асосий мақсади ўзбек халқ достони «Алпомиш» ва француз халқ эпоси «Роланд ҳақида қўшиқ» матнларини этнографик терминлар нўқтаи назардан тадқиқ этишдан иборат бўлиб, бу мақсадни рўёбга чиқариш учун қуйидаги **вазифалар** белгиланди:

- француз ва ўзбек халқ оғзаки ижоди эпослари матнларини ўрганиш илмий методларини тасниф қилиш;

- эпик матнларни таҳлил қилишга хизмат қилувчи киёсий-тарихий методнинг умумфилологик метод сифатидаги афзалликларини очиб бериш;

- «Роланд ҳақида қўшиқ» ва «Алпомиш» достонида учраган кийим-кечакка оид этнографик терминларни тадқиқ этиш;

- қадим француз халқ эпик матнлари ва ўзбек халқ достони матнининг яхлит қўламини белгилаш, «Роланд ҳақида қўшиқ» ва «Алпомиш»да қўлланилган бадий тил хусусиятларини ўрганиш;

- «Алпомиш» ва «Роланд ҳақида қўшиқ» достонидаги кийим-кечакка оид этнографик терминларни келиб чиқишини янада мукамалроқ очиб бериш;

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, анъанавий кийим-кечаклар этноснинг ўзига хос этноижтимоий рамзи ёки ҳар бир халқнинг этник мансублигини, ижтимоий ва оилавий ҳолатини кўрсатувчи ўзига хос «этник паспорти», «этнографиявий тимсоли» бўлган. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқ ўз хўжалик йўналиши, турмуш тарзи, яшаётган минтақасидаги иқлим, ижтимоий тузум, мафқуранинг баъзи унсурлари, урф-одатлар, диний эътиқод меъёрларига мос тарзда кийинган. Қолаверса, кийим таракқиёти билан ҳамоҳанг тарзда ўзига хос кийиниш маданияти ривожланган [2].

Ушбу туркум этнографик лексика ўзига хослиги, тарихи билангина фарқланиб қолмай, балки этномиллий ва турмуш тарзи ўзгача бўлиши, урф-одатларини бойлиги жиҳатидан ҳам ўзга халқлардан ажралиб турган. Шарқ ва Ғарб халқларининг тарих синовларидан ўтган байрамлари, маросимлари, урф-одатлари уларнинг ажойиб фазилатлари, миллий хусусиятлари, кадриятга айланган халқчилик руҳи билан суғорилган жиҳатларини, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик хислатларини намоён этади. Халқнинг ўзига хос миллий, руҳий кўринишларининг барчаси халқ этнографиясида ўз ифодасини топади. Ўзбек ва француз халқларнинг қадимий миллий анъаналари ва урф-одатлари ўзида сингдирган ва халқнинг миллий ўзлигининг шаклланиши, этник кадриятлари, тарихи ва маданиятига ҳурмат туйғусини уйғотишга хизмат қилади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // «O'zbekiston ovozi» ijtimoiy-siyosiy gazeta. №28-29. 2019-yil, 8-aprel.

2. Аширов А. Ўзбек халкининг қадимий этикод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубх. нашриёти. 2007, –Б. 179.
3. Бикжанова М.А. Одежда узбеков Ташкента XIX – нач. XX вв. // Костюм народов Средней Азии. – Москва: Наука, 1970.
4. Горелик М.В. Среднеазиатский мужской костюм на миниатюрах XV – XIX вв. // Костюм народов Средней Азии. – Москва: Наука, 1970.
5. Исмаилов С.С. “Француз халк эпослари матнининг лингвопоэтик тадқиқи («Роланд хақида қўшиқ» достони мисолида), Филол.фан.ном. ... дисс. автореф. Т., 2010.
6. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б.152.
7. Сагтарова Х. Марказий Осиё либослари ўтмишида // Маърифат. 2003 йил 24 февраль.
8. Фозил Йўлдош ўғли. Алпомиш. – Тошкент, 1998.
9. Холбеков М.Н. Узбекско-французские литературные взаимосвязи (в аспекте перевода, критики и восприятия). Автореф. дисс. ...доктора филол.наук. – Ташкент: 1991. - 54 с
10. Холбеков М.Н. Французская художественная проза в переводах на узбекский язык (история и переводческий опыт). Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – Ташкент: 1982. - 22 с.;
11. Холбеков М. Ўзбек адабиёти Францияда. – Тошкент: Фан, 1988. – 56 б.
12. Чистов К.В. Фольклор и этнография // Фольклор и этнография. С. 4.
13. Vénier Florent. Les hommes du Moyen âge: paysans, bourgeois et seigneurs à la fin du Moyen âge. — Paris: Éd. Errance, 2008. — 91 p. — (Histoire vivante). — ISBN 2877723739. p. 53—54.
14. Nourali le Preux et Marghoumon-Péri. Choisie, présentée, traduite de l'ouzbek par Rémy Dor. –Langues mondes, IFEAC, 2005. -302 p.

**Лўғатлар:**

15. Узбекско-русский словарь. Ташкент, Гл.ред. Узбекская советская энциклопедия, 1988. – С.106.

**Электрон ресурслар:**

16. [https://fr.wikimini.org/wiki/V%C3%AAatement\\_au\\_Moyen\\_%C3%82ge#Les\\_paysans](https://fr.wikimini.org/wiki/V%C3%AAatement_au_Moyen_%C3%82ge#Les_paysans)
17. [www.lovapourrier.com/index.php?option=com\\_content&view=article&id=400:7-jolies-coutumes-traditions-et-pratiques-de-naissance-dans-le-mon...](http://www.lovapourrier.com/index.php?option=com_content&view=article&id=400:7-jolies-coutumes-traditions-et-pratiques-de-naissance-dans-le-mon...)
18. [https://fr.wikisource.org/wiki/La\\_Chanson\\_de\\_Roland/Joseph\\_B%C3%A9dier/La\\_Chanson\\_de\\_Roland/Texte](https://fr.wikisource.org/wiki/La_Chanson_de_Roland/Joseph_B%C3%A9dier/La_Chanson_de_Roland/Texte), consulté le 25/03/2021
19. <https://journals.openedition.org/asiecentrale/658>,
20. <http://www.nexplorea.com/asia/sejour-ouzbekistan/koupkari-bouzkachi-le-sport-traditionnel-des-nomades.html>



УДК: 82111(100)

**Қандилат ЮСУПОВА,**  
Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси  
E-mail: kandilat@mail.ru

ЎзРФА профессори, ф.ф.д. Ж.С. Эшонкулов тақризи асосида.

### SCIENTIFIC AND THEORETICAL VIEWS ON THE MOTIF OF WATER IN HEMINGWAY'S WORKS

Abstract

This article discusses the usage of water in Hemingway's works. It also summarizes and analyses some prominent novels of the writer, presenting many relevant examples.

**Key words:** water, the sea, Hemingway, a novel, character, motif, works, an ocean, to analyse, realism, psychology, literary critics, to express, an image.

### ХЕМИНГУЭЙ АСАРЛАРИДА СУВ ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ

Аннотация

Мазкур мақолада Эрнест Хемингуэй ижодида сув образининг акс эттирилиши бўйича илмий изланиш олиб борилди. Адиб яратган бир нечта машхур романлар мисолида сув образи атрофлича таҳлил этилди.

**Калит сўзлар:** сув, денгиз, Хемингуэй, роман, образ, мотив, асарлар, уммон, таҳлил этмоқ, реализм, рухшунослик, адабиётшунослар, ифодаламоқ, тасвир.

### ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ОБРАЗА ВОДЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ЭРНИСТА ХЕМИНГУЭЯ

Аннотация

В данной статье было проведено научное исследование изображения воды в творчестве Эрнеста Хемингуэя. Автор данной статье попытались проанализировать образ воды на примере нескольких популярных романов, созданных автором.

**Ключевые слова:** Роман, образ, мотив, сюжет, произведения, анализ, реализм, психология, пейзаж, поэтический образ.

**Кириш.** Бизга яхши маълумки, Эрнест Хемингуэй (1899-1961) ўз асарларида денгиз, дарё, умуман, сув образларидан кенг фойдаланган. Чунончи, адиб қаламига мансуб “Дарёлар ортида, дарахтлар соясида” (1950), “Чол ва денгиз” (1952), “Уммондаги ороллар” (1950-51), романларида сув образи асосий мотив қилиб олинганини яққол кўрамиз. Хемингуэй ўз даврининг нафақат сермахсул ва улугъ ёзувчиси, балки асарларини соф реализм билан яратган, ҳақиқатга, асл ҳаётга заррача ҳиёнат қилмаган том маънодаги мард қалбли инсон ҳам эди. Унинг ўз асарларида сув образидан кенг қўллашига сабаблардан энг биринчиси – адиб болалигиданоқ отаси билан балиқ овиға боришни жуда хуш кўрган, соатлаб дарё бўйида балиқ овлаб вақт ўтказганди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Буюк рус адабиётшунос олими ва танқидчиси, таржимон И.Кашкин эса Хемингуэй асарларида сув образининг фаол қўлланишига қисман қуйидагича фикр билдиради:

“Унинг қаҳрамонларининг биринчи қаторида Ник Адамс туради. Бутун болалиги давомида у Мичиганнинг ўрмону дарёлари орасида кезди, бош лирик қаҳрамони Никни ҳам доим табиат қўйнида, очикқўнғил ва меҳнаткаш, инсонлар билан эса дилкаш руҳда гавдалантирди”. [1] Албатта, Ник Адамс Хемингуэйнинг кичик ҳикояларидаги асосий қаҳрамони эканлиги ёзувчи ихлосмандларига сир эмас, адибнинг Ник орқали ўзининг болалиқдаги сеvimли машғулотли балиқ ови-ю, дарё, денгиз сафарлари хотираларини акс эттириши унинг яна бир ёрқин маҳоратидан дарак беради. Биз ушбу мақоламизда сўз юритмоқчи бўлган сув образи ҳам Хемингуэй жуда кўп асарларида фойдаланган асосий образ ҳисобланади ва ёзувчи сувни бир асарда ҳаёт ва тириклик ўзанига менгасаса, бошқа бир асарда уни қаҳрамонлари психологиясига катта қудрат бериб турувчи

улкан тимсолдек қилиб ўқувчи онгида жонлантиради, айниқса, муаллифнинг бир қатор романларида сув, денгиз, уммон образлари асарлари моҳияти ҳамда персонажларининг руҳиятини очиб беришга бемисл кўмак берган рамз эканлигини кўришимиз ва таҳлил этишимиз мумкин бўлади.

**Тадқиқот методологияси.** Хемингуэй асарлари устида бир неча йўналишда тадқиқотлар олиб бориш мумкин. Чунки, бу ёзувчи ижодида рамзлар, образлар, қаҳрамонлар характери, замон ва макон тушунчалари, тақдирлар, даврлар силсиласи кенг кўламда ва реал воқеликлар асосида очиб берилган. Биз ушбу кичик мақоламиз орқали адиб қаламига мансуб “Дарёлар ортида, дарахтлар соясида”, “Уммондаги ороллар” ҳамда “Чол ва денгиз” асарларида сув образининг қўлланиши ҳамда сув образининг қаҳрамонлар психологияси билан узвий боғлиқлигини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Тадқиқотларимиз жараёнида биргина сув образи билан ҳам Хемингуэй жуда кўплаб ходисаларни, асар мазмун-моҳиятини китобхон шуурига етказиб беришга муваффақ бўлганини англадик.

**Таҳлил ва натижалар.** Хемингуэй 1950 йили “Дарёлар ортида, дарахтлар соясида” номли, қарийб 320 саҳифани ташкил этувчи қалин романини якунлайди. Асар номи Фуқаролар уруши генерали Томас Жексоннинг “Дарёни кечиб ўтиб, ҳув дарахтлар соясида жиндек дам олсак қани эди” жумласидан олинган эди. Табиийки, романнинг бош қаҳрамони эллик ёшли Ричард Кантвелл ҳам генерал Жексонга айни ўхшаш қилиб тасвирланганди. Асар асосан полковникнинг Иккинчи Жаҳон Уруши ҳақидаги хотираларидан иборат, асарнинг биринчи боби истеъфодаги ҳарбийнинг Марано қўлтиғида ўрдак ови тасвиридан бошланади. Полковник бедаво ўтқир юрак хуружидан азият чекарди. Иккинчи бобда эса Кантвелл

беҳтиёр урушда кечган йиллари, хотиралари билан ошно бўлади. Шунингдек, романда яна бир жозибали ва ёш қахрамон венециялик Ренатани ҳам учратишимиз мумкин. У полковникдан ўттиз ёш кичик бўлса-да, Кантвелл унга қаттиқ кўнгли кўйганди. Асар сўнгги афсуски, полковникнинг ўлими билан ниҳоя топади. Биз мақоламиз аввалида айтиб ўтганимиздек, ушбу романлардаги сув образига диққатимизни қаратишни истадик. Хусусан, мазкур романда ҳам куйидаги мисолларга дуч келдик:

- *Болалигимда шу ерда уруш-уруш ўйнардик, - деб ҳикоя қиларди полковник ҳайдовчи.*

- *Худо урган бу мамлакатда ҳатто урушиб ҳам бўлмайдим, - деб жавоб қайтарди унга ҳайдовчи. – Манави дарёни-чи, эслайсизми?*

- *Эслайман, - деди полковник. – Болалигим қолган бу дарё ичида, кейин эса гойиб бўлган, энди бўлса мана уни яна қидириб келаямиз...*” [2].

Бу суҳбатда ёзувчи дарёнинг полковникка нечоғлик кадрли эканлигини кўрсатиш билан бирга, унинг ёшлиги, болалигининг беғубор, безавол кечганлигини ҳам акс эттирган. Қолаверса, йиллар ўтиб, кекса Кантвеллнинг яна шу заминни қидириб, кўмсаб келиши замирида ҳам аввало шу дарё билан боғлиқ хотиралар сабабчи эканлигини китобхонга уқтирмоқчи бўлган.

Яна бир мисолда эса полковникнинг руҳияти сув ва оқим ҳолати билан уйғунлашган ҳолда тасвирланганлигини кўрамиз:

“*Шамол ҳамон жон-жаҳди билан эсаркан, у ўрнидан туриб об-ҳавонинг авзойини ўз кўзлари билан кўриш учун деразаларни очди. Гранд каналнинг шарқий қисмида ҳеч қандай чироқ кўринмас, лекин шундай бўлса-да, полковникнинг нигоҳи дарё сувининг тўлғониб-тўлғониб оқайганлигини илгар эди. Ҳеч қачон бугунгидек расво бўлиб оқмаган бўлса керак, деб ўйлади у ичида*” [2].

Полковникнинг ҳолати бу ерда беҳад маънос, у ўтган ҳаётининг шиддатли онларини чексиз кўмсамоқда, бироқ бу имконсиз, у оғриқ турган юрагини баттар тирнаганча фақат дарёга кўз тикиш билан ором топгандек бўлади.

“Дарёлар ортида, дарахтлар соясида” романи беҳад қайғули эканлиги билан Хемингуэй асарлари орасида ажралиб туради. Асар қахрамонининг ҳатто табиат ходисалари билан ҳам ўз тақдирини боғлаши, мунгли хаёлларга ботиши ҳар қандай ўқувчи қалбини дардга тўлдирди. Биз эса роман номидан бошлаб то унинг адоғигача иштирок этган сув, дарё образларини айнан қахрамон психологияси билан боғлиқ ҳолларини аниқладик ҳамда ёзувчининг бадий маҳоратига яна бир қарра таҳсин ўқидик.

Америка адабиётининг нодир истеъодларидан бўлмиш Хемингуэй шухратини энг баланд чўққига олиб чиққан “Чол ва денгиз” асарида ҳам биз сув образига оид бир талай мисоллар билан тўқнаш келдик. Табиийки, асар сарлавҳасиданок китобхонда воқеаларнинг денгизда, сувда кечиши аён бўлади. Биз тадқиқотларимиз жараёнида “Чол ва денгиз”да сув образининг ишлатилишига доир бўлган тубандагича фикрларни ўқиймиз:

“Чол ва денгиз” асари ёзилиш техникасининг ғайриоддийлиги билан ҳам диққатга молик асардир. Энг муҳим жиҳати асарда фактларнинг ишлатилиши. Асар воқеалари реал ходисаларга асосланган бўлиб, Хемингуэй унда 1936 йил апрел ойида Эсквейрда эълон қилган мақоласида ёзган балиқ ови асосидаги воқеаларни тасвирлайди. Шунинг учун ҳам, асар бошдан-оёқ реал фактларга тўла, ундаги балиқ ови ҳам, денгизчилик одатлари ҳам ўта табиий ва жонли чиққанлигининг сабаби ҳам Хемингуэйнинг шахсан ўзи айнан шу ходисаларни ўз бошидан кечирганлигидир” [3].

Ёки мана бу тадқиқот нуқтайи назаридан олиб қарасак, “Чол ва денгиз” асарининг яна бир қатор муҳим хусусиятларидан бохабар бўламиз:

“Агар Хемингуэйнинг асари мавзуси севги бўлса, табиат тасвирини ҳам шунга монанд қилиб тасвирлайди, борди-ю, уруш ҳақида бўлса, табиат тарзда ҳам шунга мос. Китобхон агар унинг асарини ўқиётган бўлса, ўзини гўё ўша даврга тушиб қолгандай ҳис қилади, ҳатто асар қахрамони ўрнида ўзини кўради. Масалан, “Чол ва денгиз” кассасини оладиган бўлсак, бу кассани ўқиётганда китобхон ўзини уммонда гўё балиқ овлагандай ҳис қилади, гоҳо балиқчи Сантьягога ёрдам бергиси келади, бундай таъсирланиш табиий албатта, лекин унинг асарларидаги бу ҳолат китобга шунчаки кўз югуртириб чиқаётган китобхонни ҳам ўзига жалб этади” [4].

Яна бир олим Варша Кушваханинг фикрига кўра, “Чол ва денгиз” бошдан-охирига қадар рамзларга, бадий образларга ниҳоятда бой бўлган асардир:

“Чол ва денгиз” асарида Хемингуэй жуда кўп характерларни рамзий ҳолатда тасвирлайди, ҳаттоки, денгиз образининг ўзида ҳам инсон яшаб ўтиши керак бўлган умр рамзийлиги яширингандир. Ёзувчининг ижодий мақсадига кўра, денгизда ҳам, ҳаётда ҳам бир қатор имкониятлар ўқувчи кўз ўнгидан парда ортга яширинган ҳолда тасвирлангандир, уларнинг баъзилари тақдир тухфалари бўлса, баъзилари инсон енгиб ўтиши зарур бўлган ҳаётнинг аччиқ ва ситамли синовлари бўлиб акс эттирилгандир. Асардаги баҳайбат марлин балиғи чинакам рақиб сифатида рамзлангандир. У сирли оламнинг ҳар бир инсон англаши шарт бўлган ечилмас тугунидек бўлиб ҳам кўринади...” [5].

Юкорида биз танишиб чиққан ушбу фикр-мулоҳазалар албатта, асарнинг маълум жиҳатлари хусусида баҳс юритади. Дунё адабиётшуносларининг “Чол ва денгиз” тўғрисидаги мунозаралари ҳали битмаган. Биз эса мазкур мўъжаз мақоламиз орқали унда кўлланилган сув образига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Асарнинг илк саҳифалариданок ёзувчи Сантьяго чолни ўз китобхонига тубандагича тасвирлайди:

“Чолда нимаики бор бўлса, бари ҳам эски, фақат денгиз тусини олган мовий, мардона одамларниқига хос кувнок кўзлари бундан мустасно эди” [6].

Ушбу таърифдан кўрамизки, чол бутун умрини денгизда, сув ичида, балиқ овлаб ўтказган, яна ҳам аниқроғи, у кўпинча омадсиз ва йўқсил бўлган. Хемингуэй маҳорати шундаки, у қахрамонини “қўли юпка”, “омадсиз”, “толеъси кулмаган” каби жўн сифатлар билан эмас, аксинча табиат неъматлари орқали таърифлаб, шунинг баробарида унинг қисматини ҳам ўқувчи онгида мохирлик билан чиғиб бормоқда.

Ёки чолнинг денгиз тўғрисидаги хиссиётлари ҳақида сўзларкан, Сантьягонинг сувга бўлган меҳрини, денгизни қанчалик севишини усталлик билан шундай ёритиб беради:

“Чол бўлса доим денгиз дейилганда, гоҳ тенги йўқ саховатлар инъом этиб, гоҳ тумтайиб туриб олувчи хотин кишини кўз олдига келтиради. Агар у энгилтак ёки хунук ишлар қилиб қўйса, нима ҳам қилиб бўларди, табиати ўзи шунақа демокликдан бошқа иложи йўқ. “Ой хотин кишининг қитиғига тегиб, жўштириб юборгандай, денгизни ҳам жавлон урдиради”, деб ўйларди чол” [6].

“Чол ва денгиз” асари тўлалигича, ҳатто сарлавҳасиданок денгиз билан узилмас равишда яратилган асардир. Унда сув образига оид мисолларни кўплаб топишимиз, сув образини қахрамон психологияси билан уйғун ҳолатларини бир неча маротаба таҳлил қилишимиз мумкин. Бироқ Хемингуэйнинг яна бир қатта романида фойдаланилган сув образи тасвирлари ҳам алоҳида

диққатимизни тортади. Бу асар “Уммондаги ороллар” романидир.

Мазкур асар адиб умрининг сўнгги йилларида (1950 йил) ёзиб тугаллаган бўлса-да, негадир ёзувчининг ҳаётлик чоғида нашр этилмай қолиб кетади. Асар қисман “Чол ва денгиз” асарига айнан ўхшаш этиб ёзилган. Ундаги жуда кўплаб воқеалар, ҳолатлар, образлар бу романда ҳам акс эттирилгандир. “Уммондаги ороллар” романи Бимини оролида кун кечирувчи кекса рассом Томас Хадсон ҳамда унинг уч навқирон ўғли – Томми, Дэвид ва Эндрю тақдири тўғрисида ҳикоя қилади. Хадсон ҳар йили ўғилларини таътилга келишини орзиқиб кутади. Романнинг “Бимини” деб номланган биринчи қисми қаҳрамонларнинг китобхонга таништирилиши, шунингдек, Хадсоннинг уйига меҳмон бўлиб келган ёш ёзувчи дўсти Рожер Дэвис образининг тасвири билан бошланиб, асар якуни Хадсоннинг кенжа икки ўғли ва собиқ рафиқасининг ўлими билан тугалланади. Иккинчи қисм “Куба” деб номланган бўлиб, унда кекса рассом энди Иккинчи Жаҳон урушига хизмат қилишни бошлайди. У Куба яқинидаги районга немисларнинг ҳатти-ҳаракатлари ҳақида хабар етказиб туради. Шу жараёнда Хадсон охириги ўғли- тўнғичи Томмининг вафоти тўғрисидаги шумхабарни эшитади. Ана шундан сўнг, у ўзига келолмайди ва аламини ичкиликдан олиб, ярим телбага айланади. Охириги қисм “Денгизда” бўлимида эса Хадсон бир гуруҳ қонунбузарларга қўшилиб қолади, улар қайиқда ноқонуний равишда одам ташишни йўлга қўйган эдилар. Уларнинг жиноятдан воқиф бўлган Хадсон қонунбузарлар билан қаттиқ олишади. Натижада, оғир яраланиб, жон берар чоғида ҳаёлан марҳум ўғиллари билан сўзлашади, ҳасратларини айтади. Романнинг сўнгги боби Хемингуэйнинг яна бир машҳур асари “Бонг кимга чалинаётир?” асари руҳиятига жуда ҳам яқинлиги билан китобхонни завқлантиради.

Биз “Уммондаги ороллар” асаридаги сув образи акс этган жиҳатларини излаб, таҳлил қилишга уринамиз:

“Уй очик денгиз билан гавн ўртасидаги ялангликнинг энсиз учиди энг баланд қисмига қурилганди” [7].

Романнинг илк жумласи ана шу сўзлар билан бошланган. Уйнинг денгиз ёнига қурилганлигидан биламизки, демак, бош қаҳрамон қисмати денгиз билан ҳамоҳанг, уйғундош. Навбатдаги мисол ҳам қаҳрамон ички ҳолатини чизиб бераётгандек бўлади:

“Уйда чўмилишдан аввал қабул қилишдан аввал денгизда сузиб келсам яхши бўларди, деб ўйлади у. Иш бошладан олдин узоқроқ вақт сузиб келмасам бўлмайди, лекин ҳозир жуда чарчадим. Болалар келса шундоғам кўп вақт чўмилгани борамиз. Қолаверса, Рожер ҳам шу ерда. Унинг борлиги мен учун яхши” [7].

Юқоридаги парчадан кўрииб турибдики, Хадсон денгиздан ҳам кўра кўпроқ ўғилларини соғинган ва бу соғинчини у уйига меҳмон бўлиб келган Рожернинг ташрифи билан бироз бўлса-да пасайтиришга уринапти. Бу ерда китобхон қалбида ҳам Хадсонга нисбатан ҳайрихоҳлик, ачиниш ҳисси, ҳам унинг оталик меҳрига бўлган ҳурмат уйғонади.

Ўғиллари ёзги таътилда келганида эса, Хадсон ёш боладек қувонади. У ҳатто уммон сувининг ҳам бошқача оқайтганга ўхшатади:

“Сув шу қадар тинч, шу қадар тиниқ эдики, унинг туб-тубида ҳам сув ўтларини кўрса бўларди, бироқ бир зумда у яна қораяр, чуқурлашар, худди юзасини бир тўда булут қоплагандек қоронғу бўлиб кетарди.

- Ажойиб кун бўладиганга ўхшайди, ота, - деди Том. – Сувни оқишини бир қаранг!

- Бу тенги йўқ ўзан. Уммон четидидаги тўлқинларнинг жингалак бўлиб қирғоққа тўш уришини кўргин-а!” [7]

Денгиз образининг бош қаҳрамон руҳиятига қувват бериши ҳам Хемингуэй асарларида кўп бора тасвирланган. Инчунун, “Уммондаги ороллар” романи қаҳрамони Томас Хадсон ҳам денгиз мавжудлигидан ўзига куч олади:

“Ўша кеча у ухлаганга ётди, тун ярида уйғониб кетганида денгиз соҳилига бориб урилган кема товушини эшитди ва умрида илк бора денгиз ҳавосидан тўйиб-тўйиб симириди, шу чоғ Хадсон ўзини ўз уйида, ўз оролида эканлигидан хотиржам тортиди, мамнуллигидан ҳозиргина кўрган ёмон тушини дарров унутди” [7].

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтганда, жаҳон адабиётида Хемингуэй ижоди атрофлича ўрганилган, бироқ жуда кўплаб образ, рамз ва мотивлар таҳлили ҳали-ҳамон тадқиқ этилмай қолиб кетмоқда. Ваҳоланки, Хемингуэй ижоди серкирралиги, дунёнинг кўплаб етук адабиётшунос олимлари томонидан юқори эътироф этилгани билан ажралиб туради. **Хемингуэй асарларида сув образининг ишлатилишида эса алоҳида мантиқ ва айрича рамзлар яширинган.** Алқисса, бу улуг ёзувчи ижодида, ўлмас асарларида сув образидан бўлак яна қанча-қанча рамзлар, характер ва образлар иштироки бор. Уларнинг ҳар бири эса алоҳида илмий изланишларга мавзу бўла олади.

Жаҳон адабиётшунослигида ҳар бир образ, мотив ва рамзларнинг алоҳида ўрни бор, албатта. Биз тадқиқ этган юқоридаги романларда машҳур адиб Эрнест Хемингуэй услубига мос ғайриоддий рамзлардан бири – сув образининг қўлланишида ҳам шубҳасиз, қатта мазмун мавжуд. Биз бу моҳиятни атрофлича мисоллар билан ёритиб беришга ҳаракат қилдик. Аммо келажакда бу каби образлар таҳлили адабиётшунослигимиз учун сув ва ҳаво каби беҳад зарурдир.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Кашкин, И. “Для читателя-современника”. “Советский писатель”. – М, 1977.
2. Hemingway, E. “Across the River, Behind the Trees”. “Charles Scribner’s Sons” – N.Y.1950.
3. Xie, Yaochen. “Hemingway’s Language Style and Writing Techniques”. 2008, December.
4. Бахрамова, С. “Эрнест Хемингуэй асарларида табиат манзаралари тасвири воситаларини ифодалаш ва ўқувчиларга ўргатиш” битирув-малакавий иши. Андижон, 2014.
5. Kushwaha, Varsha. A Study: Utility of Symbolism in Ernest Hemingway’s writing. International Journal of Research. 2015, August. №8.
6. Хемингуэй, Э. “Чол ва денгиз”. “Ёш гвардия” нашриёти. – Т, 1986-й.
7. Hemingway, E. “The Islands in the Stream”. “Charles Scribner’s Sons”. N.Y.1970